

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХУҚУҚИ

Коллежларнинг ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган
талабалари учун

Д А Р С Л И К

Тошкент-2006

"Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи" дарслиги Тошкент Давлат юридик институтида тайёрланди.

Муаллифлар таркиби:

Усмонов М.Б. ю.ф.д., проф. (Кириш, I, VI, X боблар), Файзиев Ш.Х. ю.ф.д. (II, III боблар), Оқйулов О. Ю. ю.ф.д. (VIII, XII (Ж.Юлдашев билан биргаликда) боблар), Бозоров У.Б. ю.ф.н., доцент (VII боб), Эгамбердиев Э.Э. ю.ф.н., доцент (X III боб), Аюбов У.Т. ю.ф.н. (IV боб), Турсунов Й. ю.ф.н. (IX, XI боблар), Мирзаабдуллаева М.Р. ю.ф.н. (V боб), Нурматов М.М. (XIV боб).

Масъул муҳаррирлар:

ю.ф.д., проф. М.Б.Усмонов,
ю.ф.д. Й.О. Жўраев.

Дарсликда қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг предмети, тизими, манбалари, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш, қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги), фермер ва деҳқон хўжаликларининг ҳуқуқий ҳолати, қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи, қишлоқ хўжалик корхоналари мулкнинг ҳуқуқий ҳолати, қишлоқ хўжалик корхоналари молиявий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш, қишлоқ хўжалик корхоналарида шартнома муносабатлари ва меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалик қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик каби масалалар ёритилган.

Ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалар, учун мўлжалланган. Ундан аспирантлар, ўқитувчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва табиатни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ҳам фойдаланишлари мумкин.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....

I - Боб. Кишлоқ хўжалик ҳукуки тушунчаси, предмети ва тизими.....

1. Кишлоқ хўжалик ҳукукининг тушунчаси ва предмети.....
2. Кишлоқ хўжалик ҳукукининг субъектлари ва объектлари.....
3. Кишлоқ хўжалик ҳукуки тизими.....
4. Кишлоқ хўжалик ҳукукининг ҳуқуқ тизимида тутган ўрни ва бошқа қондош ҳуқуқ тармоқлари билан ўзаро нисбати.....

II - Боб. Кишлоқ хўжалик ҳукукининг манбалари.....

1. Кишлоқ хўжалик ҳукукининг манбалари тушунчаси, хусусиятлари ва таснифи.....
2. Кишлоқ хўжалик ҳукукининг конституциявий асослари.....
3. Кишлоқ хўжалик ҳукукининг манбаи сифатида қонунлар.....
4. Қонун ости меъёрий ҳужжатларининг аграр муносабатларини тартибга солишдаги аҳамияти.....

III-Боб. Кишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш.....

1. Кишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг тушунчаси мақсади, йўналишлари ва хусусиятлари.....
2. Кишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг шакллари, тамойиллари.....
3. Кишлоқ хўжалигини тартибга солувчи давлат органлари тизими уларнинг асосий йўналишлари.....

IV-Боб. Кишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг ҳуқуқий ҳолати.....

1. Кишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг ҳуқуқий ҳолатига умумий тафсиф.....
2. Кишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)га аъзолик.....
3. Кишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)ни бошқариш.....
4. Кишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг мол-мулки.....
5. Кишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) фаолиятининг асослари.....

V- Боб. Фермер хўжалигининг ҳуқуқий ҳолати.....

1. Фермер хўжалиги тушунчаси, вужудга келиш асослари ва тартиби.....
2. Фермер хўжалигининг ердан фойдаланиш ҳукуки.....

3. Фермер хужалиги фаолиятини ҳукукий тартибга солиш.....
4. Фермер хўжалиги фаолиятини қайта ташкил этиш, тугатиш
асослари ва тартиби.....

VI - Боб. Дехкон хўжаликларининг ҳукукий ҳолати.....

1. Дехкон хужаликларининг ижтимоий-иқтисодий табиати
ва ўзига хос хусусиятлари.....
2. Дехкон хужалиги тушунчаси, вужудга келиш асослари ва тартиби.....
3. Дехкон хужалигининг ердан фойдаланиш ҳукуқи.....
4. Дехкон хужалиги фаолиятини ҳукукий тартибга солиш.....
5. Дехкон хужалигини тугатиш асослари ва тартиби.....

VII -Боб. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш ҳукуқи.....

1. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш
ҳукуқи тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари.....
2. Қишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланиш ҳукуқи
субъектлари ва объектлари.....
3. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш
ҳукуқи мазмуни.....
4. Қишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланиш ҳукуқини
ҳимоя қилиш.....

VIII-Боб. Қишлоқ хужалик корхоналари мулкнинг ҳукукий ҳолати.....

1. Қишлоқ хужалик корхоналари мулк ҳукуқининг ўзига
хос хусусиятлари ва турлари.....
2. Қишлоқ хужалигида мулкчилик муносабатларини ислох қилишнинг
асосий йўналишлари.....
3. Қишлоқ хужалик кооперативи (ширкат хужалиги) мол-мулки.....
4. Фермер хужалигининг мол-мулки.....
5. Дехкон хужалигининг мол-мулки.....

IX-Боб. Қишлоқ хужалик корхоналари молиявий фаолиятини ҳукукий тартибга солиш.....

1. Қишлоқ хужалик корхоналари молиявий муносабатларининг умумий
тавсифи.....
2. Қишлоқ хужалик корхоналарда солиқ муносабатлари. Ҳисоб –
китоблар ва ҳисобат.....
3. Қишлоқ хужалик корхоналарда банк ҳисоб – китоб ҳамда кредит
муносабатлари ва уларни ҳукукий тартибга солиниши.....

4. Қишлоқ хўжалик корхоналари иштрокидаги кредит муносабатлари.....

**Х -Боб. Қишлоқ хўжалигида меҳнат муносабатларини
ҳукукий тартибга солиш.....**

1. Қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнатни ташкил этишнинг ҳукукий шакллари.....
2. Қишлоқ хўжалигида иш вақти ва дам олиш вақти.....
3. Қишлоқ хўжалигида меҳнатни муҳофаза қилиш.....
4. Қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнат интизоми.....
5. Қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнат низоларини
ҳал қилиш тартиби.....

**ХІ-Боб. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида меҳнатга ҳақ тўлашни
ҳукукий тартибга солиш.....**

1. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида меҳнатга ҳақ тўлаш тушунчаси,
асосий тамойиллари ва хусусиятлари.....
2. Қишлоқ хўжалиги корхоналари ходимларига кафолатли ва
компенсация тўловлари тўлаш.....
3. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида меҳнатга ҳақ тўлашнинг турлари,
тизимлари ва шакллари.....
4. Қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарлари меҳнатига ҳақ
тўлаш тартиби.....
5. Қишлоқ хўжалик корхоналарида даромадларни тақсимлашнинг
ҳукукий асослари.....

**ХІІ- Боб. Қишлоқ хўжалигидаги шартнома муносабатларига
умумий тавсифнома.....**

1. Қишлоқ хўжалигида шартнома муносабатларининг тушунчаси.....
2. Қишлоқ хўжалик шартномаларини тузиш ва рўйхатдан ўтказиш
тартиби.....
3. Қишлоқ хўжалик шартномалари тарафларининг ҳуқуқ ва
мажбуриятлари.....
4. Шартнома мажбуриятларини бажариш тартиби,
бажармаганлик учун жавобгарлик ва бажарилиши
мониторингини олиб бориш.....
5. Қишлоқ хўжалик шартномаларининг алоҳида турлари
ва уларнинг хусусиятлари.....

**ХІІІ-Боб. Қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳуқуқларини
ҳимоя қилиш.....**

1. Кишлоқ хужалиги корхоналарининг ҳуқуқлари ва қонуни
манфаатларини кафолатлари.....
2. Кишлоқ хужалиги корхоналари ва тадбиркорларнинг ҳуқуқлари
ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган
юримдик механизмнинг умумий тавсифи.....
3. Кишлоқ хужалигига оид қонунларни бажарилиши устидан
прокурор назорати.....
4. Кишлоқ хужалиги корхоналари ва тадбиркорларининг
ҳуқуқ ҳамда қонуний - манфаатларини суд тартибида
ҳимоя қилиш.....
5. Кишлоқ хужалиги корхоналари низоларини талабнома
асосида қўриб ҳал қилиш.....

XIV-Боб. Қишлоқ хўжалик қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик.

1. Қишлоқ хўжалик қонунчилигини бузганлик учун
жавобгарлик тушунчаси.....
2. Қишлоқ хўжалик қонунчилигини бузганлик учун
мулккий жавобгарлик.....
3. Қишлоқ хўжалик қонунчилигини бузганлик учун
интизомий жавобгарлик.....
4. Қишлоқ хўжалик қонунчилигини бузганлик
учун маъмурий жавобгарлик.....
5. Қишлоқ хўжалик қонунчилигини бузганлик
учун жиноий жавобгарлик.....

К и р и ш.

Ўзбекистон Республикаси агро-индустриал давлат ҳисобланади. Республика аҳолисининг 60 %дан ортиқроғи қишлоқ жойларда яшайди, умумий ишлайдиганларнинг ярми аграр секторда хизмат қилади. Қишлоқ хўжалиги ижтимоий маҳсулотнинг тўртдан уч қисми ва миллий даромаднинг 40 %ини, шунингдек мамлакатга валюта тушумларининг 55 %дан ортиғини беради. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари, саноатни эса хом-ашё билан таъминлашнинг асосий манбаи ҳисобланади.

“Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга асосий эътибор бериб келинди ва кейинги ҳаракатларимизда ҳам бу ҳол ўз устунлигини сақлайди, - деб ёзади И.А.Каримов, - бугунги иқтисодиётимизда ва ижтимоий турмушда, бинобарин, сиёсатимизда ҳам қишлоқ соҳаси халқимизнинг фаровон ҳаёти, республикаимизнинг тараққиёти ва ўсиш суръатларини ҳал қиладиган муҳим тармоқдир”¹. Шу сабабдан, Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш билан боғлиқ муносабатларни чуқур ўрганиш муҳим роль ўйнайди.

Мамлакатимизда иқтисоднинг барча соҳаларида, жумладан Қишлоқ хўжалигида ҳам жиддий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалигининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, уни бошқариш тартиби ва хўжалик фаолиятининг амалга ошириш усуллари тубдан ўзгариб кетди. Турли жамоа ишлаб чиқариш хўжалик ширкатлари, чунончи: деҳқон хўжаликлари, фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари) ташкил қилинди.

Қишлоқ хўжалигида юз берган бу чуқур ислоҳотлар тегишли муҳим қонун-қоидалар воситасида амалга оширилмоқда. Масалан, Ер кодекси, Ер кадастри, деҳқон хўжалиги, қишлоқ хўжалик кооперативлари, фермер хўжалиги тўғрисида ва бошқа қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Ҳуқуқий асос яратилиши билан улардан кундалик ҳаётда мукамал ва тўғри фойдаланишни ва уни амалга ошириш учун зарур бўлган чоратадбирларни қўллашни таъминлашнинг таъсирчан механизмни яратиш муаммолари долзарб вазифа ҳисобланади. Ушбу вазифани қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга ошириш, муаммоларни тўғри ҳал қилиш, бунинг учун зарур ҳуқуқий воситалардан тўғри фойдаланиш, масъул ходимлардан юқори малакали билимга ва қобилиятга эга бўлишни талаб қилади.

Ушбу вазифани англаш, тасаввур қилиш ва республикаимиз ҳаётида, жумладан қишлоқ хўжалик соҳасида малакали равишда амалга ошириш юз берадиган муаммоларни тўғри ҳал қилиш, бунинг учун зарур ҳуқуқий воситалардан мукамал фойдаланиш, бозор иқтисодиётининг талабларини, ҳуқуқий қоидаларини тушуниш учун юридик укув юртарининг

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. - Т: “ Ўзбекистон”, 1992, 20-21- бетлар.

студентларини юкори малакали билимга ва кобилиятга эга булиши талаб килинади.

Юкорида зикр этилган мулохазаларни хисобга олинган холда мазкур дарсликда кишлок хужалик хукукининг предмети, яъни ушбу фан сохаси талабаларга нималарни ургатиши мумкинлиги, предметнинг хукукий манбалари, конун хужжатлари, улар асосида келиб чикадиган муносабатлар, кишлок хужалигида ишлаб чикариш тузумларини ташкилий - хукукий поғоналари, кишлок хужалик ходимларининг хукукий мажбуриятлари, жамоа хужаликлари, бошка корхоналарнинг мулкый хукуклари, уларни тартибга солиш ва бошка кишлок хужалик хаётига тааллукли булган муносабатларни хукукий масалаларни ёритиб беришга эътибор берилади.

Усмонов М.Б.
ю.ф.д., профессор

I - Боб. Кишлоқ хўжалик ҳукуки тушунчаси, предмети ва тизими.

1. Кишлоқ хўжалик ҳукукининг тушунчаси ва предмети

Кишлоқ хўжалик ҳукуки мамлакатимиз ҳукук тизимида мустақил ҳукук соҳаларидан бири ҳисобланади. Мустақил ҳукук соҳаси сифатида кишлоқ хўжалик ҳукуки маълум турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Кишлоқ хўжалик ҳукуки тартибга соладиган ушбу ижтимоий муносабатлар ўзига хослиги, маълум турда бўлишлиги, умумий жиҳатлари, бир мақсадга йўналтирилганлиги билан характерланади. Кишлоқ хўжалик ижтимоий муносабатларининг умумий бирлигини унинг кишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига қаратилганлиги билан изоҳлаш мумкин. Худди шу мақсад бу ижтимоий муносабатларни битта ҳукук соҳаси билан тартибга солиш мумкинлигини, яъни кишлоқ хўжалик ҳукуки соҳасини мустақил ҳукук соҳаси сифатида тан олишликни билдиради.

Кишлоқ хўжалик ҳукукининг умумий тушунчаси ҳақида фикр юритганда, унинг учта тавсифларда тушунчаси борлигини таъкидлаш ўринлидир. Шулардан биринчиси, кишлоқ хўжалик ҳукуки Ўзбекистон ҳукук тизимининг мустақил ҳукук соҳасидир. Кишлоқ хўжалик ҳукукида ҳар бир ҳукук соҳаси учун керак бўлган белгилар мавжуд. Булар биринчидан, кишлоқ хўжалик ҳукуки ўз махсус предметиға эға; иккинчидан, у ўз махсус ҳукукий тартибға солиш услубига эға; учинчидан, давлат шу соҳадаги ижтимоий муносабатларни алоҳида тартибға солади; тўртинчидан, у алоҳида гуруҳланган меъёрий-ҳукукий ҳужжатлар йиғиндисига эға.

Иккинчидан, кишлоқ хўжалик ҳукуки Ўзбекистон ҳукук фанининг мустақил соҳасидир. Шу ўринда унга ҳукук фанларига тегишли бўлган барча хусусиятлар хос бўлади.

Учинчидан, кишлоқ хўжалик ҳукуки махсус ўқув курси ҳам ҳисобланади. Унинг ўқув курси сифатидаги ҳажми, мазмуни ва мақсадлари турли ўқув юртларида учун ҳар хил бўлиши мумкин.

Юқорида санаб ўтилган асослар, кишлоқ хўжалик ҳукуки ўз тартибға солиш предметиға эға эканлигидан далолат беради Бунда кишлоқ хўжалик ҳукуки нормалари тартибға солиши керак бўлган барча ижтимоий муносабатларнинг марказида кишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган муносабатлар ётади.

Ҳукук тизимининг алоҳида соҳаси сифатида кишлоқ хўжалик ҳукуки махсус тартибға солиш услуби мавжуд. Бу услубнинг қўлланилиши кишлоқ хўжалик ишлаб ишлаб чиқаришини ривожлантириш, кишлоқ хўжалигида тупроқ унумдорлигини тиклаш ва ошириш, мулкчилик ва хўжалик юритишнинг барча шакллариини тенг ҳукуклилик асосида ривожлантириш учун шароит яратиш, кишлоқ хўжалик ходимларининг ҳукукларини ҳимоя қилишни таъминлашға қаратилган бўлади.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солиши учун хизмат қиладиган меъёрий-ҳуқуқий асосга эга бўлади. Ушбу асос Конституция, Ер кодекси қишлоқ хўжалик кооперативлари тўғрисида, Фермер хўжалиги тўғрисида, Деҳқон хўжалиги тўғрисида ва қишлоқ қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш муносабатларини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатларидан иборат. Ушбу асослар асосан шаклланган бўлиб, у борган сари такомиллашиб ва ривожланиб бормоқда.

Маълумки, ҳуқуқ предмети деганда, ижтимоий фаолият жараёнида вужудга келадиган, қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган эркин муносабатлар тушунилади. Умумэътироф этилган ушбу қоидага асосланиб айтиш мумкинки, қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг предмети, яъни у томонидан тартибга солиш доирасига қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши туфайли вужудга келадиган эркин ижтимоий муносабатлар киради.

Тўлароқ маънода айтганда, қишлоқ хўжалик ҳуқуқи мустақил ҳуқуқ соҳаси сифатида ўзаро боғлиқ, бир-бирига яқин бўлган бир мақсадга хизмат қиладиган, бир-бири билан узвий боғланган, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишга қаратилган ер, мулк, меҳнат ва ташкилий - бошқарув соҳаларидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Айтиш мумкинки, қишлоқ хўжалик ҳуқуқи тартибга соладиган ижтимоий муносабатлар узига хослиги, турли туманлиги, кенг доирада эканлиги билан тавсифланиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши жараёнида вужудга келадиган ер, мулк, меҳнат, ташкилий - бошқарув билан боғлиқ бўлган муносабатларни қамраб олади. Демак, қишлоқ хўжалик ҳуқуқи комплекс аграр муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлади.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган ер, мулк, меҳнат, ташкилий-бошқарув муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий қоидалар ва институтларни жамловчи мажмуавий ҳуқуқ соҳаси сифатида тавсифлаш мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг предмети бўлиб, яъни у томонидан тартибга соладиган ижтимоий муносабатлар бўлиб, биринчидан, ер-ҳуқуқий муносабатлар; иккинчидан, меҳнат ҳуқуқий муносабатлар; учинчидан, мулк ҳуқуқий муносабатлар; тўртинчидан, ташкилий бошқарув муносабатлари ҳисобланади.

Айтилганлардан қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятларини, биринчидан, бу ҳуқуқ мажмуалашган ҳуқуқ соҳаси бўлиб, ўзида ер, сув, ўрмон, меҳнат, маъмурий, фуқаролик ва бошқа ҳуқуқ соҳаларининг институтларини мужассамлаштиришида; иккинчидан, қишлоқ хўжалик ҳуқуқи қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган ер, мулк, меҳнат, ташкилий-бошқарув муносабатларини тартибга солишида; учинчидан, қишлоқ хўжалик ҳуқуқи хўжалик юритиш ва мулк шаклидан қатъи назар барча турдаги хўжалик тузилмаларининг тенг ҳуқуқлилигини таъминлашида; тўртинчидан, барча турдаги мулк шакллари тенг ҳуқуқлилигини, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига бир хилда жорий этишга кенг имкониятлар яратиб беришида; бешинчидан, қишлоқ хўжалик

ҳуқуқи қишлоқ хўжалик ташкилотларининг эркин хўжалик юритиш, етиштирилган маҳсулотларни мустақил айирбошлаш ҳуқуқини мустаҳкамлашида беради; олтинчидан, қишлоқ хўжалик ҳуқуқи қишлоқ шароитининг табиий-иқлимий шароитларини эътиборга олиб тартибга солишида; еттинчидан, қишлоқ хўжалик ҳуқуқи демократия мезонларининг барча тамойилларини мустаҳкамлашида кўришимиз мумкин.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан, ҳамда ўзига хос хусусиятлардан келиб чиқиб қишлоқ хўжалик ҳуқуқига қуйидагича таъриф бериш мумкин. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи - қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш жараёнида келиб чиқадиган аграр муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисидир.

2. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг субъектлари ва объектлари

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг субъектлари деганда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган муносабатларда қатнашувчи юридик ва жисмоний шахслар тушунилади. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи субъектларининг ўзига хос жиҳатлари ҳамда умумийлиги уларнинг бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланишлари билан характерланади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи тузилмалар турли туманлиги билан ажралиб туради. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжалиги), давлат хўжаликлари, фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, ижара жамоалари, ёрдамчи хўжаликлар ва бошқалар шуғулланмоқдалар.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи субъектлар доирасини Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжалиги) тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунлари белгилаб беради. Ушбу қонунларда кўрсатилишича, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари), давлат хўжаликлари, фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари шуғулланишлари керак.

Республикаимиз қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурслари етишмайдиган ҳудудларда, шунингдек чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчи тузилма сифатида фермер хўжалиги ташкил этиш мақсадга мувофиқлигини амалиёт кўрсатди. Шунинг учун, фермер хўжаликлари ҳам асосий ишлаб чиқарувчи субъект тариқасида қонуний мустаҳкамланди. Улар фаолиятини тартибга солувчи алоҳида қонун қабул қилиниб, унда фермер хўжаликлари юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи субъект сифатида фаолият кўрсатиши мумкинлиги белгиланди.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабларини қондиришда, қишлоқ аҳолисини моддий турмуш тарзини яхшилашда, уларнинг даромадларини юксалтиришда деҳқон

хўжаликларининг роли алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Полиз экинлари, сут маҳсулотлари, сабзовот экинлари ишлаб чиқаришда уларнинг улуши ҳатто 70-80 фоизни ташкил этади. Шундан келиб чиққан ҳолда деҳқон хўжаликлари ҳам республикамиз қишлоқ хўжалигида мустақил ишлаб чиқарувчи тузилма сифатида фаолият кўрсатиш кераклиги мақсадга мувофиқ деб ҳисобланди ва улар фаолиятларини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Бу қонун деҳқон хўжаликларини юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган ёки шундай мақомга эга бўлмасдан ҳам қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи субъект бўлиши мумкинлигини ўрнатди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида саноат, транспорт ва бошқа корхона, ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликлари ҳам фаолият курсатадилар. Уларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаш, ёки қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчи субъект эканлигини эътироф этиш ноқишлоқ хўжалик корхоналарининг тузилмалари бўлганлиги учун кўпинча назардан четда қолиб кетади. Ушбу ёрдамчи хўжаликлар юридик шахс мақомига эга бўлмасалар ҳам уларни қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг субъекти сифатида тан олиш керак. Умуман, қоидага кура қишлоқ хўжалик ҳуқуқини субъекти бўлиш учун юридик шахс ҳуқуқига эга бўлиш талаб этилмайди. Масалан, деҳқон хўжаликлари юридик шахс ҳуқуқига эга бўлишлари ҳам, ёки эга бўлмасликлари ҳам мумкин, аммо улар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида тузилма сифатида, демак қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг субъекти сифатида ҳисобланадилар.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг субъектлари бўлиб давлат қишлоқ хўжалик корхоналари ҳам ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида давлат қишлоқ хўжалик корхоналарини ўз тасарруфидан чиқарди, хусусийлаштирди. Давлат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан бевосита шуғулланмайдиган бўлди, ёхуд қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш функциясини амалга ошириш давлатнинг вазифасига ёт ҳисобланади. Аммо, давлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда экин навларини, чорва зотларини, наслларни яхшилаш, ўқув-тажриба ишларини олиб бориш мақсадида давлат қишлоқ хўжалик корхоналарига эҳтиёж сезилади.

Юқорида санаб кўрсатилганлардан ташқари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликлараро ташкилотлар, шунингдек фуқаролар, чет эл юридик ва жисмоний шахслари ҳам қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг субъектлари ҳисобланишлари мумкин.

Айтилганлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг субъектлари бўлиб корхона, муассаса, ташкилотлар ҳам, жисмоний шахслар ҳам бўлиши, Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари ва жисмоний шахслари ҳамда чет эл юридик ва жисмоний шахслари ҳисобланишлари мумкин. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг субъектлари юридик шахс ҳуқуқига эга бўлишлари ёки юридик шахс ҳуқуқига эга бўлмасдан ҳам фаолият кўрсатишлари мумкин. Юридик шахс мақомига эга бўлган барча белгилар қишлоқ хўжалик ҳуқуқи субъектларига ҳам тааллуқли бўлади.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи тартибга солишга қаратилган ижтимоий муносабатлар қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг объектини ташкил этади. Ушбу ижтимоий муносабатлар доираси жуда кенг бўлиб, турли йўналишлардаги муносабатларни камраб олади. Биринчи турдаги муносабатлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларининг хўжалик фаолиятлари билан боғлиқдир. Бу хилдаги муносабатлар қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шартнома муносабатларига киришиш, етиштирилган маҳсулотни айирбошлаш кабилардан иборат бўлади. Бу каби муносабатларни тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжалиги) тўғрисида”ги қонуни, “Фермер хўжалиги тўғрисидаги”ги қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатлар алоҳида роль уйнайди.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг объектини ташкил этадиган иккинчи турдаги ижтимоий муносабатлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг табиий ресурслардан, хусусан ер ва сувдан фойдаланишлари билан боғлиқ муносабатлар ҳисобланади. Маълумки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ер ва сувдан фойдаланишсиз тасаввур этиб бўлмайди. Улар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг асосини ташкил этади. Шу сабабдан, қишлоқ хўжалик ҳуқуқи нормалари ер ва сувдан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга алоҳида эътибор қаратади. Ер ва сувдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солишга қаратилган қоидалар ўз ифодасини асосан Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунида, “Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжалиги) тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунларида топган.

Навбатдаги турдаги ижтимоий муносабатлар қишлоқ хўжалигида меҳнатни ташкил қилиш билан боғлиқ муносабатлардир. Бу турдаги муносабатлар қишлоқ хўжалигида меҳнатни ташкил қилиш шакллари, меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат интизоми, меҳнат низолари, иш вақти, иш ҳақи кабилар билан боғлиқ бўлади. Меҳнатни ташкил қилиш муносабатларини тартибга солишга бағишланган қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, “Қишлоқ кооперативлари (ширкат хўжалиги) тўғрисида”ги қонуни, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни, “Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) намунавий устави”, “Фермер хўжалигининг намунавий устави” каби меъёрий ҳужжатларда ўз ифодасини топган. Демак, қишлоқ хўжалигида меҳнат муносабатлари қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг объектини ташкил этадиган асосий ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг объекти ҳисобланидиган тўртинчи йўналишдаги ижтимоий муносабатлар ташкилий - бошқарув билан боғлиқ бўлган муносабатлардир. Қишлоқ хўжалик корхоналарини бошқариш давлат бошқаруви ва ички хўжалик бошқарувига бўлинади. Давлат бошқаруви давлатнинг тегишли органлари, хусусан қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари давлат қўмитаси, ҳокимликлар томонидан амалга оширилса,

ички хўжалик бошқаруви эса қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тузилмалари томонидан хўжалик ичида ташқи этилган органлар томонидан амалга оширилади. Ташкилий бошқарув муносабатларини тартибга соладиган нормалар “Корхоналар тўғрисида”ги, “Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжалиги) тўғрисидаги намунавий устав”, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тўғрисидаги низом”, “Ер ресурслари, геодезия, картография давлат қўмитаси тўғрисидаги низом”, ва бошқаларда ўрнатилган. Бу нормаларда қишлоқ хўжалигини давлат томонидан ҳамда қишлоқ хўжалик корхоналарини узлари томонидан бошқаришнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, бошқарувни амалга оширувчи органлар тизими, уларнинг функциялари, бошқариш усуллари ва шакллари белгилаб берилган. Шундай қилиб, ташкилий-бошқарув соҳасидаги муносабатлар қишлоқ хўжалик ҳуқуқи объектини ташкил этадиган ижтимоий муносабатлар турларидан бири ҳисобланади.

Юқорида айтилганлардан ташқари, қишлоқ хўжалик ҳуқуқи нормалари қишлоқ хўжалигида мулкчилик, қишлоқ хўжалигида молия, қишлоқ хўжалик корхонисига аъзолик каби муносабатларни ҳам тартибга солади. Шунинг учун ушбу ижтимоий муносабатлар турларини ҳам қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг объекти деб ҳисоблаш мумкин.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи объектини ташкил қиладиган ижтимоий муносабатларни ички қишлоқ хўжалик ҳуқуқий муносабатлари ҳамда ташқи қишлоқ хўжалик ҳуқуқий муносабатлари каби турларга туркумлаш мумкин. Ички қишлоқ хўжалик ҳуқуқий муносабатларни қишлоқ хўжалик корхоналарининг ичида бўладиган ички булинмаларининг ўзаро ва бошқарув органлари билан муносабатлари, деҳқон хўжалиги билан ширкат хўжалигининг ўзаро муносабати, ширкат хўжалиги билан унинг аъзолари ўртасидаги муносабатлар, оила пудратчилар билан муносабатлар кабилар ташкил қилса, ташқи қишлоқ хўжалик ҳуқуқий муносабатларни эса қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тузилмаларининг тайёрлов ташкилотлари, бошқа корхона, ташкилот, муассасалар, чет эл юридик ва жисмоний шахслари билан муносабатлари ташкил қилади.

3. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи тизими

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг институтлари деганда бир турдаги қишлоқ хўжалик ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи бир-бирига яқин бўлган ҳуқуқий нормалар йиғиндиси тушунилади, яъни бир-бирига ўхшаш бўлган моддалар йиғилиб битта қишлоқ хўжалик ҳуқуқи институтини ташкил этади. Бундай ҳуқуқий моддалар битта қонунда эмас, балки бир неча қонунларда ўз ифодасини топиши мумкин. Масалан, қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи институтига оид нормалар Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида, “Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжалиги) тўғрисида”ги, “Фермер хўжалик тўғрисида”ги, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунларида ўз ифодасини топган.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи институтлари табиати қишлоқ хўжалик ҳуқуқи хусусиятидан, унинг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқади. Маълумки, қишлоқ хўжалик ҳуқуқи ўзида турли ҳуқуқ соҳаларига тегишли бўлган муносабатларни тартибга солувчи турли қонунчилик соҳаларига тааллуқли бўлган нормаларни жамлайди. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқий муносабатлари ўзида молия, фуқаролик, хўжалик, ер, кооператив, меҳнат ва бошқа ҳуқуқ соҳалари нормалари билан тартибга солинадиган ташкилий, молиявий, шартнома, мулкӣ муносабатлар тизимлари йиғиндисини ифода этади. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи институтларининг мураккаблиги ва ўзига хослиги мана шу хусусиятлар билан боғлиқдир.

Айтиш керакки, алоҳида ҳуқуқ институти сифатида вужудга келиш асоси бўлган ҳар қандай турдаги ижтимоӣ муносабатлар бир томондан ички бирликка эга бўлиш, бошқа томондан эса ўзига хос автономлик, мустақиллик ҳолатларига эга бўлиши лозим. Қишлоқ хўжалик муносабатларида бир хиллик, ўхшаш характери, ички бирликни куриш мумкин. Бу муносабатлар ижтимоӣ муносабатларнинг мустақил тури сифатида ўз доираси ва ички мазмунига эгадир. Бу бирликни қишлоқ хўжалик муносабатларининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига қаратилганлиги, ердан асосий восита сифатида фойдаланишнинг мавжудлиги, ташкилий бирликка асосланганлиги ва бошқаларда кўриш мумкин.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи институтлари нисбатан мустақил ва барқарордир. Улар бир-биридан фарқ қилади ва тавсифи бўйича ҳар хил бўлган қишлоқ хўжалик муносабатларини тартибга солади. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи институтлари гуруҳланганда таркиби бўйича оддий ёки мураккаб турларга бўлинади. Юқоридаги мисол келтирилган институт оддий институт бўлиб ҳисобланади. Шундай институтлар борки, улар икки ёки ундан кўпроқ институтларни ўзида жамлаб, мураккаб институтни ташкил этади. Мисол қилиб ерларни давлат бошқаруви ҳуқуқий институтини олсак бўлади. Бу институт ер тузиш, ер кадастрини юритиш, ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини олиб бориш, ер хусусидаги низоларни ҳал этиш ва бошқа шунга ўхшаш институтларни ўз ичига олади. Мураккаб институтга яна мисол қилиб қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш ҳуқуқи институтини айтишимиз мумкин. У ўз навбатида қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи, фуқароларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи, ноқишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи ва бошқа институтларни қамраб олади.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи умумий қисмини ташкил этадиган институтлар умумий институтлар ва алоҳида қисмидагилар эса махсус, яъни предметли институтлар деб аталади. Умумий қисм институтлари ўзидаги нормаларда мазкур фан тармоғи ва қонун ҳужжатлари ривожланиши учун асос бўладиган энг муҳим ҳолатлар, қоидалар ёки тамойилларни акс эттиради. Бу институтларда жамланган ҳолатлар, қоидалар ва принциплар қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг махсус институтлари мазмуни ва таркиби шаклланишига катта таъсир кўрсатади. Алоҳида қисмнинг институтлари эса умумий институтларга нисбатан бўйсунувчи вазиятда бўлади. Улар мазкур

ҳуқуқ тармоғининг умумий ҳолатлари, қоидалари ёки тамойилларини намоён қилмайди. Уларнинг амал қилиш доираси маълум ижтимоий муносабатлар билан чекланган бўлади. Бу тоифадаги институтларнинг нормалари ижтимоий муносабатлар қатнашчиларининг субъектив юридик ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

Айтилганлардан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалик ҳуқуқи умумий ва алоҳида қисмдан иборат эканлигини ҳамда улар ўз ичига умумий ва махсус институтларни қамраб олишини таъкидлаш мумкин.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг асосини ташкил этувчи асосий институтлар қуйидагилар ҳисобланади: қишлоқ хўжалик корхоналари ва бирлашмаларини бошқаришнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари; қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи; қишлоқ хўжалик корхоналари мулкнинг ҳуқуқий ҳолати; қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш; қишлоқ хўжалигида меҳнатга ҳақ тўлашни ҳуқуқий тартибга солиш; қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш; қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиявий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш; қишлоқ хўжалик корхоналарининг ҳуқуқий ҳолати; фермер хўжаликлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш; деҳқон хўжаликлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш; деҳқонларининг ҳуқуқий мақоми; қишлоқ хўжалик қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик; қишлоқ хўжалигида юридик хизматни ташкилий- ҳуқуқий шакллари.

Санаб ўтилган институтларнинг барчаси ўзига хос хусусиятларга, белгиларга эга бўлиб, уларнинг йиғиндиси бир бутун ҳуқуқ соҳаси- қишлоқ хўжалик ҳуқуқини вужудга келтиради.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи юридик фан соҳаси ва ўқув предмети сифатида умумий, алоҳида ва махсус қисмдан иборат бўлади. Ушбу фаннинг махсус қисмда чет мамлакатлар қишлоқ хўжалик ҳуқуқи тўғрисида маълумот берилиши мумкин. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи фанининг умумий қисмига қуйидаги масалалар киради: 1. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг предмети ва тизими; 2. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг манбалари; 3. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқий муносабатлар; 4. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ҳуқуқий ҳолати; 5. Фермер хўжалиги фаолиятининг ҳолати; 6. Деҳқон хўжаликларининг ҳуқуқий ҳолати; 7. Қишлоқ хўжалигини давлат йули билан бошқариш; 8. Қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш.

Фаннинг қисми эса 1. Қишлоқ хўжалик корхоналари ва бирлашмаларининг бошқарувининг ташкилий ҳуқуқий шакллари; 2. Қишлоқ хўжалик корхоналари мулкнинг ҳуқуқий ҳолати; 3. Қишлоқ хўжалигида меҳнатни ташкил қилиш, меҳнат интизоми ва меҳнатни муҳофаза қилишни ҳуқуқий тартибга солиш; 4. Қишлоқ хўжалигида меҳнатга ҳақ тўлашни ҳуқуқий тартибга солиш; 5. Қишлоқ хўжалик корхоналари ва бирлашмаларининг ишлаб чиқариш, хўжалик ва молиявий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш; 6. Қишлоқ хўжалик корхоналарида шартнома

муносабатлари; 7. Қишлоқ хўжалиги қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик; 8. Қишлоқ хўжалигида юридик хизматнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида ташкил топади.

4. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг ҳуқуқ тизимида тутган ўрни ва бошқа қондош ҳуқуқ тармоқлари билан ўзаро нисбати

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи ҳуқуқ тизимида алоҳида ўрин эгаллаган, муҳим аҳамиятга эга бўлган, иқтисодиётда туб ўзгаришлар юз бераётган шароитда долзарблиги янада ошиб бораётган ва бошқа ҳуқуқ тармоқларининг (масалан, тадбиркорлик ҳуқуқи, ер ҳуқуқи) ривожланишига катта таъсир кўрсатаётган мустақил ҳуқуқ тармоғидир. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши туфайли келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш вазифасини қишлоқ хўжалик ҳуқуқи бажаради.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи бошқа ҳуқуқ тармоқларининг ичида конституциявий ҳуқуқ билан энг яқин ва узвий боғлиқдир. Зотан, конституциявий ҳуқуқ нормалари қишлоқ хўжалик ҳуқуқи тамойилларининг асоси ҳисобланади. Конституцияда давлат иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини кафолатлайди деб ўрнатилган (53-модда). Конституциянинг бошқа нормаларини талқин этиб айтиш мумкинки, ҳар бир фуқаро мулкдор бўлишига ҳақли (36-модда), ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартномаларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга (37-модда), ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эга (38-модда) ва ҳоказо.

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш, қишлоқ хўжалик қонун ҳужжатларини маъмурий-ҳуқуқий тартибда бузганлик учун айбдорларни маъмурий жавобгарликка тортиш соҳасидаги қишлоқ хўжалик ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда қишлоқ хўжалик ҳуқуқи маъмурий ҳуқуқ нормаларидан фойдаланади. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигини давлат бошқаруви умумий маънодаги давлат бошқарувининг бир қисми сифатида ҳам маъмурий ҳуқуқ, ҳам қишлоқ хўжалик ҳуқуқига киради. Бунда маъмурий ҳуқуқнинг предмети давлат бошқаруви органларининг фаолиятини ўрганиш бўлганлиги учун у қишлоқ хўжалик соҳасини бошқаришини амалга ошираётган давлат органлари тизимини, улар фаолиятининг шакллариини белгилаб беради. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи нормаларида эса давлат бошқарув органлари фаолиятининг мазмуни томонлари, ҳамда қишлоқ хўжалик фаолиятининг асосий йўналишлари белгиланади.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг ҳуқуқ тизимининг асосий ҳуқуқ соҳаси бўлган фуқаролик ҳуқуқи билан алоқадорлиги катта аҳамият касб этади. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи ва фуқаролик ҳуқуқининг бир бири билан боғлиқ бўлиши негизида қишлоқ хўжалик ва фуқаролик муносабатлари ижтимоий-иқтисодий табиатининг умумийлиги ётади. Қишлоқ хўжалик ишлаб

чиқариши муносабатларининг айримлари мулкый муносабатлар бўлганлиги учун фуқаролик муносабатлари билан қондош бўлади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш натижасида олинган ҳосилга, иншоотларга бўлган ҳуқуқ, ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш (сервитут) ҳуқуқи, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган ҳуқуқнинг суд ҳимояси, қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг бузилиши натижасида етказилган зарарни ундириш ҳуқуқи ўртасидаги боғлиқлик қишлоқ хўжалик ва мулкый ҳуқуқларнинг бир-бири билан жипс эканлигини билдиради.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи экология ҳуқуқи билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Ўзбекистон Конституциясида белгиланишича, мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги лозим (54-модда). Шунингдек, қишлоқ хўжалик қонунчилигида (Ер кодекси, қишлоқ хўжалик кооперативи тузилмасидаги, фермер хўжалиги тўғрисидаги, Дехқон хўжалиги тўғрисидаги) ўрнатилишича, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосий воситаси ҳисобланади ер ва сув ресурсларини муҳофаза этиш лозим, уларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, экология талабларига риоя этган ҳолда фойдаланиш зарур ҳисобланади.

Юқорида айтилганлардан ташқари, қишлоқ хўжалик ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, молия ҳуқуқи каби ҳуқуқ соҳалари билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Меҳнат ва молия ҳуқуқининг иш вақти, дам олиш вақти, меҳнат интизоми, меҳнат муҳофазаси, иш ҳақи, молиявий муносабатларга тааллуқли қоидалари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

II- Боб. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг манбалари.

1§. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг манбалари тушунчаси, хусусиятлари ва таснифи.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сунг жамият ҳаётининг барча жабҳаларида туб ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириб келмоқда. Ҳаммамизга маълумки, республикамиз ўзининг ижтимоий, иқтисодий ривожланиш даражаси ва жиҳатларига кўра аграр давлат ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам давлат аграр сиёсатининг асосий мақсади ва вазифаси қишлоқ хўжалигида хилма-хил мулкчилик шакллари жорий этиш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда қишлоқ хўжалик инфраструктурасини ривожлантириш асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаб халқимиз эҳтиёжини қондиришдан иборат.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган туб ислохотлар миллий хусусият ва қадриятлар, демократик қонуниятлар ҳамда миллий деҳқончилик анъаналари асосида қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари орқали амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи - ҳуқуқ тизимининг мажмуалашган (комплекс) ҳуқуқ соҳаси сифатида ўз манбалари асосида ривожланади ва аграр ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади. Шунинг учун ҳам аграр ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда манбаларнинг аҳамияти бекиёс бўлиб, қишлоқ хўжалик ҳуқуқи манбаларининг тушунчаси, ҳуқуқ тизимидаги тутган ўрни ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш орқали аграр сиёсатдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва мазмун моҳиятини очиб бериш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи манбалари тушунчаси ҳақида фикр юритишдан олдин "манбалар"нинг ҳуқуқшунослик фанидаги аҳамияти, мазмуни ва белгилари ҳақида тўхталиб ўтиш жоиздир. Давлат ва ҳуқуқ назариясида ҳуқуқ манбалари ҳақида турли шаклларда назарий таърифлар берилган бўлиб, лекин ушбу назарий таърифларнинг моҳияти қуйидаги асосий белгилар асосида намоён бўлади: 1) манбаларнинг жамият ҳаётининг турли жабҳаларида маълум ижтимоий муносабатларни тартибга солиши; 2) манбаларнинг ваколатли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қабул қилиниши ва тасдиқланиши; 3) манбаларнинг умуммажбурий аҳамият касб этиши ва бошқалар.

Бир суз билан айтганда, ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган, ваколатли давлат органлари томонидан ўрнатилган, умуммажбурий аҳамиятга эга бўлган қонунчилик ҳужжатларининг йиғиндиси ҳуқуқ манбалари бўлиб ҳисобланади.

Шунингдек, давлат ва ҳуқуқнинг умумий назарий қоидаларига асосан ижтимоий муносабатларни тартибга солиш объект ва йўналишларига кўра ҳуқуқ тизими соҳаларини мустақил йўналишга эга бўлган асосий соҳаларга ва маълум муносабатларни тартибга солишда турли ҳуқуқ соҳалари йўналиш

ва институтларни жалб этадиган мажмуалашган (комплекс) соҳаларига бўлиниши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ҳукуқи - ҳуқуқ тизимининг мажмуалашган (комплекс) ҳуқуқ соҳаси бўлиб, аграр муносабатларни тартибга солишда турли ҳуқуқ соҳалари, яъни ер ҳукуқи, экология ҳукуқи, меҳнат ҳукуқи, фуқаролик ҳукуқи, молия ҳукуқи, маъмурий ҳуқуқ ва бошқа соҳалардаги мавжуд ҳуқуқий норма ва институтлардан фойдаланади.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг манбалари тушунчаси, мазмуни ва хусусиятлари эса бевосита биз ўрганаётган қишлоқ хўжалик ҳуқуқи фанининг тушунчаси ва предмети билан чамбарчас боғлиқдир.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи манбалари деб аграр муносабатларни тартибга соладиган қонунчилик ҳужжатларининг йиғиндисига айтилади.

Албатта, аграр муносабатлар деганда биз, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экиш, етиштириш, ишлов бериш, йиғиб-териб олиш, хом ашё маҳсулотларини қайта ишлаш, қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш, айрбошлаш, даромадни тақсимлаш билан боғлиқ агросаноат мажмуи жараёнида субъектлар ҳисобланган, юридик ва жисмоний шахсларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ва ташкилий-техникавий жабҳаларидаги фаолиятни тушунамиз.

Аҳолиининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш, қишлоқ хўжалик инфраструктурасини ривожлантириш, кўп укладли хўжалик иқтисодиётини шакллантириш, маҳсулотни етиштириш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш билан ижтимоий муносабатларни тартибга солишда қишлоқ хўжалик ҳуқуқига оид хусусий тамойиллар, институтлар, қоида-талаблар ва тузилмалар билан биргаликда бошқа асосий ҳуқуқ соҳаларининг маълум бир жараёнидаги муносабатларини тартибга солишга қаратилган қоида-талаблари кенг қўлланилади.

Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалик ҳуқуқи мажмуалашган ҳуқуқ соҳаси сифатида кенг қамровли, кўп қатламли қонунчилик ҳужжатлари тизимидан иборатдир.

Хусусан, қишлоқ хўжалик ер-сувлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатлар экология, ер ва сув қонунчилиги; қишлоқ хўжалигида меҳнат билан боғлиқ жараёнлар меҳнат ҳуқуқи; мулкӣ ва хўжалик юритиш жараёни фуқаролик ва хўжалик қонунчилиги; агросаноат мажмуини бошқариш эса маъмурий қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг манбалари ўз хусусиятларига эга бўлиб, қуйидаги жиҳатлари билан бошқа ҳуқуқ соҳалари манбаларидан фарқланади:

1. Тартибга соладиган ижтимоий муносабатларнинг турли-туманлиги;
2. Ягона кодификацияланган қонун ҳужжатининг бўлмаганлиги;
3. Аграр ишлаб чиқариш жараёнини тартибга солишда табиат қонуниятлари, атроф табиий муҳит ҳолати даражасининг устиворлиги;
4. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари меъёрий ҳужжатлари билан биргаликда тор доирадаги локал ҳужжатларнинг мавжудлиги;

5. Аграр-ҳуқуқий муносабатларда ер ҳуқуқи, экология ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, фуқаролик ва молия ҳуқуқи, конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ ва бошқа ҳуқуқ соҳаларига оид қонунчилик ҳужжатларининг ихтисослашганлиги ва бошқалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қишлоқ хўжалик қонунчилик ҳужжатлари мураккаб тизимга эга бўлиб, аграр-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишдаги иштироки, ҳаракат доирасининг хажми, мазмунига кўра қуйидагича таснифлаш (классификациялаш) мумкин:

1. Қонун ҳужжатларини қабул қилиш, тасдиқлаш ваколатли давлат органлари ва юридик кучи бўйича қонун ости ҳужжатларига бўлинади. Қонунлар эса ўз навбатида асосий қонун - Конституция; кодификациялашган - Фуқаролик кодекси, Ер кодекси; умумий - мулкчилик, ижара қонунлари, ихтисослашган - деҳқон хўжалиги, фермер хўжалиги тўғрисидаги қонунларга бўлиниши мумкин. Қонун ости ҳужжатлари ўз таъсири даражасига кўра эса умумий, ихтисослашган ва функционал аҳамиятга эга бўлиши мумкин.
2. Қонунчилик ҳужжатида шахсларнинг эркини ифода этиш нуқтаи-назаридан ташқи хўжалик ва ички хўжалик қонунчилик ҳужжатларидан иборат бўлади. Ташқи хўжалик қонунчилик ҳужжатлари агросаноат мажмуи тизимида фаолият юритаётган корхона, ташкилот, муассасаларнинг бир-бири билан давлат ҳокимият ва бошқаруви билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Ички хўжалик меъёрий ҳужжатлари эса маълум бир қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш субъекти яъни, қишлоқ хўжалик ширкати ёки давлат хўжалиги доирасидаги ички ишлаб-чиқариш муносабатларини тартибга солишга қаратилгандир.
3. Аграр муносабатларни тартибга солиш таъсири даражасига кўра императив, диспозитив санкциялашган ва тавсия аҳамиятга эга бўлади.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи манбаларининг юқоридаги кўрсатилган белгилар бўйича таснифлаш ушбу манбаларнинг хилма-хиллиги ва мураккаб тизимга эга эканлигидан далолат беради.

Демак, қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг манбалари бўлиб, қуйидаги қонунчилик ҳужжатлари ҳисобланади:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
2. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;
3. Ўзбекистон Республикасининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарори;
4. Аграр соҳада махсус ваколатли давлат органлари яъни, вазирлик, давлат қўмитаси ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари;
5. Маҳаллий давлат ҳокимият органларининг меъёрий ҳужжатлари;
6. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан маъқулланган қишлоқ хўжалик ширкатлари уюшмалари, ташкилотларининг ҳужжатлари;
7. Қишлоқ хўжалик корхоналари, ташкилотлари, муассасаларининг локал аҳамиятли, яъни ички хўжалик ҳужжатлари.

2§. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг конституциявий асослари.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси² мамлакатимиз мустақиллигининг ҳуқуқий пойдеворини яратиб, жамият ҳаётининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий жабҳаларида пайдо бўладиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи асосий тамойил ва қоида-талабларни белгилаб берди.

Конституциямиз мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, демократик тамойиллар, бозор иқтисодиёти қонуниятлари, миллий қадрият ва анъаналар ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидаларининг устуворлигини ифода этган ҳолда, республикада аграр муносабатларининг ривожланиши ва янада, такомиллашувининг ҳуқуқий асосини яратди.

Ҳуқуқ тизимининг кенг қамровли, ихтисослашган ҳуқуқ соҳаси ҳисобланган қишлоқ хўжалиги ҳуқуқининг ривожланиши, назарий-амалий ғоя, тамойил, усул ва услубиётнинг қўлланишида, қолаверса маҳсулотни экиш, етиштириш, йиғиб териб олиш, қайта ишлаш, тайёр маҳсулот етказиб бериш билан боғлиқ аграр жараёнларни ҳуқуқий жиҳатдан қафолатлашда конституциявий қоида-талабларнинг ўрни бекиёсдир. Чунки, Конституцияда ўз ифодасини топган тамойиллар ва асосий қоида-талаблар асосида аграр муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонун, фармон, қарор, низом, норматив, стандарт ва бошқа шаклдаги меъёрий ҳужжатлар қабул қилинади. Ушбу қишлоқ хўжалик қонунчилик ҳужжатлари конституциявий қоида-талабларга мос бўлиши билан бир қаторда, уларни амалиётда ижросини амалга оширишда яъни ҳаётийлигини таъминлашга хизмат қилади.

Асосий қонунимизда белгиланган қоида-талаблар тизимини аграр муносабатларни тартибга солиш аҳамияти ва мазмуни жиҳатдан қуйидаги қисмларга бўлиб ўрганиш мумкин:

- 1) қишлоқ хўжалиги ижтимоий-иқтисодий фаолияти билан боғлиқ фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари;
- 2) қишлоқ хўжалигининг ижтимоий-иқтисодий ва экологик асослари;
- 3) қишлоқ хўжалигидаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ҳуқуқий ҳолати;
- 4) қишлоқ хўжалигида қонунчилик қонунийлик ва ижтимоий адолатни таъминлаш қафолатлари.

Шуни таъкидлаш жоизки, Конституцияда белгиланган фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларининг қишлоқ хўжалигидаги тутган ўрни бекиёсдир. Айниқса, Асосий қонунимизнинг 18, 19, 20 -моддаларининг мазмун-моҳияти шундан иборатки, биринчидан, аграр муносабатларида иштирок этаётган фуқаролар бир хил ҳуқуқ, эркинликларга эга бўлиб, қонун

² ЎзР Конституциясига қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган. 28.12.1993 й. 989-ХП-сон Қонуни, ЎзР 24.04.2003 й. 470-П-сон Қонуни.

олдида тенглиги, ҳамда қишлоқ хўжалик хусусиятлари, ижтимоий адолат тамойиллари асосида имтиёз ва манфаатларга эга бўлиши, иккинчидан, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатлари, эркинликлари ва ҳуқуқларига путур етказмаслиги тамойиллари белгилаб қўйилган.

Конституциямизнинг VII-бобида белгиланган фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек VIII-бобдаги сиёсий ҳуқуқлари қишлоқ хўжалигида истиқомат қиладиган, меҳнат фаолиятини олиб бораётган шахсларнинг ҳуқуқ, эркинликларини кафолатлаш ҳамда уларнинг сиёсий фаоллигини жадаллаштиришга имкон яратиб беради.

Агросаноат мажмуасида жисмоний ва юридик шахсларнинг Конституцияда мустаҳкамланган иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари муҳим аҳамиятга эгадир. Айниқса, Асосий қонунда белгиланган ушбу қоидаларнинг аграр ижтимоий жараёнидаги ўрни муҳим, яъни, "хар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли, банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади"- 36-модда; шунингдек, "хар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир"- 37-модда.²

Ҳаммамизга маълумки, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, манфаатлари билан бир қаторда уларнинг бурчлари ҳам Конституцияда ифода этилган бўлиб, жамиятнинг барча жабҳаларида шу жумладан агросаноат мажмуида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, фуқаролар:

-Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга - мажбурдирлар - 48-модда;

-атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар - 50-модда;

-қонун билан белгиланган солиқлар ва Маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар - 51-модда ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида жамиятнинг иқтисодий негизлари, иқтисодиётнинг асосий тамойиллари, белгилари ҳам мустаҳкамланган бўлиб, ушбу қоида-талаблар бевосита қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш, хўжалик фаолиятини тартибга солишга хизмат қилади.

Хусусан, 53-моддада, "Бозор муносабатларни ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент. "Ўзбекистон" . 2003 й.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда тугилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин" - деб, белгиланган.

Ушбу конституциявий қонуннинг аграрно-иқтисодий аҳамияти шундаки, биринчидан, қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг хилма хил шакллари жорий этиш, кўп укладли хўжалик жараёнини такомиллаштириш орқали қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилади; иккинчидан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда самарадорлигини оширишга қаратилган хўжалик юретишнинг турли шакл ва усуллари амалга оширишни таъминлайди ва кафолатлайди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш жараёнида давлат мулки, хусусий мулк, жамоа мулки, аралаш мулк ва бошқа мулк шакллари асосланган мулкдорлар яъни юридик ва жисмоний шахслар фаолият юритадилар. Конституциямизнинг 54-моддасида, юридик ва жисмоний шахслар мулк ҳуқуқининг мазмуни яъни эгаллик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш каби мулк ҳуқуқлари белгиланиб, мулк муносабатларнинг моҳиятини очиқ беради. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, иқтисодиётнинг барча соҳаларида шу жумладан, қишлоқ хўжалигида мулкдан фойдаланиш яъни юридик ва жисмоний шахсларнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини олиб бориш жараёнида атроф табиий муҳитга зарар етказмасликлари, экологик қонунчилик қоида-талабларига амал қилишлари ҳамда, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини бузмаслиги шартдир.

Давлатимиз Асосий қонунининг 55-моддасида, "Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликлар, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидир"- деб, мустаҳкамланган бўлиб, давлат экологик сиёсатининг асосий йўналишлари, қоида-талабларини Конституция даражасида белгилаб берди.

Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимиз иқтисодиётининг шаклланиши, ривожланиши ва янада такомиллашувида табиий ресурсларнинг ўрни бекиёсдир. Айниқса, ер, ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва бошқа табиий бойликларнинг иқтисодиётнинг устувор тармоғи ҳисобланган қишлоқ хўжалигида муҳим аҳамият касб этади. Чунки, биринчидан, қишлоқ хўжалигининг ўзи табиат тизимида жойлашган; иккинчидан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бевосита табиий ресурслардан фойдаланиш асосида амалга оширилади; учинчидан, табиатдаги турли ўзгаришлар аграрно-иқтисодий ишлаб чиқариш жараёнига ўз таъсирини ўтказди ва ҳоказо.

Шунинг учун ҳам ушбу конституциявий қоидада, муҳим тамойиллар, яъни:

- ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик, ҳайвонот дунёси ва бошқа табиий бойликларнинг умуммиллий бойлик эканлиги;
- табиий ресурслардан фақат оқилона фойдаланиш мумкинлиги;

- табиат бойликлари давлат муҳофазасига олинганлиги белгиланган бўлиб, агросаноат мажмуида кенг қўлланилади.

Табиий ресурслар қонунчилигига асосан, табиий бойликлар умуммиллий бойлик, давлат мулки ҳисобланиб, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва хўжалик юритиш мақсадлари асосида эғалик қилиш ва фойдаланиш учун жисмоний ва юридик шахсларга берилади. Ер, сув ва бошқа ресурсларидан қишлоқ хўжалик мақсадлари учун фойдаланиш ва муҳофаза қилиш қонунчилиқда белгиланган ҳуқуқ ва мажбурият; шарт-шароитлар асосида оширилади.

Шунингдек, қишлоқ хўжалигида ер, сув ва бошқа ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш қоида-талаблари, махсус ваколатли давлат органлари яъни Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ва бошқа органлари орқали назорат қилиниб, давлатнинг муҳофаза функцияси таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қишлоқ хўжалигининг сиёсий-ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа жабҳаларда ижтимоий муносабатларини белгиловчи, қишлоқ хўжалик қонунчилиқ чоратадбирларининг ижросини амалга оширишга қаратилган давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ҳуқуқий ҳолати мустаҳкамлангандир.

Хусусан, Конституциямизнинг XVIII-бобида, олий вакиллик органи ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳуқуқий ҳолат белгиланган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга ошириши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан - Қонунчилиқ палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборатлиги, ваколатлари яъни қишлоқ хўжалик қонунчилиқ ҳужжатларини қабул қилиш; давлат аграр сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш; қишлоқ хўжалиги соҳасида муҳим дастурларни тасдиқлаш; бюджетни қабул қилиш ва ижросини назорат қилиш; қишлоқ хўжалигига оид турли солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш ва бошқа жараёнларда муҳим аҳамиятга эгадир³.

Асосий қонунимизнинг XIX-бобида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳуқуқий ҳолати белгиланган бўлиб, унга кўра Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи сифатида, фуқароларнинг ҳуқуқ, бурч, эркинликларини кафолатлаш, давлат аграр сиёсатини амалга ошириш, қишлоқ хўжалик қонунчилиқ ҳужжатларининг ижросини таъминлаш; қишлоқ хўжалик бошқарув органлари фаолиятини шакллантириш ва мувофиқлаштириш, қишлоқ хўжалигида сиёсий, ижтимоий-иқтисодий,

³ Қаранг, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент. "Ўзбекистон". 2003 й. ЎзР Конституциясига қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган. 28.12.1993 й. 989-ХП-сон Қонуни, ЎзР 24.04.2003 й. 470-П-сон Қонуни.

маданий-маърифий жабҳаларда ривожланиш дастурини ҳаётга тадбиқ этиш ва бошқа фаолиятларда муҳим аҳамиятга эгадир⁴.

Бундан ташқари, Конституцияда қишлоқ хўжалик қонунчилиқ ҳужжатлари қоида-талабларини барча жисмоний ва юридик шахслар томонидан амалга оширишни таъминлаш, қонунийлик ва ижтимоий адолатни кафолатлашга хизмат қиладиган суд ҳокимияти тизими, прокуратура органларининг ҳуқуқий ҳолати белгиланиб, жамиятимизнинг бошқа соҳалари каби қишлоқ хўжалигида ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишни кафолатлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустақамланган асосий тамойил, қоида-талаблар асосида қишлоқ хўжалигининг барча тармоклари учун муҳим бўлган махсус қонунчилиқ ҳужжатлари қабул қилинади.

Шундай қилиб, Конституция ҳуқуқ тизимининг бошқа соҳалари каби қишлоқ хўжалиги ҳуқуқининг ҳам асосий манбаси ҳисобланади ҳамда конституциявий қоидаларда аграр муносабатларнинг ҳуқуқий пойдевори мустақамланади.

3 §. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг манбаи сифатида қонунлар.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сунг, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ва бошқа жабҳаларда кенг қамровли, туб ислохотларни амалга оширмоқда. Мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислохотларнинг асосий мақсади фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократик, ҳуқуқий давлатни барпо этиш, бозор иқтисодиёти қонуниятларига асосланган кўп тармоқли иқтисодиётни ривожлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчларини таъминлаш ва кафолатлаш асосида келажаги буюк давлатни яратишдан иборат. Албатта, олиб борилаётган туб ислохотларни амалга оширишда қонунчилиқ ҳужжатларининг аҳамияти чексиздир. Қонунчилиқ ҳужжатлари асосида жамият ҳаётининг роли соҳаларида пайдо бўладиган ижтимоий муносабатлар тартибга солинади. Айниқса, республикада амалга оширилаётган туб ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирларнинг ҳуқуқий асосини қонунчилиқ ҳужжатлари ташкил этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида шу жумладан, иқтисодиётда пайдо бўладиган ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворини яратишда давлатимизнинг асосий қонуни - Конституция муҳим аҳамиятга эга. Конституцияда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишлари, усуллари, қоида-талаблари белгилаб қуйилган бўлиб, ушбу конституциявий қоидаларнинг ҳаётга тадбиқ этиш уларнинг ҳаётийлигини таъминлаш қонунлар асосида амалга оширилади.

⁴ Қаранг, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент. "Ўзбекистон". 2003 й. ЎЗР Конституциясига қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган. 28.12.1993 й. 989-ХІІ-сон Қонуни, ЎЗР 24.04.2003 й. 470-ІІ-сон Қонуни.

Иқтисодиётимизнинг устивор соҳаларидан бири ҳисобланган қишлоқ хўжалигидаги пайдо бўладиган ижтимоий муносабатларни амалга оширишда қонунлар алоҳида ўрин эгаллайди.

«Ўтган давр мобайнида бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган қонунчилик ва ҳуқуқий асосни яратиш, давлат мулкани хусусийлаштириш, қишлоқда иқтисодий ва аграр муносабатларнинг мутлақо янги шакллари жорий қилиш борасида кўпгина ишлар амалга оширилганлигини тан олишимиз керак. Асосан маъмурий-буйруқбозлик ва тақсимот вазифаларини бажариб келган, аслида эса бутунлай ортиқча бўлган кўплаб бўғин ва тузилмаларга барҳам берилди»¹. Айни маҳалда бугунги кунда қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш алоҳида масала бўлиб қолмоқда.

Юқорида таъкидланганидек, қишлоқ хўжалиги кўп тармоқли мураккаб тизимга эга бўлганлиги учун ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиб-териш олиш, айрбошлаш, қайта ишлаш, сотиш, даромадни тақсимлаш ҳамда қишлоқ хўжалик инфратузилмаларини такомиллаштириш каби жараёнлар аграр қоида-талаблар билан бир қаторда фуқаролик, хўжалик, молия, маъмурий, меҳнат, экология қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалик қонунчилиги мураккаб тизимга эга бўлиб, агросаноат тизимида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар йўналишлари, аграр муносабатларни тартибга солишдаги улуши вазифасига кўра ҳамда қонунларнинг мазмун-моҳиятини англаш, ўрганишни осонлаштириш мақсадида уларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

1. умумий аҳамиятдаги қонунлар;
2. махсус қонунлар;
3. муҳофаза аҳамиятидаги қонунлар, яъни аграр-ҳуқуқий тартиботни муҳофаза қилишга қаратилган қонунлар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қишлоқ хўжалик қонунлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, агросаноат мажмуидаги тутган ўрнига кўра шартли равишда турларга бўлиб ўрганамиз.

Умумий аҳамиятдаги қонунлар иқтисодиётнинг турли жабҳаларида хар-хил муносабатларни тартибга солиш билан бир қаторда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришда зарур шартлар яратиш, аграр-ҳуқуқий жараёнларни ривожланишига хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалиги муносабатларининг ривожланиши учун ҳуқуқий асос яратадиган умумий аҳамиятдаги қонунлар тизими қуйидагилардан иборат:

-Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.¹

-Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (1998 йил 1 январдан кучга кирган).²

¹ Каримов И.А. Ислохотлар стратегияси- мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. Т. Ўзбекистон, 2003. –18-бет.

² Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Т., "Адолат". 2004 й.

-Ўзбекистон Республикасининг "Мулкчилик тўғрисида" (31.10.1990), "Кооперация тўғрисида" (1991 йил 14 июн), "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида" (1991 йил 19 ноябр), "Ижара тўғрисида" (1991 йил 19 ноябр), "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида" (2001 йил 29 Август)⁵, "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида" (1992 йил 9 декабр), "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида" (1993 йил 6 май), "Банкротлик тўғрисида" (2003 йил 24 Апрель)⁶, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида" (1996 йил 25 апрел), "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида" (1997 йил 26 декабр), "Ер кодекси" (1998 йил 30 апрел), "Гаров тўғрисида" (1998 йил 1 Май)⁷ ва бошқалар.

Ушбу қонунлар қишлоқ хўжалик тармоқлари хусусиятларини қамраб олган ҳолда маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнини тартибга солиш мақсадида махсус қабул қилинган бўлиб, муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, биринчидан, қишлоқ хўжалигида бозор иқтисодиёти қонуниятлари асосида туб иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга хизмат қилади; иккинчидан, қишлоқ хўжалиги тизимини турли тармоқлари ва йўналишларидаги аграр муносабатларни тартибга солади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг "Фермер хўжалиги тўғрисида (янги таҳрирда)", "Дехқон хўжалиги тўғрисида", "Ветеренария тўғрисида", "Ўруғчилик тўғрисида", "Селекция тўғрисида" (янги таҳрири), "Ўсимликлар карантини тўғрисида"ги қонунлар; учинчидан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш корхоналарининг комплекс муносабатлари, яъни, меҳнат, молиявий, хўжалик, маъмурий, экологик ва ташқи соҳаларидаги фаолиятини ягона мақсадга бирлаштириб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнига қўллайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси "Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"ги қонуни; тўртинчидан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ хусусиятлар, яъни, ишлаб чиқаришнинг табиий ресурслардан фойдаланиш орқали амалга оширилиши ва мавсумийлик асосида меҳнатни ташкил этиш, табиий омилларнинг (ёмғир, тошқин, қурғоқчилик, дул, сел) ишлаб чиқаришга таъсири каби жиҳатлар кўзда тутилгандир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, "Фермер хўжалиги тўғрисида"⁸, "Дехқон хўжалиги тўғрисида"ги, "Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида" қонунлари давлат аграр сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Қишлоқ хўжалигида аграр муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда муҳофаза аҳамиятидаги, яъни, мавжуд аграр ҳуқуқий тартиботни муҳофаза қилишга қаратилган қонунлар тизими қуйидагилардан иборат:

² Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Т., "Адолат". Ушбу кодексга ЎзР 27.12.2005 й. ЎРҚ-17-сон Қонуни билан ўзгартириш киритилган.

⁵ Мазкур Қонуннинг янги таҳрири ЎзР 29.08.2001 й. 260-II-сон Қонуни билан тасдиқланган.

⁶ Янги таҳрир ЎзР 24.04.2003 й. 474-II-сон Қонуни билан тасдиқланган.

⁷ Мазкур Қонуннинг янги таҳрири ЎзР 01.05.1998 й. 614-I-сон Қонунига мувофиқ амалга киритилган.

⁸ Мазкур Қонуннинг янги таҳрири ЎзР 26.08.2004 й. 692-II-сон Қонуни билан тасдиқланган.

- Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (1995 йил 21 декабр)¹ ;
- Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодекси (1994 йил 22 сентябр)² ;
- Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (1994 йил 22 сентябр)³;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси⁴.

Қишлоқ хўжалик қонун ҳужжатлари тизими асосида агросаноат мажмуидаги хўжалик, молиявий, меҳнат, маъмурий, экологик, ташкилий ва бошқа муносабатлар тартибга солиниб, ўзига хос аграр ҳуқуқий тартиботни ташкил қилади.

Муҳофаза аҳамиятидаги қонун ҳужжатларининг асосий мақсади, биринчидан, қишлоқ хўжалик қонунчилиқ қоида талаблари асосида юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолиятини тартибга солиш; иккинчидан, ўрнатилган аграр-ҳуқуқий тартиботни юридик ва жисмоний шахсларнинг ноқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизликларидан муҳофаза қилиш; учинчидан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини кафолатлаш орқали ижтимоий адолатни таъминлаш.

Ушбу қонун ҳужжатларининг вазифаси, биринчидан, қишлоқ хўжалик қонунчилиқ ҳужжатлари қоида-талабларини бўзган фуқаролар, мансабдор шахслар хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизлигининг ижтимоий хавфлилик даражасига кўра интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш; иккинчидан, қишлоқ хўжалигидаги юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ва етказилган зарарни ўз вақтида қоплаш орқали амалга оширилиб, муҳим аҳамиятга эгадир.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, қишлоқ хўжалик муносабатларини тартибга солишга қаратилган қонунлар тизими шартли равишда бир неча турларга бўлинишидан қатъий назар, бир-бири билан боғлиқ бўлиб, қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг махсус манбаси сифатида аҳамияти бекиёсдир.

4\$. Қонун ости меъёрий ҳужжатларининг аграр муносабатларини тартибга солишдаги аҳамияти.

Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини шакллантириш, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ривожлантириш, агросаноат ишлаб чиқариш механизмида конституциявий қоидалар, қонунлар билан бир қаторда қонун ости меъёрий ҳужжатларининг ўрни муҳимдир.

Ҳаммамизга маълумки, конституциявий қоидаларда белгиланган аграр муносабатларнинг асосий тамойиллари негизида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришга оид қонунлар қабул қилинади. Қонунларда муносабатларнинг

¹ ЎзР Меҳнат Кодекси "Адолат", 2005 й.

² Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий жавобгарлик тугрисида"ги кодекси. Т., "Адолат". 2005 й.

³ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси. Т., "Адолат", 2004 й.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Т., "Адолат", 2005 й.

пайдо бўлиш, ўзгартириш ва бекор бўлиш асослари, агросаноат жараёнининг қоида-талаблари белгиланиб катта аҳамиятга эгадир. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, қишлоқ хўжалиги табиат тизимида жойлашган бўлиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш жараёни эса бевосита табиий бойликлар яъни, ер, сув, ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсир кўрсатиш орқали амалга оширилади. Табиат объектлари эса тирик организм сифатида доимо ўзгарувчан ва ривожланишдадир.

Табиий ресурслар ҳолатининг ўзгариши эса ўз навбатида улардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш фаолиятининг ўзгаришига олиб келиши табиийдир. Ушбу ҳолат бевосита бошқа муносабатлар қатори аграр муносабатлар ҳуқуқий ҳолатининг ўзгариши, тўлдирилиши ва ривожланишига олиб келади.

Шунинг учун ҳам конституциявий қоидалар ва аграр муносабатларни бевосита тартибга солишга қаратилган қонунларнинг ҳаётга тадбиқ этилишини таъминлаш, доимо ўзгарувчан табиат объектлари билан ҳамоханг равишда тўлдирилиб, янгиланиб бориш учун қонун ости меъёрий ҳужжатлари жорий этилади. Қонун ости меъёрий ҳужжатларининг асосий мақсади ва вазифаси конституциявий асослар ва қонун қоида талабларини ҳар бир минтақа, вилоят, шаҳар, туман ва қишлоқларнинг табиий ва Маҳаллий хусусият ва шароитларини ҳисобга олган ҳолда амалиётга қўллашни таъминлашдан иборатдир.

Давлат ва ҳуқуқнинг умумий назариясида, қонунчилик ҳужжатлари тизими асосан, биринчидан, конституциявий қоидалар, иккинчидан, қонунлар мажмуи, учинчидан эса, қонун ости меъёрий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар яъни, фармон, қарор, низом, йўриқнома, устав ва бошқалардан иборат бўлиши кўзда тутилгандир.

Қишлоқ хўжалигига оид Ўзбекистон Республикасининг қонунларида агросаноат ишлаб чиқариш жараёнининг механизми, асосий қоида-талаблари ва шарт-шароитлари белгиланган бўлиб, уларни ҳар бир қишлоқ ишлаб чиқариш субъектлари билан муносабатга киришиши ва ҳаётийлигини таъминлашда қонун ости меъёрий ҳужжатларининг аҳамияти бекиёсдир.

Бундан ташқари, юқорида таъкидланиб ўтилганидек, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосий воситаларидан ҳисобланган табиий ресурслар ҳолатининг ўзгарувчанлиги асосида қонунчилик ҳужжатларининг ўзгариши, тўлдиришга олиб келади. Бизга маълумки, жамиятда махсус қонунларнинг тез-тез ўзгариб, тўлдирилиб турилиши ўз навбатида уларнинг барқарорлиги яъни, ҳаётийлигига таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун ҳам, асосан қонунлар асосида қабул қилинган қонун ости меъёрий ҳужжатлари тез-тез ўзгартирилиб, тулдирилиб, ўзгарувчан табиий омилларга мослашиб боради. Демак, қонун ости меъёрий ҳужжатлари шундан иборатки, биринчидан, қонунларнинг ҳаётга тадбиқ этилишида, иккинчидан, қонунда белгиланган қоида-талабларининг барқарорлигини амалга оширишга хизмат қилади.

Бугунги кунда, аграр муносабатларни тартибга солишда қонун ости меъёрий ҳужжатлари тизими қуйидагилардан иборатдир:

-Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори;

-Қишлоқ хўжалигида махсус ваколатли давлат бошқарув органлари ҳисобланган вазирлик, давлат қўмита ва идораларининг низом, йўриқнома ва буйруқлари ва бошқа меъёрий кўрсатмалари;

-Маҳаллий давлат ҳокимият органларининг қишлоқ хўжалигига оид фармойиш ва қарори;

-Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш корхона, ташкилот, муассасаларнинг низом, устав ва ички хўжалик қоидалари ва бошқа ҳужжатлари.

Шундай қилиб, қонун ости меъёрий ҳужжатлари тизими улкан ҳажми ташкил этиб, аграр муносабатларни тартибга солишдаги аҳамияти, ўрни, иштироки ва усулига кўра бир-биридан фарқ қилади.

Демак, мураккаб тизимга эга бўлган қонун ости меъёрий ҳужжатларнинг амалда қўллашни тартибга солиш ва уларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаш ҳамда ўрганишни осонлаштириш мақсадида шартли равишда қуйидаги турларга бўлишимиз мумкин:

1. Қишлоқ хўжалигида умуммажбурий аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар;

2. "Локал" ¹ аҳамиятга эга бўлган меъёрий ҳужжатлар.

Қишлоқ хўжалиги тизимида барча вазирлик, давлат қўмитаси, идоралар, корхона, ташкилот ва муассасалар ҳамда фуқаролар учун умуммажбурий аҳамиятга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, махсус ваколатли давлат бошқарув органлари ҳамда Маҳаллий давлат ҳокимият органларининг меъёрий ҳужжатларининг аҳамияти бекиёсдир. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"², Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фермер хўжаликларини ривожлантириш Концепцияси тўғрисида" 2003 йил 27 октябрдаги ПФ-3342-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, "Қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 5 Ноябрь 2003 йил, "2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 30 Октябр 2003 йил, "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори⁵, "Фермер хўжалиги тўғрисида" (Янги таҳрирдаги), "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги қонуни ва бошқалар.

Агросаноат мажмуида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари махсус ваколатли давлат органларининг меъёрий ҳужжатларининг асосий вазифаси қишлоқ хўжалигида оид конституциявий асослар, қонунларда белгиланган қоида-талабларни амалда қўлланишни таъминлашдан иборатдир. Ушбу вазифани

¹ "Локал" аҳамиятдаги ҳужжатлар, маълум корхона, ташкилот, муассаса ёки тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар.

² "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2003 й., 5-6-сон, 46-модда.

⁵ "Ўзбекистон Республикаси қонунлар тўплами" 2002 йил, 1-сон

амалга ошириш мазмун-моҳиятига кўра қонун ости меъёрий ҳужжатларини бир неча тоифларга бўлиш мумкин:

- маълум муддатга ва номуайян муддатда амал қиладиган ҳужжатлар;
- республика ва Маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар;
- агросаноат мажмуининг барча соҳалари ва қишлоқ хўжалигининг маълум тармоғига тегишли бўлган ҳужжатлар ва бошқалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги фармони қабул қилинган бўлиб, муҳим аҳамият касб этади. Чунки, биринчидан, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш белгилайди; иккинчидан, қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш таъминлайди; учинчидан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқаришнинг бозор тамойилларига мос келадиган ташкилий тузилмасини татбиқ этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг мустақиллигини кенгайтиришга хизмат қилади.

Қишлоқда иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантиришнинг норматив-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, уларнинг хўжалик фаолияти учун қулай шарт-шароитларни шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2002 йил 5 Январда, "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилган. Ушбу қарорда мувофиқ қуйидаги ҳуқуқий ҳужжатлар маъқуллангандир:

1. Қишлоқ хўжалиги корхонасини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича комиссия тўғрисидаги намунавий низом 4-иловага мувофиқ;
2. Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси негизда фермер хўжалиги барпо этиш учун талабгорларни танлаш ва уларнинг танловини ўтказиш тартиби 5-иловага мувофиқ;
3. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантиришда активлар ва пасивларни тақсимлаш тартиби 6-иловага мувофиқ;
4. Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудудида ўзаро сув хўжалиги муносабатларини тартибга солиш тартиби 7-иловага мувофиқ;
5. Янгидан ташкил этилган фермер хўжаликларига тижорат банклари томонидан кредит бериш қоидалари 8-илова мувофиқ¹.

Юқорида таъкидланган қонун ости меъёрий ҳужжатлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, қишлоқ хўжалик қонун ҳужжатларини ҳаётга тадбиқ этиш механизмини таъминлайди, қишлоқ хўжалигида мулк шакллари ривожлантириш ва меҳнатни ташкил этишни самарали усулларини жорий этишга хизмат қилади.

¹ "Ўзбекистон Республикаси қонунлар тўплами" 2002 йил, 1-сон

Агросаноат мажумида "Локал" аҳамиятга эга бўлган, яъни, қишлоқ хўжалик корхона, ташкилот, муассасаларининг ички хўжалик аҳамияти муҳимдир.

Ҳаммамизга маълумки, республикамиз қишлоқ хўжалигида турли мулк шаклларига асосланган корхона, ташкилот, муассасалар ҳамда хўжалик фаолиятини олиб бораётган жисмоний шахслар фаолият олиб бормоқда. Ушбу ишлаб чиқариш хўжалик субъектларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш билан боғлиқ қоида-талаблари ҳамда ўзига хос хусусиятлари бевосита "Локал" аҳамиятдаги ҳужжатлар билан тартибга солинади. Хусусан, ҳар бир қишлоқ хўжалик корхонасининг устави, Ички тартиб қоидалари, жамоа шартномаси ва бошқа ҳужжатлар. Ушбу ҳужжатлар фақат муайян қишлоқ хўжалик корхонаси, доирасидаги барча ишчи ва хизматчилар мажбурий бўлган қоида-талабларини белгилайди ва ички хўжалик муносабатларининг ҳуқуқий ҳолатини таъминлайди.

Демак, қонун ости меъёрий ҳужжатлари республикамиз аграр қонунчилик ҳужжатлари тизимида алоҳида ўринга эга бўлиб, қонун талабларини амалиётда қўлланишини таъминлашга хизмат қилади.

III-боб. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш.

1§- Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг тушунчаси мақсади, йўналишлари ва хусусиятлари

Қишлоқ хўжалиги республикамиз иқтисодиётининг етакчи соҳаси сифатида муҳим аҳамиятга эгадир.

Шунинг учун ҳам агросаноат мажмуида амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳалардаги ислохотларни амалга ошириш бозор иқтисодиёти қоида талабларини жорий этиш, хилма-хил мулк шакллари ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқиш жараёнини таъминлашда давлат бошқаруви муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўз асарларида мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига босқичма-босқич, эволюцион ислохотлар асосида ўтиш ва туб ислохотларни амалга оширишда давлат бош ислохотчи, ташкилотчи бўлиши тамойилини илгари сурадилар. «Қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг асосий тамойилларини аниқ белгилаб олиш ва тартибга солиш фурсати аллақачон етди: мамлакат миқёсидаги раҳбар идора - қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги нима учун жавоб беради, вилоят ва туман даражасидаги раҳбар ва мутасаддилар қандай масалалар учун маъсул эканини ва ниҳоят, хўжалик, яъни маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг вазифалари ва маъсулиятини ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгилаб қўйиш зарур»⁹. Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган туб ислохотларни босқичма-босқич амалга оширишни таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабр N ПФ-3358 сонли “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида” фармони муҳим аҳамиятга эгадир¹⁰.

Таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш деганда агросаноат мажмуида ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш юзасидан давлат бошқарув органлари фаолияти тушунилади.

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий мақсади аҳолини сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш ва аҳолининг ижтимоий ҳолатини яхшилашдан иборатдир.

Ушбу мақсадни амалга оширишда давлат бошқарув органлари олдида маъсулиятли вазифа ва йўналишларни белгилашни тақозо этади.

Шуни таъкидлаш керакки, бугунги кундаги қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш юзасидан олиб борилаётган фаолият йўналишининг хилма-хиллиги, мураккаблиги ва мазмун-моҳияти билан

⁹ Каримов.И.А. Ислохотлар стратегияси -мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. - Т.:Ўзбекистон, 2003. –20-бет.

¹⁰ Мазкур Фармонга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган:ЎзР Президентининг 04.06.2004 й. ПФ-3441-сон Фармони, ЎзР Президентининг 18.07.2005 й. ПФ-3625-сон Фармони, ЎзР Президентининг 19.07.2005 й. ПФ-3626-сон Фармони, ЎзР Президентининг 20.09.2005 й. ПФ-3661-сон Фармони.

собик социалистик кишлок хўжалик ишлаб чиқариш жараёнини тартибга солиш юзасидан давлат бошқарувидан тубдан фарқ қилади. Собик СССР агросаноат мажмуини бошқаришда марказлашган давлат бошқарув органлари тизими оркали маъмурий буйруқбозлик чора-усуллари асосида тўғридан-тўғри амалга оширилар эди. Бу ҳолат эса ўз навбатида кишлок хўжалик корхоналарининг мустақиллигини чеклаш, тадбиркорлик фаолиятини бўғиш, кишлок хўжалик корхоналарининг иқтисодий манфаатдорлигини пасайиши ва кишлок хўжалик маҳсулотларини усишига салбий таъсир кўрсатиши каби оқибатларга олиб келарди.

Бугунги кунда амалга оширилаётган аграр ислохотларнинг мазмун - моҳиёти давлат бошқарув органларининг агросаноат мажмуини тартибга солиш чора-тадбирлари билан бир қаторда асосан иқтисодий чора ва усулларни қўлланишини талаб этади.

Кишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш биринчидан, кишлок хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи субъектларга қулай шарт-шароитлар яратиб бериш, уларнинг иқтисодий ва хўжалик мустақиллигини таъминлаш, мулкдорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш асосида таъсир кўрсатиш, иккинчидан, маъмурий - ҳуқуқий усуллардан иқтисодий усулларнинг устиворлигини таъминлашини назарда тўтилади.

Кишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга қонунчилик ҳужжатларида давлат бошқарув органларнинг қуйидаги йўналишлардаги фаолияти белгиланган:

- Агросаноат мажмуининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий соҳалардаги ижтимоий муносабатларини тартибга солишга қаратилган қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш;
- Кишлоқ хўжалигида мулкчилик шакллари тақомиллаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик фаолиятни қўллаб-қувватлаш;
- Кишлоқ хўжалик инфраструктурасини яратиш ва ривожлантириш;
- Ерларни муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш, деҳқонларга ерга эгалик хиссини уйғотишиш, деҳқонларни ўз меҳнати натижаларидан фойдаланиш ҳуқуқига тўла эга бўлишни таъминлашни йўлга қуйиш;
- Кишлоқ хўжалик корхоналарининг ҳуқуқини ва иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш, турли кишлок хўжалик ишлаб чиқариш шакллари кишлок хўжалик ширкати, фермер хўжалиги ва деҳқон хўжалигини ташкил қилиш ва ривожлантириш;
- Кишлоқ хўжалиги тармоқларида ишлаб чиқариш учун зарур моддий - техника таъминотини йўлга қуйиш;
- Пахтачилик, дон ва бошқа кишлок хўжалик экинлари селекцияси ва уруғчилиги тизимини ривожлантириш, маҳаллий тўпроқ иқлим шароитига мос навларни танлашда кўмаклашиш;
- Кишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, айирбошлаш ва хорижий давлатларга экспорт қилишда зарур шарт-шароитлар яратиш ва бошқалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, агросаноат мажмуини давлат томонидан тартибга солиш иқтисодиётимизнинг бошқа соҳаларидаги давлат бошқарув жараёни билан умумий жиҳатлари мавжуд бўлиши билан бир қаторда ўзига хос хусусиятларига эга. Ушбу ўзига хос хусусиятлар қишлоқ хўжалигидаги мураккаб турли ижтимоий муносабатларнинг моҳиятидан келиб чиқади.

Қишлоқ хўжалигида давлат бошқарувининг хусусиятлари қуйидаги омиллар билан боғлиқдир.

1. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш жараёнининг табиий омилларга боғлиқлиги, яъни ер, сув, ўсимлик, ҳайвонот дунёси ва атмосфера ҳавосининг ҳолатига боғлиқлиги;
2. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг яъни, экинларни экиш ва маҳсулотни йиғиб териб олишда мавсумийлигининг қўлланиши;
3. Агросаноат мажмуи йирик, мураккаб тўзилмаларни ўз ичига олиб, нафақат қишлоқ хўжалик тармоқлари фаолияти балки халқ хўжалигининг машинасозлик, кимё саноати, билан чамбарчас боғлиқлиги ва бошқалар.

Юқорида санаб ўтилган омиллар қишлоқ хўжалиги давлат томонидан тартибга солишга қаратилган фаолиятига ўз таъсирини кўрсатади ва давлат бошқарув органлари олдида янгидан-янги вазифа ва йўналишларни белгилайди. Чунки, қишлоқ хўжалиги табиат бағрида жойлашган, табиий ресурслардан фойдаланиш асосида ишлаб чиқариш жараёни олиб борилади. Ушбу ҳолат эса ўз навбатида ушбу соҳада бошқарувни амалга ошираётган давлат органлари ўз фаолиятини атроф табиий муҳит ҳолати билан уйғунлаштирилган ҳолда олиб боришни кўзда тутди.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётимизнинг муҳим соҳаларидан бири бўлиб, босқичма-босқич олиб борилаётган ислохотларни таъминлашда давлат органларининг ислохотчи, ташкилотчи бўлишини белгилайди.

2 § - Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг шакллари, тамойиллари.

Жамият ҳаётидаги барча фаолият маълум бир шакл, усул ва тамойиллар асосида олиб борилсагина, кўзланган мақсад ва натижага тез ва осон етишиш имкониятини беради. Шу жумладан, жамият ҳаётининг барча соҳалари қатори агросаноат мажмуидаги турли ижтимоий муносабатларни бошқариш ҳам ўз навбатида маълум шакл ва тамойилларга асосланади.

Қишлоқ хўжалигида давлат бошқарувининг шакллари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонун ва агросаноат мажмуини ислох қилишга қаратилган дастурлар асосида белгиланган бўлиб, уч қисмга бўлинади:

- 1) Қишлоқ хўжалик муносабатларини тартибга солишга қаратилган қоида- талабларни белгилаш;
- 2) Қишлоқ хўжалик қонунчилиги ҳужжатларини ижросини таъминлаш;

3) Қонунчилик ҳужжатлари, дастурларда белгиланган қоида-талаблар ва чора-тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш, ҳамда тегишли чораларни белгилаш.

Давлат бошқаруви юқорида санаб ўтилган шакллар асосида қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш фаолияти амалга оширилади. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишда давлат органларининг қонун ижодкорлиги фаолияти муҳим аҳамиятга эга бўлиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экиш, етиштириш, йиғиб-териб олиш, айрбошлаш, қайта ишлаш, маҳсулотни сотиш билан боғлиқ муносабатларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилайди.

Қишлоқ хўжалигига оид қонун, фармон, қарор ва бошқа меъёрий аҳамиятдаги ҳужжатлар давлат ҳокимияти ва ижро ҳокимияти органлари томонидан қабул қилиниб, барча вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, юридик ва жисмоний шахслар учун умуммажбурий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамланган қоида-талабларнинг ижросини таъминлаш давлат ижро ҳокимияти органларининг энг асосий вазифаларидан бири бўлиб, амалга оширилишини кўзда тутлади.

Қишлоқ хўжалик қонунчилик ҳужжатлари қоида талабларини барча вазирлик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилишини назорат қилиш ва тегишли чора-тадбирларни белгилаш билан боғлиқ давлат органларининг кафолатлаб, ижтимоий адолатни таъминлаш ва ишлаб чиқариш субъектларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қишлоқ хўжалиги давлат томонидан тартибга солишнинг моҳиятини бозор муносабатларига ўтиш жараёнида агросаноат мажмуини қўллаб-қувватлаш, бозор иқтисодиёти механизмини шакллантиришда ишлаб чиқариш ва хўжалик субъектларига етарли шарт-шароитлар яратиш, илмий жиҳатдан асосланган йўналиш кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятлар ташкил этади.

Шунинг учун ҳам ушбу соҳани давлат томонидан тартибга солиш фаолияти назарий-амалий ғояларга асосланган аниқ йўналишларга яъни тамойилларга эга бўлиши катта аҳамиятга эга. Ҳаммамизга маълумки, жамият ҳаётида содир этилаётган барча ижтимоий муносабатлар маълум тамойил асосида олиб борилгандагина, белгиланган мақсад ва натижаларга тез, қўлай ва осон эришиш имкониятини беради.

Бугунги кунда республикамиз агросаноат мажмуини давлат томонидан тартибга солишнинг ўзига хос тамойиллари белгиланган бўлиб, улар биринчидан, давлатимиз мустақиллиги ғояларига асосланган туб аграр ислохотларни жадаллаштириш, иккинчидан, қишлоқ хўжалигидаги хилма-хил мулкчиликка асосланган ишлаб чиқариш тузилмаларининг ҳуқуқларини кафолатлаш, учинчидан, қишлоқ хўжалиги хос хусусиятларини ўз ичига олади.

Ушбу муҳим тамойиллар ўз моҳиятига кўра мураккаб тизимга эга бўлиб, уларни шартли равишда икки қисмга бўлиш мумкин:

1. умумий тамойиллар

2. махсус тамойиллар.

Умумий тамойиллар иқтисодиётимиз барча соҳа ва тармоқлари каби қишлоқ хўжалиги тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, қуйидагилардан иборат:

1. қонунийлик
2. ошкоралик
3. давлатнинг бош ислохотчилиги
4. ижтимоий адолат ва ҳимоянинг устиворлиги ва бошқалар.

Ушбу тамойиллар қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, биринчидан, давлат аграр сиёсатининг демократик ғояларга асосланишини белгилайди, иккинчидан, аграр ижтимоий муносабатлар қонунчилик ҳужжатлари қоида-талаблар асосида барча субъектлар томонидан амалга оширилишини таъминлайди, учинчидан, агросаноат мажмуида бозор муносабатларини йўлга қуйишда давлатнинг бош ислохотчи, ташкилотчи бўлиши асосида барча ишлаб чиқариши ва хўжалик юритиш субъектлари учун етарли шарт-шароитлар ва бозор механизмини шакллантиришга хизмат қилади, тўртинчидан, қишлоқда ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, ижтимоий адолатни тиклаш қишлоқ инфраструктурасини яратишга, хизмат қилади.

Махсус тамойиллар эса қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, сотиш, даромадни тақсимлаш каби жараёнларда ишлаб чиқариш - хўжалик субъектлари билан давлат органлари фаолиятини маълум йўналиш асосида олиб борилишини таъминлашга хизмат қилади.

Бугунги кунда махсус тамойиллар тизими қуйидагилардан иборат:

- 1) Қишлоқ хўжалигини тартибга солишда маъмурий чора-тадбирлар билан бир қаторда ижтимоий-иқтисодий усулларни қўлланиши;
- 2) Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ички хўжалик фаолиятига тўғридан-тўғри аралашмаслик;
- 3) Қишлоқ хўжалик корхоналари ва бошқа субъектларининг маҳсулотни қайта ишлаш ва экспорт қилиш фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш;
- 4) Бошқарувни амалга оширишда тармоқ ва ҳудудий хусусиятларни узаро боғлиқ ҳолда олиб борилиши;
- 5) Табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик соф маҳсулотни ишлаб чиқариш фаолиятини моддий рағбатлантириш ва бошқалар.

Ушбу махсус тамойиллар агросаноат мажмуида давлат органларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий соҳалардаги фаолиятининг йўналишларини белгилаб, қишлоқ хўжалигига оид ўзига хос хусусиятларни қамраб олган ҳолда аграр ислохотларни амалга оширилишини таъминлашга хизмат қилади.

3-§. Қишлоқ хўжалигини тартибга солувчи давлат органлари тизими уларнинг асосий йўналишлари.

Мамалакатимиз агросаноат мажмуи томонидан тартибга солувчи тизимга эга бўлиб, бевосита қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган аграр ислохотлар мазмун-моҳияти ва хусусиятларига таянади.

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш давлат томонидан амалга оширилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг агросаноат мажмуида олиб бораётган фаолиятининг мазмуни, йўналиши ва хусусиятларига қараб, уларни 2 қисмга бўлиш мумкин.

1. Умумий ваколатли давлат органлари,
2. Махсус ваколатли давлат органлари.

Қишлоқ хўжалигида умумий ваколатли давлат органлари қуйидагилардан иборат:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси:
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти:
3. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси:
4. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан - Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат.¹

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари қуйидагилардан иборат:

1. Аграр муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;
2. Қишлоқ хўжалик қонун ҳужжатлари қоида-талабларининг вазирликлар, давлат қўмиталари, идораларнинг вилоят, туманларда амалга оширилиши юзасидан парламент назоратини олиб бориш;
3. Қишлоқ хўжалигини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган давлат Дастур ва концепцияларини тасдиқлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги фаолияти билан боғлиқ бошқа ваколатлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ваколатлари қишлоқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, барча вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, юридик ва жисмоний шахслар учун умуммажбурий аҳамиятли қоида-талабларни белгилаб, агросаноат мажмуининг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Давлатимиз Асосий қонунининг 89-моддасига асосан: Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: “Ўзбекистон”, 2003.

этувчи ҳокимият бошлиғидир.² Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ижро ҳокимиятининг Марказий органлари сифатида қабул қилинган қонун ҳужжатлари ҳамда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий ислохотларни ривожлантиришга қаратилган Дастур ва режаларни ҳаётга тадбиқ этиш фаолиятини қуйидаги йўналишларида амалга оширади:

- ⇒ ягона давлат аграр сиёсатини олиб бориш;
- ⇒ аграр ислохотларни ривожлантириш юзасидан қонун ости меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш;
- ⇒ агросаноат мажмуидаги вазирлик, давлат қўмитаси, идоралар ҳамда концерни, компанияларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;
- ⇒ аграр қонунчилик ҳужжатларининг бажарилиши юзасидан давлат назоратини ташкил қилиш;
- ⇒ агросаноат мажмуида бозор иқтисодиёти қонуниятларини тадбиқ этишда юридик ва жисмоний шахслар учун етарли шарт-шароитлар яратиш уларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш;
- ⇒ қишлоқ хўжалигини ривожлантириш зарур моддий-техника, молиявий ресурсларини тақсимланишини йўлга қуйиш;
- ⇒ қишлоқ хўжалигида бозор инфраструктурасини яратиш, аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилиш;
- ⇒ қишлоқ хўжалигида мулкчилик шакллари ва тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб қувватлаш ва бошқалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу соҳада ижро ҳокимияти марказий органларининг фаолият-йўналишлари хилма-хил бўлиб, агросаноат мажмуида ислохотларни ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан аҳолининг эҳтиёжларини қондириш, ишлаб-чиқариш ва хўжалик фаолиятини олиб боровчи субъектлари учун шарт-шароитлар билан таъминлашга хизмат қилади.

Умумий ваколатли давлат органлари тизимида маҳаллий давлат ҳокимият органлари¹¹ муҳим аҳамиятга эга бўлиб, қуйидаги асосий йўналишларда фаолият олиб борадилар:

- ⇒ агросаноат мажмуини ривожлантиришга қаратилган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий соҳаларда чора-тадбирларни амалга ошириш;
- ⇒ ўз худуди доирасида умуммажбурий аҳамиятга эга булган қишлоқ хўжалик муносабатларини тартибга солишга қаратилган меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш;
- ⇒ қишлоқ хўжалигига мулжалланган ерларнинг унумдорлигини ошириш, улардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш буйича худудий дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: "Ўзбекистон", 2003.

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуни (Мазкур қонунга ўзгартиришлар киритилган ЎзР 30.08.1997 й. 485-I-сон қонуни, ЎзР 25.12.1998 й. 729-I-сон қонунларига кўра), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, №9, 241 – модда.

- ⇒ ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш юзасидан давлат назоратини амалга ошириш;
- ⇒ ер тўзиш, ер мониторингини ўтказиш ва давлат ер кадастрини юритишни ташкил этиш;
- ⇒ юридик ва жисмоний шахсларга қишлоқ хўжалик мақсадлари учун эгалик қилиш, фойдаланиш учун ер ажратиб бериш;
- ⇒ қишлоқ хўжалик корхоналари ва хўжалик фаолиятини олиб бораётган шахсларга зарур шарт-шароитларни таъминлаш ва бошқалар.

Умумий ваколатли давлат органлари иқтисодиётни барча соҳалари, шу жумладан қишлоқ хўжалигида туб аграр ислохотларни ривожлантириш, агросаноат мажмуининг ҳуқуқий пойдеворини шакллантириш, амалга ошириш ҳамда барча мулк ҳуқуқи субъектларининг ҳуқуқларини кафолатлашга хизмат қилади.

Агросаноат мажмуини давлат томонидан тартибга солишда махсус ваколатли давлат органлари қуйидагилар ҳисобланади:

- ⇒ Ўзбекистон Республикасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги;
- ⇒ Сув хўжалиги бош бошқармаси;
- ⇒ Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, давлат органлари қишлоқ хўжалигида аграр муносабатларни бевосита амалга ошириш фаолиятини олиб бориш юзасидан ушбу соҳага ойда махсус ваколатларга эгадирлар.

Қишлоқ хўжалигида махсус ваколатли давлат органлари тизимида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги марказий уринни эгаллайди ва қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида давлат бошқарув органи ҳисобланади.

Ушбу давлат органи ўз фаолиятини амалдаги қонун ҳужжатлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28, **№ 290**-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва Сув хўжалиги вазирлиги ҳақида”ги Низоми асосида олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагиларни ўз ичига олади.

- ⇒ қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган комплекс дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- ⇒ мулк муносабатларини такомиллаштириш давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш меҳнатни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш;
- ⇒ бозор иқтисодиёти инфраструктурасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги корхоналари солиқ, молия тизимини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;
- ⇒ қишлоқ хўжалиги ширкат хўжалиги, деҳқон фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш - хўжаликларининг ишлаб чиқариш -хўжалик фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

- ⇒ қишлоқ хўжалигида юқори сифатли технология ва бошқа инвестиция воситаларини жалб қилиш аграр соҳада илмий-техникавий ва ютуқларни жаҳон тажрибасини жорий этиш;
- ⇒ қишлоқ хўжалигида ер, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан оқилона фойдаланишни ташкил этиш, уларни муҳофаза қилиш чоратadbирларини ишлаб чиқиш;
- ⇒ қишлоқ хўжалиги соҳасининг чорвачилик, пахтачилик, ғаллачилик, пиллачилик каби асосий тармоқларида маҳсулотни етиштириш, йиғиб териб олиш, қайта ишлаш, ички ва ташқи бозорга олиб чиқиш жараёнларига умумий раҳбарлик қилиш ва бошқалар.

Бундан ташқари, ушбу низомда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг қишлоқда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш, сув хўжалиги фаолияти, ташқи иқтисодий алоқалар, илмий-техникавий тараққиётини жадваллаштириш, моддий техника таъминоти ва маҳсулотни сотиш, кадрлар тайёрлаш, меҳнат ва ижтимоий ривожланиш, капитал қурилиш ва лойиҳалаштириш, истиқболни белгилаш, иқтисод, молия ва бошқарув тизимини такомиллаштириш каби соҳаларда ваколатлари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги марказлашган тизимга эга бўлиб, марказий девон, Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, туманлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларидан ташкил топган. Бундан ташқари, ушбу вазирлик таркибига қарашли турли йирик фаолиятли қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бирлашма ва ташкилотлар мавжуд бўлиб, агросаноат мажмуида алоҳида аҳамиятга эгадир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида" 2003 йил 24 мартдаги ПФ-3226-сон Фармони бажариш юзасидан ҳамда ирригация тизимларини бошқаришнинг маъмурий-худудий принциpidан ҳавза принциpigа ўтиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 21 Июл 2003 йил № 320-сонли "Сув хўжалигини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида" қарор қабул қилди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг мавжуд сув хўжалиги ташкилотлари ва хизматлари тузилмалари ҳамда унинг худудий бўлинмалари негизида: Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси; Норин-Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси; Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси; Қуйи Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси; Чирчиқ-Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси; Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси; Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси; Аму-Бухоро ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси; Қуйи Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси; Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Сув хўжалиги бош бошқармаси ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларида ҳамда сув хўжалиги тизимининг бошқа корхоналари ва бирлашмаларида сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бажарилиши устидан назоратни таъминлайди, уларни такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқади ва уларни кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда киритади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, Магистрал каналлар бошқармалари бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири томонидан танлов асосида лавозимга тайинланади. Танловни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири томонидан тасдиқланади.

Қишлоқ хўжалигида махсус ваколатли давлат органлари тизимида Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси алоҳида ўринга эгадир. Бу орган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358 сон «Республика давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги¹² фармонида асосан Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат қўмитаси сифатида эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат қўмитаси алоҳида уринга эгадир. Ушбу давлат органи Вазирлар Маҳкамасининг 19 Октябр 2004 йил 483-сонли «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат қўмитаси»ни Низом асосида олиб боради.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат қўмитаси қуйидаги асосий йўналишларда ўз ваколатларини олиб боради:

- ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ер муносабатларини тартибга солиш, ер тузишни ва ерлар мониторингини ташкил қилиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш ва қайта тиклаш бўйича ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш;
- тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- ерлардан оқилона фойдаланилиши ва улар муҳофаза қилиниши устидан давлат назоратини амалга ошириш;
- геодезия ва картография фаолиятини бошқариш;
- давлат геодезия назоратини ташкил этиш;
- давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

¹² Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами. 2003 й. 11-12-сон.

- давлат ер кадастрини, давлат картография-геодезия кадастрини, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини, шунингдек Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш ва бошқалар.

Ушбу давлат қўмитаси тизими Марказий девон, вилоят ер ресурслари бошқармаси, туман ер ресурслари хизматидан иборат бўлиб, қишлоқ хўжалигига мулжалланган ерларни муҳофаза қилиш, таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишга қаратилган давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари тизими шаклланган бўлиб, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириши қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан аҳолини таъминлашга хизмат қилади.

IV-БОБ. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг ҳуқуқий ҳолати

1-§. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг ҳуқуқий ҳолатига умумий тафсиф

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) товар, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш учун пайчилик ва асосан оила (жамоа) пудратига, фуқароларнинг ихтиёрий равишда бирлашишига асосланган юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодкесига мувофиқ тижорат ташкилоти ҳисобланиб, қишлоқ хўжалик корхоналарнинг бир туридир.

Қишлоқ хўжалиги кооперативларининг фаолияти қуйидаги принципларга асосланади:

кооперативга аъзоликнинг ихтиёрийлиги ва ундан эркин чиқиш мумкинлиги;

кооператив фаолиятида аъзоларнинг ўз меҳнати билан иштирок этиши шартлиги;

маҳсулот етиштириш ва меҳнатни хўжалик ичида асосан оила (жамоа) шартномаси асосида ташкил этиш;

кооператив (ширкат) аъзоларининг меҳнатига ишлаб чиқарган маҳсулоти (базарганлиги) ҳажмига, сифатига қараб ҳақ тўлаш;

якуний даромадни (фойдани) кооператив (ширкат) аъзолари ўртасида уларнинг мулкӣ пайларига мувофиқ тақсимлаш;

бошқарувнинг демократик хусусияти, қарорлар қабул қилишда ҳуқуқлар тенглиги (кооператив (ширкатнинг) бир аъзоси - бир овозга эга бўлиши);

кооператив (ширкат) уставида назарда тутилган тартибда унинг иши устидан кооператив (ширкат) аъзоларининг назорат қилиши;

ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланиш, ерларнинг муҳофаза қилинишини ва тупроқ унумдорлигининг оширилишини таъминлаш.

Қишлоқ хўжаёиғи кооперативи (ширкат хўжалиғи) олдинги колхозларда (жамоа хўжаликлардан) фарқи ширкат аъзоларни хўжалик мол-мулкидаги реал улушини пай тариқасида белгиланганидан иборатдир.

Ширкат хўжалиғи фаолиятининг асосий тури қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришдир. Ширкат хўжалиғи қишлоқ хўжалиғи маҳсулоти етиштириш билан бир каторда ўширкат хўжалигининг ўз ҳудудида ҳам, шунингдек ундан ташқарида ҳам қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмол моллари, ишлаб чиқариш-техника аҳамиятига эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ, таъмирлаш ва қурилиш ишлари, юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш, шунингдек қонунларда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шугулланишга ҳақли.

Агар қонун ҳужжатларга мувофиқ ширкат хўжалиғи амалга оширмақчи бўлган фаолият тури лицензиялаштириладиган фаолият турига

тааллуқли бўлса, фақат белгиланган тартибда лицензия олинганидан сўнг амалга оширилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи унинг муассислари томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи аъзоларининг сони кооператив (ширкат) фаолияти ихтисослашувидан келиб чиқиб унинг уставида белгилаб қўйилади.

Ширкат хўжалиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда туман ҳокимлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ташкил этилган деб ҳисобланади ва юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи мустақил балансга, банк муассасасида ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобварақларга, номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

Ширкат хўжалигининг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқаролик кодекси, "Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"ги Қонуни, Ер кодекси, Солиқ кодеси Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қароралари, Ҳукумат қарорлари ва бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг устави билан тартибга солинади. Устав қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) фаолиятини тартибга солувчи асосий ҳуқуқий ҳужжатдир. Ширкат хўжаликларнинг Устави ишлаб чиқилишини содлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги 299-сонли қарори, сўнгра 2003 йил 5 ноябрдаги 486-сонли қарори билан Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг намунавий устави тасдиқланган. Юқорида қайд этилган қонун ҳужжатларига асосан қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг Уставида қуйидагилар белгиланади:

- кооперативнинг (ширкатнинг) номи ва жойлашган манзили; фаолият соҳаси ва мақсади;

- кооперативга (ширкатга) кириш ва ундан чиқиш тартиби;

- кооператив (ширкат) муассисларининг таркиби ва аъзоларининг сони;

- кооператив (ширкат) аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

- бошқарув органлари, уларни шакллантириш тартиби ва уларнинг ваколатлари;

- кооперативнинг (ширкатнинг) пай, бўлинмас ва бошқа жамғармаларининг миқдори ва уларни шакллантириш тартиби;

- кооператив (ширкат) аъзоларининг меҳнатда иштирок этиши ва улар меҳнатига ҳақ тўлашнинг кўпроқ оила (жамоа) пудратига асосланган шакллари;

- кооператив (ширкат) даромадларини (фойдасини) тақсимлаш, шу жумладан мулкӣ пайлар бўйича дивидендлар тўлаш учун тақсимлаш тартиби;

- кооперативни (ширкатни) қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби.

Уставга кооператив фаолияти билан боглиқ, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам киритилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативининг устави муассислар томонидан таъсис йигилишида қабул қилинади, унга ўзгартишлар кооператив (ширкат)

аъзоларининг умумий мажлисида киритилади. Уставга киритилган ўзгартишлар тўғрисидаги ахборот кооперативни (ширкатни) давлат рўйхатидан ўтказган органга бир ҳафталик муддат ичида тақдим этилади.

Ширкат хўжалиги ўз фаолиятини амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

ширкат хўжалиги Уставида назарда тутилган ихтисослашувга ва тузилган шартномаларга мувофиқ ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкасида ишлаб чиқариш фаолиятини мустақил ташкил этиш;

маҳсулотларга нархларни шартнома асосида мустақил белгилаш ва маҳсулотларни, агар қонун ҳужжатларида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, тузилган шартномалар асосида ўз хоҳишига кўра сотиш;

моддий-техника ресурслари, бошқа мол-мулк, ҳамда акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиш, бошқа юридик ва жисмоний шахслардан асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулкни ижарага ёки вақтинча фойдаланишга олиш, ҳамда кредитлар олиш, ўз мол-мулкни сотиш, ижарага бериш, гаровга қўйиш ва бошқа усул билан ўзгага бериш;

ер участкаларини юридик ва жисмоний шахсларга уч йилгача муддатга субижарага, боғлар ва узумзорларни эса ижарага бериш;

уюшмалар, иттифоқлар ва бошқа бирлашмаларга кириш.

Ширкат хўжалигининг қуйидаги мажбуриятларни бажаради:

ер ва сув ресурсларидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш; сувни тежаш, сувдан лимит бўйича фойдаланиш тўғрисидаги шартномага риоя этиш мувофиқ фойдаланиш, ер ва сув ресурсларидан фойдаланишнинг ички хўжалик ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш;

ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ер участкасининг унумдорлигини ошириш чора-тадбирларини кўриш, бизнес-режаларда ушбу мақсадлар учун маблағлар ажратилишини назарда тутиш, ички гидромелиорация тизимини таъмирлаш ва шўрланган ерларни ювиш;

янги агротехнологияларни жорий этиш, экология талабларига ва атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидаларига риоя қилиш;

экинларни навлар бўйича жойлаштиришнинг белгиланган талабларига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда стандартлар талабларига риоя этиш; зараркунандалар ва касалликларга қарши кураш олиб бориш;

ширкат хўжалиги аъзолари ва унда меҳнат шартномаси бўйича ишловчи шахсларнинг меҳнат фаолияти ҳисобини юритиш, уларга хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш ва меҳнатга ўз вақтида ҳақ тўлаш. ресурсларидан тежаб фойдаланган пудратчилар ва ижарачиларни рағбатлантириш,

Ширкат хўжалиги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлар бўйича ўзга ҳуқуқларга эгадир ва улар бўйича жавоб беради.

2 §. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)га аъзолик

Ширкатнинг аъзоларини сони "Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ чекланмаган. Аммо ширкат хўжалиги аъзолари сонини белгилашда

хар бир гектарга тўғри келадиган иш кучи сонига қараб туриб, меҳнат самарадорлигини ошириш мақсадида белгилаш тавсия этилган.

Ўн олти ёшга тўлган ширкат уставини тан олувчи ва унинг талабларига риоя этувчи ширкат фаолиятида ва унинг жамғармаларини шакллантиришда иштирок этувчи жисмоний шахслар қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзоси бўлишлари мумкин. Бунда ширкат аъзолигига Ўзбекистон Республикаси фуқароси, чет эл давлатининг фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахслар қабул қилиниши мумкин.

"Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"ги Конуннинг 7-модда иккинчи қисмига мувофиқ ширкатнинг жамоа аъзолари сифатида юридик шахсларни қатнашиши кузда тутилган. Бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, шу жумладан фермер хўжалиқлари ва юридик мақомига эга бўлган деҳқон хўжаликлар ширкатнинг жамоа аъзоси сифатида хўжаликни ишлаб чиқариш фаолиятида қатнашиши мумкин. Ширкат ва унинг жамоа аъзолари ўртасидаги узаро муносабатлар шартнома асосида тартибга солинади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалигига) аъзо бўлиб кириш берилган ариза асосида амалга оширилади.

Ширкат хўжалиги аъзолари сонини кўпайтириш умумий йиғилишнинг мутлақ ваколатига киради. Ширкат хўжалигига аъзоликка қабул қилиш шахснинг ёзма аризаси асосида амалга оширилади.

Ширкат хўжалиги аъзолари билан меҳнат муносабатлари ширкат хўжалиги раисининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Меҳнат шартномаси ва бошқарувнинг қарори буйруқ чиқариш учун асос ҳисобланади. Ширкат хўжалиги раисининг буйруғи ширкат хўжалиги аъзоларининг навбатдаги умумий йиғилишида ариза берган шахснинг иштирокида тасдиқланади. Бунда ширкат хўжалигига аъзоликка қабул қилиш ёки қабул қилишни рад этиш тўғрисида бошқарув қарори ариза берилган пайтдан бошлаб бир ой муддатда қабул қилиниши керак.

Ширкат хўжалиги аъзолигига махсус билимларга ва иш тажрибасига эга бўлган шахсларни қабул қилиш зарур бўлганда хўжалик бошқаруви уч ойгача бўлган синов муддати белгилаши мумкин.

Ширкат хўжалигига аъзоликка қабул қилинаётган шахс умумий йиғилиш томонидан белгиланган миқдорда ширкат хўжалиги пай жамғармасига улуш қўшиши ёхуд чиқиб кетган аъзонинг пайини сотиб олиши керак.

Ширкатга аъзоликни асосий талаби ширкатнинг фаолиятида қатнашишига қарамасдан конун жисмоний шахслар учун ширкатга аъзоликни сақлаб қолиш ҳолларини кузда тутди. Бу ҳоллар куйидагилардир: ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган вақтда; давлат ва жамоа органларига сайлаб қўйиладиган лавозимга сайланган муддатга; ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш вақтига; бошқа корхоналар, муассасалар, ташкилотларга ширкат хўжалиги бошқаруви томонидан белгиланган муддатга йўлланганда.

Ширкат хўжалиги аъзолари қарилик ёки ногиронлик бўйича пенсияга чиқсалар, умумий мажлис қарори билан уларнинг аъзоликлари сақланиб қолиниши мумкин.

Ширкат хўжалиги аъзолари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқаролик кодекси, "Кишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"ги Қонуни, Ер кодексида ва ширкатнинг уставда белгиланган бошқарув, меҳнат, мулкӣй ва ер билан боғлиқ ҳўқўқ ва мажбуриятларга эгадирлар.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи аъзолари қуйидаги ҳўқўқларга эга:

кооператив (ширкат) ишларини бошқаришда иштирок этиш;

кооперативнинг (ширкатнинг) бошқарув органларига сайлаш ва сайланиш;

кооператив (ширкат) хизматларидан фойдаланиш; ўз меҳнати натижаларига мувофиқ даромадлар олиш;

мулкӣй пайга мувофиқ дивидендлар олиш.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзолари уставга риоя этишлари, кооперативнинг (ширкатнинг) умумий мажлиси ва бошқаруви қарорларини бажаришлари шарт.

Қонун ҳужжатларида қишлоқ хўжалиги кооперативи аъзоларининг бошқа ҳўқўқ ва мажбуриятлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Ширкат хўжалиги аъзоларининг мулкӣй пайлари миқдори уларнинг ўзгариши (қўпайиши ёки камайиши) умумий йиғилиш томонидан тасдиқланади. Ширкат хўжалиги аъзоларининг мулкӣй пайлари миқдори улар томонидан киритилган қўшимча бадаллар миқдорига ошади.

Ширкат хўжалиги аъзоларининг мулкӣй пайи номи ёзилган далолатнома билан расмийлаштирилиб, рўйхатга олиш рақамига эга бўлади ва у қимматли қоғозлар тоифасига кирмайди.

Ҳар бир аъзо учун ширкат хўжалиги молия-ҳисоб-китоб марказида шахсий ҳисоб рақами очилади ва унда унинг бошланғич мулкӣй пайи ва қўшимча пай бадаллари, шунингдек тўланган дивидендлар акс эттириб борилади. Барча аъзоларнинг шахсий ҳисоб рақамларидаги мулкӣй пайларининг йиғиндиси ширкат хўжалигининг пай жамғармаси миқдорига тенг бўлиши керак.

Пай жамғармасини шакллантириш, мулкӣй пайларни тақсимлаш ва улар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби ширкат Умумий йиғилиш томонидан тасдиқланадиган низом билан белгиланади.

§ 3. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)ни бошқариш

Ширкат хўжалигини бошқариш, унинг ҳўқўқӣй ҳолати хусусиятларини белгилайди. Ширкат хўжалигининг бошқарув органлари олий (умумий мажлис), ижроя (бошқарув, раис) ва назорат (тафтиш комиссияси ёки тафтишчи) органларига бўлинади.

Ширкат хўжалигининг умумий мажлисида барча ширкат аъзолари қатнашишга ҳақлидир. Ширкат хўжалигининг умумий мажлиси ширкатнинг

фаолиятига тааллуқли бўлган барча масалаларни ҳал қилишга ҳақлидир. Шу билан бирга "Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"ги Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ умумий мажлис мутлоқ ваколатларга эга. Ушбу ваколатлар ширкат фаолиятининг муҳим масалалари билан боғлиқ бўлиб, ижроя органининг ваколатига ўтказилиши мумкин эмас.

Умумий йиғилишнинг мутлоқ ваколатларига қуйидагилар киради:

ширкат хўжалигининг Уставини қабул қилади ва унга белгиланган тартибда ўзгартириш ва қўшимчалар киритади;

ширкат хўжалигининг раиси, ширкат хўжалигининг бошқаруви ва тафтиш комиссияси аъзоларини (тафтишчини) сайлайди ва уларни чақириб олади, уларнинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини эшитади ва фаолиятига баҳо беради;

ширкат хўжалиги аъзолигига қабул қилиш, аъзоликдан чиқариш тўғрисидаги масалаларни, шунингдек ширкат хўжалиги аъзолигидан чиқиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этади;

ширкат хўжалигининг ички меҳнат тартиби ва меҳнатга ҳақ тўлаш тартибини белгилайди;

оила (жамоа) пудрати тўғрисидаги низомни ва бошқа хўжалик ички норматив ҳужжатларни қабул қилади;

ширкат хўжалиги аъзоларининг мулкӣ пайлари миқдорини белгилайди;

ширкат хўжалиги фаолиятининг бизнес-режаларини ва уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлайди;

даромадни (фойдани) тақсимлаш тартибини, ширкат хўжалигининг бўлинмас, пай ва бошқа жамғармалари турларини, миқдорини ва улардан фойдаланиш йўналишларини белгилайди;

ердан фойдаланиш, ер тузиш масалаларини ҳал этади, шунингдек Ширкат хўжалиги аъзолари оилаларига, шунингдек ширкат хўжалиги ҳудудида доимий яшаётган ўқитувчилар, врачлар ва бошқа мутахассисларнинг оилаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида деҳқон хўжаликларини юритиш учун ер участкалари бериш тўғрисида туман ҳокимига илтимоснома киритади;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун оилаларга (жамоаларга) пудрат шартларида ер участкалари ажратиш тўғрисида қарор қабул қилади;

фермер хўжаликларига танлов асосида ер участкаларини ижарага бериш тўғрисида туман ҳокимига илтимоснома киритади;

ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш ва тугатиш, унинг уюшмалар, жамиятлар, агрофирмалар ва бошқа бирлашмаларга кириши ва улардан чиқиши масалаларини ҳал этади.

Аъзоларнинг сони 500 кишидан ортиқ бўлган йирик ширкат хўжаликларида умумий мажлис ваколатига кирадиган масалаларни ҳал қилиши учун уставда назарда тутилган ҳолларда вакиллар мажлиси чақирилиши мумкин ("Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"ги Қонунининг 11-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 5 ноябрдаги 486-сонли Қишлоқ хўжалигида ижара

муносабатларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг намунавий уставининг 53-банди). Вакиллар оилавий (жамоавий) пудратчиларнинг ва ширкат хўжалиги бошқа бўлинмаларининг йиғилишларида ширкат хўжалиги аъзолари орасидан умумий йиғилиш томонидан белгиланган муддатга сайланадилар. Вакилларнинг вакиллик нормалари ширкат хўжалиги аъзоларини ширкат хўжалигини бошқаришга энг кўп даражада жалб этишни ҳисобга олган ҳолда ширкат хўжалиги бошқаруви томонидан белгиланади. Ширкат хўжалиги раиси, бошқарув аъзолари, ширкат хўжалиги тафтиш комиссияси аъзолари вакиллар йиғилиши ишида мажбурий тартибда қатнашадилар. Ширкат хўжалиги раисини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш, ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш ва унинг фаолиятини тўхтатиш масалалари бўйича қарорлар фақат умумий йиғилиш томонидан қабул қилинади.

Ширкат хўжалигининг аъзоларининг умумий йиғилишида овоз беришнинг хусусияти шундан иборатки, бошқа хўжалик жамиятларидан фарқ қилган ҳолда ҳар бир аъзо, шу жумладан жамоа аъзоси мулкӣ пайнинг миқдоридан қатъий назар битта овозга эга бўлишидир. Умумий мажлис ҳар бир молия йили тугаганидан кейин ўтказилади (навбатдаги умумий мажлис). Ширкат хўжалиги бошқарувининг ёки раисининг қарорига биноан ёки ширкат аъзоларининг камида ўндан бир қисми ташаббуси билан умумий мажлис чақирилиши мумкин (навбатдан ташқари умумий мажлис).

Ширкат хўжалиги аъзолари ёки уларнинг вакилларининг умумий мажлиси ширкат барча аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашган (ёки уларнинг вакиллари қатнашган) тақдирдагина масалаларни ҳал этиш ҳуқуқига эга бўлади. Умумий йиғилиш қатнашчиларининг сони юз кишидан ортиқ бўлса, шунингдек яширин овоз бериладиган ҳолларда санок комиссияси сайланади.

Ширкат хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилиши (вакиллар йиғилиши) қарорлари очиқ ёки яширин овоз бериш орқали кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Уставга ўзгартиришлар киритиш, устав фонди миқдорини ўзгартириш, ширкат хўжалигини қайта ташкил қилиш ва тугатиш масалалари бўйича қарорлар умумий йиғилиш иштирокчиларининг ёки улар вакилларининг тўртдан уч қисмининг кўпчилик овози билан қабул қилиниши керак. Ширкат хўжалиги аъзоси бўлмаган ва унда меҳнат шартномаси асосида ишлайдиган шахслар умумий йиғилишда маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин.

Ширкат хўжалигининг жорий фаолиятига бошқарув ва раис раҳбарлик қилади. Бошқарув коллегиял орган ҳисобланиб, унинг аъзолари ширкат уставида кузда тутилган муддат ва сон миқдорида умумий мажлис томонидан сайланади.

Ширкат хўжалиги бошқаруви қуйидаги ваколатларга эга:

ширкат хўжалиги фаолиятининг бизнес-режаларини ишлаб чиқиш ва умумий йиғилиш тасдиғига киритиш;

ширкат хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилишини чақириш ҳамда улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг ижросини назорат қилиш;

ширкат хўжалигига янги аъзолар қабул қилиш ва аъзоликни тугатиш тўғрисидаги қарорни умумий йиғилиш тасдиғига киритиш;

зарурат бўлганда мустақил аудиторлик текширишлари ўтказилишини ташкил этиш;

ердан фойдаланиш, ер тузиш ва ер участкалари ажратиш бўйича таклифларни умумий йиғилишнинг кўриб чиқиши учун киритиш;

ширкат хўжалиги Уставида ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

Уставда белгиланган муддатда умумий мажлис томонидан сайланадиган ширкат хўжалиги раиси бошқарувнинг ишига ҳамда хўжалигининг фаолиятига кундалик раҳбарлик қилади. Қоидага кўра, бошқарув раис лавозимига номзодни тавсия этади. Ширкат хўжалиги раиси умумий йиғилишда ширкат хўжалиги аъзоларидан очиқ овоз бериш йўли билан муқобиллик асосида уч йил муддатга сайланади.

Ширкат раиси ширкат хўжалиги номидан ишончномасиз иш олиб боради, оила бошлиқлари (жамоанинг вакиллари) билан пудрат шартномаларни тузади; хўжалигининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади, мол-мулкни тасарруф этади, шартномаларни, шу жумладан меҳнат шартномаларини тузади, уларнинг бажарилишини таъминлайди, ишончномалар беради, банкда ҳисоб рақамлари очади ва ширкат хўжалиги Уставига мувофиқ бошқа ишларни амалга оширади, умумий (вакиллар) йиғилиши ва бошқарув қарорларнинг ижросини назорат қилади, ширкат хўжалигининг ички меҳнат тартиби қоидаларини белгилайди, ўз ваколати доирасида буйруқ ва фармойишлар чиқаради, пул ва ҳисобот ҳужжатларини ҳамда бошқа ҳужжатларни имзолайди, ходимлар меҳнатини ташкил этади, умумий йиғилиш ва бошқарув олдида ҳисобот беради.

Ширкатнинг умумий йиғилиши айрим вазифаларни тезликда ҳал этиш учун раисга бошқа функцияларни ҳам юклаши мумкин.

Ширкатнинг молиявий ҳужалик фаолияти устидан назоратни амалга оширувчи орган бўлиб, унинг аъзолари ширкат уставида кузда тутилган муддат ва сон миқдорида умумий мажлис томонидан сайланадиган ва унга ҳисоботдор бўлган тафтиш комиссияси ёки тафтишчи амалга оширади. Тафтиш комиссияси (тафтишчи) бир йилда бир марта ширкат хўжалигининг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилади. Йил давомида заруратга қараб ўтказилган текшириш натижалари ҳамда бир йиллик тафтиш натижаси тўғрисида бошқарувга маълум қилади ва умумий йиғилиш олдида ҳисобот беради. Тафтиш комиссияси аъзолари (тафтишчи) ширкат хўжалигининг ижро этувчи органи таркибига кириши мумкин эмас.

§ 4. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг мол-мулки

Ширкат хўжалигининг мустакил балансида акс этирилган асосий жамғармалар, айланма маблағлар ҳамда бошқа бойликлар ширкатнинг мол-мулкини ташкил этади. Ушбу мол-мулк Фукаролик кодексининг 58-моддасининг биринчи қисмига ва "Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тугрисида"ғи Конунини 17-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ унинг мулки ҳисобланади. Шу билан бирга ширкатнинг мол-мулки унинг аъзоларини умумий мулки ҳисобланади.

Ширкат хўжалигининг мол-мулки асосий жамғармалар қиймати, етиштирган маҳсулоти, уни сотишдан тушган даромадлар (фойда), аъзоларнинг пул ва моддий бадаллари, банк кредитлари, қимматли қогозлар ҳисобидан ҳамда кооперативнинг уставида назарда тутилган бошқа фаолият натижасида ва қонунларда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ҳосил бўлади. Кооператив мол-мулкини шакллантиришда юридик ва жисмоний шахслар шартнома асосида пул ва моддий бадаллар киритиш йўли билан иштирок этишлари мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи томонидан ташкил этиладиган корхоналар ва ташкилотларнинг мол-мулки, шунингдек хўжаликлараро корхоналар ва ташкилотларнинг мол-мулки уларнинг улушли иштирокига мувофиқ шу кооперативнинг мулкидир.

Таркибига қишлоқ хўжалиги кооперативлари, мулкчиликнинг турли шаклидаги бошқа корхоналар ва ташкилотлар кирган уюшмаларнинг мол-мулки уларнинг умумий (улушли) мулки ҳисобланади. Таркибига фақат кооперативлар кирган уюшмаларнинг мол-мулки, агар уюшмаларнинг таъсис ҳужжатларида ёки қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шу ширкатларга умумий (улушли) мулк ҳуқуқи асосида қарашли бўлади.

Ширкат хўжалигида умумий мажлис қарори билан қуйидагилардан таркиб топадиган устав жамғармаси (капитали) шакллантирилади:

ширкат хўжалиги аъзоларининг мулкӣ пайларига тақсимланадиган пай жамғарма;

тупроқ унумдорлигини ошириш тадбирларини ўтказиш, ирригация иншоотларини сақлаш, янги ирригация-мелиорация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш, техника олиш, ижтимоӣ ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, бошқа умумий ижтимоӣ ва хўжалик вазифаларини ҳал этиш учун мўлжалланган бўлинмас жамғарма.

Ширкат хўжалигининг пай жамғармаси унинг асосий жамғармалари қийматини ҳамда мажбуриятларидан холи бошқа активлари қийматини ўз ичига олади, бўлинмас жамғармани шакллантиришга йўналтириладиган маблағлар бундан мустасно.

Пай ва бўлинмас жамғармаларнинг миқдорлари ширкат хўжалигининг уставида белгилаб қўйилади. Пай жамғармаси қишлоқ хўжалиги кооперативи аъзоларига умумий улушли мулк асосида, бўлинмас жамғарма эса - умумий биргаликдаги мулк асосида қарашли бўлади.

Пай жамғармаси қишлоқ хўжалиги кооперативи аъзолари ўртасида мулкӣ пайларга тақсимланиши лозим. Мулкӣ пай ширкат хўжалиги ҳар

бир аъзосининг ширкат пай жамгармаси қийматидаги улушини белгилайди ва ширкат аъзосига ширкатнинг якуний даромадидан (фойдасидан) дивидендлар тариқасида тегишли улушни олиш ҳуқуқини беради. Ширкат хўжалиги ташкил топишдаги ёки аъзоликка қабул қилиш вақтида киритилган (аниқланган) мулкӣй пай бошланғич пайи ҳисобланади. Мулкӣй пай ширкат хўжалиги умумий йиғилишининг қарорига асосан тақсимланмаган фойдадан ажратма, аъзо кейчалик киритган қўшимча бадаллар ва бошқа манбалар ҳисобига кўпайтирилиши мумкин.

Мулкӣй пай миқдорини аниқлаш, пайлар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби, шартлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Ширкат хўжалиги ҳар бир аъзоси мулкӣй пайининг аниқ миқдори кооперативнинг (ширкатнинг) аъзосига мол-мулкнинг муайян улушига ҳамда хўжалик оладиган умумий даромаднинг (фойданинг) тегишли қисмига бўлган унинг ҳуқуқини мустаҳкамлаб қўювчи, номи ёзилган гувоҳнома берилган ҳолда ширкатнинг юқори бошқарув органи қарори билан белгиланади.

Ширкат хўжалиги даромадининг (фойдасининг) пайлар бўйича дивидендлар тўлаш учун мўлжалланган қисми йил якунларига кўра тақсимланади ва мулкӣй пайнинг миқдорига мутаносиб равишда тўланади.

Ширкат хўжалиги аъзолигидан чиқиш фермер хўжалиги ёки янги ширкат хўжалиги ташкил этиш мақсадида амалга оширилган ҳолларда мулкӣй пайлар қонун ҳужжатларига мувофиқ натура ҳолатида ажратиб берилиши мумкин, бошқа ҳолларда эса пул қийматида қайтарилади.

Ширкат хўжалиги аъзосининг мулкӣй пайини фуқаролик қонун ҳужжатларига асосан мерос қилиб қолдирилади. Бунда агар меросхўр мазкур ширкатга аъзо бўлса унинг пайни миқдорига мерос қилиган пай қўшилади. Агар меросхўр ширкатга аъзо бўлиб кирса пай унга ўтади ва ўз номидан қўшимча пай киритиш ихтиёрий ҳисобланади. Меросхўр ширкатга аъзо бўлиб кирмаса унга пайнинг қиймати ажратиб берилади.

§ 5. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) фаолиятининг асослари

"Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) туғрисида"ги Қонунини 20-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ ширкат хўжалиги уз фаолияти йўналишларини, ишлаб чиқаришнинг тўзилиши ва ҳажмларини мустақил равишда белгилайди. Ширкат хўжалиги бозор талабида шартномаларга асосланиб етиштирилган маҳсулотни турини ва ҳажминини мустақил белгилайди. Ширкат хўжалиги асосан дон ва пахта етиштирувчи хўжалик сифатида ишлаб чиқарилган маҳсулотни етказиб бериш тўғрисидаги давлат контрактига асосан (Фуқаролик кодексининг 29-бобнинг 4-§) ўз хўжалик фаолиятини ташкил этиши мумкин.

Ширкат хўжалигининг ҳуқуқӣй ҳолатини хусусиятларидан бири бўлиб, унда меҳнатни ташкил қилиш ҳисобланади. "Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) туғрисида"ги Қонунини 20-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ оила (жамоа) пудрати ширкат хўжалигида ички хўжалик ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил қилишни устун шакли бўлиб

ширкат хужалигида оила (жамоа) пудрати шартномаси асосида меҳнатни ташкил қилиш. Оила (жамоа) пудратида меҳнатга ҳақ тўлаш якуний натижаларга кўра - етиштирилган маҳсулотнинг шартномада назарда тутилган турлари, миқдори ва сифатига қараб амалга оширилади. Бу эса ширкат хўжалигида аъзоларини хўжаликнинг йил давомидаги фаолият натижалига кўра пай мутаносиб дивиденд олишларини мустасно қилмайди.

Ширкат хужалигида меҳнат муносабатлари "Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"ги Қонуни, бошқа қонун ҳужжатлари ширкатнинг устави ва ички иш тартиби билан тартибга солинади. Ширкат хўжалиги ишлаб чаришни таъминлаш мақсадида ширкат аъзоси бўлмаган шахсларни меҳнат шартномаси асосида ишга жалб этилиши мумкин. Ширкат хўжалиги аъзоларига мулкӣ пайлар бўйича тўланган дивидендлар меҳнат ҳақи таркибига киритилмайди.

Ширкат хўжалиги аъзолари белгиланган тартибда ижтимоӣ таъминот ва ижтимоӣ суғуртага ҳақлидирлар.

Ширкат хўжалиги ўз маҳсулотини сотиш учун юридик ва жисмонӣ шахслар билан, шу жумладан маҳсулотни етказиб бериш тўғрисидаги давлат контрактини ҳамда ўзининг моддий техникавий таъминлаш мақсадида ихтиёрийлик асосида хўжалик шартномаларини тузишга ҳақлидир.

Ширкат хўжалиги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва ҳажмда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлайди.

Ширкат хўжалиги қишлоқ хўжалиги корхонаси сифатида ердан асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида фойдаланади. Ширкат хўжалигида ер участкалари доимий эгалик қилиш ҳуқуқи асосида берилади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш мақсадида ширкат хўжалиги кўшимча ер майдонини вақтинча фойдаланишга ёки ижарага олиши мумкин.

Ширкат хўжалигининг ерлари жамоа эгалигидаги ерлардан, шунингдек фуқароларга деҳқон хўжалиги юритиш учун бериб қўйилган ерлардан иборат бўлади. Ширкат хўжалиги ерлардан фақат белгиланган мақсадда фойдаланиши ва ернинг муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга ошириши лозим. Ширкат хўжалиги Ер кодексининг 55-моддасига мувофиқ умумий мажлис қарори билан фуқароларга умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида томорқа ер участкаларини беришга ҳақлидир. Ширкат хўжалигида ердан фойдаланишнинг яна бир хусусияти шундан иборатки, ер участкалари оила (жамоа) пудрати шартномаси асосида оилаларга ва ишлаб чиқариш бўлимларига вақтинча фойдаланишга берилади.

Ширкат хўжалиги ишлаб чиқариш кооперативининг бир тури ҳисобланади ва бу ҳолат ширкатни тугатишда ўз аксини топади. Ширкат хўжалигининг кредиторлар даъволари қаноатлантирилгандан кейин қолган мол-мулкни қиймати унинг аъзолари ўртасида тақсимланиши "Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"ги Қонуннинг 30-моддасида белгиланган.

V- БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИНГ ХУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ.

1-§. Фермер хўжалиги тушунчаси, вужудга келиш асослари ва тартиби.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган аграр сиёсат қишлоқда чинакам мулкдорлар синфини шакиллантириш орқали қишлоқ аҳолисини турмуш даражасини яхшилашга қаратилган. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий муносабатларни халқимиз манфаатларини кўзлаб ва бозор иқтисодиёти талаблари асосида босқичма-босқич ислоҳ қилиш аграр сиёсатнинг асосий йўналиши ҳисобланади. Ўтказилаётган аграр сиёсатда фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантириш масаласининг устуворлиги ўрнатилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»¹ 2003 йил 24 мартдаги ПФ-3226 сон фармони «Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқаришнинг бозор тамойилларига мос келадиган ташкилий тузилмасини тадбиқ этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг мустақиллигини кенгайтириш ҳамда уларнинг ишончли ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш мақсадида... истиқболда асосий қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарувчи субъект бўлиб қоладиган фермер хўжаликларини ривожлантиришни устувор йўналиш сифатида» белгилади. Ва Республикада фермер хўжаликларини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратишни кўзда тутувчи концепция ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»²ги 2003 йил 27 октябрдаги ПФ-3342 сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»³ги 476- сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантиришга қаратилган таклифлар тайёрлаш бўйича махсус комиссия тузиш тўғрисида"⁴ 2004 йил 4 ноябрдаги Ф-2069-сон Фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги № 607 «2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»⁵ги қарорларида яқин йилларда фермер хўжаликлари барқарор ривожланишини таъминлашнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Демак, айтишимиз мумкин-ки, фермер хўжаликларини ривожлантириш давлатимиз аграр сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қолаверади.

¹ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2003 й., 5-6-сон, 46-модда.

² Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш асослари. Т.; "Фан", 2003, 12-б.

³ Ўша манба. 41-бет.

⁴ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2004 йил, 52-сон.

⁵ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2004 йил, 52-сон, 521-модда.

Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тадбиркорлик субъектлари таркибида фермер хўжаликлари салмоқли ўринни эгаллайди. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган “Фермер хўжалиги тугрисида”ги қонун (Мазкур қонуннинг янги таҳрири ЎЗР 26.08.2004 й. 692-йи-сон қонуни билан тасдиқланган¹) унинг ҳукукий ҳолатини белгилашда асосий ҳужжат ҳисобланади. Ушбу қонуннинг 3-моддасига асосан, фермер хўжалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Фермер хўжалиги ташкил этиш шартлари қонунда аниқ кўрсатиб берилган. Қонуннинг 5-моддасига кўра, Фермер хўжалиги аксарият ҳолларда ортиқча меҳнат ресурслари бўлмаган ерларда ва ҳудудларда ташкил этилади.

Фермер хўжалиги хўжалик бошлиғи томонидан, хўжаликка алоҳида мол-мулк ажратиб бериш ва уставини тасдиқлаш йўли билан ташкил этилиши қонуннинг 6-моддасида баён этилган. Қонуннинг 4-моддасида эса, ўн саккизга тўлган, қишлоқ хўжалигида тегишли малака ва иш тажрибага эга бўлган шахслар фермер бўлиши мумкин.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиги камида 30 шартли бош чорва моли бўлган тақдирда ташкил этилади. Фермер хўжалигига бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами бир шартли бош чорва молга ҳисобланганда Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги суғориладиган ерларда камида 0,30 гектарни, бошқа вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидаги суғориладиган ерларда камида 0,45 гектарни, суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда эса камида 2 гектарни ташкил этади.

Шунингдек, деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами пахтачилик ва ғаллачилик учун камида 10 гектарни, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинлар етиштириш учун камида 1 гектарни ташкил этиши кўрсатиб ўтилган.

Лекин мазкур шартларнинг мавжудлиги фермер хўжалиги ташкил этиш ва фермер бўлиш учун етарли деган ҳулосани бермайди. Республикамизда фермер хўжалигини ташкил этиш истагида бўлган шахсларга қатъий талаблар қўйилган. Бунда Фермер хўжалиги ташкил этиш учун унинг бошлиғи белгиланган тартибда ер участкаси олиши керак бўлади.

Ер участкалари фермер хўжаликларини ташкил этиш учун:

захира ерлардан;

юрidik ва жисмоний шахсларга берилмаган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларидан;

қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкаларидан;

қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликларининг) қамда

¹ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2004 йил, 40-41-сон, 433-модда.

бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкаларидан берилади.(Қонуннинг 10-моддаси)

Ўз навбатида бу қоида фермер хўжаликларини ташкил этиш тартибини белгилайди. Қонун ҳужжатларига мувофиқ, Фермер хўжаликлари ташкил этиш учун ер участкалари қатъий равишда танлов асосида берилади. Бунинг учун белгиланган тартибда танловда ғолиб чиқиш лозим.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги 8-сон қарори билан тасдиқланган «Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси негизида фермер хўжалиги барпо этиш учун талабгорларни танлаш ва уларнинг танловини ўтказиш Тартиби»² ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2005 йил 18 ноябрдаги 237а-сон буйруғи билан тасдиқланган «Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида Низом» фермер хўжаликларини ташкил этишда талабгорларни танлаш ва уларнинг танловини ўтказиш шартларини, танлов ғолибларини аниқлаш тартибини белгилаб беради.

Хусусан, Низомда Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 53-моддасига мувофиқ, юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерлардан ва (ёки) захирадаги ерлардан, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ёки бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси ва ташкилотининг ваколатли органи умумий мажлиси томонидан ижарага олувчини аниқламасдан ажратилган ерлардан, шунингдек, қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)нинг ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг ер участкаларини фермер хўжалиги юритиш учун беришда танлов ғолибини аниқлаш мезонлари ва тартиби белгиланган.

Унга кўра ер участкаларини фермер хўжалиги юритиш учун беришда ерларни фермер хўжаликларига бериш бўйича танлов ўтказиш тўғрисида туман ҳокими қарор қабул қилади. Туман ҳокимининг танлов ўтказиш тўғрисидаги қарори эълон қилинади. Эълонда танловга қўйилаётган ер участкасининг ўлчами, жойлашган жойи, сифати ва бошқа тавсифлари, ташкил этилаётган фермер хўжалигининг мўлжалланаётган ихтисослашуви, танловнинг ўтказилиш вақти ва жойи кўрсатилиши лозим. Танлов уни ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган ва эълон қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида ўтказилиши керак.

Танловда иштирок этиш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шу жумладан фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг бошлиқлари эга. Ер участкалари бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссия фермер хўжалигига ер участкалари бериш бўйича танлов ўтказади.

Ер участкалари бериш тўғрисидаги ариза ташкил этилаётган хўжаликнинг бизнес-режаси ёки фаолият дастури илова қилинган ҳолда туман ҳокимига берилади. Фуқароларнинг аризаси махсус дафтарда

² Информационно-правовой системы «Норма». ООО «NORMA HAMKOR». Версия-3.. 2005.

рўйхатдан ўтказилади. Туман ҳокими ариза келиб тушган куниёқ аризани ер участкалари бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссияга юборади.

Танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлаш икки босқичдан иборат бўлади:

биринчи босқичда ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва мазмуни текширилади; иккинчи босқичда талабгорларнинг аризаларида баён қилинган таклифларнинг иқтисодий асосланганлиги ўрганиб чиқилади. Бунда талабгорларнинг имкониятлари 10 баллик рейтинг шкаласида баҳоланади.

Бунда олган бали энг юқори балл олган талабгордан 10 баллгача ёки 10 баллга фарқ қилган талабгорлар энг юқори балл олган талабгорлар ҳисобланади ва танловда иштирок этиш учун тавсия этилади.

Танлов уни ўтказиш тўғрисида эълон қилинган кундан сўнг бир ойдан кейин ўтказилади ва унда комиссия аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этгандагина ҳақиқий ҳисобланади. Танлов энг кўп ариза тушган лойиҳалар бўйича бошланиб, аризаларнинг сони камайишига қараб навбатма-навбат ўтказилади.

Энг кўп якуний балл тўплаган талабгор танлов ғолиби деб комиссия раиси томонидан эълон қилинади. Комиссия якуний йиғилишининг баённомаси икки нусхада тузилиб, комиссия раиси, аъзолари ва котиби томонидан имзоланади.

Комиссиянинг якуний йиғилиши баёни ва унга илова қилинган ҳужжатлар туман ҳокимига юборилади. Комиссия томонидан ўтказилган танлов якунларига кўра ер ажратиш тўғрисида туман ҳокимининг қарори чиқарилади.

Туман ҳокимининг фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисидаги қарори вилоят ҳокими бошчилик қиладиган ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссияси томонидан тасдиқланганидан кейин кучга киради.

Сўнгги вақтларда Республикамизда боғ ва узумзорларни ривожлантириш мақсадида шу йўналишда фермер хўжаликларини ташкил этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўрисида»ги ПФ–3709-Фармони ва 2006 йил 11 январдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўрисида»ги ПҚ–255-сон қарори бу борадаги ҳуқуқий асос бўлди. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2006 йил 18 январдаги 13-сон буйруғи билан “Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)нинг боғ ва узумзорларини сотиш тартиби тўрисида Низом ” тасдиқланди. Низом қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)нинг, шу жумладан мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган қишлоқ хўжалиги

кооперативлари (ширкатлари)нинг боғ ва узумзорларини фермер хўжалиги юритиш учун сотиш тартибини белгилайди.

Унга кўра, Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари) нинг боғ ва узумзорлари ким ошди савдолари орқали сотилади, савдоларда мазкур соҳада муайян иш стажи ва малакаларига эга бўлган даъвогарларнинг иштирок этишларига йўл қўйилади. Ким ошди савдолари аукцион шаклида ўтказилади.

Аукционда ғолиб чиққан талабгор ҳамда Махсус комиссия раиси ва аъзолари аукцион ўтказилган куни аукцион натижалари тўрисида 3 нусхада баённома имзолайдилар, бу баённома шартнома кучига эга бўлади.

Ким ошди савдосида ғолиб чиққан талабгор боғ ва узумзор учун тўловни тўлиқ тўлаганидан сўнг Махсус комиссия кейинги кундан кечиктирмай ким ошди савдоси натижаси тўрисидаги баённомани боғ ва узумзор жойлашган ер участкасини фермер хўжалиги юритиш учун бериш тўрисида қарор чиқариш учун туман ҳокимига юборади. Туман ҳокими уч кун мобайнида фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисида қарор чиқаради ва уч кун муддатда ушбу қарорни ҳамда ким ошди савдоси натижаси тўрисидаги баённоманинг бир нусхасини вилоят ҳокими бошчилик қиладиган ер участкалари бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясига тасдиқлаш учун юборади. Боғ ва узумзорлар жойлашган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини расмийлаштириш ва рўйхатга олиш Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мавжуд қонунчиликка асосан фермер хўжалигини ташкил этиш қуйидаги босқичлардан иборат:

1. Фермер хўжалигини ташкил этиш учун ер участкасини бериш бўйича танлов эълон қилиш¹. (Махсус комиссиянинг ОАВдаги эълони, туман ҳокимининг танлов ўтказиш тўғрисидаги қарори)

2. Танловни ўтказишга тайёргарлик кўриш. (Талабгорларнинг аризаларини қабул қилиш, йиғилган хужжатларни ўрганиш ва баҳолаш)

3. Танловни ўтказиш. (Талабгорларнинг йиғган баллари асосида танлов ғолибини аниқлаш)

4. Туман ҳокимининг фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисидаги қарори. (Ҳокимнинг бу қарори Танлов комиссиясининг протокол билан расмийлаштирилган қарорига асосан чиқарилади)

5. Вилоят ҳокими бошчилик қиладиган вилоят комиссияси томонидан туман ҳокимининг фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш ҳақидаги қарори.

6. Қонунларда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш.

«Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддаси талабига мувофиқ «Фермер хўжалиги белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган

¹Бу босқич қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари ерларида фермер хўжалиги ташкил этиш кўзда тутилган ҳолларда Махсус комиссияни шакиллантиришдан бошланади.

пайтдан эътиборан ташкил этилган деб ҳисобланади».

Фермер хўжалиги ваколатли орган томонидан давлат рўйхатига олинганидан кейин юридик шахс мақомини олади, банк муассасасида ҳисоб-китоб варағи ва бошқа хил ҳисобварақлар очишга, номи ёзилган муҳрга эга бўлишга ҳақли.

Фермер хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли "Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"¹ги қарори билан тасдиқланган "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом"га асосланади. Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари рўйхатга олувчи давлат органи бўлиб ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат мулки қўмитасининг 2003 йил 27 сентябрдаги 05-20-401-сонли, 14-сонли ва 01/23-55-сонли қарорлари билан тасдиқланган «Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузурида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари тўғрисида Намунавий Низом»²га мувофиқ фаолият юритади.

2-§. Фермер хўжалигининг ердан фойдаланиш ҳукуки.

Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ер асосий восита ролини уйнайди. Шунинг учун ҳам фермер хўжаликларини ташкил этишнинг негизида уларга ер бериш масаласи ётади. Фермер хўжаликларига асосан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар берилади. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 46-моддасига мувофиқ, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар Ўзбекистон Республикаси фуқароларига фермер хўжаликларини юритиш учун берилиши мустаҳкамланган. Фермер хўжаликларига ер беришнинг ҳуқуқий тартиби «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг 10, 11 моддаларида кўрсатиб ўтилган бўлиб, унга мувофиқ, Фермер хўжаликларини юритиш учун ер участкалари танлов асосида ижарага эллик йилгача бўлган, лекин ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга берилади.

Фермер хўжаликларига ер участкаларини беришнинг ҳуқуқий тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сон қарори билан тасдиқланган «Ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида Низом»³га асосан белгиланади.

Ушбу Низомга ва қонунга мувофиқ (10-11 моддалар), илмий-тадқиқот муассасаларига, олий ўқув юртларига, академик лицейларга, касб-хунар коллежларига ва умумтаълим мактабларига ўқув, тажриба, нав синаш мақсадлари учун берилган ерлар ҳамда сув фонди ерлари фермер

¹ Информационно-правовой системы «Норма». ООО «NORMA HAMKOR». Версия-3.. 2005.

² Информационно-правовой системы «Норма». ООО «NORMA HAMKOR». Версия-3.. 2005.

³ Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш асослари. Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси «Фан» нашриёти. 2003, 73-бет.

хўжаликлари юритиш учун берилиши мумкин эмас. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси бўйлаб беш юз метрли минтақада фаолияти ҳайвонларни (чорва моллар, паррандалар, мўйнали ва бошқа ҳайвонларни, балиқлар, асалариларни ва бошқа жониворларни) кўпайтириш, ўтлатиш ва боқиш билан боғлиқ бўлган чорвачилик, паррандачилик ҳамда бошқа йўналишдаги фермер хўжаликларига ер участкалари бериш таъқиқланади.

Фермер хўжаликларини йўналишларидан келиб чиқиб, уларга ер бериш миқдори қуйидагича белгиланган:

Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиги хўжаликнинг бизнес-режасида назарда тутилган камида 30 шартли бош чорва молларини боқиш шартлари билан ташкил этилади. Бунда шартли равишда ҳар бир бош мол ҳисобига қуйидаги коэффициентлардан фойдаланилади: қорамоллар (сигирлар, насл олинадиган новвослар, бўрдоқига боқиладиган новвослар) ва отлар учун - 1.0, ёш қорамоллар учун - 0.6, қўй ва эчкилар учун - 0.1, чўчкалар учун - 0.3 ҳамда паррандалар учун - 0.025.

Фермер хўжалигига бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами ҳар бир шартли бош чорва молига ҳисобланганда:

Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги суғориладиган ерларда - камида 0,30 гектарни;

Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Жиззах, Навоий, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларидаги суғориладиган ерларда - камида 0,45 гектарни;

суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда - камида 2 гектарни ташкил этади.

Дехқончилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашаётган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами:

пахтачилик ва ғаллачилик учун - камида 10 гектарни;

боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинлар етиштириш учун - камида 1 гектарни ташкил қилади.

Фермер хўжалигига ер участкаси имкони борича ягона мавзе бўйича, контурлар яхлитлиги сақлаб қолинган ҳолда берилади, участка чегаралари суғориш тармоқлари, коллекторлар, йўллар ва бошқа топографик элементлар бўйича белгиланади. Фермер хўжалигига берилаётган ер участкаси бошқа ердан фойдаланувчиларнинг ерлардан фойдаланиши учун ноқулайликлар вужудга келтирмаслиги керак.

Фермер хўжалигига ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ерлари, экинларидан қишлоқ хўжалиги экинлари шартномасида назарда тутилмаган белгиланган мақсадлардан бошқа мақсадларда фойдаланилиши ер тўғрисидаги қонунларни қўпол равишда бузиш деб ҳисобланади.

Фермер хўжаликларига ер участкаларини ижарага бериш бўйича материаллар туман ер тузиш хизмати органлари томонидан давлат бюджети маблағлари ҳисобига тайёрланади. Ер участкалари бериш, қоидага кўра, фермер хўжалигини ташкил этиш ва ер участкасини ижарага олиш тўғрисидаги барча ҳужжатлар қишлоқ хўжалиги экинлари йиғиштириб

бўлинган муддатда расмийлаштирилган ҳолда амалга оширилади.

Фермер хўжалигига ер беришнинг кейинги жараёнида ер ресурслари бўйича туман хизмати томонидан беш кун муддатда ер участкасини ижарага бериш шартномаси тайёрланади. Бу шартнома вилоят ҳокимининг ижобий қарори қабул қилингандан кейин туман ҳокими ва фермер хўжалиги бошлиғи томонидан имзоланади. Шартномага, унинг ажралмас қисми сифатида фермер хўжалиги ер участкасининг харитаси илова қилинади. Ер участкаси харитасида қабул қилинган белгиларга мувофиқ барча ҳолатлар (суғориш, коллектор-дренаж ва йўл тармоқлари, ерлар, контурларнинг тартиб рақами, фермер хўжалиги чегаралари) тўлиқ кўрсатилади. Ер участкаси харитасини ер ресурслари бўйича туман хизмати бошлиғи, фермер хўжалиги бошлиғи ва чегарадош ер эгалари, ердан фойдаланувчилар вакили имзолайди. Шартномада шунингдек тупроқ бонитетининг ўртача аниқланган бали кўрсатилади.

Фермер хўжалиги бошлиғига ижарага бериладиган ер участкаси чегараларини кўрсатиш ер ресурслари туман хизмати вакили томонидан чегарадош ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар вакиллари иштирокида, шартнома тузилгандан кейин беш кун муддатда амалга оширилади. Агар чегара сувсиз ерлар бўйлаб ўтса, у ҳолда чегара шудгорланади, бурилиш бурчакларига эса чегара белгилари қўйилади. Ерларни кўрсатиш далолатнома билан расмийлаштирилади. Далолатнома ер ресурслари бўйича туман хизмати вакили, чегарадош ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар вакиллари ҳамда фермер хўжалиги бошлиғи томонидан имзоланади. Далолатнома икки нусхада тузилади, улардан биттаси ер ресурслари бўйича туман хизматида, иккинчиси фермер хўжалиги бошлиғида сақланади.

Ерларни ижарага беришни расмийлаштириш ишлари тугаллангач ер тузиш йиғмажилди тайёрланади, унда қуйидаги ҳужжатлар мавжуд бўлади:

фуқаронинг фермер хўжалиги ташкил этиш тўғрисидаги аризаси;

ер эгасининг ёки ердан фойдаланувчининг ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарори;

ер участкалари бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг ер участкасини ижарага беришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси ёки мазкур комиссия томонидан ўтказилган танлов якунлари тўғрисидаги протокол;

туман ва вилоят ҳокимининг фермер хўжалигига ер участкасини ижарага бериш тўғрисидаги қарори;

ер участкасини ижарага бериш шартномаси;

фермер хўжалигининг бизнес-режаси ёки фаолият дастури;

фермер хўжалигининг ер участкаси чегараларини кўрсатиш далолатномаси.

Йиғмажилд икки нусхада тайёрланади, улардан биттаси ер ресурслари бўйича туман хизматида, иккинчиси фермер хўжалиги бошлиғида сақланади.

Фермер хўжаликларига берилган ер участкалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг ер-кадастр ва ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киртилган

холда қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари), бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг балансидан чиқарилади.

Ер участкасини узоқ муддатли ижрага бериш шартномаси ер ресурслари бўйича туман хизматида рўйхатдан ўтказилади ва фермер хўжалигининг ер участкасини ижарага олганлик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йили 27 майда 736-сон билан рўйхатга олинган ва Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ҳузуридаги геодезия, Картография ва давлат Кадастри бош бошқармаси¹ томонидан 1999 йили 30 мартда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни Давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби Тўғрисида йўриқнома»²га асосан фермер хўжаликлари ўзларининг ерга бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказишлари шарт.

Фермер хўжаликларини ер участкаларига нисбатан ижарага олиш ҳуқуқига доир ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва расмийлаштириш мажбурий ҳаракат бўлиб, унинг асосида уларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари белгиланади ва рўйхатга олинган пайдан бошлаб эътироф этилади. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш тадбири фермернинг рўйхат органи³га ёзма ариза ва ҳуқуқни белгиловчи ҳужжат ҳамда йўриқномага биноан бошқа зарур ҳужжатлар билан мурожаат қилишидан бошланади.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш қуйидаги изчилликда амалга оширилади:

- ариза қабул қилинади;
- ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар ва материаллар текшириб кўрилади;
- аризаларни қабул қилиш реестрида ариза қайд этилади;
- ер участкасига бўлган ҳуқуқлар рўйхатга олинади;
- ер участкасига бўлган ҳуқуқлар рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома субъектга берилади.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш рўйхатга олувчи орган аризани кўриб чиқиш учун қабул қилган кундан бошлаб ўн кун мобайнида амалга оширилади ҳамда ҳужжатлар рўйхатга олиш учун берилган кун ва вақтда рўйхатга олинган деб ҳисобланади, бу ҳақда реестрда қайд этилади. Ҳуқуқ устунлиги ариза реестрда қайд этилган саналар бўйича белгиланади.

Фермер хўжалигининг ер участкасига нисбатан узоқ муддатли ижара ҳуқуқи белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши, фермер хўжаликларининг ерга нисбатан ҳуқуқларини юридик жиҳатдан тан олиниши демакдир.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 15 декабрдаги «Давлат бошқарув органларини такомиллаштиришга оид Фармонига мувофиқ, икки давлат органи бирлаштирилиб “Ер ресурслари геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат қўмитаси” деб номланган.

² Информационно-правовой системы «Норма». ООО «NORMA HAMKOR». Версия-3.2005.

³Туман ер идораси.

3-§. Фермер хужалиги фаолиятини ҳукукий тартибга солиш.

Фермер хўжалигининг ҳукук субъектлиги унга берилган ҳукук ва мажбуриятлар доирасида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни талаб этади. Конунга асосан фермер хужалиги юридик шахснинг барча ҳуқуқларига эга бўлади. Фермер хужалиги тадбиркорлик шаклларида бири бўлиб, у ташкил этилишидан кузланган мақсадларга эришиш учун шу мақсадларга монанд тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ҳақлидир.

Фермер хужалиги бошқа шаклларда хужалик фаолияти юритувчи тижоратчи корхоналар билан тенг ҳуқуқларга эга. Фермер хужалиги тадбиркорлик фаолиятининг субъекти сифатида бир катор ҳуқуқларга эгадир.

Булар: берилган ер участкасида ўз уставида назарда тутилган ихтисослашувга ва ижарага олиш шартномасига мувофиқ фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш; ихтисослашувни ҳисобга олган ҳолда ва тузилган контрактация шартномалари асосида қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришни амалга ошириш; харид қилинадиган маҳсулотга олдиндан ҳақ тўланадиган фьючерс контрактлари тузиш; етиштирган маҳсулотини, шу жумладан бу маҳсулотни истеъмолчиларга реализация қилиш ҳуқуқини ўз хоҳишига кўра тасарруф этиш; етиштираётган маҳсулоти, бажараётган ишлари ва кўрсатаётган хизматларига нарх белгилаш; электр энергияси, ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари етказиб берилиши, хизматлар кўрсатилиши юзасидан шартномалар тузиш; тадбиркорлик фаолиятидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ солинадиган, чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш; олган даромадларини (фойдасини), банк муассасасидаги ўзининг ҳисобварақларида бўлган пул маблағларини тасарруф этиш; акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар олиш; кредитлар олиш, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини ҳамда бошқа мол-мулкни шартнома асосида жалб этиш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга ва тақрор ишлаб чиқаришга йўналтириш; кредитлар олиш учун ўз мол-мулкни, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйиш; кичик ҳамда хусусий корхоналар учун берилган имтиёзлар ва преференцияларнинг барча турларидан фойдаланиш; зарур асбоб-ускуналар, ишлаб чиқариш воситалари ҳамда бошқа мол-мулкни олиш, ижарага олиш, бинолар ва иншоотлар қуриш ҳамда уларни таъмирлаш; ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш кабилардан иборатдир.

Фермер хужалиги муайян ҳуқуқларга эга бўлиш билан бир каторда қонун билан белгаланган тегишли мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади. Хусусан ер участкасидан қонун ҳужжатларида ва ижарага олиш шартномасида кўрсатилган шартлар асосида, белгиланган мақсадда, самарали ва оқилона фойдаланилишини таъминлаши; экологик талабларга ва атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидаларига риоя этиши; ер участкасининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унинг унумдорлигини сақлаб

колиш ва ошириш тадбир-чораларини кўриши, бизнес-режада шу мақсад учун маблағлар ажратилишини назарда тутиши; агар ижарага олиш шартномасида бошқа муддат белгиланган бўлмаса, ер участкаси берилган вақтдан эътиборан бир йил ичида ундан фойдаланишга киришиши; тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулоти назарда тутилган ҳажмларда етказиб берилишини таъминлаши; ғўза ва дон экинларини навлар бўйича жойлаштиришнинг белгиланган талабларига риоя этиши; сув ресурсларидан сувдан лимит бўйича фойдаланиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ фойдаланиши; хўжалик ичидаги мелиоратив тармоқни тозалаб ва таъмирлаб туриши; ер участкасини сақлаш шартларига ва сервитутларга риоя этиши; ўз ходимлари учун хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаши; солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз вақтида тўлаши; қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришда агротехника талабларига риоя этиши; қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт.

Фермер хўжалиги ҳукукий ҳолатида уларнинг мулкый мустақиллигига эга эканлиги, юридик шахс сифатида энг муҳим белгилардан бири бўлиб амалий жихатдан муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳар бир фермер хўжалиги қонунга кўра, ўзига қарашли бинолар, иншоотлар, қишлоқ хўжалиги экинзорлари ва кўчатзорлари, дов-дарахтлар, чорва моллар, паррандаларга, етиштирган маҳсулотига, қишлоқ хўжалик техникаси, инвентарь, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, пул маблағлари, интеллектуал мулк объектларига, шунингдек фермер хўжалигининг балансидаги бошқа мол-мулкка мулкдордир.

Шунингдек, фермер хўжалиги бошлиғининг пул ва моддий маблағлари, товарларни реализация қилишдан (ишлар бажаришдан, хизматлар кўрсатишдан) олинган даромадлар (фойда), қимматли қоғозлардан келган даромадлар, қонунларда тақиқланмаган бошқа манбалар фермер хўжалигининг мол-мулкни шакллантириш манбалари бўлиши мумкин.

Фермер хўжалиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мол-мулкни яратиш, кўпайтириш, олиш, ижарага ёки вақтинча фойдаланишга олиш ҳуқуқига эга. Фермер хўжалигининг мулк ҳуқуқи давлат ҳимоясидадир.

Фермер хўжалиги мол-мулкнинг таркибига кирган мулклар фуқаролик ҳуқуқининг объектлари сифатида унга хос ҳукукий режимга эга.

Фермер хўжалигининг мол-мулки фуқаролик ҳуқуқи объекти сифатида унинг хусусиятларини эътиборга олган ҳолда кучар мулкка ва кучмас мулкка бўлинади. Фуқаролик кодексининг 83-моддасига кура, кучмас мулк туркумига ер участкалари ва ер ости бойликлари, куп йиллик дов дарахтлар, шунингдек бинолар ва иншоотлар қонунда курсатилган ҳолларда бошқа мол-мулклар ҳам кириши мумкинлиги ҳукукий жихатдан мустаҳкамланди.

Фермер хужалиги юридик шахс ҳукукига эга булган кишлок хужалик корхонаси сифатида кучмас мулк ҳисобланади (ФК 85- модда).

Фермер хужалиги узи етиштираётган маҳсулотни реализация қилиш, шу жумладан давлат хариди, тартибида реализация қилиш учун юридик ва жисмоний шахслар билан ихтиёрийлик асосида хужалик шартномалари тузиш ҳукукига эга. Фермер хужалиги узи етиштираётган маҳсулот сифатига оид амалдаги норматив ва стандартларга, экология, санитарияга оид ҳамда қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган бошқа талаблар ва қоидаларга риоя этиш шарт. Фермер хужалиги етиштираётган маҳсулотни экспортга етказиб бериш, шунингдек чет эллик шериклар билан ҳисоб- китоб қилиш қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Фермер хужаликларининг хужалик фаолиятига давлат органлари ҳамда ташкилотларининг, улар мансабдор шахсларнинг аралашувига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Яъни, фермер хўжалиги фаолиятини текшириш, давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот реализация қилиш шартнома мажбуриятлари бажарилмаган ёки ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлигига далиллар бўлган, шунингдек ягона ер солиғи ўз вақтида тўланмаган ҳолларда, ижарага олиш шартномасига мувофиқ ижарага берилган ер участкасидан фақат белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланиш масалалари бўйича, белгиланган тартибда амалга оширилади (Қонун 30-модда).

Давлат органлари ва бошқа органлар ҳамда ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг ва фуқароларнинг гайри қонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари натижасида), шунингдек бундай органлар, ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг фермер хужалигига нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган мажбуриятларни лозим даражада бажармасликлари оқибатида фермер хужалигига етказилган зарарлар, шу жумладан бой берилган фойда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

Фермер хужалиги ўз мажбуриятлари бўйича қонунларга мувофиқ ундириш қаратилиши мумкин булган мол-мулк билан жавоб беради. Умумий қоидага асосан, давлат фермер хужалигининг мажбуриятлари бўйича, фермер хужалиги эса давлат мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Фермер хужалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор булган шахслар белгиланган тартибда жавобгар буладилар.

4-§. Фермер хўжалиги фаолиятини қайта ташкил этиш, тугатиш асослари ва тартиби.

Фермер хужалиги юридик шахс сифатида фаолияти қайта ташкил этилиши ва тугатилиши мумкин. Қонунда фермер хужалигини қайта ташкил этиш, тугатиш асослари ва тартиби белгиланган. Фуқаролик кодексининг 49-моддасида, ҳамда Фермер хўжалиги тўғрисидаги қонуннинг 31- моддасида фермер хужалигини юридик шахс сифатида қайта ташкил этиш тартиби

белгиланган. Фермер хужалигини кайта ташкил этиш, қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш шаклларида амалга оширилади. Фукаролик кодексининг 49-моддасига асосан, қонунда белгиланган ҳолларда юридик шахсни булиш ёки унинг таркибидан бир ёхуд бир неча юридик шахсни ажратиб чиқариш шаклида уни кайта ташкил этиш вакил килинган органларининг қарори билан ёхуд суд қарори билан амалга оширилади. Агар, юридик шахс муассислари (иштирокчилари), улар вакил қилган орган ёки юридик шахснинг ўз таъсис ҳужжатлари билан кайта ташкил этишга вакил қилган давлат юридик шахсни ваколатли давлат органининг қарорида белгиланган муддатда кайта ташкил этилаётган бўлса, суд мазкур давлат органининг даъвоси бўйича юридик шахснинг бошқарувчисини таъминлайди ва унга ўшбу юридик шахсни кайта ташкил этишни топширади. Бошқарувчи тайинланган пайтдан бошлаб унга юридик шахснинг ишларини бошқариш ваколатлари ўтади. Бошқарувчи судда юридик шахс номидан ҳаракат қилади, тақсимлаш балансини тузади ва уни юридик шахсларни кайта ташкил этиш натижасида вужудга келадиган таъсис ҳужжатлари билан бирга қуриб чиқиш учун судга топширади. Суднинг ўшбу ҳужжатларни тасдиқлаши янгидан вужудга келаётган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлади.

Фермер хужалигини қушиб юбориш, қушиб олиш ёки ўзгартириш шаклида кайтадан ташкил этиш ваколати туман ҳокимининг розилиги билан амалга оширилади. Фермер хужалигини қушиб олиш шаклида кайта ташкил этиш ҳолларини истисно қилганда, янгидан вужудга келган фермер хужалиги давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб фермер хужалиги кайта ташкил этилган ҳисобланади.

Фермер хужалиги унга бошқа фермер хужалигини қушиб олиш шаклида кайта ташкил этилганда қушиб олинган фермер хужалигининг фаолияти тўхтатилгани ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилган пайтдан бошлаб бундай фермер хужалиги кайта ташкил этилган ҳисобланади.

Қонунчиликда Фермер хўжалигини тугатиш асослари белгилаб қўйилган бўлиб, фермер хўжалиги қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий воз кечилганида;
- фермер хўжалиги банкрот деб топилганда, шу жумладан моддий-техника ресурслари етказиб берувчилар, иш бажарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар билан ҳисоб-китоб мунтазам равишда амалга оширилмаганида;
- фермер хўжалигининг бошлиғи вафот этиб, хўжалик фаолиятини давом эттиришни хоҳловчи меросхўр бўлмаса;
- давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ёки ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун, шу жумладан фермер хўжалиги ер участкасидан белгиланган мақсадда фойдаланмаганида, хусусан контракция шартномасида

назарда тутилмаган қишлоқ хўжалиги экинларини экканида ер участкасини олиб қўйиш зарурати бўлган тақдирда, ер участкасини ижарага олиш шартномаси белгиланган тартибда бекор қилинса (32-модда).

Қонуннинг 33-моддасида Фермер хўжалигини тугатиш тартиби мустаҳкамланган. Унга кўра, агар фермер хўжалиги ихтиёрийлик асосда тугатилганда фермер хўжалиги бошлиғининг қарорини чиқариш талаб этилади. Башарти фермер хўжалигининг хоҳишига боғлиқ бўлмаган тақдирда, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда суднинг ҳал қилув қарорига асосан тугатилади.

Юқоридаги шартга асосан фермер хўжалигини тугатишнинг моҳияти шундан иборатки, факат бир ҳолатда, яъни объектив сабабга қўра, агар хўжалик фаолиятини давом эттириш истагида бўлган биронта ҳам хўжалик аъзоси ёки меросхўр қолмаган бўлса унинг фаолиятини тугатиш учун асос бўлади.

Фермер хўжалигини тугатиш асосларининг асосий қисми ер участкасидан фойдаланиш, олиб қўйиш ва ерга оид қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқдир. Булар жумласига: ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий воз кечилганида; давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ёки ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун, шу жумладан фермер хўжалиги ер участкасидан белгиланган мақсадда фойдаланмаганида, хусусан контрактация шартномасида назарда тутилмаган қишлоқ хўжалиги экинларини экканида ер участкасини олиб қўйиш зарурати бўлган тақдирда, ер участкасини ижарага олиш шартномаси белгиланган тартибда бекор қилиш қабилар қиради.

Бундан ташқари қонун талаблари бузиш шартин асосида фермер хўжалиги банкрот деб топилганда, шу жумладан моддий-техника ресурслари етказиб берувчилар, иш бажарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар билан ҳисоб-қитоб мунтазам равишда амалга оширилмаганида улар фаолиятини тугатиш учун асос бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда фермер хўжаликлари ҳуқуқий ҳолатини самарали нормалар асосида мустаҳкамланиб борилиши, улар тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун объектив шароит яратиб қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришни ҳуқуқий таъминлаш воситаси бўлиб хизмат қилади.

VI - БОБ. ДЕХКОН ХУЖАЛИКЛАРИНИНГ ХУКУКИЙ ХОЛАТИ.

1-§. Дехкон хужаликларининг ижтимоий-иқтисодий табиати

ва ўзига хос хусусиятлари.

Хозирги вақтда республикада барча соҳаларда бозор муносабатлари амал қилаётган шароитда кишлоқ аҳолисининг ёрдамчи хужалигидан самарали фойдаланган ҳолда уларнинг турмуш даражасини оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Кишлоқ хужалик маҳсулотларини қупайтиришда фуқароларнинг ёрдамчи хужаликларидан унумли фойдаланишга эътибор қаратилмоқда.

Шу сабабдан, кейинги йилларда республикада фуқароларнинг ёрдамчи хужаликларини ривожлантиришга бағишланган бир қатор Президент фармонлари қабул қилинди. Булар жумласига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 18 мартдаги "Шахсий ёрдамчи ва дехкон хужаликларини давлат йули билан қўллаб қувватлаш ҳамда мамлакатни озик-овқат билан таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш борасидаги чора - тадбирлар тугрисида"ги Фармонини қўрсатиш мумкин. Ушбу фармонда фуқароларнинг ёрдамчи хужаликларини юритиш учун уларга ажратилиб бериладиган ер участкаларини сугориладиган ерлар ҳисобига кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор берилган.

Ўзбекистон Президентининг 1997 йил 18 мартдаги фармонида таъкидланишича, шахсий ёрдамчи хужаликларига ажратиб берилган ер участкаларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида ажратиб берилган ерлардан оқилона ва самарали фойдаланилаётган кишлоқ хужалигидаги энг яхши товар ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш тариқасида уларга бериладиган ер майдонларини сугориладиган ерларда 0,25 гектардан 0,35 гектаргача ва лалми ерларда 0,5 гектардан 1 гектаргача қупайтириш мумкинлиги таъсия этилди. Шу билан бирга Фармонда томорка ер участкаларидан хужасизларча фойдаланаётганлардан бу ерларни "Ер тугрисида"ги қонун талаблари асосида қайтариб олиш лозимлиги қўрсатилди.

Юқоридаги фармонлардан қўриниб турибдики, мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар утқазилаётган ҳозирги даврда фуқароларнинг ёрдамчи хужаликларни ҳар томонлама ривожлантиришга қатта эътибор берилмоқда. "Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг дастлабки босқичида қўлга қиритилган энг муҳим натижа,- деб ёзади И.А.Қаримов,- шахсий томорқаларни кенгайтириш, янги сугориладиган ерларни шахсий хужалиқлар ва бог-дала ҳовли участкаларига ажратиб бериш йули билан аҳолини амалда ер билан таъминлашдан иборат бўлди."

Одамларга ер берилиши қинакам инқилобий аҳамият қасб этди, - деб давом этади И.А.Қаримов ўзининг "Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни қўқурлаштириш йулида" номли қитобида, - бу билан ҳар бир индивиднинг

давлатга карамлиги тугатилди.¹ Шахсий томорка учун берилган ернинг умумий майдони деярли 700 минг гектарга етди. 9 миллиондан ортик одам ана шу ер хосилидан фойдаланмоқда. Томорка ерларининг уртача хажми 0,2 гектардан ортик булиб бу ер ресурслари чекланган бир шароитда жуда катта бойликдир. Шахсий хонадонларда жами кора молларнинг 40 фоизи, куй ва эчкиларнинг ярми бокилмоқда. Кейинги уч йил мобайнида бу хужаликларнинг кишлоқ хужалик ишлаб чиқариш умумий хажмидаги улуши 30 фоиздан 44 фоизга етди. Уларда 1994 йил якунларига кура жами сутнинг 76 фоизи, картошканинг 56 фоизи, сабзавотнинг 63 фоизи ва меванинг 60 фоизи етиштирилмоқда.²

Ушбу мисоллардан шундай хулоса қилиш мумкинки, озик овқат махсулотлари етиштиришни куп жихатдан фуқароларнинг ёрдамчи хужаликларини ривожлантириш ҳисобига купайтириш мумкин. Бугунги кунда кишлоқ хужалик ишлаб чиқариш фаолиятини урганиш ва таҳлил қилиш шундан далолат бериштики, бутун етиштирилган сабзавот, полиз, гуштнинг ярмидан куп ва сутнинг учдан икки қисми ёрдамчи хужаликларнинг ҳиссасига тугри келмоқда, яъни уларнинг давлат озик-овқат фондини тулдиришга кушаётган ҳиссаси салмоқли бўлмоқда.

Айни пайтда шуни таъкидлаш керакки, фуқароларнинг ёрдамчи хужаликларида ердан борган сари самаралироқ фойдаланилмоқда ва ҳозирги пайтда ялпи махсулот ишлаб чиқариш жамоа секторига нисбатан 3-4 барабар купрок бўлмоқда.

Бундан ташқари, ёрдамчи хужалик кишлоқ меҳнатқашларини, айниқса ёшларни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялашга, уларда ерга эғалик туйғусини шакллантиришдаги аҳамияти ҳам каттадир. Буларнинг барчаси нафақахурлар ва серфарзанд оилалар меҳнатидан фойдаланиш, ижтимоий - тангликни бартараф этишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз кишлоқ хужалигида хужалик юритишнинг турли хил шакллари кенг жорий қилиш ва ривожлантиришга, тармоқда чуқур иқтисодий ислохотлар амалга оширишга катта аҳамият қаратилмоқда. Хужалик юритиш ва мулкдан самарали фойдаланишнинг ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг кишиларда тадбиркорликка кенг имконият очишнинг, меҳнатга охирги натижаларидан манфаатдорликнинг руёбга чиқаришнинг асосий воситаларидан бири бошқа хужалик юритиш шакллари билан бир каторда ёрдамчи хужаликни (деҳқон хужалигини) ҳам ҳар томонлама ривожлантиришдан иборатдир. Фуқароларнинг ёрдамчи хужаликни ривожлантириш ер участкаларидан ҳамда бошқа мол мулклардан оқилона ва самарали фойдаланиш, ташаббускорликни ривожлантириш, меҳнатга тугри муносабатда бўлиш каби хусусиятларни шакллантиради. Бугунги кунда фуқароларнинг ёрдамчи

¹ Каримов И.А. Узбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида.- Тошкент, Узбекистон, 1995, 65-66 бетлар.

² Уша жойда. 66-67 бетлар.

хужаликларига дехкон хужалиги макоми берилиб, Ўзбекистон Республикасининг “Дехкон хужалиги тугрисида”¹ги конуни қабул қилинди.

Дехкон хужаликларининг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат: биринчидан, дехкон хужалиги юритиш оила аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланади; иккинчидан, дехкон хужалигидаги ишлаб чиқариш хусусий ва шахсий мулкчиликка асосланади; учинчидан, дехкон хужалигига ажратиб берилган ер участкаларига нисбатан давлат мулкчилиги сақланиб қолинади; туртинчидан, дехкон хужаликлари кишлоқ аҳолисининг даромад манбаи бўлиб ҳисобланади.

2-§. Дехкон хужалиги тушунчаси, вужудга келиш асослари ва тартиби.

Дехкон хужалигининг ҳуқуқий макоми 1998 йилнинг 30 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Дехкон хужалиги тугрисида”¹ги қонун билан белгиланади. Бундан ташқари, унинг ҳуқуқий ҳолатини белгилашда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ер кодекси, мулкчилик, тадбиркорлик ва бошқа қонунлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг “Дехкон хужалиги тугрисида”¹ги қонуннинг 1-моддасига асосан дехкон хужалиги - оилавий майда товар хужалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдирилаётган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлигига берилган томорқа ер участкасида кишлоқ хужалиги маҳсулоти етиштиради ва реализация қилади.

Дехкон хужалиги ҳуқуқий макомининг характерли хусусиятларидан бири шундан иборатки, бундай хужаликдаги фаолият тадбиркорлик фаолияти жумласига қиради ҳамда дехкон хужалиги аъзоларининг истагига қура юридик шахс ташкил этган ҳолда ва юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширилади. Қонунда қурсатилишича, дехкон хужалиги аъзолари жумласига биргаликда яшаётган ва дехкон хужалигини биргаликда юритаётган оила бошлиги, унинг хотини (эри), болалари, шу жумладан фарзандликка олинган болалари, тарбияга олган болалари, ота-оналари, меҳнатга қобилиятли ёшга етган бошқа қариндошлари қиради.

Юридик ва жисмоний шахслар билан узаро муносабатларда дехкон хужалиги номидан шу хужалик бошлиги иш қуради. Дехкон хужалиги бошлиги бўлиб қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ер участкасига мерос қилиб қолдирилаётган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи берилган оила бошлиги ёки оиланинг муомалага лаёқатли аъзоларидан бири бўлиб ҳисобланади. Дехкон хужалигининг бошлиги вақтинча меҳнат қобилиятини йукотган тақдирда ёки узок вақт бўлмаганда у уз мажбуриятларини бажариш вақолатини шу хужалик аъзоларидан бирига, дехкон хужалигининг аъзоси бир кишидан иборат бўлганда эса, шартнома асосида белгиланган талабларга жавоб берадиган ҳар қандай шахсга беришга ҳақлидир. Дехкон хужалиги бошлиги унинг номидан ишончномасиз иш қуриш, юридик ва жисмоний

¹ Бундан кейин қонун.

шахслар билан шартномалар тузиш, ишончномалар бериш ва хисобварақлар очиш ҳуқуқларига эга. Дехқон ҳужалиги бошлиги дехқон ҳужалигининг ҳамда унинг аъзоларининг манфаатлари ҳимоя қилиниши ва ҳуқуқлари амалга оширилишини таъминлашлари шарт, уз навбатида дехқон ҳужалиги аъзолари ҳужалик аъзолари уртасидаги шартнома шартларига кура биргаликда ёки яққа тартибда фойдаланадиган даромаддан уз улушини олиш, қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ижтимоий сугуртасидан утқазилиш ва ижтимоий таъминланиш, шунингдек товар қишлоқ ҳужалиги маҳсулоти етиштириш учун дехқон ҳужалигида сарфланган иш вақти Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасига бадаллар тулаб берилган тақдирда меҳнат стажига қиритилиш ҳуқуқига эга.

Дехқон ҳужалигининг ҳуқуқий мақоми ёритишда уни ташқил этиш тартибининг узига ҳос ҳусусиятга эга эканлиги намоён бўлади. Қонунга кура, дехқон ҳўжалиги ихтиёрийлик асосида, ҳужалик бошлигининг қишлоқ ҳўжалиги кооперативининг (ширқат ҳўжалигининг) бошқарувига ёхуд бошқа қишлоқ ҳўжалиги ёки ўрмон ҳўжалиги қорҳонаси, муассасаси ва ташқилотининг иш берувчисига (маъмуриятига) ёзма мурожаатига асосан ташқил этилади. Ер участкаси бериш тўғрисидаги аризада сўралаётган ер участкасининг жойлашган ери, майдони, дехқон ҳўжалигининг тарқибига ҳамда ер участкасидан белгиланган мақсадда фойдаланиш кўрсатилади.

Энг аввало, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан қилишилган ҳолда қишлоқ ҳўжалиги кооперативининг (ширқат ҳўжалигининг) бошқаруви, бошқа қишлоқ ҳўжалиги ёки ўрмон ҳўжалиги қорҳонаси, муассасаси, ташқилотининг иш берувчиси (маъмурияти) дехқон ҳўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш имқонияти тўғрисидаги ҳулоса тайёрлайди. Сўнгра, мазкур ҳулоса асосида қишлоқ ҳўжалиги кооперативининг (ширқат ҳўжалигининг) умумий мажлиси, бошқа қишлоқ ҳўжалиги ёки ўрмон ҳўжалиги қорҳонаси, муассасаси, ташқилотининг вақолатли органи дехқон ҳўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисида илтимоснома билан туман ҳоқимига мурожаат қилиш ҳақида қарор қабул қилади.

Туман ҳоқими ер участкаси бериш тўғрисида илтимоснома асосида ва ер участкалари бериш (реализация қилиш) тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг ҳулосаси асосида дехқон ҳўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш ҳамда мазкур ҳўжалиқни давлат рўйхатига олиш ҳақида қарор қабул қилади.

Туман ҳоқимининг ер участкаси беришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин (5-модда).

Дехқон ҳужалиги белгиланган тартибда давлат руйхатига олинган пайтдан эътиборан ташқил этилган деб ҳисобланади. Дехқон ҳужалигининг давлат руйхатига олиш дехқон ҳужалиги бошлигининг доимий яшаш жойидаги туман ҳоқимлиги томонидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган зарур ҳужжатлар билан биргаликда ариза берилган пайтдан

эътиборан уч кун ичида амалга оширилади. Дехқон хўжалигига Ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги белгиланган намунадаги гувоҳнома берилади. Агар давлат рўйхатига олиш белгиланган муддатда амалга оширилмаган ёки дехқон хўжалиги бошлиги асосиз деб ҳисоблайдиган сабабларга кура рад этилган бўлса, хўжалик бошлиги, судга мурожаат қилиши мумкин. Посёлка, қишлоқ ва овул фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳар бир дехқон хўжалигини хўжалик китобига киритиб, унда дехқон хўжалигининг таркиби, хўжалик бошлиғи ёхуд унинг вазифасини бажарувчи шахс, шунингдек хўжаликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли (юримдик шахс ташкил этган ҳолда ёки юримдик шахс ташкил этмасдан) тўғрисидаги маълумотларни қайд этиб қўяди. Дехқон хўжаликлари давлат рўйхатидан ўтказилганлик йиғимини тўлашдан озод қилинади.

3-§. Дехқон хўжалигининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи.

Дехқон хўжаликларининг ҳуқуқий мақоми очиқ беришда уларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи тугрисида тухталиб утиш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Дехқон хўжаликларига ер беришни ҳуқуқий тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва “Дехқон хўжалиги тугрисида”ги қонун аҳамияти жуда каттадир.

Ўзбекистон Республикасининг “Дехқон хўжалиги тугрисида”ги қонуннинг 7- моддасига кура, томорка ер участкаси - қишлоқ хўжалик маҳсулотини эркин савдо ҳамда оила эҳтиёжлари учун етиштириш, шунингдек яққа тартибдаги уй-жой қурилиши ҳамда уй-жойни ободонлаштириш мақсадида оила аъзоларидан бирига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва улчамларда ажратиқ бериладиган ер участкасидир. Томорка ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати билан гувоҳлантирилади.

Дехқон хўжаликларига ер участкалари мерос қилиб, умрбод эгалик қилиш учун берилади. Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) аъзоларининг, бошқа қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги қорхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг оилаларига, шунингдек қишлоқ жойларда яшовчи ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқа мутахассисларнинг оилаларига дехқон хўжалиги юритиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга томорка ер участкаси иморат ва ҳовли эгаллаган майдонни ҳам қўшганда суғориладиган ерларда 0,35 гектаргача ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 0,5 гектаргача ўлчамда, чўл ва сахро минтақасида эса суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 1 гектаргача ўлчамда берилади.

Фуқароларга деҳқон ҳўжалиги юритиш учун 0,06 гектар доирасида томорқа ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи кимошди савдоси асосида реализация қилиниши мумкин.

Янги ташкил этилаётган деҳқон ҳўжалиги учун томорқа ер участкаси олиш ҳуқуқидан мазкур жойда камида уч йил мобайнида доимий яшаб келаётган шахслар фойдаланадилар (янги ўзлаштирилаётган ер майдонлари бундан мустасно).

Деҳқон ҳужалигига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари хусусийлаштирилиш ва олди-сотди, гаров, ҳада, айирбошлаш объекти булиши мумкин эмас. Конунда курсатилган ҳолларда ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи кредит олиш учун гаровга қуйилиши мумкин. Деҳқон ҳужалигига берилган томорқа ер участкасининг улчами ва чегаралари деҳқон ҳужалиги бошлиги розилиги билангина ўзгартирилиши мумкин. Деҳқон ҳужалиги бошлиги вафот этган тақдирда, томорқа ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи шу ҳужалик аъзоларининг ўзаро қелишуви асосида, деҳқон ҳужалиги фаолиятини давом эттириш истагида бўлган ҳужалик аъзоларидан бирига мерос бўйича утади. Деҳқон ҳужалиги бошлиги меҳнат қобилиятини тула йукотган тақдирда, ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи ҳужалик аъзоларидан бирига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда топширилади.

4-§. Деҳқон ҳужалиги фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш.

Деҳқон ҳужалиги тадбиркорлик фаолиятининг субъекти сифатида ўзига берилган томорқа ер участкасида деҳқон ҳужалигининг ишлаб чиқариш фаолиятини мустақил ташкил этиш; етиштирилаётган ва реализация қилинаётган маҳсулотга мустақил равишда баҳо белгилаш; етиштирган маҳсулотни, шу жумладан бу маҳсулотни истеъмолчиларга ўз хоҳиши бўйича реализация қилиш ҳуқуқини тасарруф этиш; харид этиладиган маҳсулотга олдиндан ҳақ туланадиган фьючерс битимлари тузиш; тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш; қишлоқ ҳужалиги маҳсулоти етиштирувчиларга сотиш учун ва эркин савдога мулжалланган акцияларни сотиб олиш ва ўз мол -мулкани, шунингдек томорқа ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини, шу жумладан қимматли савдоси асосида сотиб олинган ҳуқуқни гаровга қуйиш ҳуқуқларига эгадир.

Шу билан биргаликда деҳқон ҳужалиги муайян мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади. Булар жумласига: томорқа ер участкасидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланиш; табиий объект бўлмиш ерга зарар етказмаслик; томорқа ер участкасини асраш, унинг унумдорлигини сақлаш ва ошириш юзасидан сарф-харажатлар қилиш; янги берилган томорқа ер участкасидан, агар қонун ҳужжатларида бошқа муддат белгиланган бўлмаса, бир йил ичида фойдаланишга қиришиш; агротехника талабларига,

белгиланган режим, сақлаш вазифаси ва сервитутларга риоя этиш; дехкон хўжалигининг мажбуриятлари ва қарзлари бўйича тўла жавобгар бўлиш; хўжалик аъзолари учун хавфсиз меҳнат шароитини таъминлаш кабилар киради.

Дехкон хўжаликлари узларининг ташкилий ҳукукий шаклидан катъий назар муайян мол-мулкларга эгадир. Конунга асосан, дехкон хўжалиги узига қарашли уй-жойлар, хўжалик иморатлари, кишлоқ хўжалик экинзорлари, дов дарахтлар, маҳсулдор чорва моллар, паррандалар, кишлоқ хўжалик техникаси, асбоб-ускуналар ва ашё анжомлари, транспорт воситалари, пул маблағлари, интеллектуал мулк объектларига, шунингдек бошқа мол-мулкларга; ишлаб чиқариш фаолияти натижасида етиштирилган маҳсулотга; олинган даромадга (фойдага); конунда таъкикланган асосларда эга бўлинмаган бошқа мол-мулкка мулкдордир.

Дехкон хўжалиги мулкнинг ҳукукий режими моҳияти шундан иборатки, уларга қарашли мол- мулкка бўлган мулк ҳукуқи давлат ҳимоясидадир.

Давлат кишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ва уни реализация қилиш билан шугулланувчи дехкон хўжаликларининг ҳуқуқлари ва конуний манфаатларига риоя этилишини қафолатлайди.

Мулкдорнинг уз мол-мулкни бошқа шахснинг конунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш ҳукуқи конун ҳужжатларида уз аксини топган. Дехкон хўжалигининг мол мулки, агар унинг аъзолари уртасидаги қелишувга биноан умумий улушли мулк ташкил этиш назарда тутилган бўлмаса, унинг аъзоларига умумий биргаликдаги мулк асосида тегишли бўлади. Дехкон хўжалигининг мол-мулкига унинг аъзолари қелишув асосида эгалик қиладилар, ундан фойдаланадилар ва уни тасарруф этадилар. Дехкон хўжалиги конун ҳужжатларида белгиланган тартибда мол-мулкни ҳосил қилиш, қупайтириш, сотиб олиш, уни ижарага ёки вақтинча фойдаланишга олиш ҳуқуқига эга.

Дехкон хўжалиги уз фаолияти йуналишларини, ишлаб чиқариш тузилиши ва ҳажмларини мустақил равишда белгилайди. Дехкон хўжалиги кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг конунларда таъкикланмаган ҳар қандай тури ҳамда кишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ва реализация қилиш учун юридик ва жисмоний шахслар билан ихтиёрийлик асосида шартномалар тузиш ҳуқуқига эга. Дехкон хўжалиги узи етиштираётган маҳсулотга бозордаги талаб ва таклиф нисбатидан қелиб чиқиб мустақил равишда баҳо белгилайди. Дехкон хўжалиги узи етиштираётган ва реализация қилаётган маҳсулот сифатига оид амалдаги норматив ва стандартларга, экология, санитарияга оид ҳамда конун ҳужжатларида белгилаб қўйилган бошқа талаб ва қоидаларга риоя этиши шарт.

Дехкон хўжаликларининг хўжалик фаолиятига давлат органлари ва бошқа органлар ҳамда ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг

аралашувига йул куйилмайди. Давлат органлари ва бошка органлар ҳамда ташкилотларнинг улар мансабдор шахсларнинг ва фукароларнинг гайриконуний харакатлари(карорлари) натижасида, шунингдек бундай органлар, ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларнинг дехкон хужаликларига нисбатан конун хужжатларида назарда тутилган мажбуриятларни лозим даражада бажармасликлари окибатида дехкон хужалигига етказилган зарарлар, шу жумладан бой берилган фойда конун хужжатларида белгиланган тартибда копланиши керак.

Дехкон хужалиги уз мажбуриятларига мол-мулки билан жавоб беради. Амалдаги конун хужжатларига мувофик уларнинг мол-мулки тортиб олиниши мумкин. “Дехкон хужалиги тугрисида”ги конуннинг 30- моддасида ифодаланганидек, дехкон хужалиги уз мажбуриятлари буйича конунларга мувофик ундирилиш каратилиши мумкин булган мол- мулк билан жавоб беради. Давлат дехкон хужалигининг мажбуриятлари буйича, дехкон хужалиги эса давлат мажбуриятлари буйича жавоб бермайди.

5-§. Дехкон хужалигини тугатиш асослари ва тартиби.

Дехкон хужалиги хукукий макоми тугрисида фикр юритганда унинг тугатилиши ёки фаолиятини тухтатилишига алохида эътибор каратиш керак. Улар фаолиятининг бекор килинишининг характерли хусусияти шундан иборатки, биринчидан, дехкон хужаликлари юридик шахс ташкил килмаган холда тузилган булса, фаолиятини тухтатиш, агар юридик шахс ташкил килиб фаолият юритаётган булса улар хужалик фаолияти тугатиш сифатида эътироф этиш лозим. Бундай холда юридик шахс фаолиятини тугатишга нисбатан Фукаролик кодекси 53-55 моддалари коидалари кулланилади. Шу уринда шуни таъкидлаш лозимки, дехкон хужаликлари фаолиятини тугатиш (фаолиятини тухтатишнинг) асосий фаркли жихати шундаки, у ҳам булса бундай кишлок хужалик ишлаб чикариш тадбиркорлик тузилмалари ташкилий хукукий шаклларда (юридик шахсни ташкил килмасдан ёки юридик шахсни ташкил килган холда) фаолиятини амалга оширишга чамбарчарс богликдир. Дехкон хужалиги кайси ташкилий хукукий шаклда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан катъий назар биринчидан, хужалик фаолиятини давом эттириш истаги булган биронта ҳам хужалик аъзоси ёки меросхур колмаган булса; иккинчидан, томорка ер участкасига мерос килиб колдириладиган умрбод эгалик килиш хукукидан ихтиёрий воз кечилганда; учинчидан, томорка ер ер участкаси конунда белгиланган тартибда олиб куйилганда; туртинчидан, белгиланган соликлар муттасил туланмай келинганда; бешинчидан, агар конун хужжатларида бошка муддат белгиланган булмаса янги берилган томорка ер участкасидан бир йил мобайнида фойдаланишга киришмаган такдирда ва нихоят, дехкон хужаликлари фаолиятини тартибга солувчи конун хужжатлари бир неча марта ёки бир марта, лекинкупол равишда бузилганда уларнинг тугатилиши (фаолияти тухталиши) учун асос булади.

Дехкон хужалигини тугатиш асосан икки хилда; дехкон хужалиги аъзоларининг қарорига ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда суднинг ҳал қилув қарорига асосан тугатилади (фаолияти тухтатилади)

Дехкон хужалигини юридик шахс ташкил қилмаган ҳолда яққа тадбиркорлик фаолиятини юритса, Фуқаролик кодексининг 26-моддасига ночор (банкрот) деб ҳисобланиши лозим. Чунончи, яққа тадбиркор кредиторларнинг уз тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ бўлган талабларини қаноатлантиришга қодир бўлмаса, бундай тадбиркор белгиланган тартибда банкрот деб топилиши мумкин. Яққа тадбиркорнинг суд томонидан банкрот деб топилиши ёки унинг узини -узи банкрот деб расмий равишда эълон қилиши 1998 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тугрисида”ги қонунда назарда тутилган асослар ва тартибда мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг банкротлиги амалга оширилади. Бундан ташқари, Фуқаролик кодексининг 57-моддасига қура, юридик шахснинг банкрот деб ҳисобланиши тугатилишга олиб келади. Ўзбекистон Республикасининг Банкротлик тугрисидаги қонунида жисмоний шахснинг банкротлиги ҳақида махсус нормалар алоҳида бўлса уз ифодасини топди.

Хужалик суди жисмоний шахсни банкрот деб топиш тугрисидаги ариза қарздор жисмоний шахс, кредитор, прокурор, шунингдек солиқ ва бошқа ваколатли органлар томонидан берилиши мумкин.

Жисмоний шахсни банкрот деб топиш таомили амалга оширилаётган пайтда ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарни қоплаш тугрисидаги, алиментларни ундириш тугрисидаги, шунингдек шахсий йусиндаги бошқа талабларни қуяётган кредитор уз талабларини қуйишга ҳақлидир.

Хужалик суди жисмоний шахсни банкрот деб топиш тугрисидаги аризани қабул қилиш билан бир пайтда жисмоний шахснинг мол-мулкини ҳатлаб қуяди. Жисмоний шахснинг аризасига биноан хужалик суди жисмоний шахс кредиторлари билан ҳисоб-қитоб қилиши ёки қелишув битимига эришиши учун банкротлик тугрисидаги ишни қуриб қикишни узоғи билан бир ой муддатга қечиктириши мумкин.

Хужалик суди жисмоний шахсни банкрот деб топиш тугрисида қарор қабул қилган пайтдан бошлаб унинг яққа тартибдаги тадбиркор сифатида давлат руйҳатидан утганлиги уз қучини йукотади, шунингдек фаолиятнинг айрим турлари билан шугулланиш учун унга берилган лицензия бекор қилинади.

Банкрот деб топилган жисмоний шахс унинг банкротлиги эътироф этилган қундан эътиборан бир йил ичида яққа тартибдаги тадбиркор сифатида руйҳатга олиниши мумкин эмас. Банкрот деб топилган жисмоний шахс кредиторлар билан ҳисоб-қитоб қилиш тугаганидан кредиторларнинг жисмоний шахсни банкрот деб топиш таомили амалга оширилаётганда билдирилган талабларини қелғусида бажаришдан озод этилади.

VII -БОБ. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи.

1§. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ер асосий восита ролини уйнайди. Шу сабабдан ер ресурларисиз қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолиятларини тасаввур этиб бўлмайди. Ер ресурсларидан, хусусан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналар учун муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирда ҳаракатда бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш билан қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари), фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари шуғулланадилар. Уларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ер Кодекси, "Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжалиги) тўғрисида"ги Қонун, "Ижара тўғрисида"ги Қонун, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонун, "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги қонунлари билан тартибга солинади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи қишлоқ хўжалиги ҳуқуқининг мустақил ва марказий институтларидан бири ҳисобланади. Қишлоқ хўжалик қонунчилиги корхоналари ердан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи бир қатор ҳуқуқий нормаларни ўзида жамлайди.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ичида қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари)нинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи аҳамиятлидир. Чунки, қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи йирик товар ишлаб чиқарувчи ҳисобланади. Қишлоқ хўжалик кооперативларига (ширкат хўжаликларига) ер участкалари белгиланган мақсадда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни юритиш учун ижара ҳуқуқи асосида берилади.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси ва "Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжалиги) тўғрисида"ги Қонунга кўра қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)га бериб қуйилган ер участкалари хусусийлаштириш ва олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объектлари бўлиши мумкин эмас.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ичида фермер хўжаликлари алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Фермер хўжаликлари фаолиятида ҳам қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш муҳим ўринни эгаллайди. Фермер хўжаликларига ер участкалари ижара асосида берилади. Ер участкасини ижарага бериш муддати "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонунга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 53-моддасига мувофиқ фермер хўжалигини юритиш учун қуйидаги ер участкалари эллик йилгача бўлган, лекин ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага танлов асосида берилади:

а) захирадаги ерлардан ер участкалари;

б) юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ер участкалари;

в) қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкалари;

г) қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкалари.

Илмий-тадқиқот муассасаларига, олий ўқув юртларига, академик лицейлар, касб-хунар коллежларига ва умумтаълим мактабларига ўқув, тажриба, нав синаш мақсадлари учун берилган ерлар ҳамда сув фонди ерлари фермер хўжаликларига берилмайди.

Фермер хўжаликларига ер бериш миқдорлари конунда белгиланган. Фермер хўжалиги тўғрисидаги конунига кўра, фермер хўжалигига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам улчами бир шартли бош чорва молга ҳисобланганда Андижон, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидан суғориладиган ерларда камида 0,3 гектар, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлардаги суғориладиган ерларда камида 0,45 гектар, суғорилмайдиган ерларда эса камида 2 гектарни ташкил этиши керак. Фермер хўжаликларига берилган ер участкалари давлат мулки ҳисобланади, шу сабабдан у хусусийлаштирилиши, олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, фермер хўжаликларига ижарага берилган участкалари иккиламчи ижарага ҳам берилиши мумкин эмас.

Фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаларини бериш бўйича танлов ўтказишда танлов ўтказишга тайёргарлик қилиш ва уни эълон қилиш, танловда иштирок этиш шартлари, танловни ўтказиш тартиби ҳамда ер участкасини ижарага олиш шартномасини ва танлов ғолибининг мулкка бўлган ҳуқуқини расмийлаштириш масалалари тегишлича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги 8-сонли, 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарорлари ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2005 йил 18 ноябрдаги 237а-сон буйруғи билан тасдиқланган “Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низом талаблари асосида ўтказилади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тизимида қишлоқ хўжалик корхонаси сифатида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган деҳқон хўжаликлари муҳим ўринни эгаллайди. Юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган деҳқон хўжалигини Қишлоқ хўжалик корхонаси сифатида тан олинишининг сабаби унинг конунда кўрсатилган майда товар хўжалиги эканлиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ва реализация қилиш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши каби белгилари билан характерланади.

Деҳқон хўжаликларининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Ер Кодекси (55-модда) ҳамда "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 2-боби билан тартибга солинади. Ушбу ҳуқуқий қоидаларга биноан қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) ҳар бир

аъзосининг, бошқа қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотлари ҳар бир ходимининг оиласига, шунингдек қишлоқ жойларда яшовчи ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқа мутахассисларнинг оилаларига деҳқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга томорқа ер участкаси иморат ва ҳовли эгаллаган майдонни ҳам қўшганда суғориладиган ерларда 0,35 гектаргача ва суғорилмайдиган ерларда 0,5 гектаргача улчамда, чўл ва сахро минтақасида эса суғорилмайдиган ерларда 1 гектаргача ўлчамда берилади.

Фуқароларга деҳқон хўжалиги киритиш учун 0,06 гектар доирасида томорқа ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи кимошди савдоси асосида сотилиши мумкинлиги қонунда кўрсатилган (Ер Кодексининг 55-моддаси, "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги қонуннинг 8-моддаси).

Томорқа ер участкасидан оқилона ва самарали фойдаланаётган хўжаликларига қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви томонидан умумий мажлисининг қарори асосида қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш ва реализация қилиш, ем ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шунингдек яйлов яратиш учун қисқа муддатли ижарага қўшимча равишда ер участкалари берилади.

Деҳқон хўжалиги бошлиғи вафот этган тақдирда томорқа ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи шу хўжалик аъзоларининг ўзаро келишуви асосида хўжалик аъзоларидан бирига мерос бўйича ўтади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланиш ҳуқуқининг асосий хусусиятлари куйидагилардан иборат: биринчидан, қишлоқ хўжалик корхоналари ўзларига берилган ер майдонларидан асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун фойдаланадилар; иккинчидан, ер қишлоқ хўжалик корхоналари учун асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлганлиги учун ундан оқилона фойдаланишлари, уни ҳосилдорлигини доимо ошириб боришлари лозим; учинчидан, қишлоқ хўжалик корхоналари фойдаланишида бўлган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар олтин фондимишни ташкил этганлиги учун хусусийлаштирилиши, олди-сотди қилиниши, гаров, ҳадя, айирбошлаш объектлари бўлиши мумкин эмас; тўртинчидан, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар давлат мулки ҳисобланиб, қишлоқ хўжалик корхоналари уни эгаллаш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқларига эга бўладилар.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи деганда, уларга фойдаланиш учун бериб куйилган ер участкаларига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий нормалар йиғиндиси тушунилади. Бу ҳуқуқий нормалар қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш ҳуқуқининг вужудга келиш тартиби ва асослари, уларнинг ердан фойдаланишдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш, ер қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик каби муносабатларни тартибга солади.

28. Қишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланиш ҳуқуқи субъектлари ва объектлари.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланиш ҳуқуқи субъектлари деганда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланувчи ишлаб чиқариш тузилмалари тушунилади. Бу субъектлар доираси Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодексида кўрсатилган. Шу Кодекснинг 47-моддасига кўра, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари), қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш ва уни айирбошловчи қишлоқ хўжалигига ихтисосланган хўжаликлараро корхоналар ва ташкилотлар, фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалик корхоналари ҳисобланади. Ушбу корхоналар қишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланиш ҳуқуқининг субъектлари бўлиш учун юридик шахс ҳуқуқига эга бўлишлари керак.

Шуни таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланиш ҳуқуқининг субъектлари билан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ҳуқуқининг субъектлари доирасини фарқлаш лозим. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ҳуқуқи субъектлари доираси қишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланиш ҳуқуқи субъектларига нисбатан анча кенгдир. Чунки, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш субъектлари қаторига қишлоқ хўжалик корхоналаридан ташқари саноат корхоналарининг ёрдамчи хўжаликлари, фуқаролар, илмий муассасаларнинг, олий ўқув юртларининг тажриба ўқув участкалари ва бошқалар бўлиши мумкин.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланиш ҳуқуқи субъектлари ичида энг муҳим ўринни қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари) эгаллайди. Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ўзларига ижара ҳуқуқи асосида бериб қуйилган ер участкаларини ички хўжалик бўлинмаларига, оилаларга фойдаланиш учун бирктиб қўяди.

Маълумки, қишлоқ хўжалик кооперативларининг ерлари деҳқон хўжаликлари юритиш учун ҳам ажратиб берилган бўлади. Деҳқон хўжаликлари қишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланиш ҳуқуқининг мустақил субъектлари ҳисобланадилар. Улар ўзларига бериб қуйилган ерларга нисбатан мустақил хўжалик юритиш, етиштирилган маҳсулотларни мустақил айирбошловчи тўла қонли ердан фойдаланувчи субъект бўладилар.

Амалдаги Ер қонунчилигига биноан фермер хўжаликлари ҳам қишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланиш ҳуқуқининг мустақил субъекти бўладилар. Фермер хўжалиги ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир. Фермер хўжалиги ер участкаларини ижара асосида

олади. Субъект сифатида барча фермер хўжалиги аъзолари, бутун фермер хўжалиги тан олинади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланиш ҳуқуқи субъектлари сифатида юқорида санаб кўрсатилганлардан ташқари, Ер кодексида белгиланишича, хўжаликлараро корхоналар ва ташкилотлар (52-модда), жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилиги билан шуғулланувчи фуқаролар (56-модда), ёрдамчи қишлоқ хўжалик корхоналари (57-модда) бўлишлари мумкин.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланиш ҳуқуқи умумий тавсифномаси ушбу ҳуқуқ объекти масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтишни зарурат қилиб қуяди. Қишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланиш ҳуқуқининг объекти деганда қишлоқ хўжалик корхоналарига хўжалик ишлаб чиқариш фаолиятини юритиш учун бериб қуйилган ерларнинг тоифаларини, чегараларини, тизимини белгилаш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий қоидалар йиғиндиси тушунилади.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги корхоналарига аввало, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар берилади. Демак, қишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланиш ҳуқуқи объектини қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ташкил этади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар деб қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қуйилган ёки ана шу мақсадлар учун белгиланган ерлар айтилади. Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексида белгиланишича, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалигини юритиш учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги ерлари ва дарахтзорлар, ички хўжалик йуллари, коммуникациялар, ўрмонлар, ёпиқ сув ҳавзалари, бинолар, иморатлар ва иншоотлар эгалланган ерларга ажралади (43-модда). Шунингдек ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, ташландиқ ерлар, кўп йиллик дов-дарахтлар (боғлар, тутзорлар, мевали дарахт кўчатзорлари, мевазорлар ва бошқалар) эгаллаган ерлар ҳам қишлоқ хўжалиги ерлари жумласига киради.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ичида суғориладиган ерлар муҳим ўринни эгаллайди. Суғориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерларни суғоришни таъминлай оладиган суғориш манбаи билан боғланган доимий ёки муваққат суғориш тармоғига эга бўлган ерлар суғориладиган ерлар жумласига киради.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланиш ҳуқуқи объектларини бир қанча жиҳатларига қараб тавсифлаш мумкин. Ер участкаларидан фойдаланиш мақсадига қараб қишлоқ хўжалик корхоналари ерлари товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришга мўлжалланган ҳамда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга (уй-жойлар, бинолар, иншоотлар, йўллар ва х.к.) бўлинади. Сув билан таъминланганлик даражасига қараб қишлоқ хўжалиги корхоналари ерлари суғориладиган ерлар ҳамда суғорилмайдиган ерлари тоифаларига бўлинади. Юқоридагилардан ташқари, қишлоқ хўжалик корхоналарнинг ерлари хўжалик юритиш шаклига қараб жамоа фонди ерлари ва деҳқон хўжалиги юритиш учун ажратилган ерлар тоифаларига бўлинади.

3§. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи мазмуни.

Умумий қоидага кўра, ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишга қаратилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси ердан фойдаланиш ҳуқуқи мазмунини ташкил этади. Бошқача қилиб айтганда, ердан фойдаланиш ҳуқуқининг мазмуни ердан фойдаланувчи субъектларга тегишли бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндисидир. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ер билан боғлиқ муносабатларга доир ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси уларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи мазмунини ташкил этади. Яъни қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи мазмуни уларга тегишли ердан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндисидан иборатдир.

Маълумки, ер ҳуқуқий муносабатлар мазмуни учта элементдан: ерни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқидан иборат бўлади.

Даставвал таъкидлаш ўринлики, ер қонунчилигига кўра, қишлоқ хўжалик корхоналари ернинг эгаси бўлмаганлиги сабабли уни тасарруф қилиш ҳуқуқига эга эмаслар. Бу ҳуқуқ фақат ернинг эгаси бўлган давлатда сақланиб қолади. Демак, қишлоқ хўжалик корхоналарига хўжалик фаолияти юритиш учун ер берилганда унга нисбатан мулк ҳуқуқи давлатда сақланиб қолади ва ҳеч вақт у иккинчи томонга ўтмайди. Шундай экан, қишлоқ хўжалик корхоналари ернинг эгаси ҳисобланмайдилар ва тасарруф қилиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар.

Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, қишлоқ хўжалик корхоналари фақат ерни эгаллаш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Субъектив мулк ҳуқуқининг асосий элементи бўлган тасарруф этиш ҳуқуқи эса мулк эгасида, яъни давлатда сақланиб қолади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ер билан боғлиқ бўлган муносабатларда ерга эгалик ҳуқуқи муҳим аҳамият касб этади. Ерга эгалик ҳуқуқи туфайли қишлоқ хўжалик корхоналари ундан мустақил тарзда фойдаланишлари, ўзлари хоҳлаган экин турларини етиштиришлари, етиштирилган ҳосилни мустақил айирбошлашлари мумкин.

Ерга нисбатан эгалик ҳуқуқи ундан фойдаланиш ҳуқуқини ҳам келтириб чиқаради. Ерни эгалламасдан туриб, ундан фойдаланиб бўлмайди. Шунинг учун уларни кўп жиҳатдан бир-бири билан узвий боғлиқ дейиш мумкин. Шунини айтиш керакки, ердан фойдаланиш ҳуқуқи - мустақил элемент сифатида ер ҳуқуқий муносабатларда алоҳида аҳамиятга ва ўзига хос хусусиятларга эга. Ердан фойдаланиш ҳуқуқи деганда, қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан ернинг фойдали хусусиятларини ўзлаштириш, ерни иқтисодий маънода эксплуатация қилиш тушунилади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи мазмуни тўғрисида фикр юритганда бу ҳуқуқни бекор қилиш ёки тўхтатиб қуйиш масаласига алоҳида тўхталиб ўтиш керак. Ердан фойдаланиш ҳуқуқини

тўхтатишнинг умумий асослари қонунда белгиланган (Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддаси). Бу умумий асослар қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш ҳуқуқини тўхтатиш учун ҳам тааллуқли ҳисобланади. Булар, асосан ер участкасидан ихтиёрий воз кечиш; ер участкаси берилган муддатнинг тугаши, корхона фаолиятининг тугаганлиги, ердан қонунда белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланишлик, ер участкасининг тупроқ унумдорлиги пасайиши, унинг кимёвий ва радиоактив бўлганини, экология вазияти ёмонлашишига йўл қуйишлик, белгиланган муддатлар мобайнида ер солиғини узлуксиз тўламаслик ва бошқалардир.

Шу билан бирга, ер участкаларидан фойдаланишни тўхтатиш қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 90-моддасида кўрсатилган ерга нисбатан ғайриқонуний ҳаракатларни содир этганда ҳам, шунингдек ернинг давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қуйилиши (Ўзбекистон Республикаси Ер Кодекси 37-моддаси) муносабати билан ҳам тўхталиши мумкин.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланиш ҳуқуқи мазмуни тўғрисида фикр юритганда, албатта бу корхоналарнинг ердан фойдаланиш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларига тўхталиб ўтиш лозим. Чунки, қишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланиш ҳуқуқи мазмунини қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари ташкил этади. Бу ҳуқуқ ва мажбуриятлар Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодексида кўрсатилган. Чунончи, ушбу кодекснинг 39-моддасига кўра, ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдори қуйидаги ҳуқуқларга эга: ер участкасида ундан фойдаланиш мақсадига мувофиқ мустақил хўжалик юритиш, қишлоқ хўжалик экинзорлари ва кучатзорлари ҳамда довдарахтларга, етиштирилган қишлоқ хўжалик машҳусулоти ва уни реализация қилишдан олинган даромадга бўлган мулк ҳуқуқи, ер участкасидаги мавжуд кенг фойдали казилмалар, ўрмонзорлар, сув объектларидан хўжалик эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда фойдаланиш, ерларни суғориш ва уларни захини қочириш, агротехника ва бошқа мелиорация ишлари ўтказиш, қишлоқ хўжалик экинларини, дов-дарахтларни суғориш мақсадида суғориш манбаларидан сув олиш, уй-жой бинолари, ишлаб чиқариш, маданий-маиший ҳолда бошқа иморатлар ва иншоотларни барпо этиш, ер участкаси олиб қуйилган тақдирда унга етказилган зарарнинг, шу жумладан бой берилган фойданинг қопланишини ёки ер участкасидан ихтиёрий воз кечилганда сарфланган харажатларнинг тўланиши талаб қилиш ва бошқа ҳуқуқларга эга.

Ер кодексининг 40-моддасида қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш бўйича мажбуриятлари санаб кўрсатилган. Булар, ердан оқилона фойдаланиш, тўпроқ унумдорлигини ошириш, ер солиғини ёки ер учун ижара ҳақини ўз вақтида тўлаш, бошқа ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ҳуқуқларини бузмаслик, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ердан фойдаланиш тўғрисида маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш, ерларни муҳофаза этиш, минерал ўғитларни тўғри қўллаш, бегона

ўтларга қарши курашиш, эрозияга учратмаслик, ерга нисбатан давлатнинг мулк ҳуқуқини бузувчи битимлар тузмаслиги ва бошқалардир.

48. Қишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи қонун билан кафолатланади ва ҳимоя қилинади. Ер тўғрисидаги қонун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан самарали фойдаланилаётган қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш бўйича ҳуқуқларини муҳофаза этади. Қишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш деганда қишлоқ хўжалик корхоналарига қонунда белгиланган тартибда ердан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига, уларни ер билан таъминлаш, ер участкаларини ғайриқонуний равишда олиб қуймаслик, ўзбошимчалик билан эгаллаб олмаслик, етказилган зарарни қоплашга қаратилган чора-тадбирлар йиғиндиси тушунилади.

Ер тўғрисидаги қонунлар аввало қишлоқ хўжалик корхоналарининг ерларини ноқишлоқ хўжалик эҳтиёжларига ўтказишдан ҳимоя этади. Айниқса суғориладиган ерларни бошқа тоифага ўтказишга алоҳида ҳоллардагина йўл қўйилади. Бунда қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги идоралари, шунингдек табиатни муҳофаза қилиш идоралари билан келишиб амалга оширилиш, ўта зарур шарт-шароитлар вужудга келгандагина берилиши лозим. Ер кодексининг 44-моддасига кўра суғориладиган ерларни суғорилмайдиган ерлар сирасига ўтказиш алоҳида ҳолларда тўпроқ-мелиоратив ва иқтисодий шартлари ҳамда ерларнинг сув билан таъминланганлигини, улардаги мавжуд сув ресурсларини ва бу сувларга белгиланган лимитларни инобатга олиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда вилоят ҳокими қарорига биноан амалга оширилади. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фойдаланишида бўлган алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар суғорилмайдиган ерлар жумласига ўтказилмайди, зарур ҳолларда эса корхоналар, бинолар ва иншоотлар қурилиш учун беришга алоҳида ҳолларда Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан йўл қўйилади (Ер кодекси 45-модда).

Ер қонунчилиги қишлоқ хўжалик корхоналарининг ерларини асосиз равишда тортиб олишдан ҳимоя қилади. Чунончи, Ер кодексининг 37-моддасида кўрсатилишича, ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер эгасининг розилиги билан ёки ердан фойдаланувчи ва ижарачи билан келишилган ҳолда тегишлича туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан олиб қўйилади. Агар ер эгаси ер участкасини олиб қўйиш ҳақидаги туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорига рози бўлмаса бу қарорлар устидан судга шикоят қилиш мумкин.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олинисдан ҳимоя қилиниши Ер Кодексида алоҳида белгиланган. Ушбу кодекснинг 91-моддасига биноан ўзбошимчалик билан эгаллаб

олинган ер участкалари уларга ғайриқонуний равишда эгалик қилинган ва фойдаланилган вақтда қилинган сарф-ҳаражатлар қопланмаган тарзда тегишлилигига кўра қайтарилади. Ер участкаларини фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахслар ҳисобидан амалга оширилади.

Юқорида айтилганлардан ташқари, Ер қонунчилиги қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолияти даврида уларга етказилган зарар, нобудгарчиликнинг ўрнини қоплаш масаласини ҳам ҳал қилган. Ер кодексининг 86-моддасида кўрсатилишича, ер участкасидан фойдаланувчига етказилган зарар (шу жумладан бой берилган фойда)нинг ўрни куйидаги ҳолларда тўла ҳажмда қопланади: ерлар олиб қўйилган, қайта сотиб олинган ёки вақтинча эгаллаб турилганида; сув ҳавзалари, каналлар, коллекторлар, шунингдек қишлоқ хўжалиги экинлари ва дов-дарахтлар учун зарарли моддалар чиқарадиган бошқа объектлар қуриш ва улардан фойдаланишнинг таъсири ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳосил камайишига ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг сифати ёмонлашувига олиб борадиган бошқа ҳатти-ҳаракатлари оқибатида ерларнинг сифати ёмонлашган тақдирда қопланиши керак. Етказилган зарар айбдор корхона, ташкилот томонидан қопланади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланиш ҳуқуқи қонун билан кафолатланади. Чунончи, Ер кодексининг 41-моддасида ўрнатилишича, ер эгалари фаолиятига давлат, хўжалик органлари, ҳамда мансабдор шахсларнинг аралашуви таъқиқланади. Шунингдек, ер эгаларининг бузилган ҳуқуқлари тикланиши керак. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш ҳуқуқини кафолатланганлиги, қонун билан муҳофаза қилиниши улар ишлаб чиқариш фаолияти барқарорлигини таъминлашга, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни ривожлантиришга олиб келади.

1§. Кишлок хужалик корхоналари мулк ҳукукининг узига хос хусусиятлари ва турлари.

Маълумки, кишлок хужалик ишлаб чиқариши уз таркибий қисмлари бўйича бошқа ҳар қандай ишлаб чиқаришлардан фарқ қилади. Кишлок хужалик ишлаб чиқаришида табиий ресурслар - ер, сув албатта иштирок этади. Инсон меҳнатини қўллаш табиий ресурслар орқали, улар воситасида амалга оширилади, бунда олинadиган самара ҳам уларнинг таркибий маҳсули бўлиб ҳисобланади. Бу ҳолат ишлаб чиқаришда вужудга келадиган мулкчилик муносабатларида ҳал қилувчи бўлиб ҳисобланади. Табиий ресурслар мулкчилик муносабатларининг объекти сифатида узига хос ҳукукий мақомга эга. Бу ҳукукий мақом Ўзбекистон Республикаси Конституциясида уз ифодасини топган. Конституциянинг 55-моддасида қўрсатилишича, ер, ер ости бойликлари, сувлар, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси ва бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойлик бўлиб, улардан оқилона фойдаланиши лозим ва бу табиий ресурслар давлат томонидан муҳофаза қилинади. Бу уринда Конституцияда “мулк”, “мол-мулк” эмас, балки “умуммиллий бойлик” ибораси ишлатилгани диққатга сазовордир. “Умуммиллий бойлик” юридик категория сифатида биринчи галда объектни қимга тегишли бўлишини эмас, балки қимларни манфаати йулида фойдаланиш лозимлигини билдиради. Табиий ресурслар мулк сифатида мулккий муносабатлар тизимида, мол-мулк сифатида хужалик муомаласида бўлганида уларнинг “умуммиллий бойлик” сифатидаги вазифаси ҳисобга олинади. Бу уринда яна шуни таъкидлаб ўтиш уринлики, давлат гарчи табиий ресурсларга нисбатан мулкдор (баъзи истисноларни ҳисобга олмаганда мутлақ ҳуқуқлар соҳиби, яқка-ягона, танҳо мулкдор) бўлиб ҳисобланса ҳам, “умуммиллий бойлик”нинг ягона субъекти эмас (табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича). Давлат иқтисодий-мулккий муносабатларда бошқа субъектлар билан узаро муносабатларда деярли тенг ҳукукий мақомга эга ва табиий ресурсларга мулкдор сифатидаги ҳолатдан фойдаланиб ўстунликка, афзалликка эга бўлиш, уни суиистеъмол қилиши мумкин эмас. Табиий ресурсларнинг “умуммиллий бойлик” мақомини ҳисобга олганда табиий ресурсларни мулкдор сифатида одатдаги хужалик муомаласи иштирокчиси бўлган давлат эмас, балки сиёсий ҳокимият, суверенитет соҳиби бўлган давлат назарда тутилади деб айтиш мумкин. Миллий бойлик-бу халққа тегишли бўлган бойлиқдир. “Халқ давлат ҳокимиятининг ягона манбаидир” (Конституциянинг 7-моддаси). Давлат халқ эрк-иродасини ифодалайди, унинг манфаатларига хизмат қилади (Конституциянинг 2-моддаси). давлат сиёсий ҳокимият ролида бошқарувни идора қилишнинг маълум бир ташкилий тузилмаси, механизми сифатида намоён булар экан, унинг бу қиёфасида табиий ресурсларга нисбатан мулкдор сифатидаги вақолатларини амалга ошириш тартибида ҳам мужассамлашади. Бу энг аввало табиий ресурслардан фойдаланиш тартибини

маъмурий воситалар оркали белгилашда яккол куринади. Бирок бу ҳолатни мутлоклаштириш ҳам тугри эмас. Давлат бозор муносабатлари тизимининг узига хос иштирокчиси. Бозор муносабатлари эса уз мохиятига кура субъектлар ҳукукий мақомида, мулкчилик муносабатларида тенглик, узаро манфаатдорлик, ихтиёрийликни такозо этади. Бунда турли субъектлар уртасидаги муносабатларни расмийлаштирувчи ҳукукий восита-шартномалар ҳисобланади. Давлат табиий ресурсларни мол-мулк объекти сифатида муомалага киритиб, бошқа субъектларга фойдаланишга берар экан бу муносабатларни шартномалар оркали расмийлаштиради ёки алоҳида тартибда фойдаланиш учун бириктириб қуяди. Бунда давлат табиий ресурсларни бошқа субъектларга фойдаланишга беришда умуммиллий манфаатлардан келиб чиқади. Бинобарин давлат табиий ресурслардан фойдаланувчи субъект манфаатларини умуммиллий манфаатларга йуналтириб туради.

Табиий ресурсларга нисбатан айрим субъектлар фойдаланиш жараёнида мулк ҳукуқи асосида эмас, балки ашёвий ҳуқуқ асосида ҳаракат қиладилар. Масалан, Фуқаролик Кодексининг 165-моддасида мерос қилиб қолдирилаётган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳукуқи ва ер участкасига доимий эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳукуқи мавжуд. Табиий ресурслар бўлган ер-сув кишлок ҳужалик ишлаб чиқаришида мулкӣ объект сифатида қатнашувида фуқаролик ҳукукий меъёрлар билан бир қаторда маъмурий бошқариш меъёрлари ҳам уларнинг ҳукукий режимини белгилашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Кишлоқ ҳужалик қорхонаси мулк ҳукуқи объекти сифатида турли қучмас мол-мулклар (бинолар, иншоотлар), асбоб-ускуналар, қорва моллари, пул маблағлари, қимматбаҳо қогозлар, кишлок ҳужалик маҳсулотлари ва ҳоказога бўлишлари мумкин. Қорхоналар мол-мулкларини вужудга қилиш асослари бўлиб ушбу қорхона муассислари (аъзолари) мол-мулкни бирлаштириш ёхуд қорхонанинг ишлаб чиқариш, тадбирқорлик фаолияти натижасида олинган даромадлар ҳисобланади. Муассислар сифатида давлат, нодавлат юридик шахслар, шунингдек фуқаролар бўлиши мумкин.

2§. Кишлоқ ҳужалигида мулкчилик муносабатларини ислоҳ қилишнинг асосий йуналишлари.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришганидан кейин иқтисодиётда маъмурий бўйруқбозлик усулларида воз қечиб бозор муносабатлари тизимини шакллантириш йулини танлаб олди. Маълумки, социализм даврида барча мол-мулк давлат қулида тупланган эди. Бирок давлат мавҳум ва қаддан ташқари бесунақай тузилма сифатида мулкни самарали фойдаланиш уни оқилона бошқариш вазифаларини қажара олмади. Бошқача айтганда умумхалқ мулки бўлган давлат мулки ҳужасизлик, қаровсизлик, машмашчилиқ ва қалон-қарожлик объекти бўлиб қолди. Меҳнатқаш инсон мулкдан қогоналаштирилган, узоклаштирилган эди. Қудди

шу сабабли мулкни давлат тасарруфидан чикариш ва хусусийлаштириш бозор муносабатларини қарор топтириш йулидаги энг биринчи кадамлардан булганлиги бежиз эмас. Бу жараён кишлоқ хужалик ишлаб чикаришда ҳам кенг авж олдирилди. Бирок бу борада етарли тажриба булмаганлиги, меҳнатни ташкил қилиш мулкчилик муносабатларини қайта қуриш ва хужалик фаолиятини юритиш шакллари узаро узвий боғланмаганлиги учун бу борада етарли ижобий силжишлар руй бермади. Кишлоқ хужалик қорхоналари оммавий равишда турли шаклларга айлантира бошланди. Ёпик ва очик турдаги хиссадорлик қорхоналари, ҳар хил агроузилмалар синаб қурилди. 90-йилларни урталари ҳам кишлоқ хужалигида ислохатларни самарадорлиги аниқ равшан қуринмаётган эди. “Бунинг сабаби шундаки, хужалиқлар бозор муносабатлари тизимида деярли ишламаяпти, қандайдир ярим, аниқроғи чала бозор муносабатлари вужудга келиб қолган, уларни эски бошқарувни маъмурий буйруқбозлик усуллари ва сарқитлари турига ураб ташламоқда”. (И.А.Каримов “кишлоқ хужалиги таракқиёти - туқин ҳаёт манбаи”. “Халқ сузи”. 1997й. 26 декабр) Бирок ушбу қиска тажриба бекор қетмади. Энг асосийси кишлоқ хужалигида туб қайта қуришлар, ислохатларни самарадорлигини таъминлаш йуналишлари белгилаб олинди. Бу борадаги муҳим вазифа юртбошимиз томонидан аниқ равшан белгилаб берилди. “биринчи ва асосийси-мулкӣ муносабатни тубдан узгартириш ҳисобига” кишлоқ хужалик қорхоналари фаолиятини рентабелли булишига эришиш лозим. И.А.Каримов бу борада ерга эғалик масаласи энг муҳим масала булиб қолишини таъқидлаб қурсатди. кишлоқда мулкдорлар синфини вужудга келтириш ерни уз ҳужайини булишини такозо этади. Айни вақтда ер деҳқончилик қасб-хунардан узок булган турли ношудлар ёки луттибозлар қулига тушиб, ҳар хил чайқов битимлари предмети ҳам булмаслиги қерак. Мулкчилик муносабатлари тизими билан меҳнатни ташкил этишни тизими уртасидаги узвий боғлиқлик кишлоқ хужалигида пайчилик муносабатларини ривожлантиришда узининг муқаммал тимсолини топди. Хужалик юритишни бундай шаклида кишлоқ хужалигида асосий ишлаб чикариш воситаси булган “ер хужалик аъзолари уртасида тақсимланади, аммо ҳеч қимга уни сотиш, сотиб олиш ҳуқуқи берилмайди. Ер ва хужалиқни бошқа мулки натурал ҳолатда эмас, қиймат шаклида яъни хужалик активи ҳисобга олган ҳолда тақсимланади”¹³. хужалиқни ҳар бир аъзосига мулкни маълум қисмига ва хужалиқни оладиган даромадини бир қисмига эғалик ҳуқуқини берадиган юридик ҳужжат берилади. Бу ҳолат охир оқибатда деҳқонни ерга, мулкка ва уз меҳнат самарасига муносабатини узгартиради. “Меҳнатни ташкил этиш эса бир неча йил давомида узини оқлаган оилавий пудрат шаклида амалга оширилиши лозим...Пудрат бошқа шакллардан шуниси билан фарқ қиладики, ижарачилар ерни вақтинча эғаси булган ҳолда етиштирган маҳсулоти ва уз меҳнати натижасининг тулақонли эғаси булади...Буларни барчасини умумлаштирадиган булсак айни пай ва пайчилик муносабатларининг оила

¹³И.А.Каримов. Кишлоқ хужалиги таракқиёти - туқин ҳаёт манбаи. - Халқ сузи, 1997 йил 26 декабр.

пудратига асосланган меҳнатини ташкил этиши билан уйғунлашуви кишлокда мулк муносабатларини хал қилишнинг энг макбул йулидир”¹⁴.

И.А.Каримов кишлокда мулкчилик муносабатларини, кишлок хужалик ишлаб чиқаришда ислохатларни амалга оширишнинг ташкилий-ҳукукий шакллари аниқ равшан белгилаб берди, уларнинг моҳияти, вазифалари, қўллаш тартибини асослаб берди. Бу шаклларнинг :

“биринчиси пай шакли бўлиб, деҳқоннинг ерга бутун жамоа олган даромаднинг бир қисмига эгалик ҳуқуқини мустаҳкамлайди;

иккинчиси - оилавий пудрат бўлиб, у ҳар бир ходим меҳнат харажати унинг даромади билан боғлашга имкон беради, хужалик ичида меҳнатни ташкил этишнинг асоси бўлиб хизмат қилади ;

учинчиси - кишлок хужалик ширкати, у кишлок хужалик корхонаси барпо этишнинг ҳар бир деҳқон, ҳар бир ходим манфаати билан уйғунлигини таъминлайдиган энг самарали ташкилий-ҳукукий шакли ҳисобланади.

Ширкатнинг ҳар бир аъзоси унинг мустаҳкамланишидан, жамғармалар барпо этилишидан бир хил манфаатдор бўлиши лозим. Шу жамғармалар ҳисобидан кишлок ижтимоий инфратузилмаси шаклланади, тупрокнинг ҳосилдорлиги таъминланади, мелоратив ишлар амалга оширилади”¹⁵.

Кишлок хужалик кооперативлари ташкилий-ҳукукий томондан кишлок хужалик корхонаси хужалик фаолиятининг субъекти меҳнатни ташкил этиш шакли бўлиш билан бирга мулкчилик муносабатлари нуқтаи назаридан хусусий мулкнинг бир қуриниши бўлган юридик шахслари мулки ҳисобланади. Бу мулкни субъекти юридик шахсдир яъни кооператив ширкат хужалигининг узидир. Айни вақтда бу субъект яхлит ҳолда мулкый муносабатларда уз номидан қатнашади. Бироқ кооператив аъзолардан иборат бўлиши кооператив аъзоларини эрк-иродаси бирлашган ҳолда юридик шахсни субъектсифатидаги ҳатти-ҳаракатларида намоён бўлишини назарда тутсак у ҳолда ширкат хужалигини аъзоларини ҳам муайян маънода мулкый ҳуқуқлар соҳиби деб айтиш мумкин. Бу шунчаки гап эмас, балки муайян юридик фактлар асосида ётган реал ҳолатдир.

Биринчидан ширкат аъзоси мулкдор, у ширкат мол-мулкида узининг пай қуринишидаги мол-мулкига эга. Бу мол-мулк тугрисида гамхурлик қилиш уни қўлатириш ва ривожлантириш унинг бурчидир ва мулкдор сифатида у бундан манфаатдор. Иккинчидан ширкат аъзоси ширкатни бошқаришда иштирок этиш бўйича кенг ҳуқуқларга эга. Энди у қўлхоз давридагидек бундай ҳуқуқларга қоқайд, бефарқ қарай олмайд, уларга формал муносабатда бўлмайд. Ширкат хужалиги ишлаб чиқариш ширкат фаолиятини яқуний натижаларидан манфаатдор бўлган мулкдор ҳужайинлик туйғуси унда яққол намоён бўлади. Учинчидан ширкат аъзосида мулкдор, ҳужайинлик туйғуларини шаклланиши мол-мулкдан фойдаланиш, уни сақлаш, уни тасарруф этиш жараёнига ҳам таъсир этади. ушбу мол-мулкка нисбатан илгари бўлганидек, ҳужасизлик, қаровсизлик, ташмачилик ва талон-тарожлар қўй беришига қўй қўймайд.

¹⁴ И.А.Каримов. Кишлоқ хужалиги таракқиёти - туқин ҳаёт манбаи. - Ҳалқ сузи, 1997 йил 26 декабр.

¹⁵ И.А.Каримов. Кишлоқ хужалиги таракқиёти - туқин ҳаёт манбаи. - Ҳалқ сузи, 1997 йил 26 декабр.

5A Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида аграр сектор етакчи ўринни эгаллайди. Дунё бозорида мамлакатимиз пахта матоси экспорт билан шуғилланувчи асосий давлатлар қаторига киради. Бинобарин, бу мамлакатимиз валюта тушумининг доимий ва йирик манбааси бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли ҳам қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотлар самарадорлиги ҳалқимиз фаровонлиги даражаси жиддий таъсир қилади деб айтиш мумкин. Аграр соҳада ислохотларнинг янги босқиси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2003 йил 24 мартда чиқарилган “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқарлаштиришининг энг муҳим йўналишлари тўғрисида” фармони билан бошланади. Ушбу фармон қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни бошқаришнинг бозор тамойилларига мос келадиган ташкилий тузилмасини ташкилий тузилмасини тадбиқ этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг мутақиллигини кенгайтириш ҳамда уларнинг ишончли ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш мақсадини кўзлайди.

Ушбу фармонга кўра қишлоқ хўжалигида мулкчилиги шаклларини ўзгартириши ва ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришнинг қуйидаги энг муҳим йўналишлари кўрсатилади:

- суғорма дехқончилиқ ҳамда суғориладиган экин майдонлари чекланганлиги шароитида мулкчилигининг ижро шакллари ва шартномавий муносабатларга асосланган хўжалиқ юритиш тизимини ривожлантириш;

- қишлоқда асосий ишлаб чиқариш бўғини ҳисобланган қишлоқ хўжалиқ товар ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини пухта таъминлашга қаратилган иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароит яратиши, тайёрлов, қайта ишлаш корхоналари, моддий техник ресурслари етказиб берувчилар, молия-банк муассалари ҳамда бошқа хизмат кўрсатиш ташкилотлари фаолиятини ушбу мақсадга бўйсиндириш;

- хўжалиқ юритишнинг ширкат, фермер ва дехқон хўжалиқлари ташкилий-ҳуқуқий шакллари сақлабқолиш, истиқболда асосий қишлоқ хўжалиқ маҳсулоти ишлаб чиқарувчи субъект бўлиб қоладиган фермер хўжалигини ривожлантиришни устувор йўналиш сифатида белгилаш.

Қишлоқ хўжалиқ товар ишлаб чиқарувчилари хўжалиқларнинг иқтисослашувини ҳисобга олган ҳолда ва тузилган контрактация шартномаларига асосан қишлоқ хўжалиқ экинларини мустақил равишда жойлаштирадilar.

Қишлоқ хўжалиқ корхоналари ўз фаолияти натижаларини, шу жумладан этиштирилган маҳсулотни ўзларига тегишли мол-мулк, молиявий ва моддий ресурсларни ўз хохишига кўра тасарруф этадилар.

Фармонда қишлоқ хўжалигида хусусий мулкни мақеини ошириш бўйича қатор ташкилий чоралар белгиланди. Энг аввало фермер хўжалиги хусусий корхона сифатида фаолият юритиши белгиланди. Фермер хўжалиқлари илгари асосан ширкат хўжалиги ҳузурида, ер участкаларини иккиламчи ижарага олувчи жамоа корхонаси эмас, балки қишлоқ хўжалигида етакчи мавқега эга бўлган, барча жихатдан мустақил хусусий корхоналарнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

5Б Фармонда фермер хўжаликлари тузиш ҳамда улар фаолиятини ташкил этиш жараёнида қуйидаги принципиал қоидаларга амал қилиш белгиланди:

-фермер хўжаликлари қоида тариқасида тугатиладиган, зарар билан ишлаётган, паст рентабелли ва истикболсиз ширкатлар негизида барпо этилади;

-фермер хўжалиги юридик шахс сифатида, асосан хусусий корхона шаклида, кейинчалик улар турли шаклдаги кооперацияларга бирлашиш ҳуқуқи билан барпо қилинади;

-ер майдонлари фермерларга танлов асосида эллик йилгача узоқ муддатли асосда, ижара муддати давомида мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан ижарага фойдаланиш учун берилади;

-фермер хўжаликларига бериладиган ер майдонлари ширкат хўжаликларининг балансидан чиқарилади;

-етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш ҳамда моддий-техника ресурслари ва хизматларни олиш учун шартномаларни фақат фермер хўжаликларининг ўзлари тайёрлов, қайта ишлаш ҳамда хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотлари билан тўғридан-тўғри тузадилар;

-фермер билан ёлланма ходимлар, шу жумладан оила аъзолари ўртасидаги меҳнат муносабатлари амалдаги меҳнат қонунчилигига мувофиқ меҳнат шартномаларига асосланади.

Фермер хўжалигини хусусий корхона сифатидаги ҳуқуқий мақоми қишлоқ хўжалигида мулкчилик муносабатларига ҳам ижобий таъсир қилади. Фермер хўжалиги лизинг асосида ўз моддий техника базасини мустаҳкамлаш имкониятларига эга. Фермер хўжалиги бошлиғи хусусий мулкдор сифатида фермер хўжалиги мол-мулкни кўпайтириш, ундан самарали фойдаланиш имкониятларини яхшироқ таъминлайди.

Қишлоқ хўжалик корхоналари фермер хўжалиги ва кооператив-ширкат хўжалиги қурилишидагина эмас, балки давлатга қарашли бўлган корхона шаклида ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда бошқа тузилмалари қурилишида ҳам бўлиши мумкин. Масалан, илмий ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалик экинлари навларини ва чорва молларини янги зотларни етиштириш бўйича шугулланувчи корхона одатда, давлат корхонаси ҳисобланади. Уларга давлат мол-мулки хўжалик юритиш ҳуқуқи бўйича бириктириб қуйилади. Корхона қонунда белгиланган тартибдабу мол-мулкни эгаллаш, тасарруф қилишни амалга оширади. қишлоқ хўжалиги давлат корхонасини мулкӣ ҳуқуқларига нисбатан ФК нинг 176-177-179-моддасида белгилаб қуйилган қоидалар амал қилади. қишлоқ хўжалик жамиятлари ва ширкатлари шаклида, масалан, тулик ширкат, масъулияти чекланган жамият, қушимча масъулиятли жамият, акционерлик жамиятишаклларида бўлганида бу тузилмаларни устав жамғармаларида уларни иштирокчиларини улушлари белгилаб қуйилган бўлади. Бу тузилмаларни мулкӣ ҳуқуқ субъекти сифатидаги ваколатлари ва уларнинг муассислари, яни иштирокчиларнинг мулкӣ ҳуқуқлари ФК, шунингдек, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари ҳақидаги, акционерлик жамияти ҳақидаги тегишли ҳужжатлар билан белгиланади.

Кишлоқ хужалик корхоналарига тегишли булган бириктириб куйилган мол-мулк кимга тегишли булишига караб улар : а) давлатга карашли ; б) жамоага карашли ; в) хусусий шахсларга карашли корхоналар булиши мумкин. Шунга мувофик равишда кишлоқ хужалик корхоналари оммавий мулк ва хусусий мулкка асосланади. Кишлоқ хужалигидаги мулкчиликнинг узига хос хусусиятларидан яна бири - ҳеч қайси мулк шакли “мутлак соф”, “идеал” ҳолатда булмайди, балки узига хос тарзда уйғунлашган тарзда мавжуд булади. Масалан, ширкат хужалиги мол-мулкни олиб карасак, масалан, табиий ресурсларга нисбатан мулк ҳукуки давлатга тегишли булса, айрим инвентарлар хусусий шахсларга ҳам тегишли булиши мумкин. Қишлоқ хужалигига ҳорижий сармоядорлар жалб килинган ҳолларда, улар иштирокидаги қўшма корхоналар мол-мулки узига хос ҳукукий режимга эга эканлигини эътиборга олсак, у ҳолда кишлоқ хужалик ишлаб чиқаришда мулкчилик турлари доираси кенг эканлигини қўриш мумкин. Бошқача айтганда кишлоқ хужалигида фаолият юритувчи тузилмалар турлари қанча булса, мулкчилик турлари ҳам шунча деб айтиш мумкин.

Кишлоқ хужалигида мулкчилик муносабатларини ислох қилишда кишлоқ хужалик корхоналари мулк ва мулкый ҳуқуқларини қафолатлари ва уни ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият берилди. Бундай қафолатлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Фуқаролик кодексида, Ер кодексида, Солик кодексида, “Мулкчилик тугрисида”ги қонунда ва шу қабиларда уз ифодасини топган. Масалан, Конституциянинг 53-моддасида бозор муносабатлари тизими мамлакатимиз иқтисодиёт тизимини ташкил этиши, барча мулк шакллари тенглиги айниса кишлоқ хужалик ишлаб чиқаришини моддий негизи булган хусусий мулк бошқа мулк шакллари қабиласиз ва давлат ҳимоясида эканлиги, мулкдор факат қонунда назарда тутилган асослар бўйича ва белгиланган тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши белгилаб қуйилган. “Ўзбекистон Республикасининг мулкчилик тугрисида”ги қонуннинг 32-моддасида Ўзбекистон Республикаси мулкый ҳуқуқни амалга оширишни қафолатлайди, мулкдорни Конституциявий ҳуқуқларини таъминлайди, қонунларда назарда тутилган ҳоллардан ташқари мол-мулкни қўпайтиришни чеклашга ҳамда уни мажбуран тортиб олишга йўл қўйилмайди деб қўрсатилади. Бундай қафолат Ўзбекистон Республикаси номидан, яъни нафакат қонун чиқарувчи орган ёки давлат бошлиги, балки бутун мамлакат номидан берилаётганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Демак, бу қафолат ҳокимиятнинг барча тузилмалари билан қафолатланади, кишлоқ хужалик корхоналари мулкый ҳуқуқини ҳимоя қилиш суд ёки хужалик суди томонидан амалга оширилади. Кишлоқ хужалик корхоналарига карашли бинолар, иншоотлар, дов-дарахтлар, экинзорлар жойлашган ер участкасини давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ҳақида давлат ваколатли органлари томонидан қабул қилинган қарор устидан қонунларда белгиланган тартибда шикоят қилиш мумкин. Бундай қарор чиқарган давлат идораси уз қарорини нафакат қонунга мувофиқлигини балки мақсадга мувофиқлигини ҳам исботлаб бериши лозим. айти пайтда шундай қарорлар қабул қилиш натижасида мулкдорга етказилган зарарлар тула қопланиши шарт.

Маълумки, кишлок хужалик ишлаб чиқаришда кичик бизнес субъектлари алоҳида уринни эгаллайди. Бундай корхоналар ихчамлиги, ҳаракатчанлиги сабабли бозордаги ҳар қандай узғаришларга тезда мослаша олади, янги техника ва технология соҳасидаги янгиликларни тез ва осон узлаштириб, амалиётга куллай олади, кишлок хужалигида фаолият юритувчи тузилмалар булган фермер ва деҳқон хужаликлари мана шундай кичик тадбиркорлик шаклларида хисобланади. Бинобарин қонунларда кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган имкониятлар уларга нисбатан ҳам тула тааллуқлидир. Меъёрий ҳужжатларда ҳокимликлар ва бошқа юқори органлар томонидан корхоналар молиявий хужалик фаолиятига аралашмаслик, кишлок хужалик корхоналари маблағлари ҳисобига мажбурий равишда ҳар хил жамғармалар ташкил этилишига йул қуйилмаслиги ҳам белгилаб қуйилган¹. Бу қоидалар ҳам кишлок хужалик корхоналарини мулкӣ ҳуқуқларини амалга оширишни узига ҳос қатолати ҳисобланади.

3§. Кишлок хужалик кооперативи (ширкат хужалиги) мол-мулки.

Кишлок хужалик кооперативлари (ширкат хужаликлари) кишлок хужалик ишлаб чиқаришда муҳим урин эгаллайди. Ширкат хужалиги мол-мулкининг ҳуқуқӣ мақоми “кишлок хужалиги кооперативи (ширкат хужалиги) туғрисида”ги 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган қонунда белгилаб қуйилган.

Кооперативнинг (ширкат хужалигининг) мустақил балансида акс эттириладиган асосий жамғармалар, айланма маблағлар, ушбу мол-мулк уз тарқиби бўйича (вужудга қелиш манбалари нуқтаи назаридан) қуйидагича турларга бўлинади :

- а) асосий жамғармалар қиймати ;
- б) етиштирган маҳсулот, уни сотишдан тушган даромадлар;
- в) кооператив аъзоларининг пул ва моддий бадаллари;
- г) банк қредитлари, қимматли қогозлар ҳисобидан ҳамда кооперативнинг уставларида назарда тутилган бошқа фаолият натижасида ва қонунда таъқиқланмаган бошқа манбалардан олинган даромадлар.

Ширкат хужалиги мол-мулки асосини устав жамғармаси ташкил қилади. Устав жамғармаси умумий мажлис қарори билан шакллантирилади. Устав жамғармаси пай жамғармаси ва бўлинмас жамғармадан иборат. қонунда бўлинмас жамғарманинг тайинланиш мақсади белгилаб қуйилган. Унга асосан бўлинмас жамғарма тупроқ унумдорлигини ошириш тадбирларини утқозиш, ирригация иншоотларини сақлаш, янги ирригация, мелиорация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш, техника воситаларини сотиб олиш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, бошқа ижтимоий ва хужалик вазифаларини ҳал этиш учун мулжалланади. Бўлинмас жамғарма ширкат аъзоларига умумий биргалиқдаги мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади. Бинобарин бўлинмас жамғарманинг ҳуқуқӣ асоси

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш қора - тадбирлари туғрисидаги фармони (1994 йил 24 январ) Ҳалқ сузи. 1994 йил 22 январ

ФК нинг 225-226 моддалари билан белгиланади. Булинмас жамгарма ширкат фаолият юритиш давомида тайинланиш максадидан бошка максадларга сарфланиши ёки ширкат аъзолари уртасида таксимланиши мумкин эмас. Ширкат мутлако тугатилган такдирдагина у аъзолар уртасида таксимланиши мумкин.

Ширкат хужалигининг пай жамгармаси ер участкаларининг киймати бахосини, асосий жамгармани кийматини ва ширкатни булинмас жамгармасига кирмайдиган бошка мол-мулклари кийматини уз ичига олади. Пай жамгармаси кишлок хужалиги кооперативи аъзоларига умумий улушли мулк хукуки асосида тегишли булади. Бу мулк хукукий макоми ФК нинг 217-223 моддалари билан белгиланади. Пай жамгармаси ширкат аъзолари уртасида мулкий пайларга таксимланиши лозим. Мулкий пай кишлок хужалиги кооперативи хар бир аъзосини ширкат пай жамгармаси кийматидаги улушини белгилайди ва кооператив аъзосига кооперативнинг якуний даромадидан дивидентлар тарикасида тегишли улушини олиш хукукини беради. Ширкат хужалиги тузилаётган вақтда белгиланган пай жамгармаси - бошлангич пай жамгармасидир. У ширкат хужалигининг хар бир аъзосини бошлангич мулкий пайни аниклашда асос булади. Пай жамгармаси ширкат хужалиги аъзолари томонидан кушимча бадаллар киритилганда купаяди ва тегишли равишда уларнинг мулкий пайларга кушилади. Ширкат аъзоси мулкий пайини хисоблашда аъзони меҳнат даври стажи ва охириги йиллар мобайнидаги йиллик иш хаки хисобга олинади. Ширкат хужалиги аъзосининг мулкий пайи кимматбаҳо коғозлар тоифасига кирмайдиган ва хар бир аъзога бериладиган номи ёзилган гувоҳнома билан тасдикланади.

Кишлок хужалик кооперативи даромадининг пайлар буйича дивидентлар тулаш учун мулжалланган кисми йил якунларига кура таксимланади ва мулкий пайнинг микдорига мутаносиб равишда туланади. Ширкат аъзоси фермер хужалиги ёки янги ширкат ташкил этиш максадида кооперативдан чиккан холларда мулкий пайлар конун хужжатларига мувофик натура шаклида ажратиб берилиши мумкин. колган холларда мулкий пай киймат шаклида туланади. Ширкат аъзоси уз пай микдорига мутаносиб равишда дивидент олиш хукуки ширкат хужалиги фаолияти ижобий самара яъни даромад билан тугаган холдагина амалга оширилади. Дивиденд соф фойдани соликлар, йигимлар ва бошка туловлар тулангандан кейин ширкат хужалиги ихтиёрида коладиган ширкат хужалиги аъзолари уртасида таксимланиши лозим булган кисмидир. кишлок хужалиги кооперативи устав жамгармасини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тугрисида наъмунавий низом (Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 15 июлдаги 299-сонли қарори билан тасдикланган) курсатилишича устав жамгармасининг микдори ширкат уставида курсатилади. Устав жамгармасини узгартириш тугрисидаги қарор ширкат хужалиги аъзоларининг умумий мажлисида қарор қилинади. Бундай ширкат хужалигининг устави белгиланган тартибда қайта руйхатдан утказилиши лозим. Устав жамгармаси ширкат хужалигининг мулки хисобланади ва

конунда назарда тутилган холлардан ташкари олиб куйиш мумкин эмас. Устав жамгармаси ширкат хужалигининг балансида асосий воситалар ва айланма маблағларнинг йигиндиси сифатида акс эттирилиб, ширкат хужалиги фаолиятини асоси бўлиб ҳисобланади. Асосий воситаларга бинолар, иншоотлар, механизмалар, машиналар, транспорт воситалари, ишчи ва маҳсулдор моллар, куп йиллик дарахтлар, коллектор диринаж тармоклари ва бошқа гидротехника иншоотлари, йуллар, ижтимоий маиший объектлар, номоддий активлар, узок муддатли молиявий ва капитал куйилмалар ва бошқа узок муддатли капитал куйилмалар киради. айланма маблағларга хом-ашё, тайёр маҳсулотлар, уруг, ем-хашак, угит, ёкилги мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар, ҳисобварағларидаги пул маблағлари, дебитор қарзлар, қиска муддатли молиявий куйилмалар ва бошқа маблағлар киради. Юқорида устав жамгармаси тайинланиш мақсади бўйича бўлинмас жамгарма ва пай жамгармасидан иборат эканлиги қурсатилган эди. Ширкат хужалик ташкил этилаётганда бўлинмас жамгарма ширкат хужалиги аъзоларининг умумий мажлис қарорига қура устав жамгармасининг 40% дан кам бўлмаган миқдорда шакллантирилади. Соф фойдадан ажратмалар ширкат хужалиги бўлинмас жамгармасини тулдиришнинг асосий манбаи ҳисобланади.

Ширкат хужалиги мол-мулкни шакллантиришда юридик ва жисмоний шахслар шартнома асосида пул ва моддий бадаллар қушиш йули билан иштирок этишлари мумкин. Ширкат хужалиги томонидан ташкил этиладиган қорхоналар ва ташкилотларнинг мол-мулки, шунингдек қишлоқ хужаликлари қорхона ва ташкилотларнинг мол-мулки унинг улушли иштирокига мувофиқ шу ширкат хужалиги юридик ва жисмоний шахслардан мол-мулкни қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда олиш, ижарага ёки вақтинча фойдаланиш учун олиш ҳуқуқига эга.

Ширкат хужалиги уз мол-мулқига эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларини мустақил амалга оширади. Ширкат хужалиги мол-мулки ҳар йили қайта руйхат қилинади. Ва унинг натижалари умумий мажлисда тасдиқланади. Ширкат хужалиги номидан унинг мол-мулкни ширкат хужалиги органлари мулкӣ ҳуқуқларни амалга оширади.

Ширкат хужалиги аъзоларининг умумий мажлиси :

кооператив ширкат аъзоларининг мулкӣ пайлари миқдорини белгилайди ;

кооператив (ширкат) фаолиятининг бизнес режаларини ва уларнинг ижроси тугрисидаги ҳисоботларни тасдиқлайди ;

даромадни (фойдани) тақсимлаш тартибини, кооперативнинг (ширкатнинг) бўлинмас, пай ва бошқа жамғармалари турларини, миқдорини ва улардан фойдаланиш йуналишларини белгилайди.

қишлоқ хужалиги кооперативининг (ширкат хужалигининг) бошқаруви ва раиси :

ширкатнинг жорий хужалик фаолияти масалаларини унинг уставига мувофиқ ҳал этади (мол-мулкдан фойдаланиш, уни тасарруф қилиш бўйича шартномалар, битимлар тузади) ;

кооперативнинг (ширкатнинг) мол-мулки сакланишини таъминлайди ҳамда етказилган зарарнинг урнини копланишига доир чораларни куради.

Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 15 июлдаги 299-сонли қарори билан тасдиқланган (кишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) нинг Наъмунавий Устави 60 п.да ширкат хўжалиги Раисининг ширкат хўжалиги мулкӣ ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича ваколатлари янада аниқроқ ва равшанроқ белгилаб қўйилган :

Раис ширкат хўжалигининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади, мол-мулкни тасарруф этади, шартномаларни, шу жумладан меҳнат шартномаларини тузади, ишончномалар беради, банкда ҳисобварақалар очади.

Ширкатнинг бошқа органлари, унинг тузилмалари ва бошқа мансабдор шахслар ширкат мулкӣ ҳуқуқларини мустақил равишда амалга оширишга ҳақли эмас. Умумий мажлис, бошқарув ёки раис томонидан уларга эгалик қилиш ва фойдаланиш учун алоҳида мол-мулк бириктириб қўйилиши мумкин, бироқ улар мол-мулкни тасарруф эта олмайдилар.

Кишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) уз мажбуриятлари бўйича узига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради. кишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) кооператив (ширкат) аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Кишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзолари кишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) мажбуриятлари бўйича уз мол-мулки билан жавоб бермайди.

Кооператив тугаганда кредиторлар даъволари қаноатлантирилганидан кейин қолган мол-мулк қиймати унинг аъзолари уртасида тақсим қилинади.

4§. Фермер хўжалигининг мол-мулки.

Фермер хўжалиги мустақил юридик шахс сифатида уз мол-мулкига эга бўлади. Бу мол-мулк унинг ишлаб чиқариш хўжалик ва молиявий фаолиятининг асосини ташкил этади.

Фермер хўжалигининг мол-мулки қуйидагилардан вужудга қелиши мумкин :

- а) фермер хўжалиги бошлиғининг пул ва бошқа маблағ-лари;
- б) товарлар, ишлаб чиқариш ва сотишда, ишлар, хизматлар курсатишдан, шунингдек фаолиятнинг бошқа турларидан олинган даромадлар (фойдалар) дан ;
- в) турли хил қимматли қозғалар сотиб олиш, сотиш, саклашдан, шунингдек акциялар дивидендларидан ;
- г) кредит муассасаларидан олинган кредитлардан ;
- д) юридик ва жисмоний шахсларнинг бегараз (текин) хайрия ва бошқа бадаллари, эҳсонлари ;
- е) қонунларда таъқиқланмаган бошқа манбалардан.

Фермер хўжалигининг узига қарашли бўлган мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи давлат ҳимоясидадир. Фермер хўжалиги тукрисидаги қонуннинг 16-

моддасига асосан фермер хужалигига хусусий ва кичик корхоналар учун берилган имтиёзларнинг барчаси жорий килинади. Бинобарин Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги “Тадбиркорлик фаолиятини эреинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунида кичик бизнес субъектларига берилган имтиёзлар, масалан, тезлаштирилган амортизацияни жорий қилиш, имтиёзли кредит бериш, энергия таъминоти манбаини ишлатишда имтиёзлар бериш, тадбиркорлик таваккалчилигидан ҳамда кредитлар копланмаганлиги учун қарздорни жавобгарликдан имтиёзли шартларда сугурта йули билан химоя қилиш ҳақидаги қоидалар тадбир қилинади.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, 2004 йил 14 октябрга қадар фермер хўжалиги тўғрисидаги қонунини янги таҳрири қучга киргунча фермер хўжаликлари мол-мулкнинг ҳуқуқий режими бошқача бўлган. Унга кўра Фермер хужалигини мол-мулки умумий улушли мулк ёки умумий биргаликдаги мулк бўлган. Агар фермер хужалиги аъзолари уртасида фермер хужалиги мол-мулкни умумий улушлар асосида ташкил этиш ҳақида узаро келишув (шартнома, битим мавжуд бўлса) бу мол-мулкни эгаллаш, фойдаланиш, тасарруф қилиш тартиби ФК нинг

217-224-моддалари билан белгиланган. Агар юқоридагидек келишув мавжуд бўлмаса, у ҳолда фермер хужалигининг мол-мулки унинг аъзоларига умумий биргаликдаги мулк асосида тегишли бўлган. Бундай мол-мулкни эгаллаш, тасарруф этиш ФК нинг 225-227 моддаларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Эски 2003 йил 24 мартда чиқарилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисидаги тўртинчи бандида фермер хўжаликлари юридик шахс сифатида асосан хусусий корхона шаклида барпо этилиши кўрсатилган. Демак фермер хўжаликларининг мол-мулкнинг ҳуқуқий режими кафолат “Фермер хўжаликлари тўғрисидаги қонун”, балки 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган хусусий корхона тўғрисидаги қонун билан ҳам белгиланади.

Фермер хўжалиги мол-мулкнинг асосини унинг устувор фонди ташкил этади. фермер хўжалигининг устувор фонди фермер хўжалиги тоомнидан белгиланади. Пул қимматли қоғозлар, бинолар, иншоотлар бошқа мол-мулк ёки пул билан баҳоланадиган мулк ҳуқуқлар фермер хўжалигининг устувор фондига қўшиладиган хисса бўлиши мумкин. Одатда устувор фонди фермер хўжалиги бошлиғига тегишли мол-мулк ҳисобидан шакллантирилади. Қонунда фермер хўжалиги устувор фондини шакллантиришда фермер хўжалиги бошлиғи ўз оила аъзоларининг умумий мулкни киритиш имкони назарда тутилган. Фермер хўжаликлари тўғрисидаги қонуннинг 18-модда 3-қисмида кўрсатилганидек, агар фермер хўжалигининг устувор фонди шакллантирилаётганда фермер хўжалигининг ўз оила аъзоларининг умумий (улуши ёки биргаликдаги) мулки ҳисобланган мол-мулкни фермер хўжалигига топшираётган бўлса,

ушбу мол-мулкнинг барча мулкдорлардан нотариал тасдиқланган розилик олиш талаб этилади. Ўз оила аъзолари деганда фермер хўжалигининг ота-онаси фарзандлари, эри (хотини), ака-укалари, опа-сингиллари ёхуд қон-қариндош бўлмаса ҳам, биргаликда яшаб, умумий рўзғор юритувчи шахслар тушунилади. Оила аъзоларининг фақат ўзларига тегишла мол-мулклар фермер хўжаликлиги устувор фондига киритилишига йўл қўйилмайди, чунки бу хусусий корхона табиатига зид.

Фермер хўжалиги устувор фондини кўпайтириш ва камайитириш фермер хўжалиги бошлиғининг қарорига кўра фермер хўжалиги уставига ўзгартиришлар киритиши йўли билан амалга оширилади.

Фермер хўжалиги юридик шахс сифатида ўз мол-мулкининг ягона субъектидир. Фермер хўжалиги бошлиғи хусусий корхона тўғрисидаги қонунининг “14 моддада белгиланган” фермер хўжалигини раҳбат сифатида якка бошқаради, пул маблағларини ҳамда бошқа мол-мулкни тасарруф этади.

Фермер хўжалиги мол-мулкининг объектлари бўлиб қуйидагилар бўлиши мумкин:

- бинолар (дала шийпонлари омборлари, офислари қишлоқ хўжалик махсулотларини қайта ишлаш, сақлаш хоналари ва хоказолар).

- хўжалик фаолиятининг юритиш учун зарур турли иншоотлар (сув-насос миноралари, ирригация, милорация иншоотлари ва хоказолар):

- дов-дарахтлар, боғлар узумзорлар, бутазорлар (улар жойлашган ер участкаларисиз):

- қишлоқ хўжалик екинзорлари ва кўчатзорлари улар жойлашган ер участкаларисиз):

- чорва моллари ва паррандалар.

- етиштирилган махсулотларга.

- қишлоқ хўжалик техниркаси, асбоб ускуналари (тракторлар, комбайнлар, селкалар ва хоказолар):

- турли транспорт воситалари:

- пул маблағлари (шу жумладан валюта маблағлари).

- интеллектуал мулк объектлари потентлари ноу-хау мутлоқ ҳуқуқлар):

- шунингдек фермер хўжалигининг балансидаги бошқа мол-мулклар.

Фермер хўжалиги пул муаммосини юритишни ҳамда пул маблағларини сақлаб туриш учун банк муассасасида ҳисобварақлар очиш ва бу маблағларни эркин тасарруф қилишга ҳиқли. Фермер хўжалигининг ҳисоб китоб варағидан маблағларни фақат фермер хўжалиги маблағларининг розилиги билан ёки суднинг қарорига биноан ҳисобдан чиқариш мумкин.

Фермер хўжалигининг мол-мулки қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос

килиб қолдирилади. Фермер хўжалигида фаолиятни давом эттириётган меросхўрлар меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома берилганлиги учун давлат божи тўлашдан озод эттирилади.

5§. Дехкон хужалигининг мол-мулки.

Дехкон хужалиги юридик шахс сифатида фаолият юритганда ҳам, юридик шахс ташкил этилмаган ҳолда фаолият юритганда ҳам уз мол-мулкига эга бўлади. Бу "Дехкон хужалиги тугрисида"ги 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган қонуннинг 15-моддасида белгилаб қўйилган. Бунга асосан дехкон хужалиги :

узига қарашли уй-жойлар, хужалик иморатлари, кишлоқ хужалик экинзорлари ва қучатзорлари, дов-дарахтлар, маҳсулдор чорва моллари, паррандалар, кишлоқ хужалик техникаси, асбоб-ускуна ва ашё-анжомлари, транспорт воситалари, пул маблағлари, интеллектуал мулк объектларига, шунингдек бошқа мол-мулкларга ;

ишлаб чиқариш фаолияти натижасида етиштирилган маҳсулотга ;

олинган даромадга (фойдага) ;

қонунда таъқиқланмаган асосларда эга бўлинган бошқа мол-мулкка мулкдордир.

Дехкон хужалиги узига қарашли мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи давлат ҳимоясидадир. Бунинг моҳияти шундан иборатки, дехкон хужаликларининг мол-мулкини қупайиши учун шарт-шароит яратиб беради. Дехкон хужалигининг мулк ҳуқуқи дахлсиз ва у давлат томонидан қафолатланади. Дехкон хужалиги қонунда белгиланган тартибда, масалан, ишлаб чиқаришни амалга ошириш, аъзолар мулкӣ бадаллари ҳисобига уз мол-мулкини вужудга келтириш, уни қупайтириш, ижарага ёки уни вақтинча фойдаланишга бериш, узгаларни мол-мулкини вақтинча фойдаланишга олишга ҳақлидир. Дехкон хужалигининг мол-мулки агар унинг аъзолари уртасидаги қелишувга биноан умумий улушли мулк ташкил этиш назарда тутилган бўлмаса унинг аъзоларига умумий биргаликдаги мулк асосида тегишли бўлади. Агар дехқон хўжалиги аъзоларининг дехқон хўжалиги мол-мулкида улушлари белгилаб қўйилган бўлса, у ҳолда ушбу мол-мулкларни эгаллаш фойдаланиши ва тасарруф этиш ФҚнинг 217-224 моддаларида белгиланган қоидалар асосида амалга оширилади. Дехкон хужалигининг мол-мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш хужалик аъзоларини узаро қелишувлари асосида амалга оширилади. Бундай қелишувга эришилмаган тақдирда мол-мулкни бошқариш тартиби суд томонидан белгиланади. Умумий биргаликдаги мол-мулкни эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ФҚнинг 225-226 моддаларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Дехкон хужалиги пул муомаласини юритиш ҳамда пул маблағларини сақлаб туриш ва бу маблағларни эркин тасарруф қилиш учун банк муассасасидан ҳисобварағлар очиш ҳуқуқига эга. Дехкон хужалиги юридик шахс сифатида ташкил этилганда эса банк муассасасида ҳисобварағида маблағларини факат унинг розилиги ёки суднинг қарори билан ҳисобдан

чикариш мумкин. Дехкон хужалигини пул билан боглик операцияларини амалга оширишда дехкон хужалиги номидан дехкон хужалиги бошлиги катнашади. Дехкон хужалигини мулкый ҳуқуқларини амалга оширишда, шу жумладан шартномалар оркали мол-мулк олиш ёки мол-мулкни бегоналаштиришда ҳам дехкон хужалиги номидан дехкон хужалиги бошлиги катнашади. Дехкон хужалигини аъзоси дехкон хужаликлари мажбуриятлари бўйича дехкон хужалиги мол-мулкидаги уз хиссаси ҳажмида жавобгардир. Дехкон хужалиги аъзосини бошқа кредиторлар олдидаги қарзлари учун унинг дехкон хужалигидаги мол-мулкидаги улушидан ҳақ ундирилиши мумкин. Дехкон хужалигининг мол-мулки фуқаролик қонунларида белгилаб қўйилган тартиб ва асосларда мерос бўлиб утади.

IX-БОБ. Қишлоқ хўжалик корхоналари молиявий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш.

1. Қишлоқ хўжалик корхоналари молиявий мунасабатларининг умумий тавсифи.

Ўзбекистон Республикасининг агрор – индустриал мамлакат бўлиб, унинг иқтисодий ҳаётида қишлоқ хўжалиги етакчи ўрин тутди. Мамлакат ялпи ички маҳсулотининг, миллий даромадининг, хорижий валютадаги тушимларининг салмоқли қисми унда тармоқ ишлаб чиқаришга боғлиқдир¹⁶. Бундан ташқари, аҳолининг, шу жумладан иқтисодий фаол аҳолининг асосий фисми ҳам қишлоқ жойларида истикомат қилиши агрор интор кархоналари ишини самарали ташкил этиш, у ерда моддий, молиявий бошқа ресурслардан оқилона фойдаланиш вазифасини долзарб қилиб қўяди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга ошириб келинаётган иқтисодий ислохатлар, у ердаги хусусийлаштириш жараёнлари, фирмерлик ҳаракатини кенг авж олдрилаётганлиги, деҳқонда хужайинлик туйғуси ва тафақурини шакиллантиришига оид чора – тадбир бу соҳани юксалтиришга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларинигина кўпайтиришга эришиш билан чекланилмасдан, унинг сифатини яхшилаш таннархини пасайтириши, замонавий агротехникаларни ҳамда техника воситаларини жорий қилиш орқали жахон бозорида рақобатбардошлилигини таъминлаш, мамлакатимизда етиштирилаётган хилма – хил қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳалқаро бозорларга олиб чиқилишига эришиш ва шу асосда деҳқон фарованлигини, мамлакат иқтисодий қудрати ҳамда ҳалқаро обру – эътиборини ошириш мафсадига қаратилгандир¹⁷.

Қишлоқ хўжалиги кархоналари олдига қўйилган юксак мақсад ва вазифаларини амалга оширилишида уларнинг молиявий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиниши муҳим аҳамиятга эга. Чунки оқилона молиявий фаолият юритилиши, маблағлардан тўғри ва самарали фойдаланилиши, уларнинг ҳисоб – китобларини ўз вақтида, тўғри ва тўлиқ амалга оширилиши, давлат солиқ идоралари, банк муассасалари, маҳаллий давлат ҳокимият органлари билан молиявий мунасабатларни тўғри йўлга қўйилиши шартномавий шериклар билан ҳисоб – китобларни шартнома иалаблари тўла адо этлгани холда амалга оширилиши, кархона эҳтиёжлари учун молиявий маблағлардан унумли ва тўғри фойдаланилиши, молиявий ва бухгалтерия ҳисоб – китобларини ўз ва ишида, тўғри амалга оширилиши улар мувафақиятларининг асосий шартларидан бўлиб саналади.

Қишлоқ хўжалик кархоналари молиявий фаолияти юқорида қайт

¹⁶ Бу ҳақда батафсил, қаранг: Усманова МЛ. Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя: фуқораларнинг ҳуқуқий жиҳатлари Т.ТДЮИ.2005й. 20 – 21 – бетлар.

¹⁷ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 мартдаги ПҚ – 26 – сонли “Экспорт – импорт операцияларини тартибга солиш чора – тадбирлари тўғрисида” ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужатлари тўплами. 2005й. 10 – 11 – сон. 72 модда.

этилганлардан ташқари олинган фойдани тақсимлаш, тасарруф қилиш, кархона жамғармаларини шакиллантирилиш ва тасарруф этилиши, инвестиция мақсадларидаги фаолият, ходимлар билан ҳисоб – китоблар, ижтимоий химоялаш мақсадларидаги тадбирлар, оёдонлаштириш ишларини молиявий маблағ Билан таъминлаш ва бошқа соҳалардаги молиявий тадбирларни ўз ичига қамраб олади.

Қишлоқ хўжалиги кархоналари ҳам тадбиркорлик субъектларини бир тури сифатлари¹ ўз молиявий фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” ги,² “Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида” ги³, “Фирмер хўжалиги тўғрисида” ги⁴, “Дехқон хўжаликлари тўғрисида” ги⁴, “Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобатлари тўғрисида” ги⁵, “Статистика тўғриси” ги⁶, ва бошқа бир қатор бошқа қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари⁷, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари⁸, идоравий меъёрий ҳужжатлар асосида йўлга қўйилдилар. Улар молиявий фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси⁹, Солиқ кадекси¹⁰ кабилар ғам муҳим ўрин тутати.

Қишлоқ хўжалиги қорхоналарида юзага келувчи моливий мунасабатлар икки жихатга эга бўлиб, улар давлат молия ва солиқ, статистика ҳамда бошқа органлар билан юз берганида манавий ғуқуқий (давлат мажбурлаву ва давлат фаолияти Билан боғлиқ) ҳусусият касб этади. Бу соҳада қонун талабларини бузилиши ғуқуқбузарлик сифатида баҳоланиб, турли санксиялар шартларига давлат мажбурлавуга сабаб бўлади.

Бундай молиявий фаолият қишлоқ хўжалиги қорхонаси шартномавий ҳамкорлари билан (ичкари берилган махсулот, бажарилган иш, кўрсатилган хизматлар учун ғақ олиш ёки ғақ тўлаш, ўзора ҳисоб – китоблар, ўзаро шартномавий санксияларни қўлланилиши ва бошқалар), тижорат банк муассасалари Билан (турли банк амалиётлари, кредит мунасабатлари, қимматли қоғозлар ва бошқалар), ўз аъзолар ёки ёлланма ходимлар билан (фойдани тақсимлаш, иш хат тўлаш ва бошқалар), ижтимоий химоя тадбирларини амалга оширилиши чоғида юз берганида ҳусусий ҳужжат мунасабат Дея баҳоланади ва бу мунасабатлар давлат аралашивусиз, ўзора келишувга кўра амалга оширилади. Айни пайтда ҳусусий молиявий

¹ Қаранг: Ўзбекистоннинг янги қонунлари №23, Т., “Адолат”, 2001й.

² Қаранг: Ўзбекистон янги қонунлари. №18, Т., “Адолат” 1998 й.

³ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужатлари тўплами. 2004 йил, 40 – 41 – сон, 433 – модда.

⁴ Қаранг: Ўзбекистоннинг янги қонунлари. №18, Т., “Адолат”, 1998 й.

⁵ Қаранг: Ўзбекистоннинг янги қонунлари № 14, Т., “Адолат”, 1996 й.

⁶ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужатлари тўплами. 2002 й, №24, 260 – модда.

⁷ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги “Тадбиркорлик субъектлари тамонидан тақдим этиладиган ҳисобат таҳмини такомалаштириш ва уни мақуллабтақдим этганлиги учун жавобгарликни куяйтириш тўғриси” ги Ўзбекистон Қонун ҳужжатлари тўплами. №23 – 24, 168 – модда.

⁸ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2005 йил 20 январдаги 211 – сонли “Қишлоқ хўжалиги махсулотларини харид қилиш ва сотиш бўйича улгуржи бозор тизимини шакиллантириш ва ривожлантириш тўғрисида” ги қарори. Ўзбекистон Қонун ҳужжатлари тўплами 2005 й. №37 – 38. 287 – модда.

⁹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Т., “Адолат”, 2003 й.

¹⁰ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Т., “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 2004 йил.

мунасабатлар ҳам қонун талабларига қатъий амал қилингани ҳамда олиб борилиши лозимлиги, акс холда ҳуқуқий жавобгарликка сабаб бўлиши мумкинлиги назарда тутилмоғи лозим.

Қишлоқ хўжалик қархоналари молияси халқ хўжалиги молисининг асосий таркибий қисми сифатларида давлатимиз ғаётида муҳим ўрин тутди. Унинг воситасида нафақат шу соҳага оид қархоналар моддий ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолияти, балки мамлакат пул жамғармалари, бюджетнинг шаклланишини, пенсия, соғлиқни сақлаш, фан ва маориф ҳамда бошқа тармоқлар тарақиётини таъминлашга қўмаклашуви.

2& Қишлоқ хўжалик қархоналарида солиқ мунасабатлари.

Ҳисоб – китоблар ва ҳисобат.

Қишлоқ хўжалиги қархоналари ҳам бошқа хўжалик юритувчи субъектлар сингари бюджет олдидagi муайян мажбуриятларни бажарадилар. Бу мажбуриятлар қонун ҳужжатларида назарида тутилган давлат ва маҳаллий солиқлар ҳақида бошқа мажбурий носолиқ тўловларни тўлашдан иборат бўлади.

Солиқлар ва бошқа носолиқ мажбурий тўловларни ҳисоблаш ҳамда йўллаш чоғида улар давлат солиқ идоралари билан солиқ мунасабатларига киришадилар. Бундай мунасабатларнинг мазмун “Солиқ кодексида”¹, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида” ги Қонунида², бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган.

Солиқлар ва бошқа носолиқ тўловлар иқтисодиётни бошқариш ҳамда унинг тарақиётига таъсир этиши усулларида бўлганлиги сабабли давлат ундan қишлоқ хўжалиги тарақиётини қўллаб қуватлаш, агрор секторда бирор мунасабатларни янада чуқирлаштиришда самарали фойдаланишига ҳаракаат қилмоқда.

Қишлоқ хўжалик қархоналарига солиқ солиш чоғида юқоридаги мақсаддан келиб чиқилгани холда имтиёзли солиқ режими белгиланган бўлиб, уларни солиқга тортиш ўзга хос хусусиятларга эгадир.

Бу хусусиятлар қўйидагилардан иборат:

1. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчи субъектлар учун ягона ер солиғи жорий этилган бўлиб, бу солиқ тўлови ўз счига бошқа юридик шахислар томонидан тўланадиган бир қатор солиқларини бирлаштинади:
2. Ягона ер солиғи ставкалари мамлакатимиз регонлари, ер ҳосилдорлиги кўрсаткичлари ва бошқа бир қатор омиллар

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Т., “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”. 2004 й.

² Қаранг: Ўзбекистоннинг янги қонунлари. № 17, Т., “Фдолат”, 1997 й.

ҳисобга олинган ҳолда турли минтақалар учун турлича – табақалангани ҳолда белгиланади³:

3. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг турли ташкилий ҳуқуқий шакиллари солиқни ҳисоблаш ва йўлашнинг ўзига хос усуллари ҳамда мудатлари назарида тушинилади:
4. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг турли ташкилий ҳуқуқий шакиллари (Қишлоқ хўжалиги йўналтирувчилари, фирмер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, Давлат қишлоқ хўжалик корхоналари ва бошқалар) учун имтиёзларнинг ўзига хос тизими назарда тутилган ва кузатилган.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ҳам бошқа хўжалик юритовчи субъектлар сингари давлат тамонидан белгиланган тартибда назорат қилинади¹ ва бундай назоратнинг мақсадларидан бири – улар тамонидан амалдаги қонунлар ижроси таъминлашини кузатиб боришдан иборатдир.

Анна шундай назоратни амалга оширилиши шакилларида бири – қишлоқ хўжалиги томонидан ваколатли давлат органларини статистик ва бухгалтерия ҳисоблашларини тақдим этилишидир. Бундай ҳисобатлар тақдим этилишининг принципларини тартиблари тегишли қонунларда белгилаб қўйилган².

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари Билан белгиланган тартибда қишлоқ хўжалик корхоналари молиявий, хўжалик фаолияти текширилиши мумкин ва ҳозирги пайтда текширишларни тартибга солиш, нақонуний текширишларга йўл қўймасоик юзасидан ҳукумат томонидан қатъий чоралар кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги ПФ – 3620 – сонли “Микро фирмалар ва кичик корхоналарини ривожлантиришни рағбатлантириши борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида” ги Фармонида кўра³ ягона ер солиғи тўловчилари бўлмаган ҳамда микро фирма ёки кичик корхона мақомига эга бўлган қишлоқ хўжалик корхоналари 2005 йил 1 июлдан бошлаб ягона солиқ тўлайдиган ва бу ҳақдаги ҳисобни йилнинг ҳар чорагида тақдим этиладиган бўлди. Ягона солиқ ставкаси сотилган таварлар ҳажмининг 6% миқдорида белгиланади.

Хўжалик юритовчи субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатдорлигини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштирилиши, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай ҳуқуқий ва иқтисодий шароит яратиш ҳамда жавобгарлик йўлларида ҳалқаро ҳуқуқий принципларини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон республикаси Президентининг 2005 йил 24 июндаг ПФ 3622 сонли фармони билан

³ Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 27 декабрдаги ПП – 244 – сонли “Ўзбекистон Республикасининг асосий макро иқтисодий кўрсаткичлари қўйидаги ва Давлат бержаси кўрсаткичлари тўғрисида” ги қарори

¹ Қаринг: Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритовчи субъектлар фаолиятини давлат тамонидан назорат қилиш тўғрисида” ги қонуни. Ўзбекистоннинг 1998 йил янги қонунлари № 21, Т., “Адолат”.

² Бу ҳақда батавсил қараганда: Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги “Давлат статистикаси тўғрисида” ги ҳамда 1996 йил 30 августдаги “Бухгалтерия ҳисобатлари тўғрисида” ги қонунлари.

³ Ўзбекистон Республикаси қонун кўрсаткичлари кўлами 2005 йил. №25 – 26, 177 – модда.

тадбиркорс субъектларнинг хўжалик соҳасидаги қонун бузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш чора тadbирлари жорий этилди ва ушбу тартибга кўра хўжалик субъектларининг, шу жумладан қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиявий жавобгарлиги либериллаштириди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий хўжалик фаолияти ваколатли давлат органлари тамонидан уларнинг қарори асосида ёки қишлоқ хўжалиги корхонасининг ўз ташаббусига кўра аудишарлик текширувидан ўтказилиши мумкин. Бундай текширишни ўтказиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган⁴.

Қишлоқ хўжаликлари корхоналари томонидан молия қонунчилиги ва молия интизомига қатъий амал қилиниши улар фаолиятининг муҳим шартларидан бўлиб саналади.

3& Қишлоқ хўжалик корхоналарда банк ҳисоб – китоб ҳамда кредит мунасабатлари ва уларни ҳуқуқий тартибга солиниши.

Қишлоқ хўжалик корхоналари тadbиркорларнинг бошқа субъектлари сингари замонавий, бозор тамойилларига мос келувчи банк хизматлари сиз мувоқиятни фаолият юритишлари мумкин эмас.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг банк хизматларидан фойдаланишлари билан боғлиқ бўлган мунасабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқоралик кодекси (43 – 45 – боблари, 759 – 816 - моддалар)¹. “Банлар ва банк фаолияти тўғрисида” ги қонун², бошқа бир қатор қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади³.

Шунингдек, “Тadbиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” ги ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг тегишли ташкилий – ҳуқуқий шартномаларига талукли қонунларда (“Қишлоқ хўжалик каперотуви (ширкат хўжалиги) тўғрисида” ги, “Фирмер хўжалиги тўғрисида” ги, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида” ги қарорлар) ҳам қишлоқ хўжалиги корхоналарининг баннига оид ҳамда ҳисоб – китоб мунасабатларининг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган.

Ҳисоб – китобларни амалга ошириш банк хизматларини кўрсатиш масалаларини батафсил тартибга солувчи қоидалар тегишли идоравий меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилган.

Қишлоқ хўжалик корхоналарига банк хизматлари кўрсатиш қишлоқ хўжалик корхонаси хоҳишига кўра танланган тижорат банк билан ҳисоб – варағи очиш орқали амалга оширилади. Ҳисоб варағи очиш тартиб қоидалари тегишли идаровий меъёрий ҳуқуқий ҳужжат билан белгилаб

⁴ Бу ҳақда қаранг: Ўзбекистоннинг Янги қонунлари. №23, Т., “Адолат”, 2001 йил.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Фуқоралик кодекси. Т., Адлия Вазирлиги, 2003 й.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномси. 1996 й., 5 – 6 – сон, 54 – млдда.

³ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги ПФ – 3406 – сонли “Қишлоқ хўжалигида ислохатларни амалга оширишда қарашига ва қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора тadbирлар тўғрисида” ги фармоиш, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2004 йил, 10 – сон, 113 – модда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги 607 – сонли, 2005 – 2007 йилларда фирмер хўжаликларини модал ривожлантириш, чора тadbирлари тўғрисидаги қарори. Ўзбекистон Республикаси Қонунлар тўплами. 2004 й. №52, 521- модда.

қуйилган⁴.

Барқ ҳисоб варағи билан боғлиқ бўлган фуқоралик ҳуқуқий мунасабатлар Ўзбекистон Республикаси Фуқоралик кодексининг 771 – 789 – моддаларида назарда тутилган қоидалар билан ҳолда банк ва қишлоқ хўжалик корхонаси ўртасида тузилган банк ҳисоб варағи шартномаси Билан тартибга солинади. Банк ҳисоб варағи шартномаси бўйича томанларнинг ўзора ҳуқуқий ва мажбуриятлари ҳамда жавобгарликлари ҳам юқоридаги қонунлар Билан белгиланади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Фуқоралик кодексининг 790 – моддаси, 2 – қисмига кўра: “Юридик шахслар шртасидаги ҳисоб – китоблар, шунингдек фуқораларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда (масалан: Юридик шахс таъсис қилмаган деҳқон хўжаликлари) улар иштирокидаги ҳисоб – китоблар нақд пулсиз тартибда амалга оширилади”.

Улар иштирокида нақд пулда ҳисоб – китоб қилинишига фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

Юридик шахслар ва юридик шахс таъсис этмаган яққа тадбиркорлар ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб – китобларнинг қўйидаги шакиллар белгиланган:

- а) тўлов топшириқлари;
- б) аккредитивлар;
- е) чеклар Билан ҳисоб – китоб қилиш;
- г) инкасса бўйича ҳисоб – китоб қилиш;

д) қонун ҳужжатларида ва банк амалиётидаги иш муомаласида назарда тутилган бошқа шакилларида ҳисоб – китоб қилиш.

Шартнома иштирокчилари юқоридаги ҳисоб – китоб шакиллариининг исталган кўринишини танлашлари ҳамда шартномада назарда тутишлари мумкин.

Нақд пулсиз ҳисоб – китоб қилишнинг тартиблари ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2002 йил 12 январда ¼ - сон қарор билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб – китоблар тўғрисидаги низом” да назарда тутилган¹.

Ҳисоб – китоб ишларини ташкил этишда юқоридагилар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1998 йил 24 январда, Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 17 декабрда 565 – сонг билан рўйхатга олинган “Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидалари” ва бошқа идоравий меъёрий ҳужжатлар ҳам муҳим ўрин тутди.

Ҳисоб – китобларни ўз вақтида, тўлиқ ҳажмда ҳамда қлнун талабларига мувофиқ равишда амалга оширилиши иқтисодиёт ривожига пу муолимаси барфарорлигига хизмат қилади.

⁴Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1997 й. 28 мартда тасдиқланган. “Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган бани ҳисоб варағи тўғрисида” ги йўриқнома.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2002 йил 15 апрелда 1172 – сон билан Билан рўйхатга олинган. Ўзбекистон Республикаси Вазирликлари давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари Ахборатномаси. 2002 й. №7.

Нақд пулсиз ҳисоб – китоб шакиллари ҳар бирига хос бўлган хусусиятларни батафсил кўриб чиқамиз.

Тўлов топшириғи билан ҳисоб-китоб қилиш тижорат банклари амалиётида энг кўп учрайдиган ҳисоб-китоб шаклидир.

Тўлов топшириқномаси билан ҳисоб-китоб қилинганида банк миқдорнинг топшириғига мувофиқ унинг ҳисобварағидаги маблағлар ҳисобидан маълум миқдор пул суммасини миқдор кўрсатган шахснинг шу ёки бошқа банкдаги ҳисобварағига қонун ҳужжатларида назарда тутилган муддатларда, агар банк ҳисобварағи шартномасида қисқароқ муддат назарда тутилган бўлмаса ёки у банк амалиётида қўлланиладиган иш муомаласи одатларида белгиланган бўлмаса, ўтказиш мажбуриятини олади.

Тўлов топшириқномасида маблағларни олувчи сифатида кўрсатилган шахс банкдан тўловни амалга оширишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди, бундай ҳуқуқ қонунда ёки миқдорнинг банк билан тузган шартномасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Миқдор томонидан берилган тўлов топшириғи ўз шакли ва мазмунига кўра қонун ҳужжатларида назарда тутилган талаб ҳамда шартларга мос келиши лозим.

Тўлов топшириқномасининг ҳамда у билан бирга тақдим этиладиган ҳисоб-китоб ҳужжатларининг мазмуни ва шакли банк қоидаларида белгилаб қўйилган талабларга мос келиши керак.

Миқдорнинг топшириғи унинг ҳисобварағида маблағлар бўлган тақдирдагина, агар миқдор билан банк ўртасидаги шартномада бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, банк томонидан ижрога қабул қилинади.

Миқдорнинг тўлов топшириқномасини қабул қилган банк тегишли пул суммасини топшириқномада кўрсатилган шахснинг ҳисобварағига ўтказиш учун уни маблағ олувчининг банкига ушбу маълумотлар қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда берилиши мумкин.

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар банк томонидан ошкор қилинган тақдирда, ҳуқуқлари бузилган миқдор келтирилган зарарнинг ўрнини қоплашни банкдан талаб қилиши мумкин.¹⁸

Миқдорнинг ҳисобварақда турган пул маблағларини тасарруф қилиш ҳуқуқларини чеклашга йўл қўйилмайди, ҳисобварақда турган пул маблағларини хатлаш ёки қонунда назарда тутилган ҳолларда ҳисобварақ бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш ҳоллари бундан мустасно.

Банк ҳисобварағи шартномаси миқдорнинг аризасига мувофиқ исталган вақда бекор қилинади.

Банкнинг талабига кўра банк ҳисобварағи шартномаси қуйидаги ҳолларда суд томонидан бекор қилиниши мумкин:

- миқдорнинг ҳисобварағида сақланаётган пул маблағлари суммаси банк қоидаларида ёки шартномада кўзда тутилган энг кам миқдордан оз

¹⁸ Бу ҳақда батафсил қаранг: “Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августдаги «Банк сирини тўғрисида»ги Қонуни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 йил, 19-сон, 174-модда (Ушбу бобни иловасига қаралсин).

бўлганлар бундай сумма банк бу ҳақда огохлантирган кундан бошлаб бир ойда тикланмаса;

- агар шартномада бошқа муддат назарда тутилган бўлмаса, ушбу ҳисобварақ бўйича бир йил давомида операциялар қилинмаган бўлса.

Ҳисобварақдаги пул маблағларининг қолдиғи мижознинг тегишли ёзма аризаси олинганидан кейин кечи билан етти кун ичида мижозга берилади ёки унинг кўрсатмасига мувофиқ бошқа ҳисобвараққа ўтказилади.

Банк ҳисобварағи шартномасининг бекор қилиниши мижоз ҳисобварағини ёпиш, учун асос бўлади.

Кодекснинг 792-моддаси биринчи қисмида белгилаб қўйилган муддатларда ўтказиши шарт.

Банк мижознинг топшириқномасида кўрсатилган ҳисобвараққа пул маблағларини ўтказиш операцияларини бажариш учун бошқа банкларни жалб қилишга ҳақли.

Банк мижознинг талабига кўра, агар қонунда бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, топшириқнинг бажарилганлиги ҳақида унга дарҳол хабар бериши шарт.

Мижознинг топшириғи бажарилмаган ёки тегишли даражада бажарилмаган тақдирда, банк бунинг учун ушбу Кодекснинг 327-моддасига мувофиқ жавобгар бўлади.

Тўлов топшириқномаси бўйича ҳисоб-китоб операцияларини амалга оширишда иштирок этадиган банклар ушбу топшириқни берган шахс олдида солидар жавобгар бўладилар.

Аккредитив бўйича ҳисоб-китоб қилиш. Аккредитив – банк томонидан мижознинг топшириғи бўйича унинг шериги (контрагенти) фойдасига шартнома асосида бериладиган пул мажбуриятидир. Унга кўра аккредитив очган банк муассасаси (эмитент) етказиб берилган маҳсулот учун тўловни амалга ошириш ваколатини бошқа банка бериши лозим бўлади. Аккредитив билан ҳисоб-китоб қилинганида эмитент банк ўз номидан, аммо мижоз маблағлари ҳисобига тўловларни амалга оширади.

Аккредитив бўйича ҳисоб-китоб қилинганида мижознинг (тўловчининг) топшириғи билан ва унинг кўрсатмаларига мувофиқ аккредитив очган банк (банк-эмитент) маблағларни олувчи ёки у кўрсатган шахс (бундан кейинги матнда - маблағларни олувчи) ҳужжатларни тақдим этган ва аккредитивда назарда тутилган бошқа шартларни бажарган тақдирда тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

Қопланган (депонентланган) аккредитив очилган тақдирда банк-эмитент уни очиш вақтида мижознинг ўз маблағларини ёки унга берилган кредитни банк эмитентининг мажбуриятлари амал қилиб турадиган бутун муддатга ижрочи банк ихтиёрига ўтказиши шарт.

Қопланмаган аккредитив очилган тақдирда банк-эмитент ижрочи банка аккредитивнинг бутун суммасини банк-эмитентнинг ижрочи банкда юритилаётган ҳисобварағидан ўчириш ҳуқуқини беради.

Аккредитивни амал қилиш муддати ва у бўйича ҳисоб-китоб қилиш тартиби пул маблағларини тўловчи билан олувчи ўртасидаги шартномада

белгилаб қўйилади.

Шартномада яна қуйидагилар бўлиши керак: банк-эмитентнинг номи; аккредитивнинг тури ва уни бажариш усули; маблағларни олувчини аккредитив очилганлиги ҳақидаги хабардор қилиш усули; аккредитив бўйича маблағлар олиш учун олувчи томонидан тақдим этиладиган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхати ва аниқ тавсифи; товарлар жўнатиладиган (хизматлар кўрсатилган, ишлар бажарилгандан) кейин ҳужжатларни тақдим этиш муддатлари, уларни расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар.

Маблағ олувчининг розилигисиз бекор қилиниши мумкин бўлмаган аккредитив чақириб олинмайдиган аккредитив дейилади.

Банк эмитентининг илтимосига биноан аккредитив бўйича операцияни ўтказишда иштирок этаётган ижрочи банк чақириб олинмайдиган аккредитивни тасдиқлаши мумкин (тасдиқланган аккредитив). Бундай тасдиқлаш ижрочи банк банк-эмитентнинг мажбуриятига қўшимча суръатда аккредитив шартларига мувофиқ тўловни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олганлигини билдиради.

Ижрочи банк томонидан тасдиқланган чақириб олинмайдиган аккредитив ижрочи банкнинг розилигисиз ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас.

Аккредитивни ижро этиш учун маблағ олувчи ижрочи банкка аккредитивнинг ҳамма шартлари бажарилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларни тақдим этади. Ушбу шартлардан бирортаси бузилган тақдирда аккредитив ҳисобидан пул тўланмайди.

Агар ижрочи банк аккредитив шартларига мувофиқ тўловни амалга оширган ёки бошқа операцияни бажарган бўлса, банк-эмитент унга қилинган харажатларни тўлаши шарт. Банк-эмитентнинг ушбу харажатлари, шунингдек аккредитивни бажариш билан боғлиқ бўлган ҳамма харажатларни миқдор томонидан қопланади.

Агар ижрочи банк ташқи аломатлари бўйича аккредитив шартларига мувофиқ келмайдиган ҳужжатларни қабул қилишдан бош тортса, у бу ҳақда дарҳол маблағ олувчига ва банк-эмитентга сабабларни кўрсатган ҳолда маълум қилиши керак.

Агар банк-эмитент ижрочи банк томонидан қабул қилинган ҳужжатларни олгач, уларни ташқи аломатларига кўра аккредитив шартларига мос келмайди деб ҳисобласа, уларни қабул қилишдан бош тортишга ҳамда ижрочи банкдан маблағ олувчига аккредитив шартларини бузган ҳолда тўланган суммани талаб қилишга, қопланмаган аккредитив бўйича эса тўланган суммани қоплашдан бош тортишга ҳақли бўлади.

Аккредитив шартлари бузилганлиги учун миқдор олдида банк-эмитент, банк-эмитент олдида эса ижрочи банк жавобгар бўлади, ушбу моддада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ижрочи банк қопланган ёки тасдиқланган аккредитив бўйича пул маблағларини тўлашдан асоссиз бош тортган тақдирда маблағларни олувчи олдидаги жавобгарлик ижрочи банк зиммасига юклатилиши мумкин.

Ижрочи банк аккредитив шартларини бузиш оқибатида қопланган ёки

тасдиқланган аккредетив бўйича пул маблағларини нотўғри берган тақдирда, миждоз олдидаги жавобгарлик иждоши банк зиммасига юклатилиши мумкин.

Аккредетив иждоши банкда: аккредетив муддати тамом бўлгач; маблағ олувчининг аккредетивнинг амал қилиш муддати тамом бўлгунича ундан фойдаланишдан воз кечиши ҳақидаги аризасига кўра, агар бундай воз кечиш мумкинлиги аккредетив шартларида назарда тутилган бўлса;

Пул тўловчининг аккредитивни бутунлай ёки қисман чақириб олиш ҳақидаги талабига мувофиқ, агар бундай чақириб олишга аккредетив шартлари бўйича йўл қўйилса, ёпилади.

Аккредетив ёпилганлиги ҳақида иждоши банк банк-эмитентни хабардор қилиши керак.

Депонентланган аккредетивнинг фойдаланилмаган суммаси аккредетив ёпилиши билан бир вақтда банк эмитентга қайтариб берилиши керак. Банк-эмитент қайтариб берилган суммаларни тўловчининг маблағлар депонентланган ҳисобварағига киритиб қўйиши шарт.

Инкассо бўйича ҳисоб-китоблар. Инкассо бўйича ҳисоб-китоб қилинганда миждоз ўз банкига (банк-эмитентга) пул тўловчидан тўловни ва (ёки) тўлов акцептини миждоз ҳисобидан қабул қилиш ҳақида топшириқнома юборади.

Инкассо топшириғини олган банк-эмитент уни бажариш учун бошқа банкни (иждоши банкни) жалб қилишга ҳақли.

Инкассо бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби қонун ҳужжатлари билан ва банк амалиётида қўлланиладиган иш муомаласи одатлари билан бошқарилади.

Миждознинг топшириғи бажарилмаган ёки тегишли суратда бажарилмаган тақдирда, банк-эмитент унинг олдида ушбу Кодекснинг 24-бобида назарда тутилган асосларга кўра ва миқдорда жавобгар бўлади.

Агар иждоши банк томонидан ҳисоб-китоб операцияларни амалга ошириш қоидалари бузилганлиги муносабати билан миждознинг топшириғи бажарилмаган ёки тегишли суратда бажарилмаган бўлса, миждоз олдидаги жавобгарлик ушбу банк зиммасига юклатилиши мумкин.

Бирон-бир ҳужжат бўлмаган ёки ҳужжатлар ташқи аломатларига кўра инкассо топшириқномасига мос бўлмаган тақдирда иждо этувчи банк бу ҳақда дарҳол инкассо топшириқномасини берган шахсга хабар қилиши шарт. Мазкур камчиликлар бартараф этилмаган тақдирда, банк топшириқларни бажармасдан ҳужжатларни қайтариб юборишга ҳақли.

Ҳужжатлар қандай шаклда олинган бўлса, ўша шаклда тўловчига тақдим этилади, инкассо операциясини расмийлаштириш учун зарур бўлган банк белгилари ва ёзувлари бундан мустасно.

Агар ҳужжатлар олиниши биланоқ улар бўйича пул тўланиши шарт бўлса, иждоши банк инкассо топшириқномасини олган заҳоти тўловга тақдим этиши шарт.

Агар ҳужжатлар бўйича пул бошқа муддатда тўланиши керак бўлса, иждоши банк-тўловчининг акцептини олиш учун ҳужжатларни инкассо топшириқномасини олиниши биланоқ, дарҳол акцептга тақдим этиши керак,

тўлов талаби эса ҳужжатда кўрсатилган тўлов муддати бошланадиган кундан кечиктирмасдан қўйилиши керак.

Қисман бажариладиган тўловлар банк қоидаларида белгилаб қўйилган ҳолларда ёки инкассо топшириқномасида махсус рухсат бўлса қабул қилиниши мумкин.

Олинган (инкассоланган) суммалар ижрочи банк томонидан дарҳол банк-эмитент тасарруфига топширилиши, у эса бу суммаларни мижознинг ҳисобварағига киритиб қўйиши шарт. Ижрочи банк инкассо қилинган суммадан ўзига тегишли ҳақни ва ҳаражатларни қоплашга кетадиган пулни ушлаб қолишга ҳақли.

Агар тўлов ва (ёки) акцепт олинган бўлмаса, ижрочи банк пул тўланмаганлигининг ёки акцептдан бош тортилганлигининг сабаблари тўғрисида банк-эмитентни бош тортилганлигининг сабаблари тўғрисида банк-эмитентни дарҳол ҳабардор қилиши шарт. Банк-эмитент бу ҳақда дарҳол мижозга ҳабар бериши, ундан навбатдаги ҳаракатлар ҳусусида кўрсатмалар сўраши шарт.

Бундан кейинги ҳаракатлар тўғрисида банк қоидаларида белгиланган муддатда кўрсатмалар олинмаса, ижрочи банк ҳужжатларни инкассо топшириқномаси юборган банкка қайтаришга ҳақли.

Қарздор (тўловчи)дан тўловни ёки акцептни олиш учун йўналтирилган ҳаракатларни инкассо операциялари деб номланади. Тўлов олувчининг инкассо топшириғи инкассо орқали ҳисоб-китоблар амалга оширилишига асос бўлади.

Инкассо тўловлари акцепт асосида, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда акцептсиз (низосиз) тартибда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Чеклар билан ҳисоб-китоб қилиш. Чек-моҳиятига кўра белгиланган шакл ва зарурий реквизитларига эга бўлган, мулкӣ ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатдир. Чек бўйича тўловлар чек тақдим этилганида ижро этилади.

Фуқаролик кодексининг чекларга оид қоидалари чеклар билан ҳисоб-китоб қилиш ҳақидаги 1931 йил Женевада имзоланган ягона тусдаги (унификациялаштирилган) халқаро қонун талабларига мос келади.

Чек берувчининг чекда кўрсатилган суммани чек сақловчига тўлаш ҳақида банкка ҳеч қандай шарт қўйилмаган топшириғи мавжуд бўлган қимматли қоғоз чек дейилади.

Чек билан ҳисоб-китоб қилинганида фақат чек берувчининг чек бериш йўли билан тасарруф этишга ҳақли бўлган маблағлари сақланаётган банкгина чек бўйича пул тўловни қилиб кўрсатилиши мумкин.

Чекни тақдим этиш муддати ўтмагунича уни чақириб олишга йўл қўйилмайди.

Чекнинг берилиши - бажариш учун чек берилган пул мажбуриятини бекор қилмайди.

Тўлов муомаласида чеклардан фойдаланиш тартиби ва шартлари ушбу Кодекс ва бошқа қонуи ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Чекда қуйидагилар бўлиши шарт: ҳужжат матнига киритилган «чек»

деган ном; муайян пул суммасини тўлаш ҳақида тўловчига топшириқ; тўловчининг номи ва тўлов қайси ҳисобварақдан амалга оширилиши кераклиги; тўлов валютаси; чек тузилган сана ва жой; чекни ёзиб берган шахснинг - чек берувчининг имзоси. Хужжатда мазкур реквизитлардан биронтасининг бўлмаслиги чекни кучдан маҳрум қилади. Тузилган жойи кўрсатилмаган чек чек берувчи турган жойда имзоланган деб ҳисобланади. Чекнинг шакли ва уни тўлдириш тартиби конун ҳужжатлари билан белгиланади.

Чек бўйича пул чек берувчининг маблағлари ҳисобидан тўланади. Чек конун ҳужжатларида белгилаб қўйилган муддатда тўловга тақдим этилган тақдирдагина у бўйича пул тўланади.

Чек бўйича пул тўлаган шахс чекнинг тўлов олинганлиги ҳақидаги тилхат билан бирга ўзига берилишини талаб қилишга ҳақли.

Чек бўйича ҳуқуқлар ушбу моддада назарда тутилган қоидаларга риоя қилган ҳолда бошқа шахсга берилади.

Эгасининг номи ёзилган чек бошқа шахсга берилиши мумкин эмас.

Ўтказма чекда пул тўловчига қилинган индоссамент тўловни олганлик учун тилхат кучига эга бўлади.

Тўловчи томонидан қилинган индоссамент ҳақиқий эмас. Агар индоссамент бўйича олинган ўтказма чекка эга бўлган шахс ўзининг ҳуқуқини узлуксиз (бир-бирини тақозо этувчи) индоссаментлар қатори билан асолаб берса, у ўтказма чекнинг қонуний эгаси деб ҳисобланади.

Чек бўйича тўлов кафолат (аваль) воситасида тўла ёки қисман кафолатланиши мумкин.

Авални тўловчидан бошқа ҳар қандай шахс бериши мумкин. Аваль чекнинг олд томонига ёки қўшимча вараққа «аваль деб ҳисоблансин» деган ёзув билан ва у ким томонидан ҳамда ким учун берилганини кўрсатган ҳолда қўйилади. Агар аваль ким учун берилганлиги кўрсатилмаган бўлса, аваль чек берувчи учун берилган ҳисобланади.

Аваль авалчи томонидан имзоланиб, унинг яшаш жойи (турган ери) ва устхат ёзилган сана кўрсатилади.

Авалчи у авални ким учун берган бўлса, ўша шахс сингари жавобгар бўлади.

Агар авалчи кафолатланган мажбурият шаклга амал қилмасликдан бошқа ҳар қандай асосларга кўра ҳақиқий бўлмаган тақдирда ҳам, авалчининг мажбурияти ҳақиқий бўлаверади.

Чек бўйича пул тўлаган авалчи у кафолат берган шахсга нисбатан ҳам, бу шахс олдида мажбурияти бўлган шахсларга нисбатан ҳам чекдан келиб чиқадиган ҳуқуқларни қўлга киритади.

Чек сақловчига хизмат қиладиган банкка тўловни олиш учун чекни инкассога тақдим этиш тўловга тақдим этиш деб ҳисобланади.

Инкассоланган чек бўйича маблағларни чек сақловчининг ҳисобварағига киритиш, агар чек сақловчи билан банк ўртасидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тўловчидан тўлов олинганидан кейин амалга оширилади.

Чек бўйича тўловчи чекнинг ҳақиқийлигига, шу жумладан тақдим этувчи чек бўйича вакил қилинган шахс эканлигига ҳам имкониятидаги ҳамма усуллар билан ишонч ҳосил қилиши керак.

Инкассоланган чек бўйича пул тўланганида тўловчи индоссантларнинг имзосини эмас, балки индоссаментлар тўғрилигини текшириши шарт.

Сохта, ўғирланган ёки йўқотиб қўйилган чек бўйича тўловчи пул тўлаши оқибатида кўрилган зарар кимнинг айби билан етказилганлигига қараб, тўловчининг ёки чек берувчининг зиммасига юклатилади.

Чек бўйича пул тўлашдан бош тортганлик қуйидаги усуллардан бири билан тасдиқланиши керак:

- Нотариус томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда норозилик билдириш; пул тўловчи чекка у бўйича пул тўлашдан бош тортганлиги ҳақида белги қўйилиб, чек ҳақ тўлаш учун тақдим этилган санани кўрсатиш;

- Инкассо қилувчи банкнинг чек ўз вақтида тақдим этилганлиги ва у бўйича пул тўланмаганлиги ҳақида, санасини кўрсатган ҳолда белги қўйиши.

Норозилик ёки шу каби ҳаракат чекни ҳақ тўлаш учун тақдим этиш муддати тугагунча амалга оширилиши керак.

Агар чек муддатнинг охириг қунида тақдим этилган бўлса, норозилик ёки шу каби ҳаракат кейинги иш қунида амалга оширилиши мумкин.

Чек сақловчи пул тўланмаганлиги ҳақида норозилик билдирган ёки шу каби ҳаракат амалга оширилган кундан кейинги икки иш қуни мобайнида ўз индоссантига ва чек берувчига хабар қилиши шарт.

Ҳар бир индоссант билдириш олган кундан кейинги икки иш қуни ичида ўзи олган билдириш ҳақида ўзининг (олдинги) индоссантига хабар бериши шарт, Ўша шахс учун аваль берган шахсга ҳам шу муддатда хабар юборилади. Кўрсатилган муддат давомида хабар юбормаган шахс чек бўйича ўз ҳуқуқларидан махрум бўлмайди. У чек бўйича пул тўланмаганлигини хабар қилмагани туфайли келтирилган зарарнинг ўрнини чек суммаси доирасида қоплаши шарт.

Тўловчи чек бўйича пул тўлашдан бош тортган ва бу ҳол ушбу кодекснинг 814-моддасига мувофиқ тасдиқланганида чек сақловчи ўз хохишига кўра чек бўйича мажбуриятли бўлган битта, бир неча ёки барча шахсларга (чек берувчи, авалчилар, индоссантларга) нисбатан даъво кўзғатишга ҳақли бўлиб, улар чек сақловчи олдида солидар жавобгар бўладилар.

Чек сақловчи мазкур шахслардан чек суммасини, чек бўйича пул олишга қилган ўз чиқимларини, шунингдек фоизларни ушбу Кодекс 327-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган миқдорда ва тартибда тўлашни талаб қилишга ҳақли. Худди шундай ҳуқуқка чек бўйича пул тўлаши шарт бўлган шахс ҳам чек бўйича пул тўлаганидан кейин эга бўлади.

Чек сақловчининг ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган

шахсларга нисбатан даъвоси чекни ҳақ тўлашга тақдим этиш муддати тамом бўлган кундан эътиборан олти ой мобайнида қўзгатилиши мумкин. Мажбуриятли шахсларнинг бир-бирларига нисбатан даъволари бўйича регресс талаблари тегишли мажбуриятли шахс талабни қондирган кундан ёки унга даъво қўзғатилган кундан бошлаб олти ой ўтгач қопланади.

Пластик карточкалар билан ҳисоб-китоб қилиш. Пластик карточка шахси белгиланган тўлов воситаси бўлиб, уни чиқарган банк томонидан карточка эгасининг тегишли маблағи банкда сақланаётганлиги ва товарлар, хизматлар, ишлар учун ушбу ҳисобдан карточка орқали тўловни амалга ошириш мумкинлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Пластик карточкада эмитент банк логотипи, номи ва бошқа идентификациялаш белгилари кўрсатиб қўйилмоғи лозим.

Пластик карточкалар жисмоний ва юридик шахслар, яқка тадбиркорлар ўртасидаги муносабатлардаги ҳисоб-китобларда қўлланилади.

Пластик карточкалар орқали банк хизмати кўрсатиш карточка эгаси ва банк муассасаси ўртасида тузилган, унинг тарафлари, шартнома предмети, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарликлари, ҳисоб-китобни амалга ошириш шартлари, шартноманинг амал қилиш шарт ва муддати, низоларни ҳал этилиш тартиби, томонларнинг юридик манзили кўрсатилган шартнома асосида амалга оширилади.

Пластик карточкалар таллуққилилигига кўра:

- а) шахсий;
- б) оилавий;
- в) корпоратив бўлиши мумкин.

Амал қилиш режимиغا кўра пластик карточкалар:

- а) дебет карточкалар;
- б) кредит карточкалар;
- в) электрон ҳамёнга бўлинади.

Пластик карточкалар билан ҳисоб-китоб қилиш ҳисоб-китобларнинг замонавий ва қулай шакли сифатида қўллаб-қувватланмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар билан ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 445-сонли қарорида¹ пластик карточкалар билан ҳисоб-китобларни амалга оширишни кенг йўлга қўйиш, унинг учун зарур ташкилий, моддий-техникавий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилиши лозимлиги таъкидланган.

Юқоридаги қарор асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2004 йил 20 февральдаги 4/20-сонли қарорга кўра «Тижорат банклари томонидан банк карточкаларини чиқариш ва уларнинг Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги Низом» тасдиқланган.¹⁹

¹ Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 38-39 сон, 425-модда.

¹⁹ Мазкур «Низом» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 30 апрелда 1344-сон

Мижознинг банк ҳисобварағидан маблағларни низосиз тартибда ўчириш асослари ва тартиби. Ҳақ ундиришга оид ижро ҳужжатларини банк орқали ижро этилиши.

ЎЗР фуқаролик қонунчилиги ва мулкчилик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган хусусий мулк дахлсизлиги ҳақидаги қоидага таянган ҳолда (Конституциянинг 53-моддаси, II қисми) мулк ҳуқуқларни ҳар томонлама кафолатлайди ва ҳимоя қилиш чораларини кўради.

Давлатнинг ва бошқа жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг мулк манфаатларини самарали ҳимоя қилиш шаклларида бири - маблағларнинг эгаси розилигисиз олиб қўйилишига, ундан фойдаланишига тўсқинликлар қўйилишига йўл қўйилмаслигидир. Шунга кўра банк миждозининг ҳисобварағидаги пул маблағларини унинг розилигисиз олиб қўйиш – тасарруф қилиш умумий қоидага кўра мумкин эмас. Айти пайтда давлатнинг, ўзга юридик ва жисмоний шахслар манфаатларини маблағлар қарздор томонидан ўз вақтида тўланмаслигидан ҳимоя қилиш мақсадида қонунчиликда-банкдаги ҳисобварақда сақланаётган пул маблағларини қонун ҳужжатларида махсус назарда тутилган ҳолларда, асослар ва шартларга кўра ҳамда белгаланган тартибда маблағ эгаси розилигисиз (низосиз) олиб қўйилишига йўл қўйилади.

Банк ҳисобварағида сақланаётган банк миждози маблағларини эгасининг розилигисиз (низосиз) ўчириш (олиб қўйиш)нинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида (783-784 моддалар), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунда (31-33 моддалари)¹, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»га Қонуни², Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 12 февралда 406-сон билан рўйхатга олинган, «Хўжалик субъектлари банк ҳисобварағидан пул маблағларини ўчириш тартиби тўғрисида»ги йўриқномада³ ва бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган.

Банк миждози ҳисобварағидан пул маблағларини унинг рухсатисиз, низосиз тартибда ўчириш банк ҳуқуқи назариясида турлича қарашларга сабаб бўлаётган бирмунча мураккаб муаммолардан ҳисобланади. Бу банк ҳуқуқий муносабати иштирокчиларининг ҳам хусусий, ҳам оммавий манфаатларига дахл қилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида «Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум қилиниши мумкин» деб эълон қилинган. Ушбу конституциявий қоида Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларида янада аниқлаштирилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 166-моддасида ҳам мулк дахлсиз эканлиги ва мулк ҳуқуқини чеклашга қонунда бевосита назарда тутилган ҳолатлардан ташқари ҳолларда

¹ Ўзбекистоннинг янги қонунлари, №13, Т., “Адолат”, 1996 йил.

² Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2001-сон, 145-модда.

³ Қаранг: Банк ахборатномаси. 1998 йил, 9-сон.

йўл қўйилмаслиги кўрсатилган.

Ана шундай ҳуқуқий муҳитда пул маблағларини ҳисобварағидан низосиз тартибда ўчириш мулкнинг муайян тури саналмиш пул маблағи эгасининг муқаддас ҳуқуқларига даҳл қилаётгандек, ушбу ҳуқуқларнинг поймол этилишига йўл очаётгандек кўринади, Аксинча ҳисобварақдан пулларни низосиз ўчириш ва уларни тегишли ҳақ ундирувчилар ҳисобварағига қўшиб ёзиб қўйиш айнан даҳлсиз мулк ҳуқуқини муҳофаза этишга қаратилган. Бундан ташқари ҳисобварақдан пул маблағларини низосиз тартибда ўчиришнинг асл мақсадида ҳам аслида мулк ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, бузилган ҳуқуқларни, ҳақ ундирувчилар ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган, чунки ана шундай мажбурий тарздаги ҳаракат содир этилишидан аввал ҳисобварақ эгаси саналмиш маблағлар мажбуран тортиб олинаётган шахс томонидан қонун талаблари қўпол тарзда бузилган, бошқа шахсларнинг қонуний ҳуқуқлари поймол этилган ҳамда бу далил тегишли ваколатга эга бўлган давлат органлари чиқарган қарор билан тасдиқланган бўлади. Шу сабабли пул маблағларини ҳисобварақдан сўзсиз тартибда ўчиришга эҳтиётлик билан ёндошиш лозим бўлади.

Пул маблағларини низосиз тартибда ҳисобварақдан ўчиришни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари Ўзбекистон Республикаси ФК (783-модда), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонун (31-модда), бошқа қонунлар ҳамда бир қатор қонун ҳужжатлари билан ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қоидаларида кўрсатилишича:

- Низосиз тартибда ўчириш тартиби белгиланган ҳолларда ҳақ ундирувчининг талаби билан;

- Бошқа ҳолларда эса ижро ҳужжатлари ва уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатлар бўлганида маблағ эгаси розилигисиз пул маблағлари ҳисобварағидан ўчирилиши мумкин.

Маблағлар ҳисобварақдан:

- Солиқ органлари фармони билан солиқлар ва бошқа носолиқ тўловлар бюджетга ўз вақтида тўланмаганида;

- Ижтимоий суғурта жамғармаси органлари (пенсия жамғармаси) фармойиши билан қарзларни ундириш учун низосиз тартибда ўчирилиши мумкин.

Маблағлар низосиз тартибда ўчирилишига асос бўладиган ижро ҳужжатлари жумласига қуйидагилар киради:

- Хўжалик судлари томонидан берилган буйруқлар;

- Судлар томонидан берилган ижро варақлари;

- Нотариуслар томонидан бажарилган ижро ёзувлари.

Шунингдек, низосиз тартибда тўловлар амалга оширилиши лозим бўлган тўлов талабномалари, автомобиль йўллари таъмири учун олинadиган тизим бўйича қарзларни ундирши ҳақида ҳакамлар фармойишлари, қарздор томонидан тан олинган суммаларни ундириш ҳақидаги кўрсатмалар, ҳукумат қарорларида назарда тутилган бошқа турдаги тўловлар ҳам ижро ҳужжатларига тенглаштирилади ва улар асосида низосиз тартибда

ҳисобварақаларидан пул маблағларини ўчиришга йўл қўйилади.

Ҳисобварағларидан пул маблағларини ўчириш тегишли солиқ ёки бошқа органларнинг тўлов топшириқномалари, суд ижрочиларининг бевосита мурожаатлари асосида, тегишли ҳужжатларнинг асл нусҳаси ёки дубликати бўлганида (нусха асос бўлмайди) амалга оширилади.

Амалдаги қонунчиликка кўра мижоз ҳисобварағидан пул маблағларини ўчирилишига асос бўладиган ҳужжатлар ваколатли давлат органлари ёки ҳақ ундирувчилар томонидан белгиланган муддатда банкка тақдим этилиши лозим. Ижро ҳужжатларини банкка тақдим этиш бўйича қуйидаги муддатлар белгилаб қўйилган:

- Судлар томонидан берилган ижро ҳужжатлари бўйича-бир йил ичида;
- Нотариал идоралар ижро ёзувлар бўйича (қонунда бошқача назарда тутилмаган бўлса) - бир йил;
- Хўжалик суди буйруқлари бўйича - уч ой;
- Меҳнат низолари комиссияси гувоҳномалари бўйича уч ой.

Ушбу муддатлар ўтганидан кейин тақдим этилган ҳужжатлар асосида ҳисобварақдан пул маблағларини низосиз тартибда кўчиришга йўл қўйилмайди. Ҳужжатнинг банкка ёки суд ижрочисига тақдим этилиши муддатнинг узилишига ва уни тақдим этилган кундан янгидан ҳисобланишига сабаб бўлади.

Давлат бюджетига, суғуртасига, ижтимоий таъминот органларига маблағ ундириш мақсадида тақдим этилган ҳужжатларга нисбатан муддатлар татбиқ этилмайди ва улар асосида муддатида қатъий назар ҳисобварақдан пул маблағларини ўчириш амалга оширилаверади.

Тақдим этилган ҳақ ундириш ҳақидаги ҳужжатлар асосида ҳақ ундириш қонунда бевосита назарда тутилган ҳолларда тўхтатиб турилади ёки бекор қилинади.

Мижоз ҳисобварағидан пул маблағларини ўчириш пайтида бир неча ҳақ ундирувчи ёки бир неча ижро ҳужжатлари мавжуд бўлганида маблағларни ундириш навбати қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1998 йил 12 февралда тасдиқланган В-55 сонли «Хўжалик субъектлари банк ҳисобварақларидан ўчириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»да белгилаб қўйилган. Мабодо ана шундай вазиятда маблағлар етарли бўлмаса, у ҳолда биринчи навбатда мутаносиб равишда давлат бюджетига, пенсия фонд ива бошқа бюджетдан ташқари фондларга ҳамда меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи талабларни қондиришга оид мажбуриятларни қондириш учун ундирилади, кейин эса қолган талаблар қондирилади.

Қайта ташкил этилаётган ёки тугатилаётган юридик шахслар ҳисобварағидан пул маблағлари ўчириш тугатиш комиссияси иштирокида белгиланган тартибда амалга оширилади¹.

¹ Бу ҳақда қаранг: “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб – китоблар тўғрисидаги Низом”нинг 10-параграфи (98-101 бандлари).

Мижознинг банк ҳисобварағида унга билдирилаётган пул талаблари ва унинг бошқа турдаги пул мажбуриятларини тўла адо этишлик учун етарли маблағ бўлмагани тақдирда талаблар қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган ва навбатга кўра банк томонидан ижро этилади¹.

Ҳисобварақдаги пул маблағлари унга қўйилган барча талабларни қондириш учун етарли бўлмаган тақдирда, пул маблағлари қуйидаги навбатда ўчирилади:

Биринчи навбатда меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талабларни, алиментлар ундириш тўғрисидаги, муаллифлик шартномалари бўйича ҳақ тўлаш, шунингдек ҳаётга ва саломатликка етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талабларни қондириш учун ҳисоб варақдан пул ўтказишни ёки пул беришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича пул ўчирилади;

Иккинчи навбатда бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловларни назарда тутувчи тўлов ҳужжатлари бўйича пул ўчирилади.

4 & Қишлоқ хўжалик корхоналари иштрокидаги кредит муносабатлари.

Мамлакатда пул муомаласини тартибга солиниши ва муомаладаги нақд пул массасини талаблар даражасига тўла мос келишини таъминлаш, пул кадрсизланиши жараёнларини тўхтатиб туриш, юридик ва жисмоний шахслар вақтинча бўш турган пул маблағларини банкка жалб этиш ва уларни иқтисодий тараққиёт мақсадлари учун инвестиция қилинишини таъминлаш, юридик ва жисмоний шахсларнинг нақд пул суммаларига бўлган эҳтиёжларни қондириш-тижорат банклари олдида турган муҳим вазифалардан саналади.

Ўзбекистон Республикасида пул-кредит сиёсати ишлаб чиқилиши ҳамда рўёбга чиқарилиши чоғида тижорат банклари имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланиш ва уларнинг малакатимиздаги молиявий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётни янада ривожлантириш, аҳоли моддий-турмуш шароитларини юксалтиришга самарали таъсирини кўпайтиришга қаратилган тадбирлар кўрилмақда.

Мамлакатимизда самарали пул-кредит сиёсатини амалга ошириш, молиявий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларни зарур маблағлар билан таъминлаш, миллий валютаимиз - сўмнинг бошқа хорижий валюталарга нисбатан кадр- қимматини бир маромда сақлаб туриш аҳолининг талаб эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи муҳим иқтисодий механизмлардан бўлиб - юридик ва жисмоний шахслар бўш пул маблағларини банк омонатига жалб қилиш ҳамда мазкур жалб қилинган маблағлардан иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт мақсадларида омилкорлик билан фойдаланиш - уларни кредитлар шаклида бериш йўли билан халқ хўжалигини сармоялаш ҳисобланади.

Юқорида таъкидланганидек, кредит муносабатлари воситасида турли

¹ Бу ҳақда қаранг: ФКнинг 784-моддаси.

манбалар ҳисобига жамғарилган маблағлар иқтисодий – ижтимоий лойиҳаларни ҳал этишга жалб этилади, муайян халқ хўжалиги вазифалари ҳал этилади.

Кредит операциялари тижорат банклари фаолиятида асосий ўринлардан бирини эгаллайди ва банк унинг воситасида юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг омонатга жалб этилган маблағлари, ўз маблағлари ҳамда ташкил этилган мақсадли давлат маблағлари ҳисобига тадбиркорлик субъектларига, фуқароларга турли кўринишлардаги кредитлар бериш, эвазига фоизлар олиш орқали тижорат фаолиятини амалга оширади.

Давлат ўз иқтисодий ва ижтимоий сиёсати устувор йўналишларини амалга ошириш учун муайян тармоқларни қўллаб – қувватлаш ҳамда рағбатлантириш билан шуғулланади. Ана шундай қўллаб-қувватлаш шаклларида бири - тегишли соҳани имтиёзли шартларда тижорат банклари орқали кредит билан таъминлашдан иборатдир.

Ушбу йўналишдаги давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартдаги «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 августдаги «Иқтисодиётни кредитлаш механизминини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 349-сонли, 2003 йил 4 февралдаги «Пул-кредит кўрсаткичларини тартибга солиш механизминини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 63-сонли, 2003 йил 23 декабрдаги «Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизминини такомиллаштириш тўғрисида»ги 563-сонли қарорида ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2004 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан жами 354 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилган бўлиб, унинг 249 млрд. сўми ёки 70,3 фоизи узоқ муддатли кредитларни ташкил этди. Шу ҳисобдан мамлакатда 81 мингта янги иш ўринлари яратилди.

Бугунги кунда (2005 йил 1 январь ҳолатига кўра) республикада 32 та тижорат банки рўйхатдан ўтказилган бўлиб, уларнинг 2 таси давлат банки, 14 таси акциядорлик-тижорат банки, 5 таси хорижий сармоя иштирокидаги банклар, 10 таси эса хусусий банклардан иборат. 2004 йилда Ўзбекистонда 6 та янги кредит уюшмалари рўйхатга олинди, уларнинг умумий сони 20 тага етди.

Кредит муносабатларини амалга оширишнинг асосий ҳуқуқий шакли кредит шартномаси тузишдир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 744-моддасига мувофиқ:

«Кредит шартномаси бўйича бир тараф — банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тараф — (қарз олувчи)га шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартларда пул маблағлари (кредит) бериш, қарз

олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади. Кредит шартномаси банк амалиётида банк ссудаси (қарзи) шартномаси деб ҳам юритилади.

Банк кредити шартномаси оддий қарз шартномасидан ўз субъектлари ва объектлари доираси билан фарқ қилади. Энг аввало, кредит шартномасида қарз берувчи бўлиб тегишли ваколатга (лицензияга) эга бўлган банклар ва бошқа кредит ташкилотлари (масалан, жамғармалар, суғурта ташкилотлари)гина қатнаша олиши мумкинлиги, иккинчидан, бу шартноманинг кредити фақат пул (ўзбек сўмларидаги ёки чет эл валютасидаги) маблағларигина бўлиши мумкинлиги қайд этилмоғи лозим.

Кредит шартномаси ҳақ баробарига, қайтарилиши шarti билан, олдиндан кафолатланиш йўли билан, мақсадли шаклда тузилади. У бир томонлама, реал тузилади. Томонлар келишувига кўра ёки қонунда бевосита кўрсатилган ҳолларда бу шартнома текин (фоиз олинмасдан) тузилиши ҳам мумкинлиги қонунда кўзда тутилган.

Фуқаролик кодексининг 745-моддасига кўра кредит шартномаси ёзма тузилиши шарт. Ёзма шартномага риоя қилмаслик унинг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади. Кўпчилик ҳолларда ҳар иккала томон имзолайдиган ягона ҳужжат шаклидаги шартнома тузилади. Аммо айрим ҳолларда қарз оловчи бу ҳақда ёзма ариза ва ўз илтимосини асословчи ҳужжатлар (техник-иқтисодий асослар, бизнес режа) билан мурожаат қилиши мумкин. Банк ариза ва тақдим этган ҳужжатларни, кредит олиш шартларини, қарз оловчининг тўлов қобилияти, кредит олинаётган лойиҳа таваккалчилиги олинадиган фойда ҳажми, кредит кафолатлари ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда кредит бериш ёки илтимосни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Айрим тармоқлар бўйича ёки айрим объектлар бўйича кредит билан таъминлашнинг ўзига хос қоидалари алоҳида меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Масалан, ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1999 йил 9 октябрда тасдиқланган 330-сонли «Хўжалик юритувчи субъектларни Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан узоқ ва ўрта муддатли кредит билан таъминлашни ташкил этиш» қоидалари, «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган фермерлик хўжаликлари ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларини миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш тартиби», 2000 йил 7 мартда 907 тартиб рақами билан рўйхатга олинган. «Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни молиялаш ва кредит билан таъминлаш тартиби», «Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан кредит линияси очилганида тижорат банклари томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларини кредит билан таъминлаш тартиби», Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бошқа бир қатор манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар томонидан 1998 йил 20 июлда тасдиқланган «Бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида кредит линиялари очиш йўли билан кичик ва ўрта бизнес

субъектларини кредит билан таъминлаш тартиби» ва бошқа меъерий ҳужжатлар амал қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1998 йил 22 августда «Банкларга ломбард кредит бериш тартиби тўғрисида низом» тасдиқланган.

Кредит берилиш усуллари, улар учун олинадиган фоиз ҳақ миқдори ва унинг тўланиши, кредитдан фойдаланиш тартиби, муддати келган кредитни қайтариш тартиблари ўз вақтида қайтарилган кредит учун жавобгарлик чораларини қўлланилиши масалалари фуқаролик кодексида, банк қонунчилигида ва бошқа меъерий ҳужжатларда ҳамда кредит шартномасида белгилаб қўйилган.

Банк кредити берилиши пайтида унинг қайтарилишини таъминлаш чоралари (гаров, ипотека), уни қўллаш тартиб ва шакллари ҳамда оқибатлари ҳам амалдаги қонунчиликда назарда тутилган.

Ашёларни кредитга бериш ва тижорат кредити (муайян маҳсулот ёки иш учун пул тўлашни кечиктириб беришга оид масалалар) тегишли қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинган.

Тижорат банклари томонидан яқка тартибдаги тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларини бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш тартиби шу ҳақдаги Низом билан белгиланган.

Ушбу Низомга мувофиқ яқка тартибдаги тадбиркор микрофирма ва кичик корхоналарга микрокредитлар, дастлабки (старт) капиталини шакллантириш мақсадлари учун кредитлар берилади. Низомда кредит бериш шартлари, муддатлари, энг кўп миқдорлари ва берилиш тартиблари батафсил белгиланган.

Фермер хўжаликларига бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда, ер участкасини гаровга олган ҳолда кредит бериш тартиблари жорий этилган. Бундай шартларда кредит бериш тартиблари ва олинган кредитни қайтарилиш масалалари тегишли норматив ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган.

Тижорат банклари ўз мижозларига кредит бериш юзасидан тегишли кредит сиёсатини ишлаб чиқишлари ҳамда уни оғишмай рўёбга чиқаришлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2000 йил 22 февралда «Тижорат банклари кредит сиёсати нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низом» тасдиқланган. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 2 мартда 905-сон билан рўйхатга олинган).

Кредит шартномасининг қонун ҳужжатларига тўла мос тарзда тўғри расмийлаштирилиши унинг қайтарилишини, банк манфаатлари бузилмаслиги учун зарур ҳуқуқий база яратилишига, банк мижозлари ҳуқуқлари ишончли муҳофаза этилишига сабаб бўлади.

Х -БОБ. Кишлоқ хужалигида меҳнат муносабатларини ҳукукий тартибга солиш.

1-§. Кишлоқ хужалик корхоналарида меҳнатни ташкил этишнинг ҳукукий шакллари.

Бозор иқтисодиёти шароитида республикамиз кишлоқ хужалигида меҳнатни ташкил этишнинг турли хил илгор шакллари кенг жорий этишга катта эътибор берилмоқда. Кишлоқ хужалигида меҳнатни ташкил этишнинг илгор шаклларида ижара пудрати, оила (жамоа) пудрати каби усуллари кенг қулланилиб, улар мустақил хужалик юритиш, ишлаб чиқариш самарадорлиги, меҳнат натижаларидан манфаатдорлик, бошқаришнинг кенг демократияга асосланганлиги билан характерланади.

Кишлоқ хужалигида меҳнатни ташкил этиш мулкчиликнинг турли хил шаклларига - давлат, кооператив, хусусий, аралаш шаклларига асосланган бўлиб уларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан тенг ҳуқуққа эга ва бир хилда ҳимоя этилади. Мулкчиликнинг шаклидан қатъий назар кишлоқ хужалиги ишлаб чиқаришда меҳнатни ташкил қилиш хужалик юритувчининг хоҳишига қура яққа тартибда, оилавий асосда ёки жамоа асосида амалга оширилиш мумкин.

Кишлоқ хужалиги ишлаб чиқаришда меҳнатни ташкил қилиш халқ хужалигининг бошқа тармоқларидан фарқли уларок кишлоқ шароитининг узига хос хусусиятлари, иқлим шароитлари, кишлоқ хужалик маҳсулотлари етиштиришнинг мавсумийлиги (сезонлилиги), бу даврда иш вақтининг узайтирилиш, дам олиш кунларининг бошқа даврга қучирилиш каби хусусиятлар билан характерланади.

Кишлоқ хужалигида меҳнатни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси “Кишлоқ хужалик кооперативлари (ширкат хужалиги) тугрисида”ги, “Фермер хужалиги тугрисида”ги, “Корхоналар тугрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, “Кишлоқ хужалик кооперативлари(ширкат хужалиги) нинг Наъмунавий Устави, ҳар бир кишлоқ хужалик корхонасининг устави ҳамда Ички меҳнат тартиби Наъмунавий Қоидаларида белгиланган тамойиллар асосида амалга оширилади.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қурсатилишича, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқига эга. Суд ҳукми билан тайинланган жазони уташ тартибидан ёки қонунда қурсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат таъқикланади (37-модда). Давлат иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳукукий жихатдан баб-баравар муҳофаза этилишини қафолатлайди. (53-модда).

Ширкат хужалиги Наъмунавий Уставида белгиланишича, жамоа хужалиги аъзолари қизиқиши, қобилияти, касб тайёргарлиги, маълумотига

кура ва жамоа хужалиги эҳтиёжларини эътиборга олиб, узи сарфлаган меҳнат микдори ва сифатига мувофиқ жамоа хужалигининг жамоа ҳақ туланадиган иш олишлари мумкин.

Кишлоқ хужалик корхоналарида меҳнатни ташкил этиш асосан ижара пудрати, жамоа пудрати, оила пудрати ва якка тартибдаги пудрат асосида амалга оширилмоқда. Республикамизнинг деярли барча кишлоқ хужалик ишлаб чиқариш тузилмаларида, айниқса ширкат хужаликлари, фермер хужаликларида оила (жамоа) пудрати муносабатлари меҳнатни ташкил қилишнинг энг самарали усулларида бири сифатида жорий қилинмоқда.

Энциклопедик лугатларда “пудрат” термини шартнома асосида меҳнатни ташкил қилишнинг шакли тушунчаси сифатида очиб берилади. Меҳнатни ташкил қилишнинг бу шаклида пудрат хужалик ҳисобининг бир тури сифатида қаралади.

Ижара, оила (жамоа) пудрати деганда шартнома асосида вақтинчалик фойдаланиш учун ишлаб чиқариш воситаларини бир томоннинг (корхона ташкилот, фукаро) бошқа томонга (жамоа, оила, фукаро) беришидан вужудга келадиган меҳнатни ташкил қилиш шакли тушунилади. Ф.М.Раянов жуда тугри таъкидлаганидек, пудрат кишлоқ хужалигида меҳнатни ташкил этишнинг энг куп тарқалган асосий шаклидир¹.

Ҳукукий адабиётларда ижара, оила (жамоа) пудратига қуйидагича тариф берилган: “Бу шартнома бўлиб, унга кура бир томон (хужалик) бошқа томонга (ёлланувчи - жамоа, оила ёки якка ходим) ҳақ эвазига вақтинчалик фойдаланиш учун зарур ишлабчиқариш воситаларини бериш мажбуриятини олади² .

Юқорида билдирилган тушунчалардан англаш мумкинки, оила (жамоа) пудрати уз мазмунига кура ижарадан фарқ қилади. Илмий адабиётларда тугри таъкидланганидек, ижарадан фарқли уларок, оила (жамоа) пудратидаги узаро муносабатларида предмет ва асос бўлиб пудрат топшириги бўлади, Яъни ижарага олинган асосий воситалар билан маълум турдаги маҳсулотни, тегишлича сифатли қилиб, белгиланган вақтда ишлаб чиқиш лозим бўлади. Шу сабабдан оила (жамоа) пудратини мустақил хужалик юритиш шакли сифатида қараш мумкин эмас. Уз мазмунига кура у ички ишлаб чиқариш хужалик ҳисобининг бир тизими бўлади ва илгариги хужалик юритиш шаклларига қараганда бир катор афзалликларга эга бўлади. Оилага (жамоа) алоҳида товар ишлаб чиқарувчи сифатида корхона ҳукукларининг бир қисми утади. Аввало бу хужалик ҳисоби даромадларини тақсимлаш, меҳнатни ташкил қилиш ва унга ҳақ тулаш, ходимлар сони, иншоотлардан фойдаланиш ва иш вақти, режадан ортиқча маҳсулот чиқариш, узга хизматлар ва топшириқлар ва бошқа масалаларга тааллуқли бўлади.

¹ Раянов Ф.М.: Правовое обеспечение коллективного подряда на селе.-М.:Знание, 1988, 6-бет.

² Каранг: Организация коллективного, семейного и арендного подрядов на кооперативных началах. - Киев: Уражай, 1988, 6- бет.

Оила (жамоа) пудратининг ижарадан асосий фарк килувчи белгилари ва хусусиятлари булиб куйидагилар хисобланади: Биринчидан, кишлок хужалиги структуравий тузилмалари тизимида оила (жамоа) пудратчилари мустакил хужалик юритувчи субъект хисобланмайдилар, улар юридик шахс ҳуқуқига эга бўлмайдилар, ижарачилар эса қонунга биноан хужалик ишлаб чиқариш муносабатларида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган мустакил субъектлар хисобланадилар;

Иккинчидан, оила (жамоа) пудратчилар ишлаб чиқариш воситаларини берган топширик берувчининг топширикларини бажарадилар, ижарачилар эса ишлаб чиқариш тизимини мустакил аниқлайдилар;

Учинчидан, оила (жамоа) пудрати шартномасига қура, пудратчилар етиштирилган маҳсулотни топширик берувчига топширишга мажбурдир, ижарачилар эса ўз меҳнат натижаларини мустакил тасарруф этиш ҳуқуқига эгадирлар;

Туртинчидан, оила (жамоа) пудрати асосида ер бериш ширкат хужаликлари, давлат хужаликлари ёки бошқа кишлок хужалик қорхоналари томонидан амалга оширилади. Ерни ижарага бериш эса факат унинг эгаси томонидан, яъни давлат ёки у вакил қилган орган томонидан амалга оширилади;

Бешинчидан, оила (жамоа) пудратида ер участкалари пудратчи-ердан фойдаланувчиларга кишлок хужалик қорхоналарининг жамоат (асосий) ер фондларидан берилади, ер ижарага эса давлатнинг захира ер фондларидан, давлат маҳаллий ҳокимияти органлари ерларидан берилади;

Олтинчидан, оила (жамоа) пудратида пудратчи-ердан фойдаланувчи ер участкасидан бирламчи ердан фойдаланувчи белгилаб берган мақсадлардагина фойдаланади. Ижара муносабатларида эса ижарачи ижарага олинган ер участкасининг фойдаланиш мақсадларини ўзи мустакил аниқлаш ҳуқуқига эга бўлади.

Кишлоқ хужалигида оила (жамоа) пудрати муносабатларининг субъектлари булиб бир томондан фермер, кооператив, давлат кишлок хужалик қорхоналари, иккинчи томондан эса булимлар, бригадалар, звенолар, оилалар, алоҳида ходимлар хисобланадилар. Оила (жамоа) пудрати субъектлари булиб кишлок хужалик қорхонаси билан меҳнат муносабатларида бўлган ходимлар, шунингдек ўзга шахслар ҳам хисобланиши мумкин. Биринчи ҳолатда пудратчи меҳнат шартномаси (контракт) асосида ишлок хужалик қорхонасида меҳнат қилаётган ходим бўлади. Уларнинг меҳнат муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, “Кишлоқ хужалик кооперативлари (ширкат хужаликлари) тугрисида”ги қонуни билан тартибга солинади.

Оила (жамоа) пудрати муносабатлари тенглик ва мустакил тарзда тузиладиган шартнома асосида вужудга келади. Бу шартнома, меҳнат, кооператив, ер, фуқаролик ҳуқуқи қоидаларидан иборат кишлок хужалик

хукукининг комплекс институтини узида ифода этади. Бу институт меҳнат, мулкӣ, ер хукукий муносабатларини тартибга солади.

Меъёрий хужжатларни урганиш ва амалиётни таҳлил қилиш шундан далолат берадики, меҳнатни ташкил қилишнинг пудрат шакли жамоа пудрати, звено пудрати, бригада пудрати, оила пудрати, яққа тартибдаги пудратларга бўлинади. Ушбу шакллар моҳиятига қўра ухшаш бўлиб, бир-биридан факат субъектив таркибига асосан фаркланади.

Пудратчиларга оила (жамоа) пудрати шартномаси асосида ер, молхоналар, фермалар, техника ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари берилади. Бу ҳилдаги мол-мулклар ижара, оила(жамоа) пудрати муносабатларининг объекти ҳисобланади.

Ер участкалари оила (жамоа) пудратига танлов¹ асосида қўидаги тартибда ажратиб берилади. Пудратчи жамоа раҳбари хужалик маъмуриятига ижара, оила (жамоа) пудрати шартномаси асосида ер участкаси берилишини сураб ариза беради. Аризада зарур ҳажмдаги ер майдони, экиш учун режалаштирилаётган экин тури, ходимлар сони қўсатилади.

Шундан сунг ушбу ариза бош агроном, ер тузувчи, бош зоотехник, иктисодчи, гидротехниклардан иборат таркибдаги комиссия йиғилишида 1 ойлик муддат ичида қўриб чиқилади. Бу комиссия томонидан қабул қилинган хужжат қишлоқ хужалик қўрхонаси йиғилишида қўриб чиқилади ва тасдиқланади. Шундан сунг оила (жамоа) пудрати шартномаси тузилиб, хужалик раҳбари ва пудратчи уртасида имзоланади.

Оила (жамоа) пудрати муносабатлари ер участкасидан ихтиёрий воз қечиш, шартнома муддатининг тугаши, томонларнинг узаро қелишувига биноан шартномани бекор қилиш, ер участкаларидан бошқа мақсадларда қўйдаланиш, ер участкасидан бир йил давомида қўйдаланмаслик ва бошқа ҳолатларда тугатилиши мумкин.

Қишлоқ хужалигида оила (жамоа) пудратининг аҳамияти тугрисида гапирганда шуни таъқидлаш мумкинки, у ишлаб чиқариш воситалари ва бошқа мол-мулклардан оқилона ва самарали қўйдаланишга, қишлоқ меҳнатқашлари ишлаб чиқариш самарадорлиги, тула хужалик ҳисоби ва узини маблаг билан таъминлашни жорий этишга, ишлаб чиқариш жараёнини унумли бошқаришга, меҳнатни оқирги натижаларидан манфаатдорликка олиб қелади.

2-§. Қишлоқ хужалигида иш вақти ва дам олиш вақти.

Қишлоқ хужалик қўрхоналарида иш вақти ва дам олиш вақти Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, ширкат хужаликларининг

¹ Типовое положение о семейном (коллективном) подряде в сельскохозяйственном производстве. Приложение п 8 к Постановлению КМ РЎз от 15.07.1998 г. N 299. В настоящее Типовое положение внесены изменения в соответствии с Постановлением КМ РЎз от 05.11.2003 г. N 486

Наъмунавий Устави ҳамда кишлоқ хўжалик корхоналари Ички меҳнат тартиби қоидалари билан тартибга солинади.

Кишлоқ хўжалик корхоналарида иш вақти - бу кишлоқ хўжалик ходими жамоат ишлаб чиқаришида сарфлаши зарур бўлган меҳнат миқдоридир. Иш вақтини меъёрлаш кишлоқ хўжалик ходими ўз иш жойида бўлишга ва ўз вазифасини виждонан бажаришга мажбур бўлган вақт даврлари билан белгиланади. Иш вақтининг нормал муддати Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексига қура ҳафтасига 40 соатдан ошishi мумкин эмас. Шу сабабдан, кишлоқ хўжалик корхоналарида нормал иш вақтининг давомийлиги олти кунлик иш ҳафтасида кунига етти соат, дам олиш ва байрам кунлари олдидан эса олти соат қилиб белгиланади.

Кишлоқ хўжалигида иш вақтини нормалаш ўзига хос хусусиятга эга. Ишлаб чиқариш зарурияти тугилиб қолганда кишлоқ хўжалик корхоналарида белгиланган иш кунини тартиби бузилиб, иш кунининг бошланиши ва тугашини ўзгартириши, ўзайтирилиши мумкин. Аммо кишлоқ хўжалик корхоналарида кунлик иш вақтини ўзайтириш ун соатдан ошиб кетмаслиги керак. Ўзайтирилган иш вақти ҳомиладор аёллар, эмизикли аёллар, ёш боласи бор аёлларга нисбатан тадбиқ қилиниши мумкин эмас.

Дала ишлари қўп бўлган даврларда нормал иш вақтидан ортиқча ишлаган шахсларга, бошқа дала ишлари даврида ёки киш даврида иш кунини тегишлича қисқартирилиб, йиллик иш вақти ўртача нормал иш вақтидан ошиб кетмаслигига эришилади. Агар йил давомида нормал иш вақтига эришиб бўлмаса, кишлоқ хўжалик ходимига қўшимча ҳақ туланиши мумкин.

Чорвачилик ва бошқа ишлаб чиқариш жараёни ўзлуксиз бўлган ишларда, шунингдек долзарб кишлоқ хўжалик ишларида қатнашаётган механизаторлар учун икки ёки ўч сменали иш вақти ташкил этилиши мумкин. Бундай ҳолларда ишлаб чиқариш характериға қараб меҳнатни ташкил этиш графиги тузилади.

Кишлоқ хўжалик ходимларининг айрим тоифаларига, масалан ёш боласи бор аёллар, вояға етмаган ўсмирлар, зарарли меҳнат шароитларида ишлаётган ходимлар учун қонунда белгиланган тартибда қисқартирилган иш вақти ўрнатилиши мумкин.

Дехқон хўжаликлари иш вақтини ўзлари мустақил тарзда белгилайдилар.

Кишлоқ хўжалик ходимларининг иш вақтини меъёрлаш, уларнинг дам олиш вақтини аниқлашга ёрдам беради. Кишлоқ хўжалик ходимларининг дам олиш вақтлари кунлик ва йиллик дам олиш вақтларига бўлинади. Кунлик дам олиш вақтиға иш кунида дам олиш вақти; кунлик ишдан кейин дам олиш; ҳафталик ўзлуксиз дам олиш вақти; ортиқча ишлаган вақти учун қўшимча дам олиш; байрам кунлари дам олиш вақти қиради. Йиллик дам олиш вақтиға эса асосий ва қўшимча таътиллار қиради.

Кишлок хужалик ишлари кизгин пайтларда кишлок хужалик ходимларининг дам олиш вақтларини иш кам пайтларга кучириш мумкин.

Кишлок хужалик ходимларининг дам олиш кунлари ҳақ туланадиган йиллик таътиллار бериш билан ҳам қафолатланади. Кишлок хужалик ходимларининг йиллик ҳақ туланадиган таътиллари давомийлиги 24 иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

Айрим тоифадаги кишлок хужалик ходимларига қушимча таътиллار ҳам берилиши мумкин. Масалан, кишлок хужалигида ишлаётган тракторчи-аёлларга қушимча таътил 12 кунгача узайтирилиши мумкин. 12 ёшгача икки ва ундан ортиқ боласи бор аёлларга уч кунлик қушимча ҳақ туланадиган таътил берилади. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда уқийётган кишлок хужалик ходимларига ҳам қушимча таътиллар беришда бир қатор имтиёзлар белгиланган.

3-§. Кишлок хужалигида меҳнатни муҳофаза қилиш.

Меҳнатни муҳофаза қилиш тушунчаси Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тугрисида”ги қонунининг 2- моддасида қўрсатилган. Унга қўра меҳнатни муҳофаза қилиш деганда инсоннинг меҳнат жараёнидаги ҳавфсизлиги, сийҳат-саломатлиги ва қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий -иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш - профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизими тушунилади. Меҳнатни муҳофаза қилишнинг асосий мақсади ва вазифаси ишлаб чиқариш жараёнида инсоннинг соғлигини сақлаш, унинг ҳаётини ҳавф остида қолдирмаслик, унга қўлай меҳнат шароити яратиб беришдан иборатдир.

Меҳнатни муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикасида давлат сийёсати даражасига қўтарилган бўлиб, давлат томонидан бошқарилади, яъни ушбу функцияни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси амалга оширади. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сийёсати ходимнинг ҳаёти ва соғлиги устиворлигига эришиш, мулк шаклидан қатъий назар ягона тартиб-қоидаларни белгилаб қўйишлик, меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини назорат қилиш, маблағ билан таъминлаш, меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислар тайёрлаш, ходимни махсус қийим, парҳез овқатлар билан таъминлаш, жабр қўрган ходимларни ижтимоий ҳимоялаш қабиларга қаратилган бўлади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тугрисида”ги қонуни, “Меҳнат кодекси”, “Кишлок хужалик кооперативлари (ширкат хужаликлари) тугрисида”ги қонун, Ширкат хужалигининг Наъмунави устави, “Фермер хужалиги тугрисида”ги қонун, Фермер хужалигининг Наъмунавий устави ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Узбекистон Республикаси Конституциясида курсатилишича, ҳар бир шахс адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ҳукукига эгадир (37-модда). Ушбу ҳукукий қоида талабига қура кишлоқ ҳужалик ходимлари узларининг соғлиғига, ҳаётига ҳавф солмайдиган, зарар етказмайдиган меҳнат шaroитларида ишлаш ҳуқуқларига эга бўладилар. Кишлоқ ҳужалик қорхоналари уз ходимларига шундай шaroитни яратиб беришга мажбур ҳисобланадилар.

Давлат кишлоқ ҳужалик қорхоналарида меҳнатни муҳофаза қилишни тартибга солишда Узбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси муҳим роль уйнайди. Ушбу қонунлар мажмуининг 211-моддасида урнатилишича, барча қорхоналарда ҳавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шaroитлари яратилган бўлиши керак. Бундай шaroитларни яратиб бериш иш берувчининг мажбуриятига қиради.

Ушбу қонунга қура, ходим меҳнатни муҳофаза қилиш нормаларига, қоида ва йуриқномаларига, шунингдек маъмуриятнинг ишни беҳатар олиб бориш ҳақидаги фармойишларига риоя қилиш, олинган шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш, инсонлар ҳаёти ва соғлиғига бевоcита ҳавф соладиган ҳар қандай ҳолат ҳақида узининг бевоcита раҳбарини дарҳол ҳабардор қилиш шарт (212-м)

Кишлоқ ҳужалик қорхоналарида ҳавфсиз меҳнат шaroитини ташкил этиш учун давлат ва бошқа жамоа ҳужаликлари раҳбарлари жавобгар бўладилар. Чунончи, Узбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 211-моддасида белгиланишича, иш берувчи меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун жавобгарбўлади. Иш берувчи меҳнат шaroитлари тугрисида, шу жумладан касб касалликлари ва бошқа касалликларга қалиниш эҳтимоли, шу билан боғлиқ ҳолда унга бериладиган имтиёз ва қомпенсация лар, шунингдек шахсий ҳимоя воситалари ҳақида ҳабардор қилиниши керак (213-модда)

Бундан ташқари, кишлоқ ҳужалик қорхоналари раҳбарлари қуйидаги ходимларни меҳнат шартномаси тузиш қоғида ва кейинчалик вақти -вақти билан тиббий қуриқдан утқазини ташкил қилишлари шарт: ун сакқиз ёшга тулмаганларни; олтмиш ёшга тулган эрқаклар, эллик беш ёшга тулган аёлларни; ногиронларни; меҳнат шaroити ноқулай ишларда, тунги ишларда, транспорт ҳаракати билан боғлиқ ишларда банд бўлганларни ва бошқалар.

Ширқат ҳужаликларида ширқат ҳужалиғи Наъмунавий Уставига биноан меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шaroитларини яхшилаш, ҳавфсизлик техникаси ва ишлаб қикариш санитарияси бўйича тадбирлар утқазинга ва маҳсус қийим ва пойабзал, ҳимоя мосламаларини сотиб олишга маблаг ажратади.

Ширқат ҳужалиғи меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича уз мажбуриятларини, фермелар, устахоналар, гаражлар, омборхоналар ва инвентарлар билан жихозлайди, ички ҳужалик бўлинмаларини ва ширқатҳужалиғи аъзоларини ҳавфсизлик техникаси бўйича адабиётлар ва

курғазмали куроллар билан таъминлайди, ширкат хужалиги аъзоларини уқитиш ва инструктаж утказиш ишларини амалга оширади, ҳамда уларнинг хавфсизлик техникаси бўйича билимларини текшириб туради.

Ширкат хужалиги аъзосининг соғлигини муҳофаза қилиш учун кириш инструктажи, иш жойида инструктаж, ва уқитиш ишлари олиб борилади. Хавфсизлик техникаси бўйича кириш инструктажи қуйидаги масалаларни ўз ичига олиши лозим: ички тартиб қоидалари; ширкат хужалиги аъзосининг хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси бўйича қоида ва нормаларни бажариш юзасидан мажбурияти; хужалик ҳудудида юрганда эҳтиёт бўлиш шартлари; электр хавфсизлигининг умумий қоидалари; аёллар ва усмирларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш.

Кишлоқ хужалик қорхоналарида аёллар ва усмирлар меҳнатини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилади. Аёлларнинг улар учун мумкин бўлган нормадан ортиқ юкни қутаришлари ва ташишлари ман этилади. Аёллар меҳнатини қулланиш таъқиқланадиган меҳнат шароити ноқулай ишларнинг рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг маслаҳатини олган ҳолда тасдиқлайди.

Хомиладор аёлларнинг ишлаб чиқариш нормалари қамайтирилиб, уларнинг уртача ойлик иш ҳақи сақланади. 2 ёшга тулмаган боласи бор аёллар уртача иш ҳақи сақланган ҳолда енгилроқ ишга утказилади. Хомиладор аёлларни ва ун турт ёшга тулмаган боласи бор аёлларни уларнинг розилигисиз тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилишга ва хизмат сафарига юборишга йул қўйилмайди.

Хомиладор аёлнинг, 14 ёшга тулмаган боласи бор аёлнинг илтимосига қура унга туликсиз иш қуни белгиланиши мумкин.

Шу билан бирга вояга етмаган кишлоқ хужалик ходимларини ветеринария-санитария, наслдор отларни боқиш, кишлоқ хужалик машиналарини прицепчиси, қудуқларда ишлаши ва бошқа зарарли ишларда ишлаши мумкин эмас. Вояга етмаган усмирларни захарли химиявий моддалар билан боғлиқ ишларда, кечаси бажариладиган ишларда ишлатиш ҳам мумкин эмас. Вояга етмаганлар учун қисқартирилган иш қуни белгиланади ва уларни нормадан ташқари ишларга жалб этиш таъқиқланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш қонунларини бузган мансабдор шахслар қонунда белгиланган тартибда интизомий, маъмурий, жиноий жавобгарликка тортиладилар. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси "Меҳнатни муҳофаза қилиш тугрисида"ги қонуннинг 28- моддасида қурсатилишича, маъмуриятнинг айби билан ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса ёки қасб қасаллиги натижасида меҳнат қобилиятини тулик ёки қисман йукотган ходимга қорхона бир марта бериладиган нафақа тулайди ҳамда соғлиққа етказилган шикаст учун товон тулайди. Бир марта бериладиган нафақа

микдори жабрланувчининг бир йиллик маошидан кам булмаслиги лозим. Агар ходим даволаниш, протез куйдириш ва тиббий ёрдамнинг бошка турларига мухтож булса, корхона жабрланган ходимга бу тадбирлар билан боглик харажатларни тулайди ҳамда жабрланувчининг касбини узгартириб кайта тайёрланишни ва тиббий хулосага мувофик ишга жойлашишни таъминлайди ёки ана шу мақсадлар учун кетадиган харажатларни коплайди. Ишлаб чикаришдаги бахтсиз ходиса окибатида ходим вафот этган такдирда корхона ходимнинг кариндошларига моддий зиённи ҳамда бир марта бериладиган нафакани тулайди.

4-§. Кишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнат интизоми.

Кишлоқ хўжалиги тараккиётини таъминлаш, кишлоқ хўжалиги ишлаб чикаришни ривожлантириш, саноатни хом ашё, аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига булган эҳтиёжларини кондиринишда кишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнат интизомини мустахкамлаш муҳим аҳамиятга эга. Меҳнат интизомини мустахкамламасдан туриб кишлоқ хўжалиги тараккиётига эришиб булмайди.

Меҳнат интизоми деганда кишлоқ хўжалик корхоналари ходимларининг Ўзбекистон Республикаси конунлари, бошка меъёрий хужжатлар, кишлоқ хўжалик корхоналари ички меҳнат тартиби коидаларида белгилаб куйилган бурчларига оғишмай риоя килиш мажбуриятлари тушунилади. Меҳнат интизоми тушунчаси уз ичига кишлоқ хўжалик ходимларининг узига юклатилган вазифаларни виждонан бажариши, меҳнатга ҳалол муносабатда булиши, меҳнат натижаларининг сифат ва самарадорлигига эришиши кабиларни камраб олади.

Кишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнат интизоми билан боглик булган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, Колхозларнинг Наъмунавий устави, ҳар бир корхонанинг ички меҳнат тартиби коидалари билан тартибга солинади. Бу меъёрий хужжатларда кишлоқ хўжалик корхоналари ходимларининг бурчлари, меҳнат интизомини таъминлаш чоралари, рағбатлантириш, интизомий жазолар каби муносабатлар тартибга солинган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 176-моддасида курсатилишича, ходим уз меҳнат вазифаларини ҳалол, виждонан бажариши, меҳнат интизомига риоя килиши, иш берувчининг конуний фармойишларини уз вақтида ва аниқ бажариши, технология интизомига, меҳнат муҳофазаси, техника ҳавфсизлиги ва ишлаб чикариш санитарияси талабларига риоя килиши, иш берувчининг мол-мулкини авайлаб асраши шарт.

Меҳнат интизомини бузиш узрсиз сабабларига кура кишлоқ хўжалик корхоналари умумий йигилиши, бошка бошқарув органлари қарорини ёки мансабдор шахсларнинг фармойишларини бажармаслик, ишга кеч келиш, прогул килиш, ишдан эрта кетиб қолиш, ишга маст ҳолда келиш, мажбурий меҳнат минимумини бажармаганлик, жамоа мулкига бепарволик билан

муносабатда булиш, хавфсизлик техникаси коидалари ва ёнгиндан муҳофаза қилиш тадбирларига риоя қилмаслик, сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ердан фойдаланиш қоидаларини бузиш каби қурғинларда намоён бўлади.

Меҳнат интизомини таъминлаш ҳалол меҳнат учун рағбатлантириш ва мукофотлаш усуллари орқали, ноинсоф ходимларга нисбатан эса жазо чораларини қўллаш орқали амалга оширилади.

Ходимни рағбатлантириш усуллари жамоа шартномалари, ички меҳнат тартиби қоидалари, жамоа қелишувлари, интизом тугрисидаги устав ва низомларда белгиланади. Иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча туловлар, устамалар рағбатлантириш турларига қирмайди.

Меҳнат интизомини таъминлаш мақсадида ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун қуйидаги интизомий жазо чораларини қўллаш мумкин: 1) Хайфсан; 2) уртача ойлик иш ҳақининг 20%дан ортиқ бўлмаган миқдорида жарима; 3) меҳнат шартномасини бекор қилиш.

Интизомий жазо чораларини қўллаш тартиби Ўзбекистон Республикаси меҳнат кодекси (182-модда), Қишлоқ хўжалик кооперативларининг Ќаъмунавий устави (-банд) ҳамда қишлоқ хўжалик қорхоналарининг ички тартиб қоидаларида белгиланган.

5-§. Қишлоқ хўжалик қорхоналарида меҳнат низоларини ҳал қилиш тартиби.

Қишлоқ хўжалик қорхоналарида меҳнат низолари деганда қорхона маъмурияти билан ходим уртасида меҳнат тугрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шартларини қўллаш юзасидан қелиб чиқадиган қелишмовчиликлар тушунилади. Бу қелишмовчиликлар қишлоқ хўжалик қорхоналарида меҳнатга ҳақ тулаш, қишлоқ хўжалик қорхонасига етказилган зарарни ундириш учун иш ҳақидан ушлаб қолиш, бошқа ишга қўчириш, эгаллаб турган лавозимидан бўшатиш, мажбурий проғул учун иш ҳақи тулаш, таътил ва унга ҳақ тулаш, ходимга етказилган зарарни тулаш, ва унга ҳақ тулаш, меҳнат нормасини бажариш, меҳнат муҳофазаси ва шунга ухшашлардан иборат бўлиши мумкин. Меҳнат низолари қишлоқ хўжалик қорхоналарида меҳнат низолари комиссиялари ҳамда туман судлари томонидан қўриб чиқилади.

Меҳнат низолари комиссияси қишлоқ хўжалик қорхоналарида бошқарув органи (маъмурият) ва қасаба уюшмаси қўмитаси томонидан тенглик асосида тузилади. Комиссиянинг сони иккала томоннинг узаро қелишувига биноан белгиланади.

Меҳнат низолари комиссияси қуйидаги масалаларга оид низоларни қўриб чиқиши вақолатига эга:

- қишлоқ хўжалик қорхонасидagi меҳнатга ҳақ тулаш тугрисидаги қонунда белгиланган ходимга туланиши лозим бўлган иш ҳақи;

- кишлок хужалик корхонасига етказилган зарарни коплаш учун иш хакидан ушлаб олинган суммани кайтариш;
- бошка ишга кучириш ва бунда меҳнатга ҳақ тулаш;
- эгаллаб турган лавозимидан (ишидан) бушатиш;
- бирор сабаб билан ишга чикмаганда уртача иш ҳакини тулаш;
- таътил бериш, унга ҳақ тулаш ва меҳнат муносабатларини тугатишда фойдаланмай қолган таътил учун пул компенсацияларини тулаш;
- кишлок хужалик корхонасига етказилган зарарни коплаш учун иш хакидан ушлаб қоллинган суммани кайтариш;
- кишлок хужалик корхонасида тасдиқлаб қуйилган иш нормалари ва ишбай меҳнатучун туланадиган ҳақ, шунингдек, иш нормаларини бажаришни таъминловчи меҳнат шароитларини қуллаш;
- интизомий жазо қуллаш (бериш);
- махсус қийим, махсус пойабзал ва муҳофаза мосламалари (асбоблари) бериш, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича кишлок хужалик корхонасида қузда тутилган бошка бир қатор тадбирларни бажариш ва бошқалар.

Меҳнат низолари комиссияси қуйидаги низоларни қуришга ҳақли эмас:

- ширкат хужалигига аъзо қилиб олиш ва ундан чиқариш;
- иш нормаларини (миқдор нормалари), мансаб окладлари ва тариф ставкалари, штатни ўзгартиришни белгилаш;
- бир марта бериладиган муқофот;
- ижтимоий сугурта, нафақа ва пенсияларни ҳисоблаб чиқиш, тайинлаш ва тулаш, пенсия ва нафақа тайинлаш учун меҳнат стажини ҳисоблаб чиқиш;
- ширкатнинг бош мутахассисларини бошка ишга ўтказиш ва ишдан бушатиш;
- ширкат раисига ва тафтиш комиссиясининг раисига, бошқарув аъзолари ва тафтиш комиссиясининг аъзоларига интизомий жазо бериш каби масалалар юзасидан қелиб қикадиган низолар.

Меҳнат низолари комиссияси меҳнат низосини ариза берилган кундан эътиборан ун кун муддат ичида қуриб чиқиши керак. Низо асосан ариза берган ходимнинг иштирокида қурилади. Аммо меҳнат комиссияларида низоларни ариза берувчининг иштирокисиз ҳам қуриб чиқиш мумкин, бунинг учун ходимнинг бу ҳақда ёзма розилиги талаб қилинади. Комиссиянинг мажлиси, қоидага биноан, иш вақтидан ташқари вақтда ўтказилади.

Ходим ўзрли сабабсиз комиссия мажлисига кела олмаса низони

курувчи комиссия аризани курмасдан кейинги навбатдаги комииянинг мажлисига колдиради. Агар ходим комиссия мажлисига иккинчи марта узрли сабабсиз келмаса, комиссия аризани курмаслик тугрисида карор чикариш хукукига эга. Лекин, комиссия низони куриш учун ходимнинг ариза бериш хукукидан махрум этилмайди. Ходим яна хохлаган вақтида ушбу низони куришларини талаб қилиб, комиссияга мурожаат этаолади ва ходимнинг бу талабини комиссия бажаришга мажбурдир.

Мехнат низоларини курувчи комиссия ишни (низони) малакали ва асосли куриб хал қилиш мақсадида комиссия мажлисига гувоҳларни чақириши, алоҳида мутахассис кишиларга техник ва бухгалтерлик текширувини топшириши, ширкат хужалиги бошқарувидан керакли хужжат ва ҳисоб-китобларни тақдим қилишларини талаб қилиши мумкин. Мехнат низоларини куриб чиқишликни сураб мурожаат этган ходим комиссия мажлисининг бошида мехнат низолари комиссиясининг ҳар қандай аъзосига асославишда раддия беришга ҳақли. Бундай ҳолда мехнат низолари комиссиясининг мажлиси бошқа вақтга қучирилади, раддияни қаноатлантириш масаласи эса қишлоқ хужалик қорхонаси бошқаруви вақилига нисбатан қишлоқ хужалик қорхонаси бошқаруви томонидан, қишлоқ хужалик қорхонаси қасаба уюшмаси қумитаси вақилига нисбатан қишлоқ хужалик қорхонаси қасаба уюшмаси қумитаси томонидан хал қилинади.

Мехнат низолари комиссиясининг қарори қишлоқ хужалик қорхонаси бошқаруви вақиллари ва қишлоқ хужалик қорхонаси уюшмаси қумитаси вақилларининг узаро қелишуви билан қабул қилинади, (яъни тарафларнинг қелишуви билан қабул қилинади) ва қабул қилинган қарор мажбурий қучга эга бўлиб, бирон -бир тарзда тасдиқланмайди.

Комиссия томонидан қабул қилинадиган қарор комиссияси аъзоларининг қучилигининг овоз бериш йули билан қабул қилишга йул қуйилмайди. Комиссия аъзолари факат ҳаммаси, тарафлар бир фикрга қелганларидагина қарор қабул қилинган ҳисобланади.

Ҳар бир комиссия мажлисида албатта белгиланган тартибда қайднома юритилади. Бу қайднома шу комиссия мажлисининг узида комиссия мажлисига раислик қилувчи ва қотиб томонидан имзоланади. Агар мехнат низолари комиссияси мажлисида қишлоқ хужалик қорхонаси қасаба уюшмаси қумитаси билан қишлоқ хужалик қорхонаси бошқаруви вақиллари узаро қелишаолмасалар, бу ҳақда қайдномада қайд қилинади, яъни ҳар икки тараф узларининг нимада қелиша олмаганлиқларини баён этадилар ва бир битимга қелаолмаганлиқларини қайд қиладилар.

Комиссия қайдномасининг нусхаси 3 қунлик муддат ичида қасаба уюшмаси ва қишлоқ хужалик қорхонаси бошқарувига топширилади. Шу муддат ичида яъни 3 қун ичида комиссия қайдномасининг қучирмаси манфаатдор ходимга ҳам тилхат орқали топширилади. Мехнат низолари комиссиясининг қарори бу қарор устидан шикоят қилиш учун белгиланган

ун кунлик муддат утгандан кейин уч кун ичида иш берувчи томонидан бажарилиши керак.

Мехнат низолари комиссиясининг қарори устидан манфаатдор ходим ёки иш берувчи комиссия қарорининг нусхаси топширилган кундан эътиборанун кунлик муддат ичида туман судига шикоят қилиши мумкин. Ушбу муддатни утказиб юбориш аризани қабул қилишни рад этиш учун асос бўла олмайди. Кишлоқ хужалик қорхонасида меҳнат низолари қелиб қикканда қуйидагилар судга мурожаат қиилш ҳуқуқига эгадир: 1) ходим, қасаба уюшмаси органи; 2) меҳнатнинг ҳуқуқ бўйича инспектори; 3) қишлоқ хужалик қорхонаси бошқаруви; 4) прокурор.

Қуйидаги меҳнат низолари бевосита туман судларида қуриб қикилиши қерак: а) агар қорхонада меҳнат низолари комиссияси тузилмаган бўлса; б) ишга тиклаш, меҳнат шартномасини бекор қилиш вақти ва асослари таърифини узгартириш тугрисидаги, шунингдек мажбурий проғул ёки қам ҳақ тулашга доир ишлар; в) қишлоқ хужалик қорхонасига етқазилган зарарни ундириш ҳақидаги ишлар; д) ишга қабул қилишни рад этишга доир ишлар.

Меҳнат низоларини ҳал этишни сураб судга мурожаат қилиш муддатлари УзРнинг меҳнат кодексида (270-м) белгиланган. Унга қура, ишга тиклаш низолари бўйича бўйруқ қиккан қундан эътиборан 1 ой. қишлоқ хужалик қорхонасига етқазилган зарарни ундириш бўйича бу ҳолат аниқлангандан бошлаб бир йил, бошқа низолар бўйича уч ой муддат белгиланган. Ушбу муддатлар узрли сабаблар билан утказиб юборилган бўлса, суд ёки меҳнат низолари комиссияси бу муддатни тиклаш мумкин. Шунини алоҳида таъқидлаш лозимки, ходимнинг соғлиғига етқазилган зарарни қоплашга доир низолар бўйича судга мурожаат қилиш учун муддат белгиланмайди.

XI-БОБ. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида меҳнатга ҳақ тўлашни ҳуқуқий тартибга солиш.

1. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида меҳнатга ҳақ тўлаш тушунчаси, асосий тамойиллари ва хусусиятлари.

Республика аҳолисининг, шу жумладан меҳнатга яроқли бўлган аҳолининг ҳам 60 % кўпроғи қишлоқ жойларида истоқомат қилиши бозор муносабатларига ўтишнинг мураккаб шароитларида уларни иш ҳамда тирикчилик ўтказиш манбаи билан таъминлаш вазифасини мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий барқарор шароити учун долзарб қилид қўймоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида меҳнатнинг миқдори ва сифатига яраша энг кўп миқдори чекланмаган ҳолда иш ҳақи олиш, камситилмаслик ҳуқуқи асосий иқтисодий асосий иқтисодий ҳуқуқлардан бири сифатида эътироф қилинган. Ушбу конституциявий ҳуқуқни амалга ошириш йўллари Меҳнат кодекси ва бошқа меҳнатга оид қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 153-моддасига кўра, меҳнатга ҳақ тўлаш тизими ўз ичига ходимнинг бажарган ишига муносиб иш ҳақи тўлаш масалаларига оид бўлган, Меҳнат кодекси, бошқа қонун ҳужжатлари, локал меъёрий ҳужжатлар, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат муносабатлари тизимидан иборатдир.

Иш ҳақи одатда пул шаклида, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса белгилаб қўйилган тартибда натура ҳолида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Меҳнат қонунчилиги ёлланиб ишловчи ходимларга иш вақти нормаси ва ўз хизмат бурчларини бажаргани тақдирда белгилаб қўйилган энг кам иш ҳақи олишларини кафолатлайди.²⁰ Бундай кафолат мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхона ва ташкилотларда ёлланиб ишловчи ходимларга берилган. Мукофот, устама ва қўшимча ҳақлар энг иш ҳақи таркибига кирмайди.

Энг кам иш ҳаши жамоа шартномаси ёки келишувларида айрим тармоқ, касб, ташкилот ходимлари учун назарда тутилган тариф ставкасининг энг кам миқдори билан адаштириб юбормаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 1999 йил 30 июлда 788-сон билан рўйхатга олинган «Ёлланиб ишловчиларнинг сони ва иш ҳақи статистикаси тўғрисидаги йўриқнома»га кўра корхонада ёлланиб ишлаётган, шунингдек мулк пайларига эга бўлгани (ишлаётган мулкдор) ҳолда корхона таркибида ҳисобга олинувчи шахсларга иш ҳақи тўланиши лозим.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ёлланиш асосида ёхуд аъзо бўлгани

²⁰ . Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 сентябрдаги «2005 йил 1 сентябрдан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақаларни ошириш ҳақида»ги фармони билан 2005 йил 1 октябрдан энг кам ойлик иш ҳақи 9400 сўм қилиб белгиланган.

ҳолда меҳнат қилаётган шахслар меҳнатга ҳақ тўлаш амалга оширилади.

Ёлланиб ишловчи ходимга Меҳнат кодекси, бошқа меҳнат қонунчилиги актлари, локал меъёрий ҳужжатлар, меҳнат шартномасининг шартларига кўраиш ҳақи тўланади.

Корхона мол-мулки ва маблаъларининг бир қисмига эгалик қилувчи ходимларга уларнинг бажарган ишига кўра иш ҳақи тўланади ва айни пайтда улар корхона олган фойда (даромад)дан ҳам ўзларига тегишли бўлган улушни олишга ҳақли бўладилар. Корхона мулкдорлари таркибига кирувчи шахслар меҳнатига ҳақ тўлашнинг шартлари қишлоқ хўжалик корхонаси ички локал ҳужжатлари (кооператив (ширкат хўжалиги) Устави, бошқарув органининг (Умумий мажлис ёки бошқарув) Қарори ва бошқа ҳужжатлар билан белгиланади.

Айни пайтда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепсияси тўғрисида»ги ҳамда 2003 йил 24 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларитўғрисида»ги фармонларига кўра²¹ фермер хўжалигида аъзо (мулкый хиссаси бўлган) сифатида меҳнат қилаётган шахслар билан ҳам (шу жумладан, фермер хўжалиги раҳбарининг оила аъзолари билан) меҳнат шартномаси тузилиши, уларга Меҳнат кодекси ва бошқа меҳнат қонунчилиги ҳужжатларида белгиланган кафолатлар (шу жумладан, меҳнатга ҳақ тўлаш юзасидан ҳам) таъминланиши лозим.

Давлат қишлоқ хўжалиги корхоналарида меҳнатга ҳақ тўлаш Меҳнат қонунчилиги, локал меъёрий ҳужжатлар, меҳнат шартномаси асосида амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ёлланиб ишловчи ходимлар ва улраг тенглаштирилган шахсларга вақтбай (сарфланган вақт нормасига мувофиқ) ёки ишбай (маҳсулот ёки бажарган иш бирлигига кўра) иш ҳақи тўлаш тизими жорий қилиниши мумкин. Вақтбай ёки ишбай иш ҳақи тўланадиган иш жойлари, касб, лавозим, вазифалар рўйхати қишлоқ хўжалик корхонаси жамоа шартномасида ёки бошқа локал меъёрий ҳужжатларида назарда тутиб кўйилади.

2. Қишлоқ хўжалиги корхоналари ходимларига кафолатли ва компенсация тўловлари тўлаш.

Барча ёлланиб ишловчи ва уларга тенглаштирилган ходимларга (шу жумладан, қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги), фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги аъзоси сифатида у ерда меҳнат қилаётган шахсларга ҳам) Меҳнат қонунчилиги кафолатли ҳамда компенсация тўловлари тўланишини назарда тутади.

²¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2003 йил, № 5-6, 46-модда

Кафолатли тўлов, бу – ходим ўзига боʻлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра хизмат вазифаларини бажаришдан холи этилгани ҳолларда унга белгиланган иш ҳақини тўланиши, вазифаси (лавозими) сақлаб турилишидан иборат.

Меҳнат кодексига кўра қуйидаги ҳолларда кафолатли тўлов тўланади ва иш жойи (лавозими) сақлаб турилиши кафолатланади:

- 1) Ходим давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётган вақтда (сайлов ҳуқуқини амалга ошириши, одил судлов фаолиятида қатнашиш, ҳарбий бурчини бажаришга жалб этилиш, қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда);
- 2) Иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажаришга жалб этилганида (малака ошириш, хизмат сафарига бориш, рационализаторлик таклифини амалга ошириш, тиббий кўрикдан ўтиш, жамоат бирлашмалари фаолиятида қатнашиш ва бошқалар);
- 3) Жамият манфаатларига доир ҳаракатлар қилганда (авариялар, табиий офатлар оқибатини бартараф қилиш, инсон ҳаётини сақлаб қолиш, донорлик вазифасини бажариш ва бошқалар)

Ходимлар давлат ёки жамоат манфаатларига доир, шунингдек жамият манфаатларига оид ишларни бажаришга жалб этилганларида кафолатли тўловларни пул билан таъминлаш манбаалари, тўловларни амалга ошириш тартиби, ўртача иш ҳақини ҳисоблаб чиқиш масалалари Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланган.²²

Меҳнат кодекси ва бошқа меҳнатга оид қонун ҳужжатлари ёлланиб ишловчи ходимлар учун муайян компенсация тўловлари тўланишини кафолатлайди.

Компенсация тўлови, бу – ходим иш берувчи манфаатлари учун ўз хизмат манфаатлари учун ўз хизмат вазифаларини бажараётган чоʻлда қилган харажатларини унга иш берувчи томонидан қоплаб берилишидир.

Меҳнат қонунчилиги ёлланиб ишловчи ходимга қуйидаги харажатларни компенсацияланиши назарда тутилади:

- А) хизмат сафари ва кўчиб юриш билан боʻлиқ харажатлар;
- Б) бошқа жойдаги ишга кўчиб бориш билан боʻлиқ харажатларни қоплаш;
- В) ходимга тегишли мол-мулкдан фойдаланаётганлик учун харажатларни қоплаш.

Хизмат сафари – ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини корхона жойлашган ҳудуддан бошқа ҳудудга юборилиб бажаришидан иборат.

²² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли «Меҳнат кодексини рўйбга чиқариш учун зарур бўлган норматив ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонуни ва унинг иловалари

Ходимларни хизмат сафарига юбориш тартиблари, муддатлари ва бу масаладаги чекловлар Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2003 йил 29 августда 1268-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасидаги хизмат сафарлари тўғрисидаги Йўриқнома» билан белгилаб қўйилган.²³

Ходимларни хизмат сафарига юбориш корхона рахбари буйруғи ва шу асосда бериладиган хизмат сафари гувоҳномаси билан амалга оширилади.

Хизмат сафарига юборилган ходимга қуйидаги харажатлар компенсация қилинади:

А) йўл-транспорт харажатлари (йўл чиптаси асосида, таксидан ташқари);

В) турар жой ижараси харажатлари (тегишли тўлов ҳужжати асосида, аммо люкс номерлар ижарага олинганида ижара қийматининг 70% миқдорида);

В) суткалик пул (хизмат сафарида бўлган барча кунлар (йўлда бўлган, байрам ва дам олиш кунлари учун ҳақ) учун. Унинг энг кам миқдори Тошкент шаҳри ва вилоят маркази бўлган шаҳарларда - ҳар бир кун учун энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи, бошқа аҳоли пунктларида 8 фоиздан кам бўлмаган миқдорда. Суткалик пулнинг аниқ миқдори корхона жамоа шартномаси ёки бошқа локал ҳужжатларда кўрсатиб қўйилиши лозим;

Г) иш берувчи билан келишган ҳолдаги бошқа харажатлар (телефон, факс алоқа хизмат ҳақи ва бошқалар).

Шуни қайд этиш лозимки, ушбу йўриқномага кўра тегишли ҳолларда йўл-транспорт тўлов ҳужжати бўлмаган ҳолларда ҳам белгиланган тартибда йўл харажатлари қоплаб берилиши мумкин.

Хизмат сафарига юборилган ходим у ердан қайтгач, уч кун ичида хизмат сафари ҳисоботини тақдим этиши, фойдаланилмасдан қолган аванс пулни бухгалтерияга қайтариши лозим бўлади.

Ходимларни хорижий мамлакатларга хизмат сафарига юбориш ва бундай сафар харажатларини қоплаш тартиби тегишли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.²⁴

Ходим бажарадиган иш бир аҳоли пунктдан бошқасига кўчиб юриш билан боғлиқ бўлган ҳолларда хизмат сафари харажатлари ҳар ойлик маошига белгиланган миқдорда устама қўшиб берилиши орқали компенсация қилинади.

²³ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирликлари, Давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари Ахборотномаси. 2003 йил, 16-сон.

²⁴ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2000 йил 5 июнда 932-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида хизмат сафари чоғида маблағ бериш тартиби»

Бошқа жойдаги ишга кўчиб бориш харажатлари ишга юбораётган корхона ёки ишга таклиф этаётган корхона (янгидан ишга қабул қилиш чоҳида) томонидан қопланади ва унда қуйидагилар тўланиши лозим:

- 1) кўчиш, мол-мулкни кўчириб бориш харажатлари;
- 2) янги жойни ўрганиб олиш харажатлари;
- 3) иш берувчи билан келишиб олинган бошқа харажатлар.

Ходимга тегишли мол-мулкдан фойдаланганлик учун харажатларни қоплаш. Меҳнат кодексининг 173-моддасига кўра: «Иш берувчининг розилиги билан ва унинг манфаатлари йўлида ходим ўзига тегишли мол-мулкдан фойдаланганда транспорт воситаларининг амортизациеси ва улардан фойдаланганлик учун қилинган харажатлар, шунингдек, асбобларнинг, техник воситаларнинг ёки ўзга мол-мулкнинг амортизацияси иш берувчи томонидан тўланиши лозим. Анашу харажатларни тўлашнинг миқдори ва тартиби жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувда белгилаб қўйилади».

Ходимга тегишли бўлган шахсий транспорт воситасидан хизмат сафари ва ва бошқа эҳтиёжлар учун фойдаланганида амортизация харажатларини қоплаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 апрелдаги 154-сонли Қарори билан белгилаб қўйилган.²⁵

Иш берувчи томонидан ходимларга тегишли кафолатли ва компенсация тўловларини тўлиқ, ўз вақтида тўлаб берилиши меҳнат муносабатларида қонунийлик ҳамда ижтимоий аҳолини таъминлашнинг муҳим шarti саналади.

Бунда қишлоқ хўжалиги корхонаси-муассасалари, аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш тегишли қонунлар («Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида», «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида») асосида, олинган фойдани тақсимлаш тарзида амалга оширилиши, улар меҳнатига ушбу корхоналарнинг бевосита ўзида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган ички локал меъёрий ҳужжатлар асосида ҳақ тўланиши назарда тутилиши керак.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида ёлланиб ишловчи ходимлар меҳнати, шу жумладан улар меҳнатига ҳақ тўлаш масалалари ушбу тармоқ хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ҳамда унинг асосида қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Ёлланиб ишловчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш пайтида меҳнат қонунчилиги билан белгилаб қўйилган асосий тамойиллар: иш ҳақи ишнинг натижасига кўра энг кўп миқдори чегараланмаган ҳолда иш берувчи билан ходим ўртасидаги ўзаро келишув асосида белгиланиши, меҳнатга ҳақ тўлаш

²⁵ Қаранг: Хасанов Н.Х., +айдаров Ш.У., Югай Л.П. «Корхоналарда иш ҳақи» Т. «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2004 йил, 153-бет.

пайтида ижтимоий адолатнинг, ижтимоий ҳимояга муҳтож табакалар манфаатларининг ҳисобга олиниши шартлиги, иш ҳақи тўлашда камситишга йўл қўйилмаслиги, қонунчиликка қатъий риоя этилиши лозимлиги каби тамойилларга амал қилиниши лозим бўлади.

Мамлакатимиз иқтисодиётида аграр сектор халқ хўжалигининг етакчи тармоғи эканлигига, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишларидан бири эканлигига асосланган ҳолда давлатимиз ва ҳукуматимиз раҳбарияти ушбу соҳада ислохотларни авж олдириш ҳамда чуқурлаштиришга катта эътибор қаратмоқда. Шунга қарамадан, ушбу соҳада ислохотларнинг секин амалга ошаётганлиги, уларнинг амалий самараси пастлиги, мулкчилик ва меҳнат муносабатларида янгича қарашлар қарор топиши қийин кечаётганлиги қайд этилмоқда. Ана шундай ҳол юз беришининг чуқур иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий илдизлари мавжудлиги эътибордан соқит қилинмагани ҳолда қишлоқ хўжалик корхоналарида тақсимот принципларига тўла риоя этилмаётганлиги, ишловчилар ўз меҳнатлири самарасидан етарли фойдалана олмаётганликлари, моддий манфаатдорлик етарли таъмин этилмаётганлиги, яъни қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнатга ҳақ тўлашни ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида мавжуд бўлиб турган қатор муаммолар тўғанок бўлаётганлиги алоҳида қайд этилмоғи зарур.

Ҳозирги пайтда ана шу муаммоларнинг муваффақиятли ҳал этилиши учун қишлоқ хўжалик корхоналарига нисбатан солиқ сиёсати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, шу жумладан стратегик хом ашёни эркин сотиш сиёсати, бу тармоқ корхоналарига нисбатан молия-банк сиёсати тубдан қайта кўриб чиқирилиши, ушбу масалаларда эркинликнинг янада кучайтирилиши шу куннинг энг долзарб вазифаларидан бўлиб қолди. Ушбу масалаларда ижобий ўзгаришларга эришмасдан туриб қишлоқ хўжалигида туб ислохотларни амалга ошириш, бу тармоқда ишловчиларнинг моддий манфаатдорлигини яхшилаш, уларни унумлироқ ва самаралироқ ишлашга рағбатлантириш жуда қийин.

Қишлоқ хўжалик корхоналари таркибий ва ташкилий тузилишини такомиллаштиришга, бу корхоналарнинг иқтисодий ҳамда ҳуқуқий мустақиллигини оширишга қаратилган «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги янги қонунлар, ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигида ислохотларни авж олдиришга қаратилган бир қатор қарорларининг амалда ишлаш-ишламаслиги, самараси кўп жиҳатдан бу соҳада моддий манфаатдорликнинг амалда таъминланишига, моддий манфаатдорлик тамойилининг рўёбга чиқарилишига бевосита боғлиқ бўлади.

3. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида меҳнатга ҳақ тўлашнинг турлари, тизимлари ва шакллари

Бозор иқтисодиёти шароитида иш ҳақи тирикчилик ўтказишнинг ягона манбаи ҳисобланмасада, аммо кенг тарқалган ҳамда асосий шаклидир.

Шу туфайли иш ҳақининг ошиб бориши фуқаролар турмуш даражасини юксалтириш, жамият аъзолари моддий фаровонлигини оширишнинг муҳим усулларида бири, мамлакат иқтисодий аҳволининг энг объектив кўрсаткичи саналади.

Иш ҳақи ходимлар меҳнати учун уларни тақдирлаш шаклларида бўлиб, жамиятда ижтимоий адолатнинг қарор топишига хизмат қилади.

Иш ҳақи иқтисодий категория сифатида мамлакат миллий даромадини ҳодимларга берилиши лозим бўлган қисмини ифода этади, ҳар бир ходимнинг ушбу миллий бойликларнинг яратилишидаги ҳиссасини миқдор ва сифат жиҳатдан ўлчаши имконини беради.

Қишлоқ хўжалиги ходимлари иш ҳақининг манбаи бўлиб ушбу соҳа корхоналари томонидан олинган фойда ҳисобланади.

Иш ҳақи ҳуқуқий категория сифатида меҳнат муносабати иштирокчиларининг иш ҳақи юзасидан ҳуқуқлари ва мажбуриятлари доирасини белгалайди.

Ҳар бир ходимнинг иш ҳақи у сарфлаган меҳнат миқдори ва сифати, ишнинг аниқ натижаларига боғлиқ бўлиб, энг кўп миқдори чекланмаган.

Иш ҳақи ўз таркибий тузилишига кўра икки қисмдан: тариф разрядлари, мансаб маошларидан иборат асосий қисм ҳамда мукофотлар ва бошқа рағбатлантирувчи тўловларда ифодаланувчи қўшимча қисмдан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иш ҳақи тўлаш юзасидан ягона сиёсатни амалга ошириш, халқ хўжалиги тармоқлари, минтақалар орасида ушбу масаладаги асоссиз фарқларга барҳам бериш, ижтимоий адолатни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 26 декабрдаги 590-сон қарори билан 92 та тариф жадвали тасдиқланди. Ушбу жадвалда халқ хўжалиги тармоқларида банд бўлган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш юзасидан тариф коэффициентлари назарда тутилиб, ўз ичига 28 разрядни (ишларни оддийдан мураккабга томон, иш ҳақининг ҳам шунга мутаносиб тарзда ўсиб боришини белгиловчи) олди.

Мамлакатимизда иш ҳақи тўлаш икки усулда:

А) давлат йўли билан марказлаштирилган тартибда ҳамда Б) локал нормалар воситасида (жамоа келишувлари ва жамоа шартномалари, корхонанинг бевосита ўзида қабул қилинган низомлар ва бошқалар) ҳуқуқий тартибга солинади. Ҳозирги, бозор иқтисодиёти шароитида меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасида нодавлат мулкчилигига асосланувчи корхона ва ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган фаолиятга давлат аралашуви энг кам даражада бўлиб, бундай аралашув ходимлар манфаатини химоя қилиш, улар аҳволини ёмонлаштириб юборишга йўл қўймаслик, қонунларда белгиланган кафолатлар ва имтиёزلардан амалда фойдаланиш учун самарали чораларнинг белгиланишига қаратилган.

Мамлакатда белгаланган ягона тариф разрядлари жадвали, энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлмаслик талабларига риоя этилгани ҳолда иш ҳақи тури, шакли, тариф ставкалари, мансаб маошлари, мукофот турлари, миқдорлари, тўланиш шартлари ва тартиблари мустақил равишда иш

берувчилар томонидан, жумладан қишлоқ хўжалик корхоналарининг бевосита ўзлари томонидан белгиланади.

Ишчилар меҳнатига ҳақ тўлашда тариф тизимларидан, ишбай баҳолардан фойдаланилган ҳолда ишбай ёки нақдбай иш ҳақи тўлаш тизимлари жорий этилади. Хизматчиларга эса мансаб маошларини тизими асосида иў ҳақи тўланади.

«Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддасида кўрсатилишича: «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) кооператив (ширкат) аъзолари ва ёлланган ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш шакллари, тизими ва шартларини қонун ҳужжатларига ҳамда оила (жамоа) пудратига мувофиқ мустақил равишда белгилайди.

«Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзоларига мулкӣ пайлар бўйича тўланадиган дивидендлар меҳнат ҳақи таркибига кирмайди». Яъни кооператив (ширкат) аъзоси ҳисобланувчи шахслар у ерда меҳнат қилганлари тақдирда уларга белгиланган разрядлар, тариф ставкалари, ишбай баҳолар асосида вақтбай ёки ишбай меҳнат ҳақи тўланади.

Кооператив (ширкат) аъзоси бўлган шахслар ҳам, у ерда ёлланиб ишлаётган ходимлар ҳам ижтимоӣ суғурта ва ижтимоӣ химоя қилинишлари, уларга ўртача иш ҳақи ва иш жойи (лавозими) сақлаб турилиши бўйича қонунда кўзда тутилган барча кафолатлар ва кафолатли тўловлар тўла-тўқис таъминланиши зарур. Меҳнат шароитлари яратилиши, улар меҳнати техник ва санитария жиҳатидан ҳар томонлама муҳофаза этилиши, ёлланма ходимларга иш ҳақи қонунда белгиланган муддатларда, жойда ва тартибда бериб турилиши, уларнинг иш ҳақидан меҳнат қонунларида кўзда тугилганидан кўп ушлаб қолинишига йўл қўймаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикасининг «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунни 20-моддасида, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддасида ушбу тарафларнинг келишувига кўра натура ҳолида ҳам меҳнат ҳақи тўланиши мумкинлиги айтилган.

Давлат қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнат қилаётган ходимлар (ишчи ва хизматчилар)га иш ҳақи тўлаш Меҳнат кодекси ва унинг асосида қабул қилинган бошқа Қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ходимлари ҳам нормал шароитлардан четга чиқиб меҳнат қилгани ҳолларида улар меҳнатига меҳнат қонунларида белгаланган миқдорларда иш ҳақи тўланади.

Жумладан, улар иш вақтидан ташқари вақтларда истисно тариқасида ишлашга жалб этилганларида улар меҳнатига ишбай ёки вақтбай нархларда камида икки баробар ҳақ тўланиши шарт. Ишдан ташқари вақтдаги иш деганда, иш кунидан кейин қолиб ишлаш, дам олиш кунлари ва байрам кунлари ходимларнинг ишга жалб этилишлари тушунилади. Дам олиш куни ёки байрам куни ишлаган ходимга бошқа дам олиш куни берилиши мумкин ва бу ҳолда унинг дам олиш куни ишлагани учун бир баробар миқдорида иш ҳақи тўланади.

18 ёшга етмаганлар иш вақтидан ташқари ишларга (тунги ишларга,

иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш кунларидаги ишларга) жалб этилишлари мумкин эмас (Меҳнат кодексининг 245- моддаси). Шунингдек, ҳомиладор аёллар, 14 ёшга етмаган (16 ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёллар ҳам ўзларининг розиликларисиз тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга юборилишлари мумкин эмас.

Иш вақтидан ташқари ишлар иш берувчи томонидан аниқ ва қатъий ҳисобга олиб борилиши, унинг миқдори узлуксиз икки кунда 4 соатдан, бир йил давомида 120 соатдан ортиб кетмаслиги лозим.

Тунги ишларда ишлаганлик учун ҳам камида бир ярим баробар оширилган миқдорда иш ҳақи тўланади. Тунги ишлар деганда, соат 22.00дан соат 6.00гача бўлган вақтларда бажарилган ишлар тушунилади. Тунги ишларга жалб этиладиган ходимлар доираси ҳам қонунчилик билан чекланган.

Яроқсиз маҳсулот тайёрланган ҳолда, башарти бунда ходим айбдор бўлмаса, унга ўртача иш ҳақи миқдорида ҳақ тўланади. Агар бунда ходим айбдор бўлса, у ҳолда иш ҳақи тўланмайди.

Бекор туриб қолинганда ва бу ҳол ходимнинг айбсизлиги билан юз берса, унга ўргача иш ҳақи сақланади. Ходимнинг айби билан бекор турилган вақт учун иш ҳақи тўланмайди.

Бир неча касбда (лавозимда) ишлаганлик, хизмат кўрсатиш доирасининг кенгайганлиги, бажариладиган ишлар ҳажми ортганлиги, ўзининг асосий иши билан бир қаторда ишда вақтинча бўлмаган ходимнинг вазифаларини бажарганлиги, ўриндошлик асосида меҳнат қилганлиги учун меҳнат иши миқдори меҳнат шартномасининг тарафлари ўртасидаги келишувга биноан амалда бажарилган иш юзасидан берилади (Меҳнат кодексининг 160-моддаси).

Меҳнатга ҳақ тўлашга оид шартлар меҳнат шартномаси тарафларнинг ўзаро келишуви билангина ўзгартирилиши мумкин. Аммо, технологияда, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишда ўзгаришлар юз берганида меҳнат ҳақ тўлашнинг якка шартлари истисно тариқасида ходим розилигисиз ҳам амалга оширилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ходимларига ҳам бошқа тармоқларидек компенсация тўловлари тўланади, уларни хизмат сафарига юбориш тартиблари ва хизмат сафари пайтида сафар харажатларини (суткалик пул, йўл ва турар жой харажатлари) қоплаш умумий қоидалар билан белгаланган меъёрлар ва тартибларда амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалик ходимлари давлат ва жамоат ишларини бажаришлик учун асосий ишларидан озод қилинган ҳолда жалб этилганларида (сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш, депутатлик фаолияти, одил судловни амалга оширишга жалб этилиш ва бошқалар) уларнинг иш жойлари (лавозимлари), уларнинг иш ҳақлари сақлаб турилиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қафолатланади.

Ходимнинг иш ҳақидан унинг розилигисиз ушлаб қолинишига умумий қоидага кўра йўл қўйилмайди. Бироқ, Меҳнат кодексининг 164-моддасига кўра қуйидагилар унинг розилигисиз меҳнат ҳақидан ушлаб

қолиниши мумкин:

- а) белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар;
- б) суднинг қарори асосидаги ижро ҳужжатлари билан белгиланган суммалар;
- в) иш ҳақи ҳисобидан берилган бўнақлар, хизмат сафари учун берилган ва сарфланмасдан қолган пул маблағлари;
- г) келгусидаги меҳнат таътилининг олдиндан берилиши туфайли тўланган пуллар, башарти ходим белгиланган муддат ишламасдан ишдан бўшаётган бўлса;
- д) ходим томонидан иш берувчига етказилган моддий зарар. Зарар миқдори ходимнинг ойлик иш ҳақидан ошмаса;
- е) интизомий жазо тариқасида ходимга қўлланилган иш ҳақининг ҳар гал тўлаш вақтида ушлаб қолинишидаги суммаси 50% дан ортиқ бўлмаслиги, яъни ходимни ҳар қандай ҳолда тўланиши лозим бўлган иш ҳақининг камида ярми тўланмоғи шарт.

Иш ҳақи тўлаш, кафолатли ва компенсация тўлолари тўлаш, иш ҳақидан ушлаб қолишни чеклашга доир қишлоқ хўжалик корхоналарида ёлланиб ишлаётган ходимларга ҳам, аъзолик асосида меҳнат қилаётган шахсларга нисбатан ҳам татбиқ этилаверади.

4. Қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби

Қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарлари меҳнатига ҳақ тўлаш пайтида ушбу корхонадаги мавжуд мулкчилик шакли, хўжалик юритиш усули, корхонага раҳбарлик қилаётган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми каби бир қатор омилларнинг аҳамияти каттадир.

Давлат қишлоқ хўжалик корхоналари (ўрмон, балиқчилик, қўриқхона ва бошқа хўжаликлар, тажриба ва тадқиқот участкалари ва ҳоказолар) раҳбарлари меҳнатига ҳақ тўлаш давлатнинг ваколатли органлари (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат вазирлиги ва бошқалар) томонидан қабул қилинган қонун ҳужжатлари, мансаб маошлари тизимлари, бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Ушбу ҳужжатларда давлат қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарларини мукофотлаш, моддий рағбатлантириш шартлари ва тартиблари ҳам белгилаб қўйилиши мумкин.

Нодавлат мулкчилигига асосланган қишлоқ хўжалик корхоналарини, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида»ги қонуни 15-моддасига кўра, бевосита ўзи ёки ўзи вакил қилган орган орқали, шу жумладан корхона раҳбари лавозимига ишга ёллаш асосида тайинланган шахс орқали бошқариш мумкин дейилган. Бундай ҳолда корхона мулкдори билан корхона лавозимига ишга ёлланаётган шахс ўртасида меҳнат шартномаси (контракт) тузилади.

Акциядорлик жамиятлари, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ёки бошқа хўжалик юритиш шаклига асосланган қишлоқ

хўжалик корхоналарига раҳбарлар ва мутахассислар ана шундай меҳнат шартномаси (контракт) асосида ҳам тайинланишлари мумкин. Ана шундай ҳолларда раҳбар ва мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш тегишли қонунлар, қишлоқ хўжалик корхонаси устави, корхона аъзолари умумий йиғилиши қарорларига мувофиқ равишда тузилган меҳнат шартномаси (контракт) шартларига асосан амалга оширилади, Бундай меҳнат шартномаларида тўланадиган иш ҳақи миқдори, устама ҳақлар, мукофотлар ва бошқа рағбатлантирувчи тўловлар шартнома (контракт) тарафларининг ўзаро келишувлари асосида белгиланади ва энг кўп миқдор билан чегараланмаган. Бу тўловларнинг миқдори корхона раҳбари ёки мутахассиснинг корхона идораларига қўшган шахсий ҳиссасига, унинг иш самарадорлигига, корхонанинг хўжалик-молиявий фаолияти якунларига бевосита боғлиқ қилиб қўйилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида корхона фаолиятига раҳбарлик бевосита кооператив (ширкат хўжалиги) ёки бошқа турдаги қишлоқ хўжалик корхонаси аъзолари орасидан сайланиш (тайинланиш) асосида амалга оширилган тақдирда ушбу корхона аъзоси бўлган шахсларнинг раҳбар, мутахассис сифатида мунтазам фаолият олиб борган даври учун корхона уставига, корхона аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ равишда белгиланадиган миқдорда иш ҳақи ҳамда бошқа тўловларни тўлаш амалга оширилади. Бу ҳолда ҳам раҳбарлар ва мутахассислар меҳнатига тўланадиган иш ҳақи ҳамда бошқа тўловлар ҳажми корхона иш натижаларига, ушбу шахслар томонидан шахсан қўшилган хиссаларга ва бошқа омилларга бевосита ёки билвосита боғлиқ қилиб қўйилиши мумкин.

Дехқон хўжаликлари ва фермер хўжаликлари шаклидаги қишлоқ хўжалик корхоналарининг раҳбарлари одатда ушбу оила бошлиғи ёки оиланинг бошқа аъзоси бўлиш туфайли бундай корхоналарга ёллаш асосида раҳбарларни тайинлаш қонунчилиқда кўзда тутилмаган, бундай корхона раҳбарлари аса ўз фаолиятлари учун иш ҳақи олмайдилар, чунки деҳқон, фермер хўжалигининг барча даромадлари шу хўжалик (оила)нинг мулкидир.

Аммо, деҳқон ёки фермер хўжаликларига вақтинча ишларни бажаришлик учун мутахассислар (агрономлар, ветиринарлар, бухгалтерлар ва ҳоказо) жалб этилишлиги мумкин. Бундай ҳолларда ушбу мутахассислар меҳнатига тузилган меҳнат шартномаси (контракт) асосида тарафлар келишуви билан белгиланган миқдорларда, шартларда ва тартибларда, аммо қонунчилиқда белгилаб қўйилганидан паст бўлмаган миқдорларда иш ҳақи тўланиши лозим бўлади.

Дехқон, фермер хўжаликларида, бошқа турдаги қишлоқ хўжалик корхоналарида ҳам муайян ишлар тегишли мутахассислар ёки бошқа шахслар билан фуқаролик-ҳуқуқли шартномалар (пудрат, у ёки бу хизмат турини кўрсатиш) тузиш асосида бажарилиши мумкин. Бундай ҳолларда ишларни бажарган фуқароларга ҳақ тўлаш ўзаро тузилган шартнома, фуқаролик қонунчилиги талабларига мувофиқ иш якунларига кўра амалга оширилади.

5. Қишлоқ хўжалик корхоналарида даромадларни тақсимлашнинг ҳуқуқий асослари

Нодавлат мулкчилигига асосланган қишлоқ хўжалик корхоналарида (қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари), ўзаро мулк хиссалар қўшишга, пай бадалларини умумлаштиришга асосланган бошқа турдаги қишлоқ хўжалик корхоналарида хўжалик фаолияти натижаларига кўра олинган соф фойда унинг муассислари ҳамда бошқа аъзолари ўртасида тақсимланади. Соф фойдани тақсимлашнинг асосий тамойиллари ва умумий қоидалари Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида», «Акциядорлар жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги ҳамда бошқа қонунларида белгилаб қўйилган.

Жумладан «Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддаси, 2-бандида айтилишича: «Солиқлар ва бошқа тўловлар бюджетга тўлаб бўлингач, қанча соф фойда (даромад) корхонанинг тўла ихтиёрида қонунда бевосита назарда тутилган ҳоллардан ташқари улардан олиб қўйилишига йўл қўйилмайди. Корхона соф фойдани (даромадни), башарти унинг уставида бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, ўзи билганича тасарруф этади».

Ушбу қоида қишлоқ хўжалиги корхоналарига ҳам тўла тааллуқлидир. Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, банк фоизлари, кредитлар билан ҳисоб-китоблар қилиб бўлингач, моддий ва бошқа харажатлар, иш ҳақи сарф-харажатлари қоплаб бўлингач қолган сумма ҳисобидан кооператив уставида кўзда тутилган махсус фондларни барпо этади. «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасига мувофиқ корхона фойдасини тақсимлаш тартибини тасдиқлаш ваколати кооператив (ширкат хўжалиги) умумий йиғилишига берилган бўлиб, бўлинмас, пай ва бошқа жамғарма (фонд)ларни ташкил этиш турлари, миқдорлари, улардан фойдаланиш тартибларини белгилаш ишлари ҳам умумий йиғилиш томонидан ҳал этилади.

Кооператив (ширкат хўжалиги) даромадларини кооператив аъзолари ўртасида тақсимлаш уларнинг пай жамғармасига қўшган мулк (пул) улушлари миқдорига мутаносиб равишда амалга оширилади.

«Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасида айтилишича: «Мулк пай қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ҳар бир аъзосининг кооператив (ширкат) пай жамғармаси қийматидаги улушини белгилайди ва кооператив (ширкат) кооператив (ширкат)нинг якуний даромадидан (фойдасидан) дивидентлар тариқасида тегишли улушни олиш ҳуқуқини беради».

Мулк пай миқдорини аниқлаш, пайлар бўйича дивидентлар тўлаш тартиби, шартлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ҳар бир аъзоси мулк пайининг аниқ миқдори кооперативнинг (ширкатнинг) аъзосига, мол-мулкнинг муайян

улушига ҳамда хўжалик оладиган умумий даромаднинг (фойданинг) тегишли қисмига бўлган унинг ҳуқуқини мустаҳкамлаб қўювчи, номи ёзилган гувоҳнома берилган ҳолда белгиланади.

ХII- Боб. Кишлоқ хўжалигидаги шартнома муносабатларига умумий тавсифнома.

1-§. Кишлоқ хўжалигида шартнома муносабатларининг тушунчаси.

Кишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодининг асосий бўғинларидан биридир. Кишлоқ хўжалигини бозор талабларига мувофиқ ривожлантириш кўп ҳолларда кишлоқ хўжалиги субъектларининг ўзаро алоқасига боғлиқ. Чунки ҳеч бир субъект фақат ўзи ҳеч ким билан алоқа қилмай «яшай» олмайди. Кишлоқ хўжалиги субъектларининг бу алоқаси аввало улар ўртасидаги шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келиши билан боғлиқ. Шартнома тушунчаси ФКнинг 353-моддасида назарда тутилган бўлиб, унга кўра шартнома бу икки ёки ундан ортиқ шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган келишув ҳисобланади. ФКнинг 8-моддасига кўра, шартномалар тарафлар ўртасида фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари вужудга келишининг асосларидан биридир. Агар мазкур норма талабларидан келиб чиқадиган бўлсак, кишлоқ хўжалиги шартномаси бу кишлоқ хўжалиги субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келиш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ келишувидир деган ҳулосага келишимиз мумкин бўлади. Шартнома тушунчаси, моҳияти, тузиш ва бекор бўлиш асослари фуқаролик ҳуқуқида батафсил ўрганилади, шу сабаб у хусусда алоҳида тўхталмасдан, асосий эътиборни кишлоқ хўжалик шартномаларига қаратиш мақсадга мувофиқ. Зеро кишлоқ хўжалик шартномаларининг асосий умумий қоидалари айнан шу фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади.

Шартномалар тузишнинг эркинлиги, ундан тарафларнинг ўзаро манфаатдорлиги айни кунда кишлоқ хўжалик шартномаларига хос хусусият ҳисобланади. Зеро бу эркинлик фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари умуман кишлоқ хўжалик субъектларининг эркин меҳнат қилишини, ўз меҳнатининг натижасини мустақил реализация қилишини, манфаатдорлик хиссини ўйғонишини таъминлаб бermoқда.

Айни кунда кишлоқ хўжалиги шартномаларини тузиш ва бажаришни таъминлаш мақсадида ҳамда соҳани тезкор ва таъсирчан ҳуқуқий механизмини яратиш учун мамлакатимизда “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида” 2003 йил 24 мартдаги ПФ-3226-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 04.09.2003 йилги «Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 383-сонли қарори билан тасдиқланган «Кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилари билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш,

бажариш, шунингдек, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида»ги Низом қабул қилинди. Мазкур ва бунга ўхшаш қонун ҳужжатлари қишлоқ хўжалик шартномаларини тузиш ва бажариш мониторинги юритишни тартибга солади. Булар ўз навбатида тузилган шартномаларни тезроқ ва реалроқ ишлашига хизмат қилмоқда.

Булар ичида махсус «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилари билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида»ги Низом бевосита қишлоқ хўжалик шартномаларига тегишли бўлиб, у қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар, тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш ва уларни бажаришда пайдо бўладиган муносабатларни тартибга солади, шунингдек уларни туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларида рўйхатдан ўтказиш ҳамда уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартибини белгилайди.

Мазкур Низом қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари), фермер ва деҳқон хўжаликлари, бошқа қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш, моддий-техника ресурслари етказиб бериш билан шуғулланувчи, механизациялашган ишларни бажарувчи, хўжаликларга сервис, агрокимё, агротехника хизматлари ва хўжаликларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан боғлиқ бошқа хизматлар кўрсатувчи тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида тузилган контрактация шартномаларига, моддий-техника ресурслари етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш ишларни бажариш бўйича шартномаларга татбиқ этилади. Умумий асослар эса амалдаги фуқаролик кодекси, махсус қонунлар(Ижара тўғрисидаги, Лизинг тўғрисидаги, Гаров тўғрисидаги) орқали тартибга солинади.

2-\$.Қишлоқ хўжалик шартномаларини тузиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби

Шартномаларни тузишда томонлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 27-бобига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунга, Вазирлар Маҳкамасининг 04.09.2003 йил 383-сонли қарори билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилари билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида»ги Низомга ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қиладилар.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш ва уларни рўйхатдан ўтказиш амалдаги қонун ҳужжатларига асосан амалга оширилади. Контрактация, лизинг, ижара шартномалари, шунингдек, моддий-техника

ресурслари етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш ва ишларни бажариш юзасидан тузилган шартномалар хўжаликларнинг бизнес-режаларида назарда тутилган ҳажмлардан келиб чиққан ҳолда, агротехника тадбирларини амалга ошириш бошланишидан бир ой олдин, лекин календарь йил бошланишидан кечикмай тузилади.

Шартномаларни тузишда томонлар тегишли турдаги шартномалар учун ишлаб чиқилган алоҳида намунавий шаклларга амал қилиши мумкин. Бундай намунавий шакллар ваколатли давлат органлари томонидан ишлаб чиқилади. Лекин бу шакллар қонуний тусга энга бўлмай, асосан томонлар Фуқаролик кодекси ва Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги қонун талабларидан келиб чиқиб тузишлари лозим бўлади.

Шартномаларда шартноманинг мавзуси, шартнома тузилган сана ва жойи, шартнома предмети - маҳсулотнинг номи, ассортименти, миқдори (ҳажми), сифати, нархи (турлари бўйича), шартноманинг умумий суммаси, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, маҳсулотларни етказиб бериш тартиби ва шартлари, топшириш-қабул қилиб олиш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) пунктлари ва даврлари (муддатлари), идишга, маркировка қилишга, ўраш-жойлашга қўйиладиган талаблар, ҳисоб-китоблар тартиби, шакли ва муддатлари, томонларнинг тўлов, почта ва юклаб жўнатиш реквизитлари, шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги учун томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги, форс-мажор ҳолатлари, низоларни ҳал этиш тартиби, шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби, бошқа томонларнинг келишувига киритиладиган шартлар ҳамда томонларнинг реквизитлари кўрсатилади. Давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (пахта, буғдой, шоли, пилла) харид қилиш юзасидан тузиладиган контрактация шартномаларида давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган ҳамда хўжаликлар ихтиёрида қоладиган маҳсулотларнинг сорти ва миқдори ҳам кўрсатилади.

Шартномаларга шунингдек аниқ турдаги шартномалар учун ёки уларга нисбатан томонлардан бирининг аризасига кўра ёхуд қонунчиликка мувофиқ келишувга эришилиши керак бўлган шартномалар учун назарда тутилган бошқа муҳим шартлар ҳам киритилиши мумкин.

Шартномага қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, моддий-техника ресурслари етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) муддатлари, миқдори ва ассортиментини белгиловчи, иккала томоннинг имзоси билан тасдиқланган ҳамда шартноманинг таркибий қисми ҳисобланадиган жадвал илова қилинади.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчисининг бевосита жойлашган жойидаги тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари агротехника чоратадбирларини амалга оширишдан бир ой олдин шартнома тузиш учун хўжаликка ўзининг ваколатли вакилини юбориши керак. Хўжалик шартнома лойиҳаси тайёрлов ёки хизмат кўрсатиш ташкилоти вакилидан олинган вақтдан бошлаб 7 кун мобайнида уни кўриб чиқиши ва эътирозлар бўлмаган

тақдирда лойиҳани имзолаши ва тайёрловчига қайтариши шарт. Хўжаликда шартнома лойиҳаси шартлари бўйича эътирозлар пайдо бўлган тақдирда хўжалик юқорида кўрсатилган муддатларда келишмовчиликлар тўғрисида протокол тузади ва уни тайёрлов ёки хизмат кўрсатиш ташкилотига жўнатади, бу тўғрида туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимини хабардор қилади. Хўжаликнинг шартнома хулосасига илгари шартнома лойиҳасида назарда тутилганлардан бошқача шартларда розилиги мавжуд бўлган жавоби акцепт (акцептлаш) ҳисобланмайди. Бундай жавобга акцептлашни рад этиш ва айти бир вақтда янги таклиф (оферта) сифатида қаралади. Оферта ва акцепт тушунчалари фуқаролик кодекси ва фуқаролик ҳуқуқи дарсликларида батафсил баён этилган.

Тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилоти келишмовчиликлар тўғрисидаги баённома олинган вақтдан бошлаб 7 кун мобайнида уни (зарурат бўлганда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими вакили билан биргаликда) кўриб чиқиши ва кўриб чиқиш натижалари бўйича таклифларни шартнома лойиҳасига киритиши ёхуд ҳал этилмаган келишмовчиликларни худди шу муддатларда кўриб чиқиш учун тегишли хўжалик судига бериши шарт. Келишмовчиликлар тўғрисидаги баённома қабул қилинмаганда ёки уни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ўз вақтида хабардор қилинмаганда хўжалик низони судда кўриб чиқишга беришга ҳақлидир. Шартнома томонлардан ҳар бири ва туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими учун бир нусхадан тузилади ва барча нусхалари бир хил юридик кучга эга бўлади. Тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари хўжаликлар билан шартномаларнинг ўз вақтида тузилиши учун жавоб беради.

Қишлоқ хўжалик шартномаси имзоланган вақтдан бошлаб 3 кун мобайнида тайёрлов ёки хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимига рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилади. Рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган шартномаларни кўриб чиқиш туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими томонидан 3 иш куни мобайнида амалга оширилади. Шартномаларни рўйхатдан ўтказишда қўшимча ҳужжатлар ёки тўлов талаб қилинишига йўл қўйилмайди. Ортиқча ҳужжатлар талаб қилиш қонуний жавобгарлик учун асос бўлади. Рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган шартноманинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги, белгиланган муҳим шартлар мавжудлиги, хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан нарх бўйича тартибга солиниши керак бўлган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) нархларининг ошириб юборилиши текширилади.

Шартнома қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлган тақдирда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими уни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказди. Шартноманинг барча нусхаларига рўйхатдан ўтказганлик тўғрисида белги қўйилади, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими ходими томонидан имзоланади, имзо муҳр билан тасдиқланади ҳамда бўлим ходимлари рўйхатдан ўтказишнинг тўғрилиги учун жавоб беради. Шартнома белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган тақдирда рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор чиқарилади. Бу қарорда рўйхатдан ўтказмаслик сабаблари ёзма шаклда расмийлаштирилиши лозим. Шартномани рўйхатдан

ўтказиш рад этилган тақдирда тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари шартнома пухталаштирилгандан кейин 3 кун муддатда уни такроран тақдим этишлари шарт.

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларида шартномаларни рўйхатдан ўтказиш дафтарлари юритилади, бу дафтарда шартноманинг рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами, шартнома тузилган сана, шартнома рўйхатдан ўтказилган сана, шартноманинг томонлари, етказиб бериладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар (бажарилган ишлар) турлари ва миқдори (ҳажмлари), шартнома суммаси, рўйхатдан ўтказилган шартномани олган шахснинг имзоси ва сана мавжуд бўлиши керак. Шартнома рўйхатдан ўтказилган тақдирда тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари шартнома рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб икки кун муддатда хўжаликларга рўйхатдан ўтказилган шартноманинг бир нусхасини жўнатишлари шарт. Агар шартномани рўйхатдан ўтказиш рад этилса, тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари бу ҳақда хўжаликни рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда рад этиш ҳужжати олинган кундан бошлаб 2 кун муддатда хабардор қилиши шарт.

Рўйхатдан ўтказилган шартномага киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар шартнома билан бўлган тартибда расмийлаштирилади ва улар туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларида рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

Шартноманинг томонларда ҳамда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида қоладиган нусхалари томонлар шартнома мажбуриятларининг ҳаммасини бажарган вақтдан бошлаб уч йил мобайнида сақланади.

3-§. Қишлоқ хўжалик шартномалари тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Қишлоқ хўжалик шартномаларининг тарафлари шартномавий муносабатга киришар экан, ўзлари хоҳиш-орадаларини намоён этган ҳолда маълум бир ҳуқуқ ва мажбуриятни зиммаларига оладилар. Мазкур шартномаларнинг муҳим шартларидан бири ҳам тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат эканлиги хусусидаги банддир. Қишлоқ хўжалик шартномаларини тузувчи тарафлар қонунда ва шартномада назарда тутилган ҳуқуқларни ўз зиммаларига олишлари мумкин. Қишлоқ хўжалик субъектлари турлича бўлиб, улар шартномада тараф сифатида иштирок этганда турлича ном билан аталади. Масалан, олди-сотди шартномаларида сотувчи ёки сотиб олувчи, маҳсулот етказиб бериш шартномасида маҳсулот етказиб берувчи ва сотиб олувчи, ижара шартномасида ижарага олувчи ва ижарага берувчи, лизинг шартномасида лизинг берувчи, лизинг олувчи ва сотувчи(ишлаб чиқарувчи) ва бошқалар. Уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ва шартномада белгиланади. Лекин умум маънода қишлоқ хўжалик субъектлари шартномавий муносабатдаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини ёритишда шартли равишда хўжалик, тайёрловчи ташкилот ва хизмат кўрсатувчи ташкилот нуктаи назардан уларнинг алоҳида ҳуқуқ ва

мажбуриятларини ёритишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Зеро улар асосан шартномавий муносабатга киришувчи субъектлардир ҳамда шартномалар ҳам мазкур шахслар доирасида асосан тузилади.

Хўжалик.

Қишлоқ хўжалик шартномаси бўйича хўжаликлар шартномада назарда тутилган ҳолларда тайёрлов ташкилотидан уруғ ва экиш материаллари билан таъминлашни талаб қилиш, маҳсулотни топширишда, унинг сифатини аниқлашда қатнашиш ва тайёрлов ташкилотидан маҳсулот учун тегишли тўловни талаб қилиш, тайёрлов ташкилотидан маҳсулот етиштириш учун шартномада белгиланган муддатларда ва миқдорда аванс тўланишини талаб қилиш (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг айрим турларини давлат эҳтиёжлари учун харид қилиш бундан мустасно), тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотидан амалдаги давлат стандартлари ва шартномани бажариш учун зарур бўлган бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш, тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотидан маҳсулот хўжалик ҳисобидан ташилганда транспорт харажатларини қопланишини талаб қилиш, хизмат кўрсатиш ташкилотидан шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага биноан тегишли сифатдаги, ассортиментдаги маҳсулотлар етказиб беришни ва хизматлар кўрсатишни (ишларни бажаришни) талаб қилиш, тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотидан шартнома шартларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида етказилган зарар қопланишини талаб қилиш ҳамда қонун ҳужжатлари ва шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўладилар.

Тарафлар зиммаларига олган мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгар бўладилар. Айнан бу жавобгарликларни талаб қилиш ҳам хўжаликнинг ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Товар (ишлар, хизматлар) унга ёмон сифат билан сотилган хўжалик ўз хоҳишига кўра:

- зарур сифатдаги ана шундай товар (ишлар, хизматлар)га алмаштиришни;

- товар (ишлар, хизматлар)нинг нуқсонларини бепул бартараф этишни ёки нуқсонларни тузатиш учун сотиб олувчи ёхуд учинчи шахс томонидан қилинган харажатлари тўланишини;

- нархларнинг мутаносиб равишда камайтирилишини талаб қилишга ҳақлидир. Айнан бу каби ҳуқуқлар иккинчи тарафга мажбурият бўлиб ўтади.

Хўжалик маҳсулотнинг муайян турларини тайёрловчи ташкилотга шартномада белгиланган миқдорларда ва ассортиментда ҳамда муддатларда тегишли сифат билан етказиб бериш, шартномага илова қилинаётган ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш ва маҳсулотни топширишда қўйиладиган бошқа талабларга (идишга жойлаш, қадоқлаш, қорамолларни тамғалаш ва бошқаларга) риоя этиш, маҳсулотни тайёрлов ташкилотига топшириш учун ўз вақтида тайёрлаш, етказиб берилган моддий-техника ресурслари ва кўрсатилган хизматлар (бажарилган ишлар) учун тўловни (ҳисоб-китобларни) хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан тузилган шартномаларга мувофиқ ўз вақтида амалга ошириш мажбуриятига эга.

Хўжалик қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади.

Тайёрлов ташкилоти.

Тайёрлов ташкилотининг ҳуқуқларига шартномада белгиланган муддатларда маҳсулотларнинг муайян турларини белгиланган миқдорларда ва ассортиментда, тегишли сифат билан ўз вақтида топширишни талаб қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари аванс суммасида назарда тутилган ҳажмларда топширилмаган тақдирда тузилган шартномага мувофиқ илгари берилган аванс маблағлари қопланишини хўжаликлардан талаб қилиш, (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг айрим турларини давлат эҳтиёжлари учун харид қилиш бундан мустасно) ҳамда қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқлари ҳам киради.

Тайёрлов ташкилотининг мажбуриятларига эса қонун ҳужжатларига мувофиқ хўжаликлар билан томонлар келишган ҳажмларда ўз вақтида шартномалар тузиш, хўжаликларга шартномада белгиланган даврларда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш муддатларига мувофиқ маҳсулотлар қийматининг камида 50 фоизи миқдорида (чорвачилик маҳсулотлари бўйича - шартномаларда кўрсатилган ҳажмлар қийматининг 25 фоизи миқдорида) аванс маблағлари тўлаш (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг айрим турларини давлат эҳтиёжлари учун харид қилиш бундан мустасно), харид қилинадиган маҳсулотнинг вазни ва сифатини тўғри аниқлаш, хўжаликлар томонидан етказиб бериладиган маҳсулотларини шартномада назарда тутилган миқдорларда ва муддатларда харид қилиш, уларнинг узлуксиз қабул қилиб олинишини таъминлаш, хўжаликлар ихтиёрида қоладиган маҳсулотларни шартномада назарда тутилган ҳолларда давлат стандартлари ва техник шартлар талабларига мувофиқ сақлаш ҳамда уларнинг ҳолати тўғрисида хўжаликларга мунтазам равишда хабар қилиб туриш, хўжаликлар ихтиёрида қолдириладиган маҳсулотлар сифатининг ёмонлашиши оқибатида хўжаликларга етказилган зарарни қоплаш, агар шартномада ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ўз вақтида қабул қилишни ва ташишни таъминлаш, харид қилинаётган маҳсулот сифатини амалдаги стандартлар талабларига мувофиқ аниқлаш, шартномада белгиланган нархларга мувофиқ ва муддатларда маҳсулот учун ҳисоб-китоб қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, тайёрлаш, ташиш ва қайта ишлашда улар нобуд бўлишининг олдини олиш, маҳсулотларни амалдаги стандартларга мувофиқ қайта ишлаш, сотишга тайёрлаш ва уларни сотишга тааллуқли ҳужжатларни расмийлаштириш, хўжаликларни идишлар, ўраш материаллари ва норматив-техник ҳужжатлар (стандартлар, техник шартлар, маҳсулотларнинг айрим турларини харид қилиш, қабул қилиб олиш, сифатини баҳолаш тартибини тартибга солувчи қоидалар) билан шартномаларга мувофиқ таъминлаш, шартномаларда назарда тутилган ҳолларда хўжаликларни уруғлик ва экиш материаллари билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлов ташкилоти жойлашган жойда ёки улар кўрсатган бошқа жойда қабул қилиб олинган тақдирда хўжаликлар томонидан контракция шартномасига

мувофиқ етказиб берилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини белгиланган муддатларда қабул қилиб олиш ва бошқалар киради.

Тайёрлов ташкилоти қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олиши мумкин.

Хизмат кўрсатиш ташкилотлари.

Хизмат кўрсатиш ташкилотларининг ҳуқуқларига амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорларда шартномага мувофиқ етказиб бериладиган моддий-техника ресурслари ва кўрсатиладиган хизматлар учун олдиндан ҳақ тўлашни ва якуний ҳисоб-китоб қилишни талаб қилиш, тақдим этилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган моддий-техника ресурсларини ва кўрсатиладиган хизматларни асоссиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни хўжаликлардан талаб қилиш ҳамда қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқлар киради. Унинг мажбуриятларига хўжаликлар билан қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз вақтида шартномалар тузиш ва шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш, хўжаликларнинг буюртманомаларига биноан шартномага мувофиқ муддатларда, миқдорда ва сифатда моддий-техника ресурслари етказиб бериш ҳамда хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш), етказиб бериладиган моддий-техника ресурслари, кўрсатиладиган хизматлар сифатининг шартномада белгиланган талабларга, шунингдек амалдаги стандартлар ва нормативларга мувофиқлигини таъминлаш, шартномани бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида хўжаликка етказилган зарарни қоплаш ҳамда қонун ҳужжатлари ва шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам киради.

4-§. Шартнома мажбуриятларини бажариш тартиби, бажармаганлик учун жавобгарлик ва бажарилиши мониторингини олиб бориш

Шартнома мажбуриятларни бажариш деб, мажбурият олган тараф томонидан ҳуқуқни талаб қилувчи кредитор талабига мувофиқ муайян бир ҳаракатнинг қилиниши ёки ҳаракатдан сақланиш тушунилади. Фуқаролик ҳуқуқида мажбурият субъектлари муайян ҳуқуқларга эга бўлган ва зиммасига мажбурият олган шахслар бўлиб, ҳар бир мажбуриятда албатта, икки тараф иштирок этади. Муайян бир ҳаракатнинг қилинишини ёки муайян ҳаракатни қилишдан сақланишни талаб этишга ҳақли бўлган тараф-**кредитор**, муайян ҳаракатни қилишга ёки ҳаракат қилишдан сақланишга мажбур бўлган тараф эса **қарздор** деб аталади. Демак, қарздорнинг мажбуриятни бажариши-кредиторга ашёни топшириш, маълум ишни бажариш, жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш, асоссиз олинган мулкни қайтариш кабилардан иборат. Қишлоқ хўжалик субъектлари томонидан олинган мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилиши халқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатишни ривожлантириш, мулкий муносабатларни мустаҳкамлаш, жамиятнинг тобора ўсиб бораётган моддий ва маданий

талабларини қондиришда катта роль ўйнайди.

Мажбуриятлар ФКнинг 236-моддасида айtilганидек, мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаган тақдирда эса-иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак. Бу норма қишлоқ хўжалик шартномаларига ҳам дахлдор бўлиб, тарафлар ўз олган мажбуриятларини юқоридаги нормага асосланиб амалга оширадилар. Бунда тарафларнинг ҳар бири ўз мажбуриятларини анча тежамли бажариш, иккинчи томонга унинг ўз мажбуриятларини бажаришда ҳар томонлама ёрдам кўрсатиши лозим. айнан тежамлилиқ ва ўзаро ёрдам билан томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

Шартномани бажаришдан бир томонлама воз кечишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга, агар қонун ҳужжатлари ёки шартномада белгиланмаган бўлса йўл қўйилмайди.

Шартнома мажбуриятларини бажаришда харид қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти (бажарилаётган иш ва кўрсатилаётган хизмат) нинг сифати ва миқдорини баҳолаш, унинг учун ҳақ ўз вақтида ва тўғри тўланиши бўйича томонлар ўртасида низоли масалалар ва келишмовчиликлар пайдо бўлган тақдирда, бундай масалалар ва келишмовчиликлар туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими томонидан судгача бўлган тартибда ёки хўжалик суди томонидан ҳал этилади.

Ҳар қандай шартномаларда ўзига хос мажбуриятларни бажариш усуллари ва шартлари мавжуд. Бу аввало шартнома ва қонун талабларидан келиб чиқади.

Агар ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилаш ва уни амалга ошириш юзасидан тарафлар ўртасида низо келиб чиқадиган бўлса, у ҳолда биринчи ўринда низо ҳар икки тарафнинг келишуви асосида бартараф этишга ҳаракат қилинади. Агар низо ҳал қилинмаса у ҳолда хўжалик судига мурожаат қилинади.

Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда томонлар, қоидага кўра, уларни судгача ҳал этиш юзасидан мустақил ёхуд туман туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари иштирокида чора-тадбирлар кўрадилар. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари низони кўриб чиқишда иштирок этиш пайтида ваколатли давлат органларининг маълумотлари ва ахбороти асосида маҳсулотнинг сифати пасайтирилиши ёки бузилиши ҳоллари бўйича ҳулоса, шунингдек табиий офатлар ва бошқа ноқулай шарт-шароитлар оқибатида ёхуд тайёрловчининг айби билан шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун хўжаликларни жавобгарликдан озод қилиш учун ҳулоса беришлари мумкин. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Маҳсулотни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари зиммасида бўлади. Маҳсулот хўжалик транспортида етказиб берилса, тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари

хўжаликка маҳсулотни ташиш харажатларини ҳақиқий вазни (идишни ҳам кўшиб) бўйича қоплайди. Маҳсулотни ташиш харажатлари бутун масофа учун қопланади. Контракция шартномалари бўйича харажатлар маҳсулот хўжаликдан жўнатилган жойдан бошлаб (саралаш пункти, бригада, бўлим, чорвачилик фермаси, яйлов, марказий омбор, хўжаликнинг марказий кўрғони ва ҳоказолар) шартномада назарда тутилган қабул қилиш пунктигача қопланади. Моддий-техника ресурслари етказиб бериш шартномалари бўйича харажатлар маҳсулотни қабул қилиш пунктидан шартномада назарда тутилган етказиб бериш жойигача қопланади.

Хўжаликларнинг транспортда ташиш ва тушириш харажатлари қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланган нормалар ва тарифлар бўйича ёхуд томонларнинг келишувига кўра белгиланади. Тайёрлов ташкилотининг кўшимча талабларига риоя қилган ҳолда маҳсулот жўнатиш билан боғлиқ шартномада белгиланмаган харажатлар тегишли равишда тайёрловчи ҳисобига тўланади. Тайёрлов ташкилоти томонидан стандарт талабларига мувофиқ бўлмаган, шунингдек кондицияга мувофиқ бўлмаган маҳсулот қабул қилинган тақдирда кўшимча равишда сортларга ажратиш тайёрловчи томонидан бажарилади, ишларни бажариш бўйича харажатлар эса кўшимча битим бўйича қопланади. Хўжаликлар билан тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасидаги олдиндан ҳақ тўлаш ва якуний ҳисоб-китоблар шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, шаклда ва муддатларда амалга оширилади.

Шартнома юзасидан қарздор бўлган шахс уни бутунлай бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги, мажбуриятни бажариш юзасидан белгиланган ҳуқуқ нормаларига риоя қилмаслиги ҳуқуққа ҳилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги ҳисобланиб, бу ҳол шартнома мажбуриятини бузиш деб кўрилади. Шартнома мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаслик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик қўлланилади. Бу жавобгарлик мулкӣй характерда бўлади. Шартнома бўйича томонларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 324-339-моддалари талабларига мувофиқ белгиланади. Бундан ташқари жавобгарлик ҳолатлари тарафлар имзолаган шартнома шартларидан ҳам келиб чиқади. Шартнома мажбуриятларини бажармаслик жавобгар шахсдан зарарни тўлаш ёки неустойка тўлаш мажбуриятини келтириб чиқаради.

Фкнинг 14-моддасига кўра агар қонун ёки шартномада зарарни камроқ миқдорда тўлаш назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс ўзига етказилган зарарнинг тўла қопланишини талаб қилиши мумкин. Зарар деганда, ҳуқуқи бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек бу шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади. Агар ҳуқуқни бузган шахс бунинг натижасида даромад олган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс бошқа зарар билан бир қаторда бой берилган

фойда бундай даромаддан кам бўлмаган миқдорда тўланишини талаб қилишга ҳақли.

Неустойка эса мажбурият бажарилмаганда жавобгар ҳар бир кечиккан кун учун тўлаши лозим бўлган фоизли(пеня) ёки қатъи белгиланган (жарима) пул суммасидир.

Тарафлар шартнома шартларини бажармаганда агар бу шартни етарлича ўз шартномаларида кўрсатмаган бўлсалар, Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базалари тўғрисидаги қонундан келиб чиқиб жавобгарлик белгиланади.

Масалан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

Неустойка (жарима, пеня) тўлаганлигидан қатъи назар, шартнома мажбуриятларини бузган тараф иккинчи тарафга ана шу зарар оқибатида ўзи етказган зарар қисмини ҳам қоплайди. Кўрилган зарарга шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги муносабати билан тараф қилган харажатлар, мол-мулк йўқолиш ёки шикастланиши, шунингдек агар иккинчи тараф шартнома мажбуриятларини бажарганида тараф олиши мумкин бўлган лекин ололмайқолган даромадлар киради.

Муддатини ўтказиб юбориш ёки шартнома мажбуриятларини ўзгача тарзда лозим даражада бажармаслик ҳоллари учун белгиланган неустойкани (жаримани, пеняни) тўлаш ҳамда шартнома мажбуриятларини лозим даражада бажармаслик оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, тарафларни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод этмайди.

Шартнома мажбуриятлари хўжалик юритувчи субъект мансабдор шахсининг айби билан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган, унинг томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағлари ва бошқа мол-мулки мақсадга номувофиқ фойдаланилганлиги аниқланган, тўлов интизоми бузилган, хўжалик юритувчи субъект банкротликка дучор қилинган ёки шартнома муносабатлари соҳасида бошқа қоидабузарликлар содир этилган тақдирда, хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахси Фуқаролик кодексининг 45 ва 48 - моддаларига мувофиқ фуқаролик - ҳуқуқий жавобгарликка, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 175, 1761, 1762, 212 ва 214-моддаларига мувофиқ маъмурий жавобгарликка, шунингдек Ўзбекистон

Республикаси Жиноят кодексининг 175, 181, 186, 205, 207 ва 209-моддаларига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Хўжаликни стандартлар талаблари ва техник шартларга жавоб берадиган, маҳсулотнинг тегишли турларини харид қилишни тартибга солувчи йўриқномалар ва қоидаларда ёки контракция шартномасида белгиланган миқдорда ва муддатларда идиш ва ўраш материаллари билан таъминланмаганлиги учун тайёрлов ташкилоти хўжаликка етказиб берилмаган идиш, ўраш материалларининг етказиб бериш вақтида амалда бўлган қийматининг 2 баравари миқдорида жарима тўлайди. Тайёрловчининг хўжаликни идиш билан таъминламаганлиги маҳсулот сифатининг пасайишига ёки тез бузилувчи маҳсулотнинг бузилишига олиб келган бўлса, тайёрлов ташкилоти хўжаликка кўрилган зарарнинг жарима билан қопланмаган қисмини ҳам тўлайди. Бунда хўжалик сифатсиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб берилганлиги учун жавобгарликдан озод қилинади. Агар юклаб жўнатилган маҳсулот (бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар)нинг сифати, ассортименти, сорти стандарт талабларига, техник шартларга, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон сифати зарур даражада бўлмаган маҳсулот (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Томонларнинг келишувига кўра шартномада шартнома мажбуриятлари бажарилмаслиги ёки зарур даражада бажарилмаслиги учун жавобгарликнинг амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа чоралари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар натижасида олдиндан кўриш ва бартараф этиш мумкин бўлмаган ҳолатлар (форс-мажор ҳолатлар) муносабати билан уларнинг иродаси ва хоҳишига боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича ўз зиммаларига олган шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги учун бир томон бошқа томон олдида жавоб бермайди.

Тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари хўжаликлар билан тузилган шартномалар бажарилиши мониторингини ўтказди. Ушбу мақсадларда тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотларида ҳар бир хўжалик бўйича Шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг бажарилишини мониторинг қилиш дафтари юритилади.

Тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-кунидан кечикмай ҳар ойда хўжаликлар жойлашган жойдаги тегишли туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларини белгиланган шакл бўйича пахта, бошоқли экинлар дони ва шоли бўйича хўжаликлар билан тузилган шартномалар бажарилишининг бориши тўғрисида хабардор қилади. Хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-кунидан кечикмай ҳар ойда хўжаликлар жойлашган жойдаги тегишли туман қишлоқ ва сув хўжалиги белгиланган шакл бўйича пахта, бошоқли экинлар дони ва шоли етиштириш учун хўжаликлар билан моддий-техника ресурслари етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш)

бўйича тузилган шартномалар бажарилишининг бориши тўғрисида хабардор қилади.

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари хўжаликлар томонидан тақдим этилган ахборотни 5 кун муддатда (15-кунда) вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларига юборади. Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари вилоят бўйича шартномалар бажарилишининг боришини 5 кун муддатда (20-кунда) умумлаштирадилар ҳамда туманлар, тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари бўйича йиғма ахборот тайёрлайдилар. Йиғма ахборот Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига ҳамда ҳудудий адлия органларига юборилади.

Адлия органлари ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги органлари тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилиши устидан ўз ваколатлари доирасида назорат қиладилар ва мониторинг олиб борадилар.

5-§. Қишлоқ хўжалик шартномаларининг алоҳида турлари ва уларнинг хусусиятлари.

Қишлоқ хўжалигида турлича шартномалар тузилади. Бу шартномаларнинг аксарияти фуқаролик ҳуқуқида ўрганиладиган олди-сотди, контрактация, товарларни етказиб бериш тўғрисидаги давлат контракти, кўчмас мулкларни сотиш, ҳадя, қурилиш пудрати, ижара, лизинг, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш кредит, мол-мулкни ишончли бошқариш, оддий ширкат ва бошқа шартномалардан иборат. Бу фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларни қишлоқ хўжалик корхоналари ўз манфаатларини кўзлаб тузадилар. Масалан ўз маҳсулотларини сотиш жараёнида олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, товарларни етказиб бериш тўғрисидаги давлат контракти тузсалар, ўз бино ва иншоотлари олди-сотдисини кўчмас мулкларни сотиш қоидаларига таяниб расмийлаштирадилар. Фермерлар, деҳқон ва ширкат хўжаликлари турли биноларни, иншоотларни қурилиш пудрати шартномаси талабларига кўра тузса, ўзини моддий-техника билан таъминлашда, янги техника воситалари олганда қулай бўлган лизинг шартномасини тузишни маъқул кўрадилар. Бу юқорида кўрсатилган шартномалар фуқаролик ҳуқуқида ўтилганлиги боис асосий эътиборни қуйидаги айрим шартномаларга қаратишни лозим деб топдик.

Контрактация шартномалари.

Контрактация шартномалари Фкнинг 465-467-моддалари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сон қарорига асосан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш артиби тўғрисида Низом асосида тартибга солинади. Фкнинг 465-моддасига кўра контрактация шартномасига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган шахсга -

тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул қилиб туриш), унинг ҳақини шартлашилган муддатда белгиланган баҳода тўлаш (тўлаб туриш) мажбуриятини олади.

Мазкур шартномани тартибга солишда юқоридаги Низом асосий ўринлардан бирини эгаллайди ва у қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар, тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш ва уларни бажаришда пайдо бўладиган муносабатларни тартибга солади, шунингдек уларни туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларида рўйхатдан ўтказиш ҳамда уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартибини белгилайди.

Контракция шартномалари, шунингдек моддий-техника ресурслари етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) юзасидан тузилган шартномалар хўжаликларнинг бизнес-режаларида назарда тутилган ҳажмлардан келиб чиққан ҳолда, агротехника тадбирларини амалга ошириш бошланишидан бир ой олдин, лекин календарь йил бошланишидан кечикмай тузилади. Шартномаларни тузишда томонлар тегишли турдаги шартномалар учун ишлаб чиқилган алоҳида намунавий шаклларга амал қилиши мумкин.

Шартномаларда шартноманинг мавзуси, маҳсулотнинг номи, ассортименти, миқдори (ҳажми), сифати, нархи (турлари бўйича), шартноманинг умумий суммаси, томонларнинг ҳуқуқлари ва ўзаро мажбуриятлари, маҳсулотларни етказиб бериш тартиби ва шартлари, топшириш-қабул қилиб олиш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) пунктлари ва даврлари (муддатлари), идишга, маркировка қилишга, ўраш-жойлашга қўйиладиган талаблар, ҳисоб-китоблар тартиби, шакли ва муддатлари, томонларнинг тўлов, почта ва юклаб жўнатиш реквизитлари, шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги учун томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги, низоларни, форс-мажор ҳолатларни ҳал этиш тартиби, томонларнинг реквизитлари, шартнома тузилган сана ва жой кўрсатилади

Давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилиш юзасидан тузиладиган контракция шартномаларида давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган ҳамда хўжаликлар ихтиёрида қоладиган маҳсулотларнинг сорти ва миқдори ҳам кўрсатилади. Шартномаларга шунингдек аниқ турдаги шартномалар учун ёки уларга нисбатан томонлардан бирининг аризасига кўра ёхуд қонунчиликка мувофиқ келишувга эришилиши керак бўлган шартномалар учун назарда тутилган бошқа муҳим шартлар ҳам киритилиши мумкин.

Шартнома томонлардан ҳар бири ва туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими учун бир нусхадан тузилади. Шартноманинг барча нусхалари бир хил юридик кучга эга бўлади. Тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари хўжаликлар билан шартномаларнинг ўз вақтида тузилиши учун жавоб беради.

Тузилган шартнома имзоланган вақтдан бошлаб 3 кун мобайнида тайёрлов ёки хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан туман қишлоқ ва

сув хўжалиги бўлимига рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилади. Рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган шартномаларни кўриб чиқиш туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими томонидан 3 иш куни мобайнида амалга оширилади. Шартномаларни рўйхатдан ўтказишда қўшимча ҳужжатлар ёки тўлов талаб қилинишига йўл қўйилмайди. Шартнома бўйича хўжалик шартномада назарда тутилган ҳолларда тайёрлов ташкилотидан уруғ ва экиш материаллари билан таъминлашни талаб қилиш, маҳсулотни топширишда, унинг сифатини аниқлашда қатнашиш ва тайёрлов ташкилотидан маҳсулот учун тегишли тўловни талаб қилиш, тайёрлов ташкилотидан маҳсулот етиштириш учун шартномада белгиланган муддатларда ва миқдорда аванс тўланишини талаб қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг айрим турларини давлат эҳтиёжлари учун харид қилиш бундан мустасно, тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотидан амалдаги давлат стандартлари ва шартномани бажариш учун зарур бўлган бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш, тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотидан маҳсулот хўжалик ҳисобидан ташилганда транспорт харажатларини қопланишини талаб қилиш, хизмат кўрсатиш ташкилотидан шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага биноан тегишли сифатдаги, ассортиментдаги маҳсулотлар етказиб беришни ва хизматлар кўрсатишни (ишларни бажаришни) талаб қилиш, тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотидан шартнома шартларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида етказилган зарар қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Маҳсулотнинг муайян турларини тайёрловчи ташкилотга шартномада белгиланган миқдорларда ва ассортиментда ҳамда муддатларда тегишли сифат билан етказиб бериш, илова қилинаётган ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш ва маҳсулотни топширишда қўйиладиган бошқа талабларга (идишга жойлаш, қадоқлаш, қорамолларни тамғалаш ва бошқаларга) риоя этиш, маҳсулотни тайёрлов ташкилотига топшириш учун ўз вақтида тайёрлаш, етказиб берилган моддий-техника ресурслари ва кўрсатилган хизматлар (бажарилган ишлар) учун тўловни (ҳисоб-китобларни) хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан тузилган шартномаларга мувофиқ ўз вақтида амалга ошириш хўжаликнинг мажбуриятлари ҳисобланади.

Тайёрлов ташкилотининг ҳуқуқлари:

-тасдиқланган жадвалга мувофиқ шартномада белгиланган муддатларда маҳсулотларнинг муайян турларини белгиланган миқдорларда ва ассортиментда, тегишли сифат билан ўз вақтида топширишни талаб қилиш;

-қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари аванс суммасида назарда тутилган ҳажмларда топширилмаган тақдирда тузилган шартномага мувофиқ илгари берилган аванс маблағлари қопланишини хўжаликлардан талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Тайёрлов ташкилотининг мажбуриятлари:

-қонун ҳужжатларига мувофиқ хўжаликлар билан томонлар келишган ҳажмларда ўз вақтида шартномалар тузиш;

-хўжаликларга шартномада белгиланган даврларда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш муддатларига мувофиқ маҳсулотлар қийматининг

камида 50 фоизи миқдорида (чорвачилик маҳсулотлари бўйича - шартномаларда кўрсатилган ҳажмлар қийматининг 25 фоизи миқдорида) аванс маблағлари тўлаш;

-харид қилинадиган маҳсулотнинг вазни ва сифатини тўғри аниқлаш;

-хўжаликлар томонидан етказиб бериладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини шартномада назарда тутилган миқдорларда ва муддатларда харид қилиш, уларнинг узлуксиз қабул қилиб олиншини таъминлаш;

-хўжаликлар ихтиёрида қоладиган маҳсулотларни шартномада назарда тутилган ҳолларда давлат стандартлари ва техник шартлар талабларига мувофиқ сақлаш ҳамда уларнинг ҳолати тўғрисида хўжаликларга мунтазам равишда хабар қилиб туриш;

-хўжаликлар ихтиёрида қолдириладиган маҳсулотлар сифатининг ёмонлашиши оқибатида хўжаликларга етказилган зарарни қоплаш;

-агар шартномада ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини келишилган жадвалга мувофиқ қабул қилиб олишни ва ташишни таъминлаш;

-харид қилинаётган маҳсулот сифатини амалдаги стандартлар талабларига мувофиқ аниқлаш, шартномада белгиланган нархларга мувофиқ ва муддатларда маҳсулот учун ҳисоб-китоб қилиш;

-қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, тайёрлаш, ташиш ва қайта ишлашда улар нобуд бўлишининг олдини олиш;

-маҳсулотларни амалдаги стандартларга мувофиқ қайта ишлаш, сотишга тайёрлаш ва уларни сотишга тааллуқли ҳужжатларни расмийлаштириш;

-хўжаликларни идишлар, ўраш материаллари ва норматив-техник ҳужжатлар (стандартлар, техник шартлар, маҳсулотларнинг айрим турларини харид қилиш, қабул қилиб олиш, сифатини баҳолаш тартибини тартибга солувчи қоидалар) билан шартномаларга мувофиқ таъминлаш;

-шартномаларда назарда тутилган ҳолларда хўжаликларни уруғлик ва экиш материаллари билан таъминлаш;

-қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлов ташкилоти жойлашган жойда ёки улар кўрсатган бошқа жойда қабул қилиб олинган тақдирда хўжаликлар томонидан контракция шартномасига мувофиқ етказиб берилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини белгиланган муддатларда қабул қилиб олиш.

Хизмат кўрсатиш ташкилотларининг ҳуқуқлари:

амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорларда шартномага мувофиқ етказиб бериладиган моддий-техника ресурслари ва кўрсатиладиган хизматлар учун олдиндан ҳақ тўлашни ва якуний ҳисоб-китоб қилишни талаб қилиш;

тақдим этилган буюртманоммага мувофиқ етказиб берилган моддий-техника ресурсларини ва кўрсатиладиган хизматларни асоссиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни хўжаликлардан талаб қилиш.

Маҳсулотни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари зиммасида бўлади.

Шартномалар шартнома шартлари ва талабларига ҳамда қонун ҳужжатларига риоя қилинган ҳолда зарур даражада бажарилиши керак. Агар

томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

Шартномада маҳсулотни етказиб беришнинг давлари белгиланиши билан биргаликда товарларни етказиб бериш жадваллари ҳам (ўн кунлик, суткалик ва бошқалар) назарда тутилиши мумкин. Агар шартномада бундай жадвал назарда тутилмаган тақдирда, хўжалик тайёрлов ташкилотини маҳсулотни шартномада назарда тутилган ассортиментда реализация қилиш учун шартномада белгиланган муддатларда мўлжалланаётган ҳажмлар ва топшириш муддатлари тўғрисида хабардор қилиши керак. Агар шартномада бундай муддат кўрсатилмаса, маҳсулот топширилгунга қадар 30 кунлик муддатда (мавсумий маҳсулотлар бўйича - 15 кундан кечикмай) топшириши ва маҳсулотни календарь (сутка бўйича) топшириш жадвалини тайёрлов ташкилоти билан келишиши керак.

Тайёрлов ташкилоти билан келишган ҳолда хўжалик маҳсулотни кейинги топшириш даври ҳисобига ўтказган ҳолда муддатидан олдин топшириши мумкин. Агар томонлардан бири юклаш ёки тушириш бўйича бошқа томоннинг мажбуриятларини бажарса, ўз мажбуриятларини бажармаган томон белгиланган тарифлар асосида, бундай тарифлар мавжуд бўлмаган тақдирда эса - ўзаро келишувга кўра бажарилган ишлар қийматини унга тўлайди.

Шартнома мажбуриятларини бажаришда харид қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг сифати ва миқдорини баҳолаш, унинг учун ҳақ ўз вақтида ва тўғри тўланиши бўйича томонлар ўртасида низоли масалалар ва келишмовчиликлар пайдо бўлган тақдирда, бундай масалалар ва келишмовчиликлар туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими томонидан судгача бўлган тартибда ёки хўжалик суди томонидан ҳал этилади.

Фьючерс битимлар.

Биржа ва биржа фаолияти тўғрисидаги қонуннинг 23-моддасида биржалар томонидан тузиладиган шартномалар кўрсатилган. Биржада биржа товарлари олди-сотди битимлари, шу жумладан:

реал товарни ўзгага топшириш ёки етказиб бериш ёхуд товарга мулк ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни ўзгага топшириш билан боғлиқ битимлар;

форвард битимлар реал товарни етказиб бериш муддати кечиктирилган ҳолдаги олди-сотди битимлари;

фьючерс битимлари товарларга доир стандарт контрактларнинг олди-сотди битимлари (уларни келгусида ижро этиш мажбуриятини олган ҳолда);

опцион битимлар товарларни ёки товарлар етказиб бериш контрактларини белгиланган нарх бўйича келгусида сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқларига доир олди-сотди битимлари тузилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалигидада фьючерс шартномалар тузиш ҳуқуқи барча қишлоқ хўжалиги субъектларига берилган. Бундай битимлар биржаларда тузилиши мумкин. Сотувчи фьючерс битими тузиш учун мавжуд товарни сотишга таклиф қилаётганда биржага қуйидагиларни тақдим этади:

товар эгасининг биринчи шахс (ёки унинг вазифаларини бажараётган шахс) ва бош бухгалтер имзо чеккан, муҳр билан тасдиқланган, ушбу товар

хақиқатан ҳам сотувчининг мулки эканлигини, шунингдек, унинг мавжудлигини тасдиқлайдиган ҳужжати (омборхона маълумотномаси);

сифат сертификати;

конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тегишли ваколатли вазирликлар ва идораларнинг хулосаси;

сотувчи томонидан мазкур товар ишлаб чиқарилиши хусусида кафолат хати тақдим этилади, у ваколатли шахс томонидан тасдиқланади.

Биржада контрактларни тузиш пайтида харидор - Ўзбекистон Республикаси норезиденти Ўзбекистон Республикаси валютасининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган (маблажлар манбаига боғлиқ ҳолда) қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) ваколатли банкнинг хорижий валютанинг ички бозорда сотилиши тўғрисидаги маълумотномасини;

б) товарни ички бозорда сотиш учун олиб келиниши тўғрисидаги контракт ва олиб келинган товарга божхона юк декларациясини;

в) солиқ органининг товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатишдан олинган даромадлар бўйича бюджетдан қарзи йўқлиги тўғрисидаги маълумотномасини;

г) Ўзбекистон Республикаси валютаси келиб чиқишининг қонунийлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатларни.

Фьючерс битими тузилганда харидор сотувчига контракт расмийлаштирилганидан кейин 10 кун давомида бўнакни ўтказди. Фьючерс битими бўйича бўнак миқдори тарафлар томонидан шартнома бўйича белгиланади ва контракт қийматининг камида 15 фоизини ташкил этиши керак. Фьючерс контрактлари бўйича ҳисоб-китоблар товар-хом ашё биржаларининг ҳисоб-китоб-клиринг палаталари орқали амалга оширилади.

Битимлар тузилганидан кейин биржа ёки унинг филиали контрактларни биржа ёки унинг филиали муҳри билан тасдиқлайди ва уларни брокерларга ёки ярмарка савдолари иштирокчиларига топширади. Норезидентлар тузадиган, Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси - сўмда тўланадиган экспорт контрактлари суммаси сўмлар келиб чиқишининг қонунийлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларда кўрсатиладиган суммадан ошмаслиги керак.

Биржада тузилган барча экспорт контрактлари контракт тузилган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий курси бўйича АҚШ долларларидаги эквивалентини кўрсатган ҳолда биржада тегишлича рўйхатдан ўтказилиши керак ва чопар орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига ёки унинг ҳудудий бошқармаларига юборилади. Божхона органлари масъул ходимларни белгилайди, мазкур ходимлар келишилган график бўйича чопардан тасдиқланган контрактларни реестрга қараб қабул қиладилар, имзолайдилар, уларни муҳр билан тасдиқлайдилар ва чопарга қайтарадилар. Божхона органи реестр бўйича контрактни келиб тушган пайтидан бошлаб икки иш куни давомида расмийлаштиради.

Биржа Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармалари томонидан тасдиқланган контрактларни олган

пайтидан бошлаб икки иш куни мобайнида уларни брокерларга ёки ярмарка савдолари иштирокчиларига топширади. Мазкур контрактлар божхона юк декларацияларини тўлдириш учун асос ҳисобланади.

Товарни Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармалари томонидан расмийлаштирилган экспорт контрактлари бўйича олиб чиқиш пайтида юклаб жўнатиш жойи бўйича божхона бўлинмаларига, юқорида кўрсатилган ҳужжатлар нусхаларидан ташқари, қуйидаги ҳужжатлар ҳам тақдим этилади.

контракт;

товарга ҳақ тўланганини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхаси;

мувофиқлик сертификати;

товарнинг келиб чиқиш сертификати;

божхона юк декларацияси.

Божхона органларига тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотлар тўјрилиги учун юкни жўнатувчи жавобгар бўлади. Товарларни олиб чиқишга контрактларни расмийлаштирадиган органлар харидор ва сотувчидан битимни расмийлаштиришга тааллуқли бўлмаган бошқа ҳужжатларни талаб қилишга ҳақли эмас.

Ерларни ижарага бериш шартномаси.

Ер Кодексининг 24-моддасига кўра ер участкасининг ижараси ер участкасига ижара шартномаси шартларида муддатли, ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланишдан иборатдир.

Ер участкасини шартнома асосида Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ва юридик шахсларига-туман ва шаҳар ҳокимлари, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, ҳалқаро бирлашмалар ва ташкилотларга, чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижарага берадилар. Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ер участкаларини ички хўжалик ижараси тартибида фақат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун ижарачиларга бириктириб қўйиши мумкин.

Ижарага берилган ер участкаси ёки унинг бир қисмини иккиламчи ижарага бериш тақиқланади. Ижарага берилган ер участкалари олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши мумкин эмас. Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи кредитлар олиш учун гаровга қўйилиши мумкин. Ижарачи фақат конунда ёки ижара шартномасида назарда тутилган ҳоллардагина ер участкасига бўлган ўзининг ижара ҳуқуқларини ижарага берувчининг розилигисиз гаровга қўйишга ҳақлидир. Ер участкалари ижарасининг шартлари ва муддатлари тарафларнинг келишувига биноан белгиланади ва шартномада мустаҳкамлаб қўйилади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ижарага эллик йилгача бўлган, бироқ ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга берилиши мумкин. Ижарачи ер участкалари ижара шартномасининг амал қилиш муддати тугаганидан кейин шартномани янгилашда бошқа тенг шароитларда устун ҳуқуққа эга. Ер участкаларини ижарага олганлик учун ҳақ тўлаш тартиби ва унинг миқдори ижара

шартномасида қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади. Ер участкаларини ижарага олиш шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви билан, бундай келишувга эришилмаган тақдирда эса, суднинг ҳал қилув қарори билан амалга оширилади.

Ер участкаларини ижарага бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида" 2003 йил 24 мартдаги ПФ-3226-сон Фармони бажариш юзасидан ҳамда қишлоқда ижара муносабатларини кенг ривожлантириш ва ҳақиқий мулкдорларни шакллантириш асосида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилиш жараёнларини жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.11.2003 йил 486-сонли "Қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори" қабул қилинди. У асосида Ер участкаларига бўлган ҳуқуқни ҳамда қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари) билан фермер хўжаликлари ўртасида тузилган ижара шартномаларини қайта расмийлаштириш тартиби тўғрисида Низом қабул қилинди. Унга кўра ер участкалари ширкат хўжаликларига эллик йилгача, бироқ камида ўттиз йил муддатга узоқ муддатли ижарага берилади. Ижара муддати қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади. Ширкат хўжаликларини ер участкаларига бўлган ҳуқуқини ижара шаклига ўтказиш бўйича ишларни ташкил этиш ва амалга ошириш учун қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари тегишли фармойишлар чиқарадилар.

Ер участкасининг харитаси ва намунавий шаклга мувофиқ ижара шартномаси тузилади. Ер ресурслари бўйича туман хизмати ҳокимнинг қарори бўйича фермер хўжалиги билан туман ҳокими ўртасида тузиладиган ер участкасини ижарага бериш шартномасини тайёрлайди, у туман ҳокими ва фермер хўжалиги бошлиғи томонидан имзоланади. Ҳоким билан фермер хўжалиги ўртасида ер участкасини ижарага бериш шартномаси икки нусхада тузилади, биттаси фермер хўжалигига берилади, иккинчиси эса ер ресурслари бўйича туман хизматида сақланади ва ер ресурслари бўйича туман хизматида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

Ер участкалари фермер хўжаликларига ижарага захира ерлардан, юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган қишлоқ хўжалиги ерларидан, қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари ерларидан, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари ерларидан берилади. Илмий-тадқиқот муассасаларига, олий ўқув юртларига, академик лицейларга, касб-хунар коллежларига ва умумтаълим мактабларига ўқув, тажриба, нав синаш мақсадлари учун берилган ерлар ҳамда сув фонди ерлари фермер хўжаликларига берилмайди.

Фермер хўжалигига бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами ҳар

бир шартли бош чорва молига ҳисобланганда:

Деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашаётган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами пахтачилик, ғаллачилик, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинлар етиштириш ҳолатидан келиб чиқиб ҳукумат томонидан белгиланади.

Ер участкаси фермер хўжалигига имкони борича ягона мавзе бўйича, контурлар яхлитлиги сақлаб қолинган ҳолда берилади, участка чегаралари суғориш тармоқлари, коллекторлар, йўллар ва бошқа топографик элементлар бўйича белгиланади. Фермер хўжалигига берилаётган ер участкаси бошқа ердан фойдаланувчиларнинг ерлардан фойдаланиши учун ноқулайликлар вужудга келтирмаслиги керак. Фермер хўжаликлари томонидан ер участкалари ижарага олинishiда мазкур қишлоқ хўжалиги кооперативи, корхона ва ташкилот ҳудудида яшовчи шахслар бошқа тенг шароитларда устувор ҳуқуқдан фойдаланадилар.

Фермер хўжаликларига ижарага берилган ер участкаларидан қатъий мақсадга мувофиқ ҳолда фойдаланилади, улар хусусийлаштирилиши ва олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши, шунингдек субижарага берилиши мумкин эмас. Фермер хўжалигига ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ерлари, экинларидан қишлоқ хўжалиги экинлари шартномасида назарда тутилмаган белгиланган мақсадлардан бошқа мақсадларда фойдаланилиши амалдаги қонун ҳужжатларида ва мазкур Низомда назарда тутилган барча келиб чиқадиган оқибатлари билан биргаликда ижара шартномасининг қўпол равишда бузилиши ҳисобланади.

Фермер хўжалигига берилган ер участкаси фермер хўжалиги қайта ташкил этилганда бўлиниши мумкин.

Туман ҳокими юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерлардан ва (ёки) захирадаги ерлардан ер участкалари ажратиш тўғрисида, шунингдек ушбу ерларни фермер хўжаликларига бериш бўйича танлов ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади. Ҳокимнинг танлов ўтказиш тўғрисидаги қарори маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари бошқаруви (маъмурияти) биноларида осиб қўйилиши керак. Эълонда ер участкасининг ўлчами, жойлашган жойи, сифати ва бошқа тавсифлари, ташкил этилаётган фермер хўжалигининг мўлжалланаётган ихтисослашуви, танловнинг ўтказилиш вақти ва жойи кўрсатилиши лозим. Танлов уни ўтказиш тўғрисидаги қарорлар қабул қилинган вақтдан бошлаб бир ой мобайнида ўтказилиши керак.

Ер участкалари бериш тўғрисидаги ариза ташкил этилаётган хўжаликнинг бизнес-режаси ёки фаолият дастури илова қилинган ҳолда танлов эълон қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида туман ҳокимига берилади. Аризада ариза берувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми, унинг турар жойи, сўралаётган ер участкаси жойлашган жой, унинг майдони, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг номи, мўлжалланаётган ихтисослашув, чорвачилик йўналишидаги фермер

хўжалиги ташкил этишда - боқилиши мўлжалланаётган молларнинг турлари бўйича бош сони, ер участкасини ижарага олиш муддати кўрсатилади. Ер участкалари бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссия фермер хўжалигига ер участкалари бериш бўйича танлов ўтказди.

Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)нинг ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг ер участкалари махсус тузилган комиссия томонидан ўтказилган танлов якунлари асосида туман ҳокимининг қарори билан берилади. Фермер хўжалигига қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари ерларидан ер участкалари бериш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари ерлари фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага:

-қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ёки бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг ваколатли органлари томонидан танлов ўтказилиши йўли билан;

-қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ёки бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари фермер хўжаликларига бериш учун ер участкасини аниқлаши йўли билан берилиши мумкин.

Туман ҳокими томонидан фермер хўжалигига ижарага ер участкаси бериш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими томонидан беш кун муддатда намунавий шаклга мувофиқ ер участкасини ижарага бериш шартномаси тайёрланади. Ер участкасини ижарага бериш шартномасида ерларнинг турлари бўйича ер участкаси майдони, суғориладиган ерларнинг сифати акс эттирилади, ерларни ижарага бериш муддатлари, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланади, шартномани бекор қилиш шартлари ва ер участкасидан фойдаланиш масалалари бўйича низоларни ҳал этиш йўллари кўрсатилади.

Ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш шартномаси туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимида рўйхатдан ўтказилади ва фермер хўжалигининг ер участкасини ижарага олганлик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

Шартнома тузилгандан кейин беш кун муддатда ер ресурслари бўйича туман хизмати вакили чегарадош ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар вакиллари иштирокида фермер хўжалиги бошлиғига ижарага бериладиган ер участкаси чегараларини кўрсатади. Агар чегара сувсиз ерлар бўйлаб ўтса, у ҳолда чегара шудгорланади, бурилиш бурчакларига эса чегара белгилари қўйилади.

Қишлоқ хўжалиги субъектларининг моддий-техника таъминоти бўйича шартномалари

Қишлоқ хўжалик субъектларини моддий-техника (техника, асбоб-ускуналар, машина ва механизмлар, эҳтиёт қисмлар ҳамда тузатиш

материаллари, зооветеренария пунктлари жихозлари) билан таъминлаш фаолиятни ташкил этишнинг муҳим элименти ҳисобланади. Чунки у сиз хўжалик ўз нормал фаолиятини амалга ошира олмайди. Аслини олганда қишлоқ хўжалик тадбиркорлик субъектларини моддий-техника билан таъминлаш товар-бозор мазмунига эга бўлган мулкӣ муносабат бўлиб, у фуқаролик ҳуқуқӣ шартнома асосида амалга оширилади. қишлоқ хўжалигини моддий техника билан таъминлаш шартномаларининг тарафлари сифатида ҳар қандай тадбиркорлик субъекти иштирок этишлари мумкин. Бу каби шартномаларнинг аксарияти олди-сотди, махсулот етказиб бериш, ижара, текинга фойдаланиш каби шартномалар асосида расмийлаштирилади.

Бундан ташқари қишлоқ хўжалик техникаларини тузатиш ва хизмат кўрсатиш, сервис хизмати шартномалари ҳам муҳим ўрин тутати. Бундай шартномалар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига кўмаклашиш мақсадида тузилади. Чунки ҳар қандай техниканинг бузилишларда уни тузатмай, янгисини сотиб олиш мақсадга мувофиқ эмас. шу сабаб иложи борида уни тузатиб фойдаланилса хўжаликнинг умумий даромадига ҳам фойда бўлади.

Айрим ҳолларда муайян ҳудуддаги қишлоқ хўжалик техникасини сақланишини марказлаштириш ва ишга шай ҳолатга келтириш ишлари ҳам амалга оширилиши мумкин. Бундан ташқари барча фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳам бирдай техника сотиб олишга имконияти йўқ. Шу сабаб бу каби моддийликларни ижарага олган ҳолда фойдаланиш ҳам ўз ижобий самарасини бериши аниқ.

Бундан ташқари қишлоқ хўжалик субъектларини моддий-техник воситалар билан таъминлашда лизинг шарномасини ўрни беқиёс. Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигини юқори самарали замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси билан жиҳозлашни рағбатлантириш, қишлоқ хўжалиги машинасозлигини, шу жумладан етакчи хорижий компаниялар иштирокида ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни шакллантириш, қишлоққа етказиб берилаётган тракторлар ва ўрим-йиғим техникаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштиришда лизинг шартномаси бошқа шартномаларга қараганда етакчи ўрин тутмоқда.

Бу каби шартномаларда лизинг берувчи сифатида банк, кредит ташкилотлари, махсус лизинг ташкилотлари лизинг берувчи сифатида фаолият юритмоқда ва бу ўз ижобий самарасини бермоқда. Улар томонидан етакчи миллий ва хорижий компаниялар ишлаб чиқарилаётган замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси (тракторлар ва ўрим-йиғим техникаси) машина-трактор паркларига, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлар)га ва фермер хўжаликларига лизинг бўйича етказиб берилмоқда

Моддий-техника ресурслари етказиб бериш ёки хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) тўғрисида шартномаларни бажариш тартиби шартномага, амалдаги қонунчиликка, Вазирлар Маҳкамасининг 04.09.2003 йил 383-сонли қарори билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштирувчилари билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида»ги

Низомга ва иш-муомала одатларига асосланиб амалга оширилади.

«Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилари билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан моддий-техника ресурслари етказиб бериш ёки хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) тўғрисида шартномаларида қабул қилиш-топшириш далолатномаси тузилган сана шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана деб ҳисобланади, маҳсулот олувчининг манзилига юклаб жўнатилган тақдирда эса - маҳсулот транспорт ташкилоти вакилига топширилган сана мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Ҳисоб-китоб ҳужжатида банк муассасаси штампида кўрсатилган сана хўжаликларнинг маҳсулот (ишлар, хизматлар)га ҳақ тўлаш бўйича мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

Хўжаликларнинг розилиги билан моддий-техника ресурслари муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин. Етказиб берилган ва хўжаликлар томонидан қабул қилинган моддий-техника ресурсларига ҳақ тўланади ва кейинги даврларда етказиб берилиши керак бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳисобига ўтказилади.

Хўжалик муддатлар бузилган ва зарур сифатга мувофиқ бўлмаган ҳолда етказиб берилган моддий-техника ресурсларини қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номдаги товарлар етказиб берилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги етказиб берилмаган товарлар ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва етказиб бермасликлар ўрни тўлдирилиши керак, бундай етказиб беришлар хўжаликнинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича амалга оширилган ҳоллар бундан мустасно.

Ерни механизация воситасида шудгорлаш бўйича бажарилган ишлар ва бошқа хизматлар хўжаликларнинг бевосита масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада бажарилган ишлар (хизматлар) миқдори, уларнинг сифати, шудгорлар чуқурлиги ва бошқа агротехника кўрсаткичлари кўрсатилади.

Моддий-техника ресурслари етказиб бериш, шартномада назарда тутилган хизматларни (ишларни) кўрсатиш хўжаликларнинг ёзма буюртманомаси асосида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда хизмат кўрсатувчи ташкилотлар Хўжаликларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритадилар. Ушбу дафтарларда тақдим этилган буюртманомага мувофиқ маҳсулот етказиб берилиши, хизматлар кўрсатилиши (ишлар бажарилиши) тўғрисидаги ахборот бўлиши керак.

Буюртманома маҳсулот етказиб беришнинг, тегишли хизматлар кўрсатишнинг (ишларни бажаришнинг) тахмин қилинаётган санасидан камида беш кун олдин чопар, почта орқали ёки бошқа тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилот ходими хўжаликда қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

Хўжалик илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд маҳсулот етказиб бериш, тегишли хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) санасини ўзгартиришга ҳақлидир, тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар бу ҳақда буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида бир кун олдин хабардор қилинади.

Қишлоқ хўжалигида қурилиш пудрати шартномаси бино (жумладан уй-жой биносини) иншоотни ёки бошқа объектни қуриш ёки қайта қуриш ҳақида, шунингдек монтаж, созлаш, ишга тушириш ва қурилаётган объект билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа ишларни бажариш ҳақида тузилади. Қурилиш пудрати шартномаси буюртмачи билан пудратчининг ўзаро муносабатини тартибга солувчи асосий ҳуқуқий ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида қурилиш пудрат шартномасининг предмети сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтади.

- янги қурилиш объекти, шу билан бирга «калитни топшириш» шаклида қурилган объект;

- реконструкция қилиш ва амалдаги корхонани техник жихатдан қайта таъмирлаш;

- бино ёки иншоотни капитал таъмирлаш;

- технологик, энергетик ва бошқа махсус жихозларни монтаж қилиш;

- қурилаётган объект билан боғлиқ созлаш ва бошқа ажралмас ишларни бажариш.

ХIII-БОБ. Кишлоқ хужалиги корхоналари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

1§. Кишлоқ хужалиги корхоналарининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қафолатлари.

Бозор иқтисодиётига утишнинг ҳозирги босқичида кишлоқ хужалиги, тижорат ташкилотларининг (корхоналари) ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни ташкил қилиш ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва адолатли фуқароилик ҷамиятини барпо этиш учун илдам қадамлар билан бораётган уз мустақиллигини қулға қиритган давлатимиз учун, муҳим аҳамият қасб этади.

Кишлоқ хужалиги ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорларининг ҳуқуқлари ҳамда уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни ташкил қилиш узининг мураккаблиги ва қуп қирралиги билан характерланади. Биринчи навбатда бу ҳуқуқ ва манфаатларни қонуний тарзда қафолатланганлигида ифодаланади. Кишлоқ хужалиги корхоналари ва тадбиркорлар фаолиятини ҳуқуқий қафолатларини иққиланмасдан туриб, уларни бузилиши тугрисида суз юритиб булмайти. Қонунуда қурсатиб қуйилган ҳолларда қимнингдир ҳуқуқ ва манфаатлари бузилган тақдирдагина бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш механизми ишга солиниши қерак.

Кишлоқ хужалиги ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорларини ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини давлат томонидан қафолатланганлиги қонунчилиқда қенг маънода қурсатиб берилган, жумладан:

- а). тадбиркорлик фаолияти билан шугилланиш,
- б). уз фаолиятини амалга ошириш учун қерак булган мол-мулкни сотиб олиш,
- г). қонунуда қурсатиб берилган тартибда фаолият қурсатишни танлаб олиш,
- д). мулк ҳамда ишлаб қикарган махсулотни ва фойдани тасарруф қилиш,
- е). бошқа ташкилотлар ва бирлашмаларни таъсиридан ҳимоя қилиш.
- ё). махсулотларини сотиш шакли ва услублари ҳамда нархларини белгилаш масалаларини ҳал қилиш,
- ж). мустақил тарзда ходимлар штатини аниқлаш ва белгилаш,
- з). уз фаолиятларини амалга ошириш ходимларни мустақил тарзда ишга қабул қилиш ва ишдан бушатиш,
- п). ходимларга иш ҳақини тулаб бориш,
- қ). ходимларга қонунда қурсатилган муқдатларда таътил бериш,
- л). пенсияга қикқанларга пенсия тулаш ва бошқалар.

Давлат кишлоқ хужалиги соҳасида тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи барча субъектларга бозор, моддий неъматлар, молиявий меҳнат, аҳборот ва табиий бойлиқларга нисбатан тенг ҳуқуқга эга эканлиги, мулк турларидан ва уларнинг ташкилий- ҳуқуқий шаклларида қатъий-назар қенг тармоқда фаолият қурсатишларини қафолатлайди. Баъзи тижорат

ташкilotлари (корхоналари) ва тадбиркорларга тадбиркорлик фаолиятини хавф-хатардан саклаб қолиш учун сугурта жамиятлари ва фирмалар оркали сугурта қилиш имконияти шунингдек, узининг шахсий ор- номусини химоя қилишлик ҳукуки қафолатланади.

Давлат кишлок хужалиги тижорат ташкilotларига (корхоналарига) ва тадбиркорларга банклардаги уз маблагларини узларига маъкул булган шаклларда пул, чек ва бошка тулов воситалари билан ёки пул утказиш йули билан биринчи талабга асосан ҳисоб варақасида булган пул миқдоридан чекланмаган миқдорда хоҳлаганича олиш ҳукукини қафолатлайди.

Кишлоқ хужалиги тижорат ташкilotлари (корхоналари) ва тадбиркорларнинг мулк шаклларида катъий-назар барча банклар ва валюта биржаларида валюта маблагларини шартнома асосида эркин йул билан сотиши ёки сотиб олиш ҳукукига эга. Булар уз мутахассисларини хорижий давлатларга хизмат вазиқаси билан командировкага юбориш, Хорижий давлатларининг фуқароларини йулланма ходим сифатида жалб қилиш билан боғлиқ булган масалаларни мустақил тарзда ҳал қиладилар.

Давлат узининг мутлок вақолатига қирадиган ишлар буйича кишлок хужалиги тижорат ташкilotларининг (корхоналарининг) тадбиркорлик фаолиятига қонунда қурсатиб қуйилган ҳоллардагина қонунчиликка риоя қилиш, жамиятни муқофа ва хавфсизлигини, фуқароларнинг қоғлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, солиқ, нарх-наво масаласини тартибга қолиш, ижтимоий химояланишни қафолатлаш, экология, тозалик ва ёнгинга қарши қурашиш қоидаларига риоя қилиш масалаларига аралашади. Бошка масалаларда аралашмайди.

Қонунда махсус қурсатиб қуйилган ҳоллардан ташқари давлат бошқаруви органлари томонидан тижорат ташкilotлари (корхоналари) ҳисобидаги пул маблагларидан судсиз олишга қонунчилик йул қуймайди. Агар тижорат ташкilotлари (корхоналари) давлат бошқаруви ва назорат қилувчи органларнинг ҳаракатидан қорози булсалар, улар бу органларининг ҳаражатлари (қарорлари) устидан судга шиқоят қилишлари мумкин.

Давлат бошқаруви ва назорат олиб қорувчи органларнинг мансабдор шахсларнинг қайри-қонуний ҳаракатлари натиқасида қорхоналарга зарар етқазилган булса, етқазилган зарар билан олиниши лозим булган лекин олинмай қолган қойда ҳам тула ҳажмда ундириб олиниши қерак. Булардан ташқари кишлок хужалиги тижорат ташкilotлари (корхоналари) ва тадбиркорнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш қорасидаги бошка қафолатлари ҳам қонунчиликда белгилаб қуйилган. Айниқса бу қорада ҳусусий тадбиркорларнинг манфаатларини химоя қилишга катта аҳамият берилмоқда. Бунга асосий сабаб, қуп йиллар мобайнида мамлақатимизда ҳусусий мулкни ман қилинганлиги ва асосий эътибор давлат мулкига қаратилиб, шахсий мулк ва уни химоя қилиш масаласига етарли қаражада эътибор берилмай қелинганликдир.

Бугунги қунда бошка мулклар қатори ҳусусий мулк ҳам ҳарқандай тажовуздан етарли қаражада химоя қилинган. Ҳуқуқни химоя қилувчи

барча органлар хусусий тадбиркорларни ҳар қандай тажоввузликларидан (талон-тарож килиш, фирибгарлик, узларининг манфаатларига тугри келмайдиган қарор қабул қилишга мажбурлаш, хусусий қорхоналарда меҳнат фаолиятини амалга оширмайдиган шахсларни ишга қабул қилишга мажбурлаш ва бошқалар) ҳимоя қилади.

Кишлоқ ҳужалиги тижорат ташкилотлари (қорхоналари) ва тадбиркорлар уз ҳуқуқлари шу жумладан ҳимояга бўлган ҳуқуқларини узлари уз хоҳишлари бўйича ва қонунда қурсатилган тартибда тасарруф қиладилар. Аграр соҳасида ҳам ҳуқуқни бузилиш ҳоллари руй берганда бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатини давлат томонидан ҳимоя қилишлик юзага келади.

Қонунчилик бўйича ман қилинган ҳаракатларни бажариш, узига юқлатилган бурчларни бажармаслик, ҳуқуқни бузилганлигидан қалолат беради. Ҳуқуқни бузишлик қандай бўлишидан қатъий-назар, қайриқонуний ҳаракат ҳисобланади. Ҳар қандай ҳуқуқни бузишлик, уз моҳиятига қура юридик факт ҳисобланади ва ҳуқуқни бузган шахсга нисбатан маълум ҳуқуқий оқибатларни қелтириб қикаради.

Кишлоқ ҳужалиги соҳасида давлат томонидан урнатилган ҳуқуқий тартибга тажовуз қилишга қаратилган айбдор шахснинг ҳаракати бу соҳада ҳуқуқни бузишлик ҳисобланади. Кишлоқ ҳужалиги ҳуқуқи бу ҳуқуқи соҳасининг субъектларига ҳуқуқ нормаларини тугри бажаришга қаратилган мажбуриятларини қузда тутати. Кишлоқ ҳужалиги нормаларини бажаришлик борасидаги талабларнинг бу ҳуқуқ нормаларида белгилаб қуйилган. Белгилаб қуйилган талабларнинг бузилиши, бу ҳуқуқ соҳасидаги ҳуқуқни бузишга қаратилган ҳаракат ҳисобланади.

Кишлоқ ҳужалиги соҳасидаги ҳуқуқни бузишлик, турли ҳуқуқ (жиноят, фуқаролик, маъмурий) соҳаларида қузда тутилган санақияларни қулашига сабаб бўлади. Бу соҳада ҳуқуқни бузишлик юридик факт ҳисобланиб, қавобгарликни қелтириб қикарганлиги учун эмас, балқи қишлоқ ҳужалигига оид ҳуқуқий нормаларни бузганлиги учун қайриқонуний ҳисобланади. Шунинг учун қишлоқ ҳужалиги ҳуқуқини муқтақил ҳуқуқ соҳаси эканлигини инқор этиб бўлмайди. Бу ҳуқуқ соҳаси бошқа ҳуқуқ соҳалари қабн узининг предмети, услублари, тамоиллари ва манбаларига эга. Леқин, қишлоқ ҳужалиги соҳасидаги ҳуқуқни бузишлик бошқа ҳуқуқ соҳаларидагидай турли ҳуқуқий оқибатларига олиб қелади ва турли ҳуқуқ соҳаларига тегишли бўлган санақияларни қуллашга сабаб бўлади.

Кишлоқ ҳужалиги тижорат ташкилотлари (қорхоналари) ва тадбиркорларни ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини қонуний қафолатлари, ҳужалиқ, соқал ва бошқа фаолиятларни ташқиллаштириш мақсадида уларни аниқ қилиб юридик қихатдан муқтаҳкам қилиб белгилаб қуйилганлиги қалолат беради. Кишлоқ ҳужалиги тижорат ташкилотлари (қорхоналари) ва тадбиркорларни қонуний тарзда белгилаб қуйилган ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларига риоя қилмаслик ва бажармаслик аграр соҳасидаги ҳуқуқ бузарлик бўлиб уни бузган шахсга нисбатан ноҳуш ҳуқуқий оқибатлар қелтириб қикарадиған юридик факт ҳисобланади. Бундай

нохуш ҳукукий окибатлар кишлок хужалиги тижорат ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркор-ларнинг ҳукук ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайдиган юридик механизм мавжуд бўлгандагина вужудга келади.

2§. Кишлоқ хужалиги корхоналари ва тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган юридик механизмнинг умумий тавсифи.

Бозор муносабатларига утиш , уз навбатида кишлок хужалиги тижорат ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорлар олдига маълум талаблар қуядики, булар томонидан узларига юклатилган мажбуриятларни ва қонуний бурчларини лозим даражада бажармасликлари улар учун қуп микдорда зарар келтириши мумкин. Бу ҳолатнинг узи уларни объектив тарзда қонунчилик талабларига риоя қилишга ва бажаришга мажбур этади. Лекин шундай булсада кишлок хужалиги тижорат ташкалотлари (корхоналари) ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини уз вақтида ҳимоя қилишнинг ҳуқукий механизмини ташкилотлаштиришни шундай жорий қилиш керакки, бу механизмни хоҳлаган вақтда тадбир қилиш имтиқониятига эга булиш керак.

Кишлоқ хужалиги соҳасида қонунчиликка риоя қилишни таъминлаш уз навбатида ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатни ҳимоя қилиш механизми ва қораларининг тизимига риоя қилишга киритилган булиши керак. Кишлоқ хужалиги соҳасида ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларни ҳимоя қилишнинг механизми ва қораларини амалга ошириш, яқин қунларгача ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг прокуратура, суд, хужалик судлари фаолиятига киритилган. Бу органлар кишлок хужалиги соҳасида қорхонолар ва тадбиркорларни ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган давлатнинг ҳуқукий механизмини тадбир этиш борасида муҳим роль уйнаб келинган. Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг қурсатиб келган фаолиятларини қамситиб булмайди. Аммо бозор муносабатларига утишлик кишлок хужалиги тижорат ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорларини ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни янги ҳуқукий-механизмини ташкил қилишни ҳаётий зарурият эканлигини такозо этди. Булар жумласига аудиторлик ва сугурта фирмаларини қурсатишимиз мумкин.

Аудиторлик фирмаси бу - бозор муносабатлари шароитида хужалик юритувчи субъектларни мулкый ҳамда молиявий ҳолатини объектив тарзда тасдиқлайдиган мустақил гувоҳдир. Аудиторлик фирмаси тижорат асосида кишлок хужалиги тижорат ташкилотлари ни ва тадбиркорларнинг мол-мулкни баҳолайди ва давлат руйхатидан утганлик тугрисидаги хужжатларга қушиб қуйиш ва тақдим этишлик учун тегишли хужжатлар беради. Аудиторлик фирмалар узларининг берган ахборотлари учун мулкый жавобгардирлар.

Тижорат ташкилотлари ва тадбиркорлар бир-бирлари билан турли хилдаги битимларни тузиш жараёнида томонларни тулов қобилиятига эга эканлиги тугрисида аудиторлик фирмалари томонидан берилган маълумотномаларга асосланадилар. Шу билан биргаликда аудиторлик фирмаси ҳужалик юритувчи субъектлар уртасида тузилган шартномалардан келиб чиққан мажбуриятларни бажарилишини таъминлаш учун қанолат берувчи шахс сифатида ҳужалик муносабатларида қатнашиши мумкин.

Тарафларнинг мулкӣ ахволи тугрисида аудиторлик маълумотномаси билан таъминланган шартнома бажарилмай қолган ҳолларда айбдорлар томонидан ундириб олиниши керак бўлган неустойкани кейинчалик умумий ёки ҳужалик судлари орқали улардан ундириб олиш шarti билан тулаши мумкин. Аудиторлик фирмалари келишиб туриб, узининг бошқа функциялари қатори аудиторлик сертификати билан ҳам шугилланувчи аудиторлик Паллатасига қушилишлари мумкин.

Қишлоқ ҳужалиги тижорат ташкилотлари ва тадбиркорларни ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш вақолатига эга бўлган ташкилотлардан яна бири бу- сугурта фирмалари (жамиятлари) дир. Сугурта фирмалари тижорат қорхоналари ва тадбиркорларни вақиллиги асосида уларнинг фаолиятларини сугурта қилиш билан шугулланувчи мустанкил тижорат ташкилоти ҳисобланади. Қишлоқ ҳужалиги тижорат ташкилотлари ва тадбиркорлар узларининг тузган шартномаларини (қонтрақтларини) сугурта қилиш фирмалари (жамиятлари) орқали сугурта қилшлари мумкин.

Умумий қоида бўйича сугурта фирмалари қишлоқ ҳужалиги қорхоналари ва тадбиркорларни тузган шартномалари (битимларини) битим иштирокчиларини мулкӣ ҳамда молиявий ахволи тугрисида аудиторлик фирмалар томонидан берилган маълумотнома бўлган тақдирдагина сугурта қиладилар. Агар сугурта қилинган шартнома бажарилмаса, бундай ҳолда сугурта фирмаси (жамияти) шартномани бажарилмай қолиши натижасида етқазилган зарарни сугурта қилган тарафга тулайди ва уз навбатида аудиторлик фирмаси билан биргаликда шартнома шартларини бузган тарафга нисбатан судга даъво қузгатади.

Сугурта товар эгаларини уз товарларининг бақосини пасайиб қетиши натижасида йуқолиб қетишини олдини олиш ва ҳимоя қилиш борасида ҳам қулланилади. Сугурта фирмалари дехқон ҳужалиги соҳасидаги фермалар ҳужалиқлар қишлоқ ҳужалиги тижорат ташкилотлари ва тадбиркорларнинг ижтимоий ҳолатларини бир меёрда сақлаб туриш, тижорат ва ишлаб чиқариш фаолиятларини молиявий жихатдан таъминлаб туриш предметига нисбатан улар билан шартномалар тузиши мумкин.

Қишлоқ ҳужалиги тижорат ташкилотлари ва тадбиркорларни ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи органлардан яна бири-- ҳақамлар судларидир.

Ҳақамлар судлари тарафлар томонидан шартномага асосан ихтиёрий равишда сайланадиган ҳамда ҳужалиқ судларига тааллуқли бўлган ҳужалиқ

низоларини куриб хал килувчи нодавлат органлардир. Хакамлар судлари куп йиллар мобайнида фаолият курсатиб келаётган булишларига карамасдан, бозор муносабатларига утиш даврида буларнинг фаолияти янада ривож топди.

Хакамлар судларининг давлат органлари хисобланадиган умумий ва хужалик судларининг ютуклари шундан иборатки, хакамлар судининг судьяларини тарафларнинг узлари сайлайдилар. Хакамлар судининг судьяларини сайлаш механизми турлича булиши мумкин. Лекин кандай шаклда сайлашдан катъий - назар тарафларнинг розилиги талаб этилади. Агар тарафлар рози булмаса, хакамлар суди ишни курулмайди. Низони хакамлар судига утказиш тарафларнинг келишуви билан расмийлаштирилади.

Хакамлар суди томонидан курилган иш юзасидан чиқарган қарорига низоли ҳукукий муносабатининг тарафлари рози булсалар, у ҳеч қандай тасдиқлашликни талаб этмайди ва тарафлар ҳам банклар ва бошқалар томонидан бажаришлик учун мажбурий ҳаракатга эга булади. Агар низоли ҳукукий муносабатининг тарафларидан бири ёки иккаласи хакамлар судининг чиқарган хал килув қарорига қушилмасалар, шунда улар бу масала юзасидан умумий ёки хужалик судига мувожабат қилишлари мумкин.

Қишлоқ хужалиги тижорат ташкилотлари ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш қоралари ва механизмларининг тизимидан уларни қишлоқ хужалиги соҳаларидаги хужалик биржалари билан шартнома тузишда ҳам фойдаланилади. Биржалар битимларини расмийлаштирадилар, биржалар доирасида биржа арбитрлари (хужалик судлари) фаолият қурсатади. Биржалар бирлашувидан ташкил топган биржа Паллаталарини ташкил этишдан асосий мақсад тижорат ташкилотлари ва хужалик биржаларининг аъзолари ҳисобланган тадбиркорларни ҳимоя қилишга қаратилганлигидир. Булар ҳам қонунда белгиланган қўйилган ваколат доирасида фаолият қурсатиб тижорат ташкилотлари ва тадбиркорларни бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини юқорида қурсатиб қўйилган тартибда ҳимоя қиладилар.

Битимларни биржалар томонидан қўйхатга олиш маълум маънода биржаларда тузилган шартномаларини ҳақиқий ва қонуний булишлигини таъминлайдиган қаролатлардан бири булиб ҳисобланади. Битимларни биржаларда қўйхатга олиш масаласи ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Битимларни биржаларда қўйхатга олиш, битим тузилган жойни ва битимнинг мазмуни шунингдек, битим тузган шахслар туғрисидаги маълумотларни туғрилигидан қаролат беради. Қўйхатга олганлик туғрисидаги ҳужжатда битимнинг мазмуни ва уни иштирокчилари туғрисидаги ва бошқа маълумотлар, тарафларнинг қайси бири томонидан битим қўйича узига юқлатилган мажбуриятлар бажарилмаган ҳолларида муҳим роль ўйнайди.

3§. Кишлоқ хужалигига оид конунларни бажарилиши устидан прокурор назорати.

Прокуратура органлари барча соҳаларда амалдаги конунларни аниқ ва тугри бажарилиши устидан назорат қилиш борасидаги уз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини 118-121 моддасидига, шунингдек “Прокуратура тугрисидаги” конунга асосланиб амалга оширилади. Бу конуннинг янги тахрири 2001 йил 29 августда қабул қилинган¹.

Кишлоқ хужалиги тижорат ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда конуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган юридик механизмлар тизими ичида прокурор назоратига муҳим роль ажратилган. Прокуратура бозор муносабатларига утиш даврида асосан уз фаолиятини тор маънода факат давлат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратиб келган бўлсада ҳозирги бозор муносабатларига утиш даврида кишлоқ хужалиги ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорларнинг қайси бир ташкилий-ҳуқуқий шаклда хужалик юритишларидан қатъий-назор буларининг ҳуқуқ ҳамда конуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг асосий институтлардан бирига айланди.

Кишлоқ хужалиги соҳасида бу соҳага оид бўлган конун талабларига риоя қилишни таъминлаш уларни тугри бажарилиши устидан назорат қилиб бориш прокуратура органларининг олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 118-моддасида бу борада шундай дейилади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида конунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади.

Прокурорлар кишлоқ хужалиги соҳасига оид бўлган конунчиликка риоя қилишни таъминлаш ва уларни аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат олиб бориш билан чекланмасдан, кишлоқ хужалиги тижорат ташкилотлари(корхоналари) ва тадбиркорларнинг кенг қамровли (шахсий, мулкӣ, ташкилий) ҳуқуқ ҳамда конуний манфаатларини ҳам ҳимоя қилади. Шунинг учун кишлоқ хужалиги соҳаси бўйича узларига юқлатилган вазифаларни мувоффақиятли равишда амалга оширишда прокурорлардан бу соҳанинг узига ҳос хусусиятларини яхши узлаштириб олишликни талаб этди.

Кишлоқ хужалиги соҳасига оид бўлган конунларни аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат олиб боришлик прокуратура органлари томонидан амалга ошириладиган фаолиятнинг асосий, мустакил йуналишларидан бири ҳисобланди. Ана шу назоратдан прокурор назоратини амалга оширувчи прокурорлар ихтисостирилади, булар учун юридик ва услубий укув дарсликлар ва кулланмалар тайёрланади, қуйи прокурорлар учун бу соҳада нималарга эътибор бириш кераклиги борасида

¹ "Собрание законодательства Республики Узбекистан" , 2001 г., N 20

юкори прокурорлар, томонидан умумлаштирилган ҳолда берилган курсатмалар чоп этилади.

Кишлоқ хужалиги соҳасида шу соҳага оид булган ташкилотлар (корхоналар) ва тадбиркорларга уларга тегишли булган экинларни пайхон килганлик, молларни угирлаб кетиш ёки улиб колиши, кишлоқ хужалиги соҳасидаги ишларни амалга ошириш учун техника воситаларини мойлаш ва ёкилги билан таъминлаш махсулотларини камомодлиги ва бошқа ҳолатлар буйича етказилган зарарни ундириб олишлик масаласи нафакат фукаролик, шу билан биргаликда махсус қонунлар билан тартибга солинади. Кишлоқ хужалиги буйича прокурор назоратини ихтисослашган асосда амалга оширишлик, табиатни муҳофаза қилиш, ер ва меҳнат ҳуқуқий муносабатларига ҳам тадбир этилади.

Ҳуқуқни бузилиш ҳолларини олдини олишга қаратилган прокурор фаолиятининг шакллари, қонунчиликнинг барча соҳасида қандай шаклда амалга оширилса, кишлоқ хужалиги соҳасида ҳам шундай шаклда амалга оширилади. Прокурор кишлоқ хужалиги тижорат ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатини ҳимоя қилишни амалга оширишда ҳуқуқни бузилиш ҳолларини олдини олиш, эҳтиёт чорасини қуриш, тавсияномалар қиритиш, протест қелтириш, маъмурий, интизомий чора қуриш, ишлари буйича ёки жиноий иш қузғатиш тугрисида қарор қилариш, судга даъво қузғатиш қаби процессуал воситалардан фойдаланилади.

Прокурор назорати қонуни бузилишига қарши қураш олиб боровчи давлат механизми ичида алоҳида урин эгаллайди. Қонунни бузилиш ҳолларини олдини олиш ва бунга қарши қурашиш борасидаги прокурор назорати, қонунчиликни барча тизими буйича бир хилда амалга оширилади. Қонунларни бузилишини олдини олиш, уларни аниқ ва тугри бажарилишини қузатиб бориш шакллари борасидаги прокурор фаолиятини қайси йуналишлар билан амалга оширилишини белгилайдиган ҳуқуқ нормалари умум ҳуқуқий маънода мустақил прокурор назорати деб аталади.

Кишлоқ хужалиги соҳасида давлат бошқаруви органлари томонидан қонунчиликни аниқ ва тугри бажарилиши устидан прокурор назоратини муваффақиятли равишда амалга ошириш биринчи навбатда прокуратура ходимларининг қонунни бузиш ҳолларини олдини олиш ва бунга қарши қураш олиб бориш шакллари яхши узлаштириб олганликларига боғлиқ булса, иккинчидан, прокуратура ходимларининг ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг узига хос хусусиятларини ва бу соҳага тегишли булган қонунларини яхши узлаштириб олганликларига боғлиқ булади. Лекин бу соҳа буйича прокурорларнинг прокурорлик назорати борасида умумлаштирилган ҳолда берган маълумотларидан шуни аниқлаш мумкинки, прокурорлар томонидан кишлоқ хужалиги соҳасидаги қонунчиликни узиза хос булган хусусиятларини етарли даражада қилмаслик натижасида бу қонунларни нотугри тадбир этишга сабаб булаётганлигини амалиётдан қилиб олиш мумкин.

Прокуратура ходимлари кишлок хужалиги соҳаси бўйича прокурор назоратини амалга оширишда бу соҳадаги корхоналарнинг локал актларига етарли даражада ўз эътиборларини қаратишмайди. Бунга асосий сабаб, прокуратура органлари фақат давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қабул қилинган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар (қарорлар) ўстидан назорат олиб боради деб ҳисоблаб қелинганликдандир. Ваҳоланки, ҳозирги кунда кишлок хужалиги тижорат ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорларнинг хужалик-ишлаб чиқариш айниқса, социал фаолиятларининг муҳим қисми локал нормалар билан тартибга солинади. Шунинг учун мустақил хужалик юритувчи кишлок хужалиги тижорат ташкилотлари (корхоналари)ни ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашлиқни, бугунги кунда амалдаги қонунчилик асосида қабул қилинган, локал нормалари ҳисобга олмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди.

Прокурор назорати амалиётини умумлаштириш шунинг қурсатадики, прокурорлар, кишлок хужалиги соҳасида хусусий секторни тезкорлик билан ривожланиб бориши ва муҳим уринини эгаллаб боришига қарамасдан, кишлок хужалиги соҳасида тадбиркорларни ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масаласига етарли даражада эътибор бермайдилар.

Кишлок хужалиги соҳасида давлат бошқаруви органлари томонидан қонунчилиқни аниқ ва тўғри бажарилиши ўстидан прокурор назоратини амалга оширишни бушаштириш мумкин эмас. Бозор иқтисоди шароитида кишлок хужалиги соҳасида давлат бошқаруви органларининг ҳуқуқ ва бурчлари ўзгарган бўлишига қарамасдан уларни қонунга ҳилоф равишда қарор қабул қилиши, кишлок хужалиги тижорат ташкилотлари (корхоналари)ни фаолиятига аралашушга ҳаракат қилиши, ўзларининг қабул қилган қарорларини бажаришга мажбур этиш ҳоллари амалиётда ўчраб туради. Кишлок хужалиги соҳасида ихтиёрий равишда кишлок хужалиги тижорат ташкилотлари (ташкilotлари) , бирлашмаларини ташкил қилиш, тамоилини бузилиш ҳоллари амалиётда ўчрайди.

Кишлок хужалигида баъзи бир давлат бошқаруви органлари ўзларининг бўйруқлари билан ишлаб чиқариш бошқармаларини ташкил қилиб, уларни уставини тасдиқлайдилар. Бу масалага ва бошқа қонунчилиқни бузилиш ҳолларига ҳамма вақт ҳам прокуратура органлари етарли даражада эътибор беравермайдилар. Бу эса кишлок хужалиги соҳасида қонунчилиқни янада мустаҳкамлаш, кишлок хужалиги тижорат ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорлар фаолиятини ўзига ҳос хусусиятлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олиш ва кишлок хужалиги соҳаси бўйича қабул қилинган қонун ҳамма меъёрий жиҳатларни чуқурроқ ўрганиш масалаларига прокуратура ходимлари томонидан қўпроқ эътибор беришлиқни талаб этди.

4§. Кишлок хужалиги корхоналари ва тадбиркорларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний - манфаатларини суд тартибида ҳимоя қилиш.

Кишлок хужалиги тижорат ташкилотлари (корхоналари)- нинг ва тадбиркорларнинг ҳуқук ҳамда қонун билан қуриладиган қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг юридик механизми тизимида умумий ҳамда ҳужалик судларининг фаолияти асосий уринни эгаллаб келмоқда. Бунга асосий сабаб бозор иқтисодиётига утиш шароитида кишлок хужалиги тижорат ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорларнинг ҳуқук ҳамда қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш доирасининг янада кенгайиб кетганлигидир.

Ҳозирги кунда ҳужалик судларига таалукли бўлган низоли ишлар амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Ҳужалик Процессуал Кодексининг 23 -моддасида қурсатилган. Ушбу моддага қура ҳужалик судларига қуйидаги ишлар тааллуқлидир:

- 1). Иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар (корхона, муассаса, ташкилотлар), юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яққа тартибдаги тадбиркор макомини қонунда белгилаб қуйилган тарзда олган фуқаролар уртасидаги, фуқаролик, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар;
- 2). Иқтисодиёт соҳасида ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқларини вужудга келиши, узғариши ёки бекор бўлиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган фактлар (юридик аҳамиятга эга бўлган фактлар)ни аниқлаш тугрисидаги ишлар;
- 3). Ташкилотлар ва фуқароларнинг банкротлиги (қасод бўлиши) тугрисидаги ишлар;

Қонун билан ҳужалик судларига таалукли ишлар жумласига бошқа ишлар ҳам киритилиши мумкин. Ҳужалик суди узига таалукли ишларни, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва ташкилотлари, шунингдек чет эл ташкилотлари, чет эл инвестициялари иштирокидаги ташкилотлар, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокида қуради.

Узаро боғлиқ бўлиб, баъзилари ҳужалик судига, бошқалари эса умумий судга таалукли бўлган бир неча талаб бирлаштирилганда, ҳамма талаблар умумий судда қурилиши керак.

Юқоридаги моддадан қурииб турибдики, ҳужалик судлари иқтисодиёт соҳасида қорхона муассаса, ташкилот ва тадбиркорлар уртасидаги низоларни қуриб хал қиладилар. Иқтисодий низолар деганда ишлаб чиқариш ва хизмат қурсатиш соҳаси бўйича келиб чиққан низолар тушунилади. Тадбиркорлик фаолияти амалга ошириш билан боғлиқ бўлган барча низолар ҳам ҳужалик судларида қуриб хал қилинади.

Ҳужалик судлардан фарқи уларок бўлган умумий судлар, тарифлардан ҳеч бўлмаганда биттаси тадбиркорлик фаолияти билан шугулланмайдиган фуқаро бўлган низоларга доир ишларни қуриб хал қилади. Бу низолар моддий ҳуқуқни турли соҳаларидан, фуқаролик, оила, меҳнат ва бошқалардан келиб чиқади. Бундан ташқари қонунда қурсатиб қуйилган органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти ҳаракатлари (қарорлари) устидан

берилган шикоятларни, ҳамда алохида тартибда куриб хал килинадиган ишларни ҳам умумий судлар куриб хал килади.

Кишлок хужалиги тижорат ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорлар суд химояси учун судга муроажат килиш ҳуқуқларини узлари мустакил тарзда тасарруф киладилар яъни амалга оширадилар. Суд химояси учун судга муроажат килиш даъво асосида амалга оширилади. Даъво бузанинг бузилган ёки имзолашилаётган ҳуқуқини ёки конун билан курикланадиган конуний манфаатини суд оркали химоя килиш мақсадида судга муроажат қилган шахснинг талабидир.

Кишлок хужалиги тижорат ташкилотлари (корхоналари) ва тадбирларни ҳуқуқ ҳамда конуний манфаатларини суд оркали химоя килиш қўйидаги йуллар билан амалга оширилади: а) ҳуқуқни тан олиш; б) ҳуқуқ бузулганлигига қадар мавжуд бўлган ҳолатни тиклаш; в) ҳуқуқни бузулишига хавф тугдирадиган ёки ҳуқуқни бузадиган ҳаракатларни олдини олиш ва бундай ҳаракатларга чек қўйиш; г) бурчни натура шаклда бажаришга мажбур этиш; д) етказилган зарарни, неустойка (жарима ва пеня) ларини ундириш; е) ҳуқуқни бузилишини тухтатиш ёки тугатиш; ё) фуқароларни узини узи бошқариш органлари ҳамда давлат бошқаруви органлари томонидан қабул қилинган амалдаги конунчиликка зид бўлган меъёрий ҳужжатларни ҳақиқий эмас деб топиш; ж) конунда курсатилган бошқа воситалар билан.

Кишлок хужалиги тижорат ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорлар, узларининг ор- номуси, шани, кадр қиммати, ва иш билармонлик нуфузига путур етказишга қаратилган маълумотларни таркатган шахс уларни қанчалик ҳақиқатга тугри эканлигини исботлай олмаса, бу маълумотлар тугрисида радия беришликни суддан талаб қилишга ҳақлидир.

Радия беришлик тартибини суд фуқаролик конунчилигига мувофиқ равишда белгилайди. Радия беришлик тугрисида суднинг чиқарган ҳал қилув қарорини бажармаса, бундай маълумотларни таркатган шахсга суд жарима солишга ҳақли. Жарима фуқаролик процессуал конунчилигида белгилаб қўйилган тартибда ва миқдорда солинади. Солинган жарима нотугри ахборот таркатган шахсни суд ҳал қилув қарорида курсатиб қўйилган ҳаракатларни бажаришдан озод қилмайди.

Кишлок хужалиги тижорат ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорни бузилган ҳуқуқлари ва конуний манфаатларини химоя қилиш мақсадида даъво қўзғатиш ва даъво талабларини куриб чиқиш тартиби хужалик процессуал ва фуқаролик процессуал конунчилиги билан белгиланади. Лекин корхоналар ва тадбиркорларни жавобгарларга нисбатан билдирилган моддий ҳуқуқий талаблари қишлоқ хужалиги ҳуқуқи нормаларига асосланади. Қишлоқ хужалиги тижорат ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорларни қишлоқ хужалиги соҳасига оид ҳуқуқлари ва конуний манфаатларини суд оркали химоя қилиш, шу соҳадаги ҳуқуқ бузилишларини куриб хал қилиш асосида амалга оширилади. Ана шу нуктаи- назардан олиб қарайдиган бўлсак, қишлоқ хужалиги тижорат

ташкilotлари (корхоналари) ва тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш борасида қишлоқ ҳужалиғи ҳуқуқий муносабатларини ҳуқуқий жихатдан тартибга солишни узиға ҳос ҳусусиятлари ва уларни соҳаларини аниқлаб ҳисобға олиш зарур.

Ишқи қишлоқ ҳужалиғи тижорат ташкilotлари (корхоналари) ва тадбиркорларнинг иштирокида қуриб ҳал қилиш жараёнида судлар факатгина ҳужалиқ процессуал ва фуқаролик процессуал қонунчилиқларига асосланибгина қолмасдан, шу билан биргалиқда қишлоқ ҳужалиғи қонунчилиғига, қишлоқ ҳужалиғига оид қонунларни тадбиқ этишнинг узиға ҳос ҳусусиятлари борасида юқори судларнинг тушунтиришлари ва раҳбарий қурсатмаларига амал қилади. Юқори судларнинг қишлоқ ҳужалиғига оид қонунчилиқни тадбиқ этишнинг узиға ҳос ҳусусиятлари борасида берган тушунтиришлари ва раҳбарий қурсатмалари низоларда қишлоқ ҳужалиғи қорхоналари ва тадбиркорларни иштироқига боғлиқдир. Уларнинг жавобгарларга нисбатан билдирилган моддий- ҳуқуқий талабларини тез ва тугри ҳал қилиш асосан қишлоқ ҳужалиғи ҳуқуқи нормаларини тугри тушуниш ва тадбиқ этишга боғлиқ бўлади.

Умумий ҳамда ҳужалиқ судларининг амалиёти шуни қурсатмоқдаки, қишлоқ ҳужалиғи тижорат ташкilotлари (қорхоналари) ва тадбиркорларнинг иштирокида содир бўлаётган ҳуқуқни бузилиши ҳолларини қупчилик қисми қишлоқ ҳужалиғи соҳасига оид қонунчилиқни нотугри қуллаш натижасида юз бермоқда. Бунга мисол қилиб маҳсулотларни қайта ишлайдиган турли қорхоналар билан қишлоқ ҳужалиғи қорхоналари уртасида тузиладиган ҳужалиқ шартномаларини уз вақтида тузмаслик ёқи бу шартномаларни тузиш тартибига риоя қилмасдан, саводсизларча тузишлиқ ҳолларини қурсатишимиз мумкин. Бундай ҳолатлар топширилган маҳсулот учун ҳақ тулаш бўйича ҳисоб- қитоб қилишда ҳаридор ҳақиға хиёнат қилишга сабаб бўлади.

Қишлоқ ҳужалиғи тижорат ташкilotлари (қорхоналари) ва тадбиркорлар билан тузиладиган ҳужалиқ шартномаларини тузишдаги қамчиликларга Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган "Ҳужалиқ юритувчи субъектилар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базасини яратиш тугрисида"ғи қонун барҳам беради. Чунки бу қонун ҳужалиқ шартномаларини қандай тартибда тузиш, нималарга эътибор бериш, шартномаларни уз вақтида бажариш ва уларни бажармасликларни ҳуқуқий оқибатлар батафсил баён қилиб берилган¹.

Қишлоқ ҳужалиғи тижорат ташкilotлари томонидан қишлоқ ҳужалиғи маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун давлат томонидан берилган имтиёзлардан юридик жихатдан қонунға ҳилоф равишда нотугри фойдаланиш, уз навбатида ажратилган пулларни анчасини асоси йуқ бўлишиға олиб қелади. Бугунқи қунда қишлоқ ҳужалиғи тижорат ташкilotларининг иштирокида ҳисоб қитоб ишлаб чиқариш ва молиявий

¹ "Ҳалқ сузи" рузиномаси. 1998 йил 19 сентябрь.

ва бошка бир катор ҳукукий муносабатлар борасида муҳим хусусиятлари борки, бу хусусиятларни ҳисобга олмасдан туриб уларнинг мулкӣ ва бошка ҳуқуқлари ва қонунӣ манфаатларини тулик ҳимоя қилишни амалга ошириб бўлмайди. Бу хусусиятларни билмаслик ёки уларни инкор этиб тан олмаслик, судлар томонидан маълум ҳатоликларга йул қуйилишига олиб келадиган асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Хужалик судлари қишлоқ хужалигида ишлаб чиқаришни бошқариш соҳаси, янги ташкил қилинадиган қорхоналарни руйхатдан утқизиш билан боглик бўлган ҳатоликлар тузатиш борасидаги даъво аризаларини ҳам қуриб ҳал қиладилар. Бу даъво аризалари билан судга мурожаат қилишга асосий сабаб, маҳаллий маъмурий органларнинг хизмат мансабларини суистеъмол қилиш ва қишлоқ хужалиги қонунчилигини етарли даражада билмасликлари ҳисобланади.

Ҳозирги кунда қишлоқ хужалиги тижорат ташкилотлари (қорхоналари) билан боглик иқтисодий низолар ичида, уларнинг қупчилик қисмини бошка ташкилотлар ва қорхоналар билан тузилган шартномавий алоқаларни бузилиши натижасида вужудга келадиган низолар ташкил қилади. Бундай низолар бозор иқтисодиётига утиш ва уни мустақамланиб бориши билан қупайиб боради. Чунки бундай шароитда хужалик шартномаси хужалик алоқаларини ҳуқукий ҳамда иқтисодий тартибга солиб бориш борасида асосий хужжат ролини уйнайди.

Ҳозирга шароитда қишлоқ хужалик тижорат ташкилотлари (қорхоналари) ва тадбирқорларини ҳуқуқ ҳамда қонунӣ манфаатларини “Банкротлик тугрисидаги Ўзбекистон Республикасининг” Қонунига мувофиқ ҳимоя қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу қонун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодексига мувофиқ фаолият қурсатаётган барча қорхоналарни қасод бўлиши яъни банкротга учраганлик ҳолларига ҳам жорий қилинади. (3-модда)

Ташкилотлар ва фуқароларнинг банкротлиги тугрисидаги ишлари хужалик суди томонидан Хужалик-процессуал Кодексида назарда тутилган қоидалар бўйича, банкротлик тугрисидаги қонунда белгиланган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда қурилади

Қишлоқ хужалиги тижорат ташкилотлари (қорхоналари) ва тадбирқорларни банкротга учради деб суз юритиш мумкин, қачонки улар, қредитордан олган товарлар, бажарган ишлари қурсатган хизматлари учун қредитор томонидан талаб қилинаётган пулни улар тулаш қобилиятига эга бўлмай қолсалар. Бу қарздорнинг мажбуриятини унинг мулкига нисбатан ошганлигига боглик бўлгани бюджет ҳамда нобюджет фондларига мажбурий туловларни тулашни таъминлаш қобилиятига эга бўлмай қолиши ёки қарздорнинг баланс тузилишини талабга жавоб бермай қилишини ҳам уз ичига олади. Қорхона ва тадбирқорларни банкротга учраганлиги тугрисида тегишли хужалик суди ҳал қилув қарори чиқаради. Хужалик Судининг бу масала бўйича чиқарган ҳал қилув қарори, тегишли қорхона ёки тадбирқорни банкротга учради деб топиш учун асос бўлади. Хужалик

судидан ташкари бошка бирон-бир давлат органи, шунингдек корхонанинг эгалари бундай хал килув қарорини қабул қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Банкротлик масаласини ҳужалик судининг ўзи бевосита хал қила олмайди. Қонуннинг 5-моддасида ҳужалик судига мурожат қилиш ҳуқуқи берилган шахсларининг дораси қурсатилган. Пул мажбуриятларини бажармаганлиги муносабати билан қарздорни банкрот деб топиш тугрисидаги ариза билан ҳужалик судига мурожат этиш ҳуқуқига қарздор, қредитор, прокурор, солиқ органлари ва бошка ваколатли органлар эга.

Мажбурий туловларни тулаш мажбуриятини бажармаганлиги муносабати билан қарздорни банкрот деб топиш тугрисидаги ариза билан ҳужалик судига мурожат этиш ҳуқуқига, қарздор, прокурор, солиқ органлари ва бошка ваколатли органлар эга. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошка ҳолларда қарздорни банкрот деб топиш тугрисидаги ариза ҳужалик судига банкротлик тугрисидаги ишлар бўйича давлат органи ҳамда бошка шахслар томонидан ҳам берилиши мумкин. Ушбу моддада қурсатилган шахсларни Қорхона ёки тадбирқорни банкротга ўради деб топиш масаласини ҳужалик суди бу ҳақда берган аризасига мувофиқ, ҳужалик процессуал қонунчилиқда белгиланган тартибда хал қилади.

Ҳужалик судида қуриб чиқиш ўчун тақдим қилинган иш муҳим аҳамиятга эга бўлган аниқ ҳолатлар ва материалларга асосланиб, ҳужалик суди қорхонани синган яъни банкротга ўради деб топиш масаласини хал қилишни кейинга қолдириб, қорхонани тиклаш ва ташқил этиш ишларини қайта қуриб чиқишни тайинлаши мумкин. Бундай ҳолда ҳужалик суди Ҳужалик процессуал Қодексининг 83-моддасига асосланиб иш бўйича иш юритишни тугатиш ва қарздорни мулкни ташқилий жихатдан бошқариш ёки ўнга иқтисодий жихатдан ёрдам бериб соғломлаштириш (санация) га ўтқизиш тугрисида ажрим чиқаради.

Қарздор ташқилотни қарзларини тулаш қобилиятини тиклаш ўчун реал имқоният мавжуд бўлса, ўнга тегишли бўлган мулкни ташқи бошқарув бўйича бошқаришга йул қуйилиши мумкин. Қарздор ташқилотга қарашли мулкни ташқи бошқариш, қарздор мулкнинг маълум бир қисмини сотиш ёки бошка ташқилий ва иқтисодий тадбирларни амалга ошириш билан таъминланади. Қарздор мулкни ташқи бошқариш ҳужалик суди томонидан ёки қонун асосида белгилаб қуйилган, танлов асосида аниқлаб олинган бошқарувчи (управляющий) томонидан амалга оширилади.

Қарздорга, қорхонага нисбатан мулк эгаси бўлган мулкдор ёки бошка шахслар томонидан шу жумладан қарздорни қредиторлари томонидан молиявий ёрдам йули билан ўни ўз қарзларини тулаш қобилиятини тиклаш ва иқтисодий жихатдан соғломлаштиришга санкция дейилади. Қарздорни тулов қобилиятини тиклаш ва иқтисодий жихатдан соғломлаштириш имқонияти бўлган тақдирда ўни санацияга ўтқизиш масаласини ҳужалик суди хал қилади. Бу масала Ўзбекистон Республикасининг Банкротлик тугрисидаги Қонун асосида хал қилинади. Ушбу қонуннинг II бобда судга санкция қилиш қурсатилган. Судгача санация қилиш қарздорнинг банкротлиги тугрисидаги иш юритиш қузатилгўнга қадар амалга оширилади

хамда карздорнинг тулов кобилиятини, иктисодий жихатдан кодирлигини тиклаш ҳамда келгусида самарали фаолият курсатиши учун шароитлар яратиб берилишини уз олдига мақсад қилиб қуяди.

Судгача санація қилишнинг асосий чора тадбирлари бўлиб қуйидагилар хизмат қилади.

- а) карздорликни узаро ҳисобга олишни ташкил этиш;
- б) тулаш муддати утказиб юборилган тулик ёки қисман сотиб олиш;
- в) ишлаб чиқариш рақобатдош маҳсулот чиқаришга мослаб қайта ихтисослаштириш;
- г) четдан юқори малакали мутахассисларни жалб этиш;
- д) ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, карздорнинг тулов кобилияти тикланиши ва фаолиятини давом эттиришдан манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар томонидан молиявий ёрдам курсатиш;
- е) карздорнинг фаолиятини давом эттириш учун карздор бўлган кредиторлар уртасида кредиторларга туланадиган туловлар муддатини кечиктириш ёки уни бўлиб- бўлиб тулаш ёки қарзлардан сийлов бериш тугрисидаги ахдлашувга эришишга қаратилган қилишув;
- ё) мажбурий туловларни тулаш ва давлат кредитларини қайтаришни санація муддатига кечиктириш;
- ж) қарздор- юридик шахсни қайта ташкил этиш.

Судгача санація қилиш тамоили бошқа чора тадбирларни ҳам қамраб олиши мумкин.

Судгача санація қилишни давлат маблағларини жалб этган ҳолда утказишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган орган амалга оширади.

Судгача санація қилиш чоғида давлат томонидан ёрдам курсатиш қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Хужалик судларидан ташқари қишлоқ хужалиғи тиждорат ташкилотлари (қорхоналари) ва тадбирқорларни бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тугрисидаги даъволи ишларининг маълум бир қисми умумий судлар томонидан ҳам қуриб ҳал қилинади. Умумий судларга тарафлардан ҳеч бўлмаганда биттаси фуқаро бўлган низола қга доир ишлар қонунда бундай низоларни ҳал қилиш ҳужалик суди ёки бошқа органларга топширилган ҳоллар бундан мустаснодир деб фуқаролик процессуал Кодексининг 31-моддасида белгилаб қуйилган. Ушбу модда бўйича қишлоқ хужалиғи тиждорат ташкилотлари (қорхоналари ва тадбирқорлар билан тадбирқорлик фаолияти билан шугулланмайдиган фуқаролар уртасида қелиб қикқан низола қга тааллуқли қилиб белгилаб қуйилганлиғи учун умумий судлар ҳам, фуқаролик процессуал қонунчилиғида белгилаб қуйилган тартибда бу низоларни қуриб ҳал қилиш йули билан қишлоқ хужалиғи қорхоналари ва тадбирқорларни бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ва уларнинг қонун билан қуриқланадиган қонуний манфаатларини ҳимоя қиладилар. Бу ишларни қуриб ҳал қилиш жараенида судлар иш моддий ҳуқуқининг қайси бир соҳасидан қелиб қикқанлиғига қараб, қишлоқ хужалиғи, фуқаролик, меҳнат ва фуқаролик қонунчилиғига асосланади.

Умумий судлар томонидан куриб хал килинадиган ишларни асосий кисмини кишлок хужалиги тижорат ташкилотлари (корхоналари)га фукаролар ва меҳнат коллективи аъзолари томонидан етказилган зарарни ундириб олиш тугрисидаги ишлар ташкил килади. Етказилган зарар тула хажмда копланиши керак. Лекин етказилган зарарни ундириб олиш тугрисидаги иш буйича ундириладиган зарарни миқдорини асоссиз равишда камайтирилиши ёки суднинг етказилган зарарни ундириш тугрисида чиқарган хал қилув қарорини бажарилмаганлиги натижасида ундирилиши лозим бўлган зарарнинг маълум бир қисми ундирилмай қолади.

Ундирилган зарарни тула хажмда ундирилиши Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 985-моддасида қурсатилган. Ушбу моддада қурсатилишича гайриконуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек юридик шахсга етказилган зарар, зарар етказган шахс томонидан тулик хажмда ундирилади. Ушбу кодекснинг 989-моддасида хужалик ширкатлари ва жамиятлари, ишлаб чиқариш кооперативлари ўз иштирокчилари (аъзолари) томонидан улар ширкат ва жамият ёки кооперативнинг тадбиркорлик, ишлаб чиқариш ёки бошқа фаолиятини амалга ошириш вақтида етказилган зарарни қоплайдилар деб қурсатилган. Бу моддаларнинг мазмунидан қурилиб турибдики, етказилган зарар уни етказган шахсдан тула хажмда ундирилиш керак.

Етказилган зарарни ундириб олишда суджабрланувчининг айбини ва зарар етказган шахсни мулкӣ ҳолатини суд томонидан ҳисобга олиниши мумкин. Бу ҳолат Фуқаролик Кодексининг 1004-моддасида қурсатилган. Лекин қандай асослар ва ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда қарздордан ундириладиган зарарни ундириш миқдорини камайтириш мумкинлиги масаласи қонунчиликда батафсил хал қилиб берилмаган. Шунинг учун кишлок хужалиги тижорат ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорларни ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида етказилган зарарни ундириш тугрисидаги ишларни субъективизм асосида қуриб хал қилиш, судларнинг бундай ишлар буйича чиқарган хал қилув қарорларини лозим даражада бажармаслик масаласи буйича қонунчиликни такомиллашмаганлиги ўз навбатида қўп миқдорда зарар қуришига сабаб бўлади.

Кишлок хужалиги тижорат ташкилотлари (корхоналари) ва тадбиркорларни ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кейинчалик такомиллашиб бориши ўз навбатида нафакат кишлок хужалиги соҳасидаги қонунчиликни шу билан биргаликда умумий ҳамда хужалик судларининг фаолиятларини белгилаб берадиган қонунчиликни такомиллашиб боришига ҳам боғлиқдир.

5 §. Кишлок хужалиги корхоналари низоларини талабнома асосида қўриб хал қилиш.

Кишлок хужалиги тижорат ташкилотлари (корхоналари) нинг ҳуқук ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни процессуал воситаларидан бири, улар ўртасида қелиб қиккан низоларни талабнома билдириш асосида ҳимоя қилишлиқдир. Кишлок хужалиги тижорат ташкилотлари (корхоналари) низоларини талабнома билдириш асосида ҳал қилишлиқ, қонун ёки тарафлар ўртасида тузилган хужалиқ шартномазида назарда тутилган ҳоллардагина бундай тартибда низоларни ҳал қилишга йул қуйилади. Агар низоларни талабнома билдириш асосида ҳал қилиш мумкинлиги қонун ёки шартномада назарда тутилмаган бўлса, бундай тартибда низоларни ҳал қилишга йул қуйилмайди.

"Хужалиқ юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий -ҳуқуқий базасини яратиш тугрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида қурсатилишича, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган хужалиқ юритувчи субъект мазкур ҳуқуқ ва манфаатларни бузган хужалиқ юритувчи субъектга нисбатан талабнома билдиришга ҳақлиқдир¹.

Бундай тартибда низоларни ҳал қилиш узига ҳос ҳусусиятларга эга. Унинг асосий ҳусусияти шундаки, ҳуқуқи бузилган ёки қонуний манфаати ҳимоя қилиниши қерак бўлган шахс хужалиқ судига даъво қузгатишдан олдин низоли ҳуқуқий муносабатнинг иккинчи томонига талабнома билдириши қерак. Талабнома билдирмасдан туриб даъво қузгатиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Агар иккинчи тараф билдирилган эътирозномага асосан уз мажбуриятини бажармаса, шундан сунг хужалиқ судига қелиб қиккан низоли ҳал қилиб бериш учун даъво қузгатиш ҳуқуқига эга бўлади ва хужалиқ судига даъво қузгатиш йули билан узининг бузилган, низолашилаётган ҳуқуқини ёки қонуний манфаатини суд орқали ҳимоя қилади.

Кишлок хужалиги тижорат ташкилотлари (корхоналари) низоларини талабнома асосида ҳал қилиш ҳоллари қонун ёки шартномада қурсатилган бўлса, низоли ҳал қилиш учун билдириладиган талабнома албатта ёзма равишда ёзилиб, ташкилот раҳбари ёки унинг уринбосари (муовини), тадбирқор фуқаро томонидан имзоланиб тақдим этилиши қерак. Талабномада қуйидагилар уз ифодасини топиши лозим:

- а) талабнома билдириётган хужалиқ субъектининг номи;
- б) талабнома билдирилган сана ва унинг рақами;
- в) арз қилувчининг талаби;
- г) талабнома пул билан баҳоланиши қерак бўлса, унинг суммаси яъни қиймати ва унинг асослантирилган ҳисоби;
- д) талабнома суммаси ва унинг ҳисоб-қитоби, арз қилувчининг тулов ва почта реквизитлари;
- е) тегишли қонунчилиққа ҳавола қилинган ҳолда, билдирилган талабни асослайдиган ва уларни тасдиқлайдиган ҳолатлар ва далиллар;
- ё) ҳавола қилинадиган хужжатлар ва далилларнинг руйҳати;
- ж) низоли ҳал қилиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар.

¹ "Халқ сузи" рузиномаси, 1998 йил 19 сентябрь.

Талабномада арз килувчи шахс томонидан билдирилган талабни асослайдиган ва тасдиқлайдиган ҳужжатларни асл нусхаси ёки тегишли тартибда тасдиқланган унинг кучирмаси илова қилинади. Агарда бу ҳужжатлар иккинчи томонда мавжуд бўлмаса тегишли ҳужжатларнинг асл нусхаси ёки конунда курсатиб қуйилган тартибда расмийлаштирилган ва тасдиқланган унинг нусхаси билдирилган талабномага илова қилинади.

Талабнома буюртма ёки қимматли хат тарзида, телеграф, телетайп орқали, шунингдек талабнома жунатганлигини қайд этадиган, қабул қилиб олувчини огоҳлантирадиган бошқа алоқа воситаларидан фойдаланилган ҳолда жунатилади ёхуд тилхат олиб топширилади.

Талабнома қабул қилиб олинган кундан бошлаб конунда белгиланган маълум муддатда қуриб хал қилиниши керак. Агарда хал қилиш муддати халқаро шартномаларда, тарафларнинг қелишуви билан шунингдек, хорижий фирмалар билан тузилган контрактлар бўйича товарларни экспортга чиқариш учун буюртмачилар ва етказиб берувчилар, хориждан импорт асосида келтирилган товарларни қабул қилиб олувчилар ва буюртмачилар, импорт бўлган буюртмаларни бажарувчи ташкилотларнинг талабларида бошқача қилиб белгиланган бўлса, курсатилган муддатда қуриб хал қилинади.

Талабномани қуриб хал қилганлик натижалари бўйича ҳужалик юритувчи субъект талабнома билдирган субъектга бир ойлигида хабар бериши керак. Талабномага берилган жавобда қуйидагилар курсатилади:

а) талабнома қисман ёки тула қаноатлантирилган микдорда тан олинган пул суммаси, пулни утказганлик тугрисидаги тулов қозонини рақами ва муддати, ёки уни пул билан баҳолаш мумкин бўлмаса, талабномани қаноатлантириш усуллари ва муддати;

б) талабномани қисман ёки тула қаноатлантириш рад этилган тақдирда тегишли қонунчилик ва далилларга асосланиб рад этиш сабаблари;

в) берилган жавобга илова қилинадиган ҳужжатларнинг руйхати.

Агар талабномага берилган жавобда тан олинган пул суммасини утказганлик тугрисида хабар берилмаган ва банк томонидан берилган пулни утказиш тугрисида берилган топширикни бажарганлик илова қилинмаган бўлса, талабнома билдирган шахс узи билдирган талабномасига жавоб олгандан сунг маълум муддат утгандан кейин, қарздор томонидан тан олинган пул суммасини қонунда белгилаб қуйилган тартибда тулаш муддатини қечиктиргани учун туланиши қозим бўлган пеняни қушиб қизосиз тартибда қарздорнинг қисоб рақамида турган пулдан ундириб бериш тугрисида банкка қнкасса топширигини беришга ҳақли.

Талабномани қисман ёки тула қаноатлантириш рад этилган ёки билдирилган талабномага белгиланган муддатда жавоб олмаган тақдирда талабнома билдирган шахс, ҳужалик судига даъво қозғатишга ҳақли бўлади.

Иқтисодиёт ва уни бошқариш соҳасидаги қизоларни талабнома билдириш йули билан хал қилиш, шартномавий қнтизомни мустанқамлайди, қишлоқ ҳужалиги тижорат ташкилотлари (қорқоналари) фаолиятини тақомиллаштиришга иқобий таъсир қурсатади.

Кишлоқ хужалиги соҳасидаги низоларни эътирозномага асосан хал килиш тарафларнинг келишуви ёки тегишли конунларда белгилаб куйилган булишига карамасдан бу тартибга риоя қилмаган ҳолда хужалик судига низони хал килиш учун даъво қўзғатилган бўлса, хужалик суди даъвони қўрмасдан қолдиради.

Хужалик суди қуйидаги ҳолларда даъво аризасини қайтаради:

а) даъвогар томонидан билдирилган талабномани нусхаси ёки уни жунатилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат тақдим қилинмаган бўлса;

б) бир вақтнинг ўзида бир неча жавобгарларга нисбатан даъво қўзғатилганда ҳеч бўлмаганда уларнинг биттасига нисбатан талабнома билан муқожаат қилмаган бўлса.

Агар даъвогар низони талабнома билдириш йули билан хал килиш тартибига риоя қилган бўлса, лекин талабномани жунатилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат бўлмаса, бу ҳолат даъво аризасини қайтариш ёки уни қўрмасдан қолдириш учун асос бўлмайди. Даъво аризасини қабул қилиб олишда билдирилган эътирозномага жавоб бўлмаса бундай ҳолларда хужалик судининг судьяси эътирозномага жавоб бериш муддатини ўтган ёки ўтмаганлигини текшириши керак. Шу билан биргаликда тарафларнинг келишуви, халқаро шартномалар шунингдек хорижий фирмалар билан тузилган контрактларда бошқача муддат белгилаб қўйилмаган бўлса, қўрсатилган муддатда эътирозномани қўриб хал килиш мумкин. Агар билдирилган эътирозномага жавоб олмадан қўриб, эътирознома билдириш учун белгиланган муддат ўтмасдан қўриб хужалик судига даъво қўзғатилган бўлса, суд томонидан даъво аризаси даъвогарга қайтариб берилади.

Қарздор томонидан тан олинган суммани низосиз тартибда ўндириб олиш тартиби белгилаб қўйилган бўлса, пулларни ўндириш тўғрисидаги даъво аризаларини хужалик суди қабул қилиб олмади. Лекин тан олинган суммани низосиз тартибда ўндириб олиш қоидаларига риоя қилиб қарздорнинг банкдаги ҳисоб рақамидаги пулдан қредиторни ҳисоб рақамига ўтказиш йули билан ўндириш тўғрисидаги талабини банк рад қилган бўлса, бундай ҳолларда суд даъво аризасини қўриб хал килиш учун қабул қилиб олиши керак.

Кишлоқ хужалиги тижорат ташкилотлари (қорхоналари) низоларини эътирознома асосида қўриб хал килиш бизнинг янги қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг хужалик процессуал Кодексида қўрсатилмаган. Лекин бу масала Ўзбекистон Республикасининг "Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базасини яратиш тўғрисида"ги Қонунига хужалик шартномаси бўйича талабномалар ва даъволар булишидаги 17, 18 а 19-моддалар қўрсатилган. Шу билан биргабошқа бир қатор Ҳамдустлик мамлакатларининг конунларида ҳам қўрсатилган. Масалан, Россия, Украина, Беларуссия ва бошқа республикаларда. Бундан ташқари низоларни бундай тартибда қўриб хал килиш тарафларнинг келишуви бўйича ҳам белгиланиши ёки алоҳида конунларда ифодаланган булиши мумкин. Шу нуқтаи-назардан кишлоқ

хужалиги тижорат ташкилотлари (корхоналари) низоларини талабнома билдириш йули билан хал килиш тартибини билиб олиш бозор муносабатларига утиб боришнинг хозирги боскичида мухим ахамият касб этади.

XIV- Боб. Қишлоқ хўжалик қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик.

1. Қишлоқ хўжалик қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик тушунчаси.

Қишлоқ хўжалик қонунчилиги комплекс аграр муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлиб, у бир-бири билан узвий боғланган, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган ер, мулкый, меҳнат ва ташкилий-бошқарув соҳаларидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

Қишлоқ жўжалик қонунчилигини бузиш ҳақида гапирганда, авваломбор шу соҳадаги қонунчилик тартибга соладиган ижтимоий муносабатларни кўриб ўтишимиз лозим. Ушбу ижтимоий муносабатлар доираси жуда кенг бўлиб, турли йўналишлардаги муносабатларни қамраб олади. Бу муносабатлар қуйидагилардан иборатдир:

Биринчидан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларнинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар;

Иккинчидан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларнинг табиий ресурслардан фойдаланишлари билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар;

Учинчидан, қишлоқ хўжалигида меҳнатни ташкил қилиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар;

Тўртинчидан, қишлоқ хўжалигида ташкилий-бошқарув билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар;

Бешинчидан, қишлоқ хўжалигида мулкчилик муносабатлари билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалик қонунчилиги аграр муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги юридик институтларнинг ташкил топишига ва ривожланишига таъсир этувчи давлат аграр сиёсатини акс эттирувчи ва мустақкамловчи шакл сифатида хизмат қилади.

Айтиш керакки, қишлоқ хўжалиги қонунчилигини бузиш қишлоқ хўжалик ҳуқуқи хусусиятидан, унинг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқади, яъни қишлоқ хўжалик ҳуқуқи ўзида турли ҳуқуқ соҳаларига тегишли бўлган муносабатларни тартибга солувчи, турли қонунчилик соҳаларига таълуқли бўлган нормаларни жамлайди.

Юридик жавобгарлик кенг маънода бу ҳуқуқий институтдир. У ўзида қонун билан юклатилган мажбуриятлар ёки шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятлар ихтиёрий бажаришдан бўйин товлаётган ёхуд ўрнатилган ҳуқуқий тартиботни бузаётган шахсларга давлат томонидан руҳсат этилган ва қўллаб қувватланган мажбурий ва салбий таъсир кўрсатиш услуб ва чора тадбирлари тўғрисидаги юридик қоидалар(нормалар) мажмуини ифодалайди²⁶.

Қонунчиликда ва ҳуқуқ назариясида жавобгарликнинг жиноий, маъмурий, интизомий, мулкый, моддий ва бошқа турлари кенг қўлланилади.

²⁶ Аграрное право. Учебник. Отв. редакторы: Г.Е.Быстров., М.И.Козырь. М: издательство «Юридическая литература» 1996 г. стр 493.

Қишлоқ хўжалик қонунчилигини бузганлик учун жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб, қишлоқ хўжалик тизимида содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигига оид ҳуқуқбузарликларни таснифлаш бир неча белгиларига кўра амалга оширилади. Булар:

- ҳуқуқбузарлик предметиға кўра;
- муҳофаза қилиш объектиға кўра;
- санкцияларига кўра;
- зарар етказиш усулиға кўра;
- ижтимоий хавфлигига кўра.

Предметиға кўра қишлоқ хўжалигига оид ҳуқуқбузарликлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тизимини муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарликлардан иборат. Масалан, табиий ресурсларға эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва мулкчилик ҳуқуқини бузувчи ҳуқуқбузарликлар.

Муҳофаза қилиш объектиға кўра қишлоқ хўжалигига оид ҳуқуқбузарликлар соҳа белгиларига мувофиқ бўлинади. Булар жумласига иқтисодиёт соҳасидаги; хўжалик фаолияти соҳасидаги; атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги; ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши ҳуқуқбузарликлар киради.

Санкцияларига кўра қишлоқ хўжалигига оид ҳуқуқбузарликлар интизомий, фуқаролик, маъмурий ва жиноий ҳуқуқбузарликлардан иборат.

Зарар етказиш усулиға кўра қишлоқ хўжалигига оид ҳуқуқбузарликлар шартнома шартларини тегишли равишда бажармаслик, табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаслик, табиат объектларига зарар етказиш ва бошқалар билан ифодаланади.

Қишлоқ хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарлик – бу айбдорнинг қонунга ҳилоф хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалик тизимиға етказилган зарар, уни ривожлантиришға тажовуз қилиш ҳамда қишлоқ хўжалик тизимида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришға путур етказиш, шунингдек, қишлоқ хўжалик соҳасидаги қонун ва талабларни бузишда намоён бўлади.

Қишлоқ хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг ўзига хос белгилари бўлиб – уни қишлоқ хўжалик қонунларига ҳилофлиги, яъни ҳуқуққа ҳилофлиги, айбнинг мавжудлиги, жамоат учун ҳамда қишлоқ хўжалик тизимини ривожлантириш учун хавфлилиги ҳисобланади ҳамда улар етказилган зарарнинг оқибати билан белгиланади.

Ҳуқуқбузарлик учун қуйидаги белгилар тааллуқлидир:

- қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик);
- айб (қонун билан белгиланган тартибни бузиш натижасига жавобгарлик ва жазога сабаб бўлувчи ҳолат);
- ҳуқуққа хилофлик (қонун ва бошқа қонун актлари талабларини бузиш);
- жавобгарликнинг муқаррарлиги (қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасига кўра жиноий, маъмурий, фуқаролик, интизомий);
- зарар етказувчанлик (зарар етказиш ёки унинг реал хавфини туғдириш).

Қишлоқ хўжалик қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик субъектлари бўлиб, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари мансабдор шахслари, фуқаролар, фермер хўжалиги бошлиқлари, шахсий томорқа хўжалиги эгалари, қишлоқ хўжалигининг бошқа ишчилари, шу билан бирга асосий фаолияти қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўлган корхоналар, қишлоқ хўжалик кооперативлари(ширкат хўжаликлари), хўжалик бирлашмалари ва жамиятлари ҳисобланади.

2. Қишлоқ хўжалик қонунчилигини бузганлик учун мулкӣ жавобгарлик

Фуқаролар ҳуқуқӣ жавобгарлик деганда ҳуқуқбузарга кўшимча мулкӣ ҳаражатлар қилиниши ва унинг муносабат хулқ ативорда бўлишини белгиловчи санкция тушунилади. Фуқаролик-ҳуқуқӣ жавобгарлик асосан зарарни қоплаш, бурчни натура ҳолда бажаришга мажбур этиш кабилардан иборат бўлиб, бу жавобгарлик шартномалардан, зарар етказиш натижасида келиб чиқиши амалдаги қонунчиликда назарда тутилган. Фуқаролик-ҳуқуқӣ жавобгарлик ФК ва маҳсус қонун ҳужжатларида белгиланган ҳаракатларни ғайриқонуний содир этганлик ва унинг оқибатида зарар етганлик учун белгиланади. Аграр қонунчиликда мулкӣ жавобгарликнинг ҳуқуқӣ муносабатнинг характериға қараб турли хил шакллари мустаҳкамланган. Аграр соҳадаги фуқаролик-ҳуқуқӣ жавобгарлик шартномавий мажбуриятлардан ва зарар етказганлик натижасида келиб чиқади.

Аграр соҳадаги ҳуқуқбузарлар учун фуқаролик-ҳуқуқӣ жавобгарлик шартли равишда қуйидагиларға бўлган ҳолда ўрганиш мақсадға мувофиқ:

Ерга оид мажбуриятларни бажармаганлик учун мулкӣ жавобгарлик. Корхона, муассаса, ташкилот ва фуқаролар ер қонунчилигини бузиш натижасида етказилган зиённи қоплашға мажбурдирлар. Бундай жавобгарлик аввола ерни ўзбошимчалик билан эгаллашдан келиб чиқади. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 91-моддасиға кўра ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари уларға ғайриқонуний равишда эгалик қилинган ва фойдаланилган вақтда қилинган сарф-ҳаражатлар қопланмаган тарзда тегишлилигига кўра қайтарилади.

Ер участкаларини фойдаланиш учун яроқли ҳолатға келтириш, шу жумладан ундаги иморатларни бузиш ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахслар ҳисобидан амалға оширилади. Ўзбошимчалик билан

эгаллаб олинган ер участкасини ер эгасига, ердан фойдаланувчига, ер участкаси ижарачисига ёки мулкдорига қайтариш тегишли туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига биноан ёки суднинг ҳал қилув қарорига кўра амалга оширилади.

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар томонидан амалга оширилган ер участкалари олди-сотдиси, уларни ҳадя қилиш, гаровга қўйиш (ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини, шу жумладан, кимошди савдоси асосида олинган шундай ҳуқуқни, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйиш бундан мустасно), ер участкаларини ўзбошимчалик билан айирбошлаш ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Аграр қонунчилик нормалари бўйича мулкый жавобгарлик нафақат ҳуқуқбузарлик билан етказилган зиёндан келиб чиқади, шу билан бирга ҳуқуққа мос ҳаракатлардан келиб чиқадиган зиённи тўлаш турида ҳам намоён бўлади. Ер участкаси давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда, шу билан бирга ердан фойдаланувчилар ҳуқуқларини чеклаш ёки корхона, ташкилот, муассаса ва фуқаро фаолияти таъсири натижасида ерлар сифатининг ёмонлашиши билан етказилган зарар шу зарар етказувчи томонидан ердан фойдаланувчиларга тўлиқ ҳажмда тўланиши лозим.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида даромадларни қисқарганлиги учун мулкый жавобгарлик. Масалан, ер участкасидан оқилона фойдаланилмаганлик натижасида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ҳосилдорлик даражаси нормативдан (кадастр баҳосига кўра) паст бўлганда олинадиган даромаднинг қисқариши учун мулкый жавобгарлик юзага келади. Бу ерда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг реал зарар ва бой берилган фойдани қоплаш шакллари қўлланилади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги бой берилган фойдани қоплаш кўринишидаги мулкый жавобгарлик. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 87-моддасига кўра қишлоқ хўжалиги ерларини, шу жумладан жисмоний шахслар эгалигидаги ва фойдаланишидаги қишлоқ хўжалиги ерларини қишлоқ хўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланиш учун олиб қўйиш, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг ҳуқуқлари чекланиши ёки корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолиятининг таъсири оқибатида ерларнинг сифати ёмонлашуви туфайли қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрни ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачиларига ва мулкдорларига етказилган зарар ўрнини қоплаш (Ер кодексининг 86-моддасида назарда тутилган зарарлар ўрнини қоплаш) дан ташқари қопланади.

Қишлоқ хўжалиги тадбиркорларини ишлаб чиқариш ва моддий ресурсларга зиён етказганлиги учун мулкый жавобгарлик. Агарда қишлоқ хўжалиги корхона эгаси мулкига ҳуқуқбузарлик билан зарар етказилиб унга аграр қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилмаган бўлса, айбдор шахс зарарни фуқаролик қонунчилигига асосан тўлайди. Фуқаролик кодексининг 14-моддаси, 2-қисмида зарар тушунчаси берилаган бўлиб, унга кўра зарар

деганда, ҳуқуқи бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек бу шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 86-моддасида ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачиларига ва мулкдорларига етказилган зарар ўрнини қоплаш тартиби белгиланган. Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачиларига ва мулкдорларига етказилган зарарнинг ўрни (шу жумладан бой берилган фойда ҳамда маънавий зарар) қуйидаги ҳолларда тўла ҳажмда қопланиши керак:

- ерлар олиб қўйилган, қайта сотиб олинган ёки вақтинча эгаллаб турилганда;

- давлат қўриқхоналари, заказниклар, миллий табиат боғлари, табиат ёдгорликлари, маданий-тарихий ёдгорликлар, сув ҳавзалари, сув таъминоти манбалари, курортлар тевагаида, дарёлар, каналлар, сув ташламалари, йўллар, трубопроводлар, алоқа линиялари ва электр узатиш линиялари бўйлаб муҳофаза, санитария ва ихота зоналари белгиланиши муносабати билан уларнинг ҳуқуқлари чекланганда;

- сув ҳавзалари, каналлар, коллекторлар, шунингдек қишлоқ хўжалиги экинлари ва дов-дарахтлар учун зарарли моддалар чиқарадиган бошқа объектлар қуриш ва улардан фойдаланишнинг таъсири ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳосил камайишига ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг сифати ёмонлашувига олиб борадиган бошқа хатти-ҳаракатлари оқибатида ерларнинг сифати ёмонлашган тақдирда.

Қишлоқ хўжалиги субъектларининг мулкий жавобгарлиги.

- Қишлоқ хўжалик корхоналарнинг мулкий жавобгарлиги;
- Қишлоқ хўжалик корхоналари таъсисчилари, мулкдорлари, пайчилари, хиссадорлари, бошқарувчиларининг мулкий жавобгарлиги;
- Қишлоқ хўжалик корхоналари ходимларининг мулкий жавобгарлиги қишлоқ хўжалиги субъектларининг мулкий жавобгарлиги моҳиятини ўзида ифодалайди.

Бу жавобгарлик ФК, махсус субъектларнинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи қонунлар масалан Фермер хўжаликлари тўғрисидаги, дехқон хўжалиги тўғрисидаги, Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкатлари) тўғрисидаги қонунлар билан тартибга солинади.

Аграр ишлаб чиқариш комплексида мулкий жавобгарликнинг шартномавий шакли. Қонун ёки шартномада зарар етказувчига зарарни тўлаш билан бирга жабрланувчига компенсация тўлаш мажбурияти ўрнатилиши мумкин. Шартномавий жавобгарлик ўрнатишнинг икки тартиби мавжуд. Биринчиси қонунчиликда назарда тутилган конкрет шартнома мажбуриятлари бўйича. Иккинчиси тарафлар келишуви бўйича шартномавий жавобгарлик ўрнатилиши мумкин. Бундан ташқари

жавобгарлик агар қонунда ва шартномада конкрет белгиланмаган бўлса иш муомала одатларида ҳам белгиланиши мумкин.

3. Қишлоқ хўжалик қонунчилигини бузганлик учун интизомий жавобгарлик.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бу соҳадаги қонунчиликни таъминлашнинг самарали усуллардан бири ҳисобланади.

Ўз меҳнат бурчларини қонунга номувофик равишда бажармаслик ёки лозим даражада бажармаганлиги учун айбдор бўлган ходимга таъсир кўрсатиш воситаси сифатида меҳнат қонунчилигида интизомий жавобгарлик белгиланган. Интизомий жавобгарликка тортиш учун ходим томонидан содир қилинган интизомга ҳилоф ножўя хатти-ҳаракат асос бўлади.

Қонунчиликда интизомий жавобгарликнинг икки тури мавжуд: умумий интизомий жавобгарлик ва махсус интизомий жавобгарлик. Умумий интизомий жавобгарлик ички меҳнат тартиби қоидалари билан белгиланган. Махсус интизомий жавобгарлик интизом тўғрисидаги уставлар ва низомлар, алоҳида қоидалар, қонунлар билан белгиланган. Махсус интизомий жавобгарлик ўзи тадбиқ этиладиган шахсларнинг доираси ҳамда ихтиёрига интизомга чақируви ваколат берилган шахслар ва органларнинг умумий доираси, қўшимча жазо чорасининг мавжудлиги, шунингдек берилган жазо устидан шикоят қилиш тартиби жиҳатидан умумий интизомий жавобгарликдан фарқ қилади. Интизомий жавобгарликнинг ҳамма турларига қуйидаги белгилар хосдир: фақат қонунларда ва интизом уставларида, низомларда кўрсатилган жазоларни бериш мумкин; меҳнат интизومي бузилган ҳар бир ҳол учун фақат битта интизомий жазо чораси қўлланилади; жазо беришда содир этилган ножўя ҳаракатнинг оғир-енгиллиги, у содир этилган вазият, ходимнинг олдинги иши ва хулқ атвори эътиборга олиниши керак; интизомий жазо бевосита ножўя хатти-ҳаракат содир қилинганлиги маълум бўлгандан кейин қўлланилади²⁷.

Интизомий жавобгарлик ички меҳнат тартиби қоидаларига биноан корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ходимларнинг аксарият кўпчилигига тадбиқ этилади. Махсус интизомий жавобгарлик белгиланган ходимлар тоифалари бундан мустаснодир. Умумий интизомий жавобгарликда меҳнат интизомини бузганлик учун жазо чоралари, уларнинг қўлланиш тартиби, улар устидан шикоят қилиш ва жазони олиб ташлаш тартиби Меҳнат кодексида (“Меҳнат интизومي” боби) ҳамда Намунавий ички меҳнат тартиби қоидаларида белгиланган. Интизомий жазо ишга қабул қилиш ҳуқуқи берилган шахслар (орган) томонидан берилади.

Меҳнат кодексининг 181-моддасига мувофиқ иш берувчи меҳнат интизомини бузганлиги учун ходимга қуйидагилар интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақли:

²⁷ Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳуқуқ. Олий ўқув юртлари учун дарслик / А.А.Иноятов.-Тошкент: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2002 йил, 258-259 бетлар.

- 1) Хайфсан;
- 2) Ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима. Ички меҳнат тартиби қоидаларида ўртача ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин. Ходимнинг иш ҳақидан жаримани ушлаб қолиш Кодекснинг 164-моддаси талабларига риоя қилган ҳолда иш берувчи томонида амалга оширилади;
- 3) Меҳнат шартномасини бекор қилиш. Меҳнат кодексининг 100-моддасига кўра номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш асосли бўлиши шартлиги белгиланиб, қуйидаги сабаблар, яъни ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузганлиги ҳамда ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги ҳолатлари меҳнат шартномасини бекор қилишнинг асосли эканлигини билдиради.

Аввал меҳнат вазифаларини бузганлиги учун ходим интизомий ёки моддий жавобгарликка тортилган ёхуд унга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таъсир чоралари қўлланилган кундан эътиборан бир йил мобайнида ходим томонидан такроран интизомга ҳилоф ножўя ҳаракат содир қилиниши меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузиш ҳисобланади.

Ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келиши мумкин бўлган меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузишларнинг рўйхати:

- ички меҳнат тартиби қоидалари;
- корхона мулкдори билан корхона раҳбари ўртасида тузилган меҳнат шартномаси;
- айрим тоифадаги ходимларга нисбатан қўлланиладиган интизом ҳақидаги низом ва уставлар билан белгиланади.

Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бузиши қўпол тусга эгаллиги ёки эга эмаслиги ҳар бир муайян ҳолда содир қилинган ножўя ҳаракатнинг оғир-енгиллигига ҳамда бундай бузиш туфайли келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларга қараб ҳал этилади.

Меҳнат кодексининг 182-моддасида белгиланган интизомий жазоларни қўлланиш тартибига кўра, интизомий жазолар қабул қилиш ҳукуқи берилган шахслар (органлар) томонидан қўлланилади.

Интизомий жазо қўлланишидан олдин ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши лозим. Ходимнинг тушунтириш хати беришдан бош тортиши унинг илгари содир қилган ножўя хатти-ҳаракати учун жазо қўллашга тўсиқ бўла олмайди.

Интизомий жазо қўлланилаётганда содир этилган ножўя хатти-ҳаракатнинг қай даражада эканлиги, шу хатти-ҳаракат содир этилган вазият, ходимнинг олдинги иши ва ҳулқ-атвори ҳисбга олинади. Ҳар бир ножўя хатти-ҳаракат учун фақат битта интизомий жазо қўлланилиши мумкин.

Интизомий жазо бевосита хатти-ҳаракат аниқлангандан кейин, аммо бу

хатти-ҳаракат аниқлангандан бошлаб, ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмасдан, узоғи билан бир ой ичида қўлланилади. Ножўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан бошлаб олти ой ўтганидан, молия-хўжалик фаолиятини тафтиш этиш ёки текшириш натижасида аниқланганда эса, содир этилган кундан бошлаб икки йил ўтганидан кейин жазон қўллаб бўлмайди. Жиноий иш бўйича иш юритилган давр бу муддатга кирмайди. Интизомий жазо берилгани тўғрисидаги буйруқ (фармойиш) ёки қарор ходимга маълум қилиниб, тилхат олинади.

Интизомий жазонинг амал қилиш муддати жазо қўлланилган кундан бошлаб бир йилдан ошиб кетиши мумкин эмас. Агар ходим шу муддат ичида яна интизомий жазога тортилмаса, у интизомий жазо олмаган деб ҳисобланади.

Интизомий жазони қўллаган иш берувчи уш ташабуси билан ходимнинг илтимосига биноан, меҳнат жамоаси ёки ходимнинг бевосита раҳбари илтимосномасига кўра, жазони бир йил ўтмасдан олдин ҳам олиб ташлашга ҳақли (МКнинг 183-моддаси). Интизомий жазони муддатидан олдин олиб ташлаш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Меҳнат кодексининг 189-моддасига мувофиқ, интизомий жазо устидан яқка меҳнат низолари кўриш учун белгиланган тартибда қилиниши мумкин.

Меҳнат низосини кўриб чиқаётган орган содир этилган ножўя хатти-ҳаракат қандай вазиятда юз берганлигини, ходининг хулқ-атворини, меҳнатга бўлган муносабатини, интизомий жазонинг содир этилган ножўя хатти-ҳаракатнинг оғирлик даражасига мос келишини, иш берувчининг интизомий жазо бериш тартибига риоя қилганлигини олиб, ходимга нисбатан қўлланилган интизомий жазони ғайриқонуний деб топиш ва уни бекор қилиш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли. Махсус қонунларда ва интизом тўғрисидаги уставларда, шунингдек низомлар айрим тоифа ходимлар учун айрим ножўя ҳаракатлар учун юқорида кўрсатиб ўтилган умумий интизомий жазолардан ташқари қўшимча, қаттиқроқ жазолар назарда тутилган бўлиши мумкин. Интизомий жазолар мавжуд қоидаларга мувофиқ, ўша шахсни лавозимга тайинлаш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ёки органлар томонидан ёхуд мазкур шахслар ва органларга нисбатан бўйсиниш тартибида юқори турувчи шахслар ва органлар томонидан берилади. Жазо бериш масалалари бўйича меҳнат низолари бўйсиниш тартибида юқори органлар томонидан кўриб чиқилади. Жазо қонунсиз берилган деб топилган тақдирда, юқори турувчи орган жазони бекор қилиш тўғрисида буйруқ чиқаради, бу буйруқ ходимга ва иш берувчига дарҳол юборилади²⁸.

4. Қишлоқ хўжалик қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик

²⁸ Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳуқуқ. Олий ўқув юртлари учун дарслик / А.А.Иноятов.-Тошкент: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2002 йил, 260-261 бетлар.

Маъмурий жавобгарлик юридик жавобгарликнинг алоҳида тури ҳисобланиб, у ҳуқуқий меъёрлар асосида ўрнатилади, шахс томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик учун қўлланилади ва ваколатли давлат органлари (мансабдор шахслар) томонидан ўрнатилган процессуал тартибда ҳуқуқий меъёрларда назарда тутилган санкцияларни қўллашда ифодаланади²⁹.

Маъмурий жавобгарлик, одатда, маъмурий-ҳуқуқий меъёрларнинг талаблари бузилган тақдирда юзага келади. Шу билан бирга, амалдаги қишлоқ хўжалик қонунчилиқ меъёрлари бузилганда ҳам қўлланилиши мумкин. Бу эса маъмурий жавобгарликнинг саҳалараро боғлиқлигидан далолат беради.

Қишлоқ хўжалик қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортиш учун маъмурий ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши асос бўлади. Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 10-моддасига кўра маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади”³⁰.

Маъмурий жавобгарлик, башарти бу ҳуқуқбузарлик ўз хусусиятига кўра жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлмаган тақдирда, амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 10-бобида қишлоқ хўжалигидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик белгиланган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- Экинзорларни пайхон қилиш, қишлоқ хўжалик экинларининг далада тўплаб қўйилган ҳосилига зарар етказиш ёки уни йўқ қилиб юбориш, кўчатларга шикаст етказиш (104-модда);
- Қишлоқ хўжалик экинларининг навини янгилаш ва нав жойлаштириш тартибини бузиш (104¹-модда.);
- Таркибида гиёҳванд моддалар бўлган экинларни қўриқлашни таъминлаш чораларини кўрмаганлик (105-модда);
- Ёввойи нашани йўқ қилиб юбориш чораларини кўрмаганлик (106-модда);
- Карантин эълон қилинган зараркунандаларга, ўсимликлар касалликлари ва бегона ўтларга қарши кураш қоидаларини бузиш (107-модда);
- Карантин текширувидан ва тегишли тартибда ишлов беришдан ўтказилмаган материалларни ташиб чиқиб кетиш (108-модда);
- Ҳайвонларни карантинга қўйиш қоидаларини ва бошқа ветеринария-санитария қоидаларини бузиш (109-модда);
- Механизаторлар томонидан қишлоқ хўжалик машиналаридан техник жихатдан фойдаланиш ва техника хавфсизлиги қоидаларини қўпол равишда бузиш (112-модда).

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши муносабатлари табиат объектлари

²⁹ Эркин Ҳожиёв. Маъмурий жавобгарлик. Рисола. –Т.: 2006. 41-42 бетлар.

³⁰ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. -Т.: Адолат, 2005.

билан ўзаро боғлиқ бўлганлиги сабабли, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 8-бобида белгиланган табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги қўйидаги ҳуқуқбузарликларни қишлоқ жўжалиги оид ҳуқуқбузарликлар деб кўрсатиш мумкин:

- Ерлардан хўжасизларча фойдаланиш ёки уларни яроқсиз холга тушириш (65-модда);
- Ер бериш тартибини бузиш (66-модда);
- Вақтинча эгаллаб турилган ерларни ўз вақтида қайтариб бермаслик ёки уларни ўз ўрнида фойдаланиш учун яроқли холга келтирмаслик (67-модда);
- Хўжалик ичидаги ер тузиш лойиҳаларидан ўзбошимчалик билан четга чиқиш, давлат ер кадастри юритиш қоидаларини бузиш (68-модда);
- Чегара ва чеклов белгиларини йўқ қилиш ёки шикастлантириш (69-модда);
- Сув захираларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш (72-модда);
- Сувдан фойдаланиш қоидаларини бузиш (74-модда);
- Сувларнинг давлат ҳисобини юритиш қоидаларини бузиш (75-модда);
- Сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларини шикастлантириш, улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш (76-модда);
- Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ва бошқа дориларни ташиш, сақлаш ва қўлланиш қоидаларини бузиш (89-модда).

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 23-моддасига асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қуйидаги маъмурий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

1) жарима;

2) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш;

3) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш;

4) маъмурий қамокқа олиш.

Қуйидагилар қишлоқ хўжалик соҳасида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколати бўлган органлар (мансабдор шахслар) ҳисобланади:

1. Маъмурий ишлар бўйича судьялар - маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 66, 67-моддаларида, 76-моддасида (сув хўжалиги иншоотларига зарар етказишга оид қисми), 104, 105, 106, 107, 108-моддаларида, 112-моддасида (транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этишга оид қисми) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади. Маъмурий ишлар бўйича судьялар, башарти ҳуқуқбузар ҳуқуқбузарлик фактини инкор этса, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги бошқа ишларни ҳам бевосита кўриб чиқади.

2. Адлия органлари - адлия органларининг мансабдор шахслари пахта

хариди бўйича контрактация шартномалари бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги оқибатида хўжалик юритувчи субъектга мулкый зарар етказилганлиги факти аниқланган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузадилар. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома кўриб чиқиш учун бошқа ҳужжатлар ва иш бўйича ашёвий далиллар билан бирга ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки аниқланган пайтдан бошлаб бир суткадан кечиктирмай хўжалик судига юборилади.

3. Маъмурий комиссиялар - туман марказидан олисда ва бориш қийин бўлган ердаги шаҳарча, қишлоқ ва овуллардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошида тузилган маъмурий комиссиялар маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 65, 69, 104, 105, 106, 107, 108-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади.

4. Табиатни муҳофаза қилувчи органлар - Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларига маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 65 - моддасининг иккинчи қисмида (қишлоқ хўжалиги ерларини ва бошқа ерларни яроқсиз ҳолга келтирганлик бундан мустасно), 68 - моддасида (шаҳарлар ва посёлкаларнинг ерларига, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларга, сув фонди ерларига оид қисми), 72-моддасида (термал сувларга доир қисми бундан мустасно), 74-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида, 75-моддасида (ирригация тармоқларидан олинадиган сувларни ҳисобга олиш бундан мустасно, шунингдек давлат сув кадастрини юритишнинг белгиланган тартибини бузганлик учун), 89-моддаларида (атмосфера ҳавосига зарарли физикавий таъсир кўрсатиш бундан мустасно) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тартиқида маъмурий жазо чорасини қўлланишга ҳақлидирлар:

- Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг бош давлат инспекторлари, уларнинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарининг бош давлат инспекторлари, уларнинг ўринбосарлари - фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса - ўн бараваригача миқдорда;

- Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг, Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг, вилоятлар, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарининг катта давлат инспекторлари, туманлараро, туманлар, шаҳарлар инспекциясининг бошлиқлари - фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса - етти бараваригача миқдорда;

- Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат

қўмитасининг, Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг, вилоятлар, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарининг давлат инспекторлари, давлат қўриқхоналари ва давлат миллий табиат боғларининг муҳофаза қилиш ходимлари - фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса - беш бараваригача миқдорда жарима солишга.

5. Қишлоқ хўжалигидаги машиналар ва қурилмаларнинг техник ҳолатини назорат қилувчи бош давлат инспекцияси органлари - Қишлоқ хўжалигидаги машиналар ва қурилмаларнинг техник ҳолатини назорат қилувчи бош давлат инспекцияси органларига маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 112-моддасида, 139-моддасида (қишлоқ хўжалик техникасига тааллуқли қисми) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Қишлоқ хўжалигидаги машиналар ва қурилмаларнинг техник ҳолатини назорат қилувчи бош давлат инспекциясининг бошлиғи ва унинг ўринбосари, бош ва етакчи мутахассислари, вилоятлар инспекцияларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, туман инспекцияларининг бошлиқлари қишлоқ хўжалигидаги машиналар ва қурилмаларнинг техник ҳолатини назорат қилувчи бош давлат инспекцияси органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чорасини (бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш бундан мустасно) қўлланишга ҳақлидирлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг органлари - Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг органларига маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 65-моддасида (ерларни ишлаб чиқариш ва бошқа чиқиндилар, кимёвий ва радиоактив моддалар ҳамда оқава сувлар билан ифлослантирганлик бундан мустасно), 68-моддасида (шаҳарлар ва посёлкаларнинг ерлари, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар, сув фонди ерлари бундан мустасно), 69-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тариқасида маъмурий жазо чорасини қўллашга қуйидагилар ҳақлидирлар:

- Ўзбекистон Республикаси ерлардан фойдаланиш ва уларнинг муҳофаза этилишини назорат қилиш бўйича бош давлат инспектори ва унинг ўринбосарлари фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса - етти бараваригача миқдорда;

- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлари ерлардан фойдаланиш ва уларнинг муҳофаза этилишини назорат қилиш бўйича давлат инспекторлари фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса - беш бараваригача миқдорда жарима солишга.

7. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг "Ўзсувназорат" республика сув инспекцияси органлари - "Ўзсувназорат" республика сув инспекцияси органларига маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 74-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 75-моддасида (ирригация тармоқларидан олинadиган сув миқдорини ҳисобга олиш, шунингдек давлат сув кадастри юритишнинг белгиланган тартибини бузишга оид қисми), 76-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Қуйидагилар Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг "Ўзсувназорат" республика сув инспекцияси органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тариқасида маъмурий жазо чорасини қўллашга ҳақлидирлар:

- "Ўзсувназорат" республика сув инспекциясининг бошлиғи ва унинг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар сув инспекцияларининг бошлиқлари, сув инспекцияларининг катта инспекторлари - фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса - етти бараваригача миқдорда;

- Сув инспекцияларнинг туман инспекторлари - фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса - беш бараваригача миқдорда жарима солишга.

8. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сертификациялаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш давлат маркази органлари - Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сертификациялаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш давлат маркази органларига маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 104¹-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Қуйидагилар 104¹-модданинг биринчи қисмида кўрсатилган органлар номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тариқасида маъмурий жазо чорасини қўлланишга ҳақлидирлар:

- Қишлоқ хўжалик экинлари уруғларини сертификациялаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси бош давлат инспектори - энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача миқдорда;

- Қишлоқ хўжалик экинлари уруғларини сертификациялаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш бўйича давлат маркази инспекторлари, қишлоқ хўжалик экинлари уруғларини сертификациялаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш бўйича вилоятлар давлат инспекторлари - энг кам иш ҳақининг етти бараваригача миқдорда;

- Қишлоқ хўжалик экинлари уруғларини сертификациялаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш бўйича туманлар инспекторлари - энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солишга.

5. Қишлоқ хўжалик қонунчилигини бузганлик учун жиноий

жавобгарлик

Қишлоқ хўжалик қонунчилигини бузганлик учун жиноий жавобгарлик – бу жазо таҳдиди остида жиноят қонунида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмиш бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик тизимида, атроф табиий муҳитга ва унинг алоҳида компанентларига, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга, қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқариш сифати самарадорлигига, қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи фуқароларнинг қонуний манфаатларига таҳдид кўрсатувчи ҳар қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизликдир.

Қишлоқ хўжалик соҳасида содир этиладиган жиноий ҳуқуқбузарликлар давлатнинг қишлоқ хўжалигига оид сиёсатига, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига, аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабларини қондиришга, қишлоқ хўжалигида қонунчиликни таъминлашга жиддий путур етказди.

Қишлоқ хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарлик — айбдорнинг қонунга хилоф хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалик тизими ёки аграр соҳасига етказилган зарар, уни ривожлантиришга тажовуз қилиш, қишлоқ хўжалик тизимида олиб борилаётган ислохотларни чуқурлаштиришга путур етказиш ҳамда қишлоқ хўжалик соҳасидаги қонун ва талабларни бўзишда намоён бўлади.

Қишлоқ хўжалиги тизимида содир этиладиган ҳуқуқбузарлик субъектининг ҳуқуқий меъёрларга қарши қилган хатти-ҳаракати қасддан ёки эҳтиётсизликдан қишлоқ хўжалик тизимида, Ўзбекистон Республикаси манфаатларига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига ҳамда жамоатчилик учун хавфли бўлган ҳаракат оқибатидир.

Таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалик муносабатларини тартибга солувчи қонунларда жиноий жазо чоралари бевосита кўрсатилган бўлмайди. Демак, қишлоқ хўжалик қонунчилигини бузганликда жиноий жавобгарликни қўллаш учун қишлоқ хўжалик қонунлари нормалари билан биргаликда жиноят қонуни нормалари бузилган бўлиши ва шу ҳуқуқбузарлик учун Жиноят кодексида жазо чораси белгиланган бўлиши керак. Акс ҳолда жиноий жавобгарлик келиб чиқмайди.

Қишлоқ хўжалик қонунчилигини бузганлик учун жиноий жавобгарликни қўллашдан асосий мақсад ушбу ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, унга қарши курашиш ҳамда содир этилган жиноятлар учун тегишли жазо тайинлашдан иборатдир.

Қишлоқ хўжалик қонунчилигини бузганлик учун жиноий жавобгарликнинг моҳияти қуйидаги функцияларда намоён бўлади:

- тақиқловчи
- олдини оловчи
- рағбатлантирувчи
- огоҳлантирувчи

Тақиқловчи функция - жиноят содир қилган шахслар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини белгилаш орқали амалга оширилади, яъни қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт.

Олдини оловчи функция - жиноят ҳуқуқий тақиқларни бузиб, жиноят содир қилган шахсларга нисбатан жиноят ҳуқуқий таъсир кўрсатиш орқали амалга оширилади.

Рағбатлантирувчи функция - қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига оид манфаатларни ҳимоя қилишга мажбур этувчи иқтисодий-ҳуқуқий омиллар мавжуд бўлганда намоён булади. Жиноят қонунда зарарли оқибатлар келтириб чиқарса-да, ўз ҳаракатлари билан ўзларини, фуқаролар ва жамият манфаатларини ҳимоя қилган шахсларга нисбатан рағбатлантирувчи нормалар кўзда тутилади.

Огоҳлантирувчи функция - ҳуқуқбузарлик субъектларининг ҳаракатларига жазолаш ва зарарни қоплаш чораларини қўллаш йўли билан огоҳлантирув. Жиноят кодекси 2-моддаси, иккинчи қисмига кўра жиноят қонуни қандай ижтимоий хавфли қилмишлар жиноят эканлигини аниқлайди, ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган шахсларга нисбатан қўлланиши мумкин бўлган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини белгилаш йўли билан огоҳлантирилади.

Қишлоқ хўжалик қонунчилигини бузганлик учун жиноий жавобгарликни ўзига хос хусусиятларини қуйидагиларда кўришимиз мумкин:

Биринчидан, жиноят қонуни аниқ ижтимоий хавфли ҳаракатлар учун жавобгарликни назарда тутати. Масалан, сифатсиз маҳсулот чиқариш ёки сотиш.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалик қонунчилигини бузганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган Жиноят кодексининг норма диспозицияси бланкет диспозиция ҳисобланади. Бланкет диспозицияда муайян жиноят белгилари бўлмай, бошқа норматив актлар, яъни қонунлар, ҳукумат қарорлари ва фармойишлари, буйруқлар, инструкциялар ва бошқаларга мурожаат қилинади. Масалан, Жиноят кодекси 196-моддасида «Атроф табиий муҳитни ифлослантириш, яъни ерларни ифлослантириш ёки бузиш, сув ёки атмосфера ҳавосини ифлослантириш одамларнинг оммавий равишда касалланиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса» жавобгарлик назарда тутилади. Бу муносабатлар «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги, «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунлар ҳамда Ер кодекси билан тартибга солинади. Бланкет диспозицияни қўллаш учун бошқа норматив ҳужжатларнинг бузилганлигини аниқлаш лозим. Бланкет диспозиция қонунларни ихчамлаштириш ва амалда қўлланишини осонлаштириш учун зарурдир.

Учинчидан, қишлоқ хўжалик соҳасида содир этиладиган жиноятларнинг аксарият кўпчилиги маълум бир оқибат келтириб чиқарган бўлиши лозим. Масалан, «Ўсимликлар касалликлари ёки зараркунандалари билан кураш талабларини бузиш оғир оқибатларга сабаб булса» ёки «Ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш оғир оқибатларга сабаб бўлса» жавобгарлик назарда тутилади. Агар ушбу оғир оқибатлар юз бермаса қилмиш жиноят деб баҳоланмайди.

Тўртинчидан, қишлоқ хўжалик соҳасида содир этиладиган жиноятларнинг аксарият кўпчилиги мансабдор шахслар томонидан содир этилади.

Шуни таъкидлаш керакки, жиноий жавобгарликка тортиш учун қонунда курсатилган шарт-шароитлар вужудга келган бўлиши керак. Жиноий жавобгарликка тортиш учун қуйидаги шартлар мавжуд бўлиши лозим:

- 1) **ижтимоий хавфлилик**
- 2) **ҳуқуққа хилофлилик**
- 3) **айбнинг мавжудлиги**
- 4) **жазога сазоворлиги.**

Ижтимоий хавфлилик - жиноятнинг моддий белгиси бўлиб, унинг ижтимоий мавжудлигини аниқлаштириб беради. Бу ижтимоий хавфли қилмиш шахс, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказиш ёки зарар етказиш таҳдидининг вужудга келишида намоён булади.

Ҳуқуққа хилофлилик - бу қилмишнинг жиноят қонуни билан тақиқланганлигини англатади.

Айбнинг мавжудлиги - жиноятнинг зарурий белгиларидан бири ҳисобланади. Ижтимоий хавфли қилмиш шахснинг ҳаракат (ҳаракатсизлик) ва жиноий оқибатга (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидан) бўлган психологик муносабатини инобатга олган ҳолда жиноят деб тан олиниши мумкин.

Жазога сазоворлиги - бу ҳам ҳуқуққа хилофлилик сингари жиноий жавобгарликка тортишнинг асосий шартларидан биридир. Фақатгина жиноят қонуни билан тақиқланган ва жазога сазоворлик билан таҳдид солинаётган қилмишни содир этиш жиноят деб топилиши лозим.

Қишлоқ хўжалик қонунчилигини бузганлик учун жиноий жавобгарлик, жиноятнинг тўрт томонини, яъни субъект, субъектив томон ҳамда объект, объектив томонни қамраб олади.

Қишлоқ хўжалик соҳасида содир этилган жиноятларнинг субъекти булиб юридик ва жисмоний шахслар, чет эл юридик ва жисмоний шахслари ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик соҳасида содир этилган жиноятларнинг объекти бўлиб эса Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалиги тизими, ер, сув муносабатлари, қишлоқ хўжалик

махсулоти ишлаб чиқаришнинг сифати ва самарадорлиги, қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи фуқароларнинг қонуний манфаатлари ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида содир этилган жиноятларнинг субъектив томони бўлиб, субъектнинг қасддан ёки эҳтиётсизликдан, яъни ҳуқуқбузарликдан келиб чиққан оқибатга нисбатан булган руҳий муносабати тушунилади.

Аграр соҳада содир этилган жиноятлар субъектив томонининг хусусияти шундаки, улар бевосита содир этилган хатти-ҳаракатларнинг мотив ва мақсади билан ҳам ҳар доим боғлиқ булади.

Қишлоқ хўжалиги тизимдаги содир этилган жиноий хатти-ҳаракатлар оқибатида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тизимига етказилган моддий, маънавий ҳамда иқтисодий зарар ушбу жиноятларнинг объектив томони бўлиб ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги комплекс соҳа бўлганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги жиноятлар учун алоҳида бобёки бўлим киритилмаган. Аммо қишлоқ хўжалиги соҳасидаги жиноятлар жиноят кодексининг иқтисодиёт, хўжалик, экология соҳасидаги жиноятлар таркибида ўзининг ифодасини топган бўлиб, булар қуйидагилардан иборат:

1. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар. Буларга: Ўзлаштириш ёки растрата йули билан талон-тарож қилиш (167-модда); Мулкни қўриқлашга виждонсиз муносабатда булиш (172-модда); Мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш (173-модда); Сохта тадбиркорлик (179-модда); Банкротликни яшириш (181-модда); Солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан буйин товлаш (184-модда); Сифатсиз махсулот чиқариш ва сотиш (186-модда); Харидор ёки буюртмачиларни алдаш (187-модда) ва бошқалар.

2. Экология соҳасидаги жиноятлар. Буларга: Экология хавсизлигига оид нормалар ва талабларни бузиш (193-модда); Атроф табиий муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасддан яшириш ёки бузиб кўрсатиш (194-модда); Атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаслик (195-модда); Атроф табиий муҳитни ифлослантириш (196-модда); Ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш (197-модда); Экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилиш (198-модда); Ўсимликлар касалликлари ёки зараркундалари билан кураш талабларини бузиш (199-модда); Ветеринария ёки зоотехника қоидаларини бузиш (200-модда); Зарарли кимёвий моддалар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш (201-модда); Ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш (202-модда); Сув ёки сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларини бузиш (203-модда).

Қишлоқ хўжалик қонунчилигини бузиб жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан қуйидаги асосий жазолар

қўлланилиши мумкин:

- жарима;
- муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;
- аҳлоқ тузатиш ишлари;
- қамоқ;
- озодликдан маҳрум қилиш.

Қишлоқ хўжалиги республикамизнинг тарраққиёти ва ўсиш суръатларини ҳал қиладиган муҳим тармоқдир. Шу сабабли қишлоқ хўжалик қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик нормаларининг белгиланиши аграр соҳадаги ҳуқуқбузарликларни олдини олишда ва соҳани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда алоҳида ўрин тутади.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....

I - Боб. Кишлоқ хўжалик ҳукуки тушунчаси, предмети ва тизими.....

1. Кишлоқ хўжалик ҳукукининг тушунчаси ва предмети.....
2. Кишлоқ хўжалик ҳукукининг субъектлари ва объектлари.....
3. Кишлоқ хўжалик ҳукуки тизими.....
4. Кишлоқ хўжалик ҳукукининг ҳуқуқ тизимида тутган ўрни ва бошқа қондош ҳуқуқ тармоқлари билан ўзаро нисбати.....

II - Боб. Кишлоқ хўжалик ҳукукининг манбалари.....

1. Кишлоқ хўжалик ҳукукининг манбалари тушунчаси, хусусиятлари ва таснифи.....
2. Кишлоқ хўжалик ҳукукининг конституциявий асослари.....
3. Кишлоқ хўжалик ҳукукининг манбаи сифатида қонунлар.....
4. Қонун ости меъёрий ҳужжатларининг аграр муносабатларини тартибга солишдаги аҳамияти.....

III-Боб. Кишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш.....

1. Кишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг тушунчаси мақсади, йўналишлари ва хусусиятлари.....
2. Кишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг шакллари, тамойиллари.....
3. Кишлоқ хўжалигини тартибга солувчи давлат органлари тизими уларнинг асосий йўналишлари.....

IV-Боб. Кишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг ҳуқуқий ҳолати.....

1. Кишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг ҳуқуқий ҳолатига умумий тафсиф.....
2. Кишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)га аъзолик.....
3. Кишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)ни бошқариш.....
4. Кишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг мол-мулки.....
5. Кишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) фаолиятининг асослари.....

V- Боб. Фермер хўжалигининг ҳуқуқий ҳолати.....

1. Фермер хўжалиги тушунчаси, вужудга келиш асослари ва тартиби.....
2. Фермер хўжалигининг ердан фойдаланиш ҳукуки.....

3. Фермер хужалиги фаолиятини ҳукукий тартибга солиш.....
4. Фермер хўжалиги фаолиятини қайта ташкил этиш, тугатиш
асослари ва тартиби.....

VI - Боб. Дехкон хўжаликларининг ҳукукий ҳолати.....

1. Дехкон хужаликларининг ижтимоий-иқтисодий табиати
ва ўзига хос хусусиятлари.....
2. Дехкон хужалиги тушунчаси, вужудга келиш асослари ва тартиби.....
3. Дехкон хужалигининг ердан фойдаланиш ҳукуқи.....
4. Дехкон хужалиги фаолиятини ҳукукий тартибга солиш.....
5. Дехкон хужалигини тугатиш асослари ва тартиби.....

VII -Боб. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш ҳукуқи.....

1. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш
ҳукуқи тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари.....
2. Қишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланиш ҳукуқи
субъектлари ва объектлари.....
3. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш
ҳукуқи мазмуни.....
4. Қишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланиш ҳукуқини
ҳимоя қилиш.....

VIII-Боб. Қишлоқ хужалик корхоналари мулкнинг ҳукукий ҳолати.....

1. Қишлоқ хужалик корхоналари мулк ҳукуқининг ўзига
хос хусусиятлари ва турлари.....
2. Қишлоқ хужалигида мулкчилик муносабатларини ислох қилишнинг
асосий йуналишлари.....
3. Қишлоқ хужалик кооперативи (ширкат хужалиги) мол-мулки.....
4. Фермер хужалигининг мол-мулки.....
5. Дехкон хужалигининг мол-мулки.....

IX-Боб. Қишлоқ хужалик корхоналари молиявий фаолиятини ҳукукий тартибга солиш.....

1. Қишлоқ хужалик корхоналари молиявий муносабатларининг умумий
тавсифи.....
2. Қишлоқ хужалик корхоналарда солиқ муносабатлари. Ҳисоб –
китоблар ва ҳисобат.....
3. Қишлоқ хужалик корхоналарда банк ҳисоб – китоб ҳамда кредит
муносабатлари ва уларни ҳукукий тартибга солиниши.....

4. Қишлоқ хўжалик корхоналари иштрокидаги кредит муносабатлари.....

**Х -Боб. Қишлоқ хўжалигида меҳнат муносабатларини
ҳукукий тартибга солиш.....**

1. Қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнатни ташкил этишнинг ҳукукий шакллари.....
2. Қишлоқ хўжалигида иш вақти ва дам олиш вақти.....
3. Қишлоқ хўжалигида меҳнатни муҳофаза қилиш.....
4. Қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнат интизоми.....
5. Қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнат низоларини
ҳал қилиш тартиби.....

**ХІ-Боб. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида меҳнатга ҳақ тўлашни
ҳукукий тартибга солиш.....**

1. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида меҳнатга ҳақ тўлаш тушунчаси,
асосий тамойиллари ва хусусиятлари.....
2. Қишлоқ хўжалиги корхоналари ходимларига кафолатли ва
компенсация тўловлари тўлаш.....
3. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида меҳнатга ҳақ тўлашнинг турлари,
тизимлари ва шакллари.....
4. Қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарлари меҳнатига ҳақ
тўлаш тартиби.....
5. Қишлоқ хўжалик корхоналарида даромадларни тақсимлашнинг
ҳукукий асослари.....

**ХІІ- Боб. Қишлоқ хўжалигидаги шартнома муносабатларига
умумий тавсифнома.....**

1. Қишлоқ хўжалигида шартнома муносабатларининг тушунчаси.....
2. Қишлоқ хўжалик шартномаларини тузиш ва рўйхатдан ўтказиш
тартиби.....
3. Қишлоқ хўжалик шартномалари тарафларининг ҳуқуқ ва
мажбуриятлари.....
4. Шартнома мажбуриятларини бажариш тартиби,
бажармаганлик учун жавобгарлик ва бажарилиши
мониторингини олиб бориш.....
5. Қишлоқ хўжалик шартномаларининг алоҳида турлари
ва уларнинг хусусиятлари.....

**ХІІІ-Боб. Қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳуқуқларини
ҳимоя қилиш.....**

1. Кишлоқ хужалиги корхоналарининг ҳуқуқлари ва қонуни
манфаатларини кафолатлари.....
2. Кишлоқ хужалиги корхоналари ва тадбиркорларнинг ҳуқуқлари
ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган
юримдик механизмнинг умумий тавсифи.....
3. Кишлоқ хужалигига оид қонунларни бажарилиши устидан
прокурор назорати.....
4. Кишлоқ хужалиги корхоналари ва тадбиркорларининг
ҳуқуқ ҳамда қонуний - манфаатларини суд тартибида
ҳимоя қилиш.....
5. Кишлоқ хужалиги корхоналари низоларини талабнома
асосида қўриб ҳал қилиш.....

XIV-Боб. Қишлоқ хўжалик қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик.

1. Қишлоқ хўжалик қонунчилигини бузганлик учун
жавобгарлик тушунчаси.....
2. Қишлоқ хўжалик қонунчилигини бузганлик учун
мулккий жавобгарлик.....
3. Қишлоқ хўжалик қонунчилигини бузганлик учун
интизомий жавобгарлик.....
4. Қишлоқ хўжалик қонунчилигини бузганлик
учун маъмурий жавобгарлик.....
5. Қишлоқ хўжалик қонунчилигини бузганлик
учун жиноий жавобгарлик.....

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ҲУҚУҚИ

Коллежларнинг ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган
талабалари учун дарслик

Мухаррир:

Техник муҳаррир:

Компьютерда саҳифаловчи:

Босишга рухсат этилди ____ . Ҳажми: б.т. Қўғоз бичими %
Адади: Буюртма: №
ТДЮИ кичик босмахонасида босилди.

© Тошкент Давлат юридик институти, 2006 й.
Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўча, 35.